

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИ

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**



**“ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ
ИНТЕГРАЦИЯСИДА ИННОВАЦИОН
ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШ -
МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МУҲИМ
ОМИЛИ”**

мавзусидаги XV республика илмий-амалий конференцияси

МАТЕРИАЛАРИ

V қисм

(2018 йил, 2-3 июн)

Самарқанд-2018

“Таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясида инновацион технологияларни қўллаш-мамлакат тараққиётининг муҳим омили” мавзусидаги ёш олимлар, докторантлар, магистрант ва талабаларнинг анъанавий XV республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Самарқанд: СамДАҚИ нашри, 2018.

Ушбу тўпلامга конференция мавзусидан келиб чиққан ҳолда республикамизда Мустақиллик йилларида амалга оширилаётган шаҳарсозлик, архитектура, қурилиш, иқтисодиёт ва бошқа соҳаларни ривожлантиришнинг долзарб муаммолари, замонавий бунёдкорлик соҳасида олиб борилаётган илмий-амалий изланишлар натижалари, мулоҳазалар ва таклифлар киритилган.

Конференция материаллари Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти Илмий-техник кенгашининг қарори асосида нашрга тавсия этилди (Баённома № 9, 24.05. 2018).

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

1. С.И. Ахмедов СамДАҚИ ректори, таҳрир ҳайъати раиси;
2. Э.Х. Исаков Илмий ишлар бўйича проректор, таҳрир ҳайъати раис муовини;
3. А.Р. Рахимов Ўқув ишлари бўйича проректор, аъзо;
4. А.Х.Ражабов Молия ва иқтисод ишлари бўйича проректор,аъзо;
5. У.А. Хушвақтов Илмий ва илмий педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиғи, аъзо;
6. Л.Т. Ибрагимов “Ёш олимлар” Кенгаши раиси, аъзо;
7. Ф.А. Қосимова Иқтидорли талабалар билан ишлаш бўйича услубчи, аъзо.
8. О.Б.Хайитов Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи СамДАҚИ кенгаши бошланғич ташкилоти етакчиси

Масъул муҳаррирлар: У.А.Хушвақтов, Л.Т.Ибрагимов
Компьютерда саҳифаловчилар: Қосимова Ф.А., Бобоназаров А.Б.

Ушбу тўплам муаллифларнинг қўлёзмалари асосида ўзгартиришсиз тўлалигича нашрга тайёрланди ва чоп этилди.

С Ў З Б О Ш И

Мамлакатимиз иқтисодий тараққиётининг ўсиш суръатлари дунё ҳамжамияти томонидан юксак эътироф этилмоқда. Бу айни пайтда илм-фанни ривожлантириш, таълим соҳасини ислоҳ этиш, илмий ва инновацион фаолиятни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган кенг кўламли ислохотлар самарасидир.

Мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтиришнинг устувор йўналишларидан бири сифатида инновация ва интеграцияга асосланган ривожланиш йўлига ўтиш ишлари жадал равишда олиб борилмоқда.

Хусусан, бугунги илмий-анжумандан кўзланган мақсад Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3151-сонли “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 28 сентябрдаги 704-сонли “Олий таълим муассаларида илмий изланишлар олиб бораётган докторантлар ва иқтидорли талабаларни илмий-тадқиқот ишларига жалб этиш, ишлаб чиқариш корхоналари, илмий-тадқиқот ва лойиҳа институтларида тажриба-синов ишлари учун шароит яратишни такомиллаштириш тўғрисида”ги буйруғини амалга ошириш каби устувор вазифалар назарда тутилган.

Бундай эзгу ишларни босқичма-босқич амалга ошириш мақсадида ўтказилаётган **“Таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясида интеллектуал салоҳиятли ёшлар-мамлакат тараққиётининг муҳим омили”** мавзусидаги мазкур конференция фан-таълим тизимини инновацион ривожлантириш орқали баркамол авлодни вояга етказишга қаратилган саъйи-харакатлардан бири ҳисобланади.

Бугунги конференциянинг асосий мақсади ҳам олий таълими муассасаларида иқтидорли ва қобилиятли ёшларни илмий тадқиқот ишларига йўналтириш, ёшлар ўртасида ўзаро илмий-ижодий ҳамкорлик муҳитини ривожлантириш, ўзаро фикр-мулоҳаза ва тажриба алмашишлари учун шароит яратиб бериш, ёшларни фан-техника тараққиёти йўлида бирлаштириш ҳамда ёш олимларнинг илмий фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришдан иборатдир.

Ўйлайманки, анжуманда берилган таклиф ва тавсиялар республикамизда мазкур соҳаларни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур илмий-амалий конференция ишига мувафақиятлар тилаган ҳолда, Сизларга омад ва илмий изланишларингизга ривож тилайман, келажакда илм фан соҳасида улкан ютуқларни қўлга киритишингизга, ўз билимларингизни Ўзбекистон тараққиёти йўлида сафарбар қилишингизга ишонаман.

Султон Илясович Ахмедов
СамДАҚИ ректори

Чиқиндисиз ва кам чиқиндили технологиялар

*Бекназарова Г.Э., Номиров М.Н., Эшқобилов Ш.А.
Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти.*

Анотация: В этом исследовании изучается проблемы отходов, их влияние на окружающую среду и их обработку. Приводятся предложения по разработке современных методов утилизации отходов и разработки технологии малых отходов.

Калит сўзлар: Чиқиндисиз ва кам чиқиндили технологиялар, ишлаб чиқариш, табиий атроф-муҳит, ресурслар, энергетик ва механик ресурслар.

Бугунги кунда чиқинди муаммоси нафақат Ўзбекистонни балки бутун дунё аҳлини ташвишга солмоқда. Урбанизация жараёни жадаллашиб, шаҳарлар кенгаётган, аҳоли сони ўсаётган ва унинг эҳтиёжини қондириш учун миллионлаб турдаги товарлар ишлаб чиқарилаётган бир пайтда чиқиндиларни қайта ишлаш ва уларнинг утилизацияси энг катта экологик муаммолардан биридир. Саноат ишлаб чиқаришнинг атроф-муҳитга, инсон соғлиги ва турмуш тарзига таъсири XIX асрдан бошлаб жуда тез суръатлар билан шаклланиб, XX асрда мисли кўрилмаган даражага етди. Саноат корхоналари, хўжалик маиший хизмат корхоналаридан чиққан чиқиндилар йиллар давомида тупроқда, сувда ёки атмосфера хавосида ҳаракатланиб бир турдан иккинчи турга ўтиб туради. Шу сабабли чиқиндисиз ва кам чиқиндили технологияларни ишлаб чиқиш талаб этади. Чиқиндисиз технология – инсон эҳтиёжларини қондириш, билим, усуллар ва воситаларни амалда тадбиқ этиш, табиий ресурслардан ва энергиядан унумли фойдаланишни таъминлаш ва атроф-муҳитни муҳофазалаш демакдир. Чиқиндисиз технология – бу маҳсулотнинг шундай ишлаб чиқариш усулики, унда хом ашё, ишлаб чиқариш, истеъмол қилиш, иккиламчи хом ашё ресурслари даврида энергия ва хом ашёлардан унумли ҳамда комплекс равишда қўлланилади, табиий муҳитга етказилган ҳар қандай таъсир, унинг меъёр ҳолатидан чиқара олмайди.

Ушбу таърифга учта ҳолатни ажратиш мумкин:

1. Чиқиндисиз ишлаб чиқариш негизини инсон томонидан онгли равишда ташкил этилган ва ростланган техноген моддаларнинг айланиб туриши ташкил этади.

2. Хом ашё таркибидаги барча компонентлардан унумли фойдаланиш, иложи борица энергия ресурслари миқдоридан тўлароқ фойдаланишнинг мажбурийлигидир.

3. Чиқиндисиз технология табиий муҳитга таъсир қилиб, унинг меъёр ишлашига таъсир қилмасликдир.

Кам чиқиндили технология маҳсулот ишлаб чиқаришнинг шундай усулики, унда табиий муҳитга етказилган зарарли таъсир рухсат этилган санитар-гигиеник меъёрлардан ошмайди. Ишлаб чиқариш корхоналарида техник, ташкилий ва иқтисодий сабаблар туфайли хом ашёнинг маълум бир кичик қисми чиқинди бўлиб қолиши мумкин ва улар экологик хавфсиз жойларда сақланади ёки кўмилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, кам чиқиндили ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг асосий шarti – корхонада фойдаланишга яроқсиз чиқиндилар ва хусусан, захарли моддаларни зарарсизлантириш тизимининг мавжудлигидир. Чиқиндиларнинг миқдори ёки атроф-муҳитга етказадиган таъсири уларнинг рухсат этилган чегаравий концентрацияларидан ортмаслиги керак.

Шуни ҳам ёдда тутиш керакки, “Чиқиндисиз ва кам чиқиндили технологиялар” атамаси табиий ресурслар, хом ашёларга комплекс (ҳамма томонлама) ишлов бериш, ресурслардан унумли фойдаланиш, қўшимча (иккинчи даражали) маҳсулотлар, ишлаб чиқариш чиқиндилари, истеъмолга яроқсиз бўлиб қолган чиқиндилар, иккиламчи материаллар ресурслари, иккиламчи энергия ресурслари, иқтисодий зарар каби атамалар билан узвий боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикасининг “Чиқиндилар тўғрисида”ги қонуни 2002 йил 5 апрелда қабул қилинган бўлиб, чиқиндиларнинг фуқаролар ҳаёти ва соғлиғига, атроф-муҳитга зарарли таъсирининг олдини олиш, чиқиндилар ҳосил бўлишини камайтириш ва улардан хўжалик фаолиятида оқилона фойдаланилишини таъминлашнинг тартиб ва қоидалари белгилаб берилган.

Ишлаб чиқариш чиқиндилари – хом ашё қолдиқлари, материаллар ва ярим маҳсулотлар (полуфабрикатлар), сифат кўрсаткичларини қисман ёки тўла йўқотган ва давлат андозаларига мос келмайдиган чиқиндилардир. Уларга дастлабки ишлов берилиб, ундан кейин ишлаб чиқариш соҳасида қўллаш мумкин.

Истеъмолга яроқсиз чиқиндилар – қўллаш муддатини ўтаб бўлган материаллар, эскирган буюмлар ва уларнинг дастлабки хоссаларини қайта тиклаш иқтисодий нуқтаи назардан мақсадга мувофиқ бўлмаган чиқиндилар ҳисобланади. Масалан, пластмассадан тайёрланган буюмлар, стол-стуллар, қувурлар ва ҳ.к.. Бундай чиқиндилар хом ашё сифатида ҳам, бошқа материаллар учун қўшимча сифатида ҳам ишлатилиши мумкин.

Ёнилғи иккиламчи энергетик ресурслари гуруҳига технологик ўчоқлардан чиқадиган тутунли газларнинг физик иссиқликлари, материаллар оқимининг иссиқликлари, иссиқлик алмашинуви қурилмаларидан кейин совутувчи сувларнинг иссиқликлари ва бошқалар киради.

Механик иккиламчи энергетик ресурслари гуруҳига технологик жараёнларда пайдо бўладиган ёки қўлланиладиган сиқилган газларнинг энергияси киради.

Ишлаб чиқариш корхонасида чиқиндисиз технологияларни жорий этиш учун қуйидаги 5 та асосий принципларга амал қилиш керак:

1. Тизимлилик, яъни табиий, ижтимоий ва ишлаб чиқариш жараёнларнинг ўзаро алоқадорлиги ва бир-бирига боғлиқлигини таъминлаш.

2. Хом ашё ва энергетик ресурслардан ҳамма томонлама фойдаланиш, яъни ҳудудий ишлаб чиқариш комплекси миқёсидаги корхонанинг чиқиндисини бошқа корхоналарда қўллаш имконини яратиш.

3. Материаллар оқимининг даврийлиги, яъни ёпиқ сув ва газ айланма таъминотини яратиш ва ишлаб чиқаришни табиий муҳитга таъсирини чеклаш. Бу чучук сув, тоза ҳаво, ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсини муҳофаза қилишга катта ёрдам беради.

4. Табиий муҳитга ишлаб чиқариш таъсирини чеклаш, яъни табиий муҳитга етказиладиган таъсир, унинг сифат кўрсаткичларига таъсир кўрсатмаслигини ёки табиий муҳитнинг сифат кўрсаткичлари ўзгарса ҳам рухсат этилган чегаралардан ошмаслигини таъминлаш.

5. Чиқиндисиз ишлаб чиқаришни ташкил этиш самарадорлиги, яъни энергетик, технологик, иқтисодий, ижтимоий ва экологик омилларни инобатга олиш, табиий ресурслардан ҳамма томонлама фойдаланиш, ишлаб чиқариш ҳажмларини ўсишини таъминлаш ва иқтисодий зарарларни олдини олиш.

Маълумки, ишлаб чиқариш корхоналарида тозалаш иншоотлари ва чиқиндилар цехлари мавжуд бўлиб, пайдо бўладиган чиқиндилар атроф-муҳитдан ажратилади (четлаштирилади ёки кўмиб ташланади). Шуни ҳам инобатга олиш керакки, филтрлар ва бошқа тозалаш қурилмалари ёрдамида ушлаб қолинган ташламалар чиқиндилардан тўла-тўқис фойдаланиш муаммосини бартараф эта олмайди. Юқори тозалаш даражасига етиш учун катта маблағ сарфланади. Бундан ташқари, табиатни муҳофаза қилиш чоратадбирлари учун ажратиладиган маблағларнинг ортиши ишлаб чиқариш иқтисодий кўрсаткичларига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шунинг учун ҳам ашёлар ва энергия сарфини камайтириш ва улардан тўла-тўқис фойдаланиш учун кам чиқиндили технологияларга ўтиш катта иқтисодий даромад гаровидир.

Охирги йилларда жаҳонда ҳам ашё ўрнида чиқиндилардан фойдаланиш шиддат билан ўсиб бормоқда. Масалан, Японияда 96% дан кўпроқ ишлаб чиқариш чиқиндилари ҳам ашё ўрнида қайта қўлланилади. Иккиламчи ҳам ашёларга қайта ишлов бериш тажрибалари Германия, Болгария ва Польшада кенг ривожланиб бормоқда. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатларида 85% домен тошқоллари, 25% чўян ва 50% темир қотишмалари қайта ишланади.

Чиқиндилар билан курашиш ҳар биримизнинг вазифамиз. Фарзандларимиз учун ифлос дунёни эмас, балки тоза, ям- яшил келажакни барпо этиш ўз қўлимизда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. David C. Coleman (2010) Big ecology: the emergence of ecosystem science. University of California Press. Berkeley, Los Angeles, London - p. 236.
2. Сатторов З.М., Қурилиш экологияси /Дарслик / –Т.: 2017 йил – 364 б.
3. Sh.A.Eshqobilov “Ekologiya”, Multimediyalil ektron darslik, SamDAQI nashri, Samarqand, 2015. 693 Mg bayt.

Transport vositalarining ekologiyaga ta'sirini tadqiq etish va zararini kamaytirish choralari


*Qo'shoqov M.M. SamDAQI, Omonov M.B. SamDAQI
SamDAQI Qurilish fakulteti 3-bosqich talabasi S.Saidmurodova*

Butun jaxon, shu jumladan O'zbekiston Respublikasida ham avtomobillar soni juda tez sur'atda ko'paymoqda. Yil davomida jaxonda ekspluatatsiya qilinayotgan avtomobil transportlari soni 700 milliondan ortiq bo'lsa, shundan bir millionga yaqini Respublikamizga to'g'ri keladi. Jaxonda

hozirgi davrda bir yilda dunyo bo'yicha avtomobillar 3 milliard tonnadan ortiq yonilg'i yoqadi, natijada atmosferaga 800 mln. t. atrofida zaharli moddalar chiqaradi, jumladan 420 mln. t. SO, 170 mln. t. S_xN_u, 60 mln. t. NO_x, 17 mln. t. qurum va 0,6 mln. t. qo'rg'oshindir. Jaxondagi ko'pgina rivojlangan davlatlarda atmosferaning umumiy zaharlanishida avtomobil transportining ulushi salmoqli bo'lib 45-50% etmokda. Ma'lumotlarga asosan har bar avtomobil yiliga tashqi muhitga 800 kg SO₂, 220 kg SO va 40 kg NO gazi hamda bir qancha zaxarli moddalar chiqaradi [1]. SHu bilan birga avtomobil dvigatellarining ishlashi natijasida hosil bo'ladigan shovqin ham odamlarning salomatligiga salbiy ta'sir ko'rsatadi. Bugungi kunda olimlarning aniqlashicha avtomobildan chiqadigan qo'rg'oshin o'pka saratoniga sabab bo'lmoqda. Avtomobillarning atrof-muhitga zararli ta'siri yildan yilga ortib bormoqda va bu juda dolzarb ekologik muammo keltirib chiqarmoqda.

Barcha transport turlariga qaraganda atmosferaga zaxarli chiqindilarni chiqarish bo'yicha avtomobil transporti o'ta xavfli bo'lib, u ko'plab insonlar hayotiga zomin bo'lmoqda. Tadqiqotchi va ekspertlarning xulosalariga ko'ra, avtomobil transporti atrof-muhitga 80% miqdorida zararli chiqindilar chiqaradi, avtomobil transportining atrof muhitga bunday ta'siri insonlarning kundalik hayot faoliyatida avtomobillar yalpi sonining ko'payishi natijasidadir - deb qarash kerak.

Avtomobillarning harakat jarayonida va ATM korxonalarining ICHTN da hosil bo'ladigan iflosliklar (chiqindilar, to'kilmalar, sanoat axlati) nisbati hamda ularga ayrim avtomobil turlari va korxonalarining qo'shadigan xissasi 1-rasmda ko'rsatilgan.



1- rasm. Katta shahar avtotransport majmuasi tomonidan atrof muhitni ifloslash manbalari va balansi.

Boshqa mamlakatlarda xam shunga o'xshash ma'lumotlar olingan. Masalan, Finlyandiyada transport vositalari harakatlenganda chiqadigan chiqindilarning 77% i engil avtomobillarga to'g'ri keladi; AQSHda 67%, yuk avtomobillari va avtobuslarga esa -33%, shu jumladan kam yuk ko'taruvchi va kam sig'imli, benzinlilarga -22%, o'rta va katta yuk ko'taruvchi, benzinlilarga -4%, dizelli yuk avtomobillari va avtobuslarga -7% [1].

Agarda avtomobilsozlikning yillik o'sishi o'rtacha 6-8 foizni tashkil etilishi nazarda tutilsa, unda yaqin yillarda Jizzax shahar hududida transport vositalarining atrof muhitga ta'sirining o'sishi va buning natijasida saraton kasalligi ortishi mumkin.

Oddiy hisob-kitoblarga ko'ra avtomobilsozlikning o'sish darajasi ko'cha-yo'l tarmog'ining o'sishi sur'atidan oshib ketishi yuqorida keltirilgan muammolarni echishda sifat echimlarni topishni talab qiladi.

Qo'yilgan vazifalarni Jizzax shahri misolida quyidagicha hal qilish maqsadga muvofiqdir:

- ko'cha-yo'l tarmoqlarining tasnifiga muvofiq ravishda transport vositalari harakatining tirbandligi hosil bo'lish sabablarini va uning tasniflarini aniqlash;

- ko'chalarda avtomobillardan chiqadigan zararli va zaxarli moddalarning ta'sir qilish chegarasini aniqlash;

- avtomobillarni ta'mirlash va yuvish shaxobchalarining ishlash jarayonidagi tashqi muhitga chiqadigan chiqindilar miqdorini aniqlash;

kutiladigan natijalar:

- transport vositalarining to'xtab turish joylarini tanlashga, ularning tasniflariga qo'yiladigan talablarni yaqin va istiqboldagi avtomobillashtirish darajasini hisobga olgan holda, avtomatik tarzda boshqarish mezonlari ishlab chiqiladi;

- ko'chalarda avtomobillardan chiqadigan zararli va zaxarli moddalarning ta'sir qilish chegarasi aniqlanib, tavsiyalar ishlab chiqiladi;

- avtomobillarni ta'mirlash va yuvish shaxobchalarining ishlash jarayonidagi tashqi muhitga chiqadigan chiqindilar miqdori aniqlanib, zararni kamaytirish bo'yicha tashkiliy, texnikaviy va ilmiy asoslangan tavsiyalar ishlab chiqiladi.

Transport vositalarining atrof muhitga salbiy ta'sirini kamaytirish, ko'rsatayotgan muammolarni hal qilish borasida Jizzax viloyat Ichki ishlar boshqarmasi yo'l harakati xavfsizligi boshqarmasi hamda barcha manfaatdor bo'lgan tashkilotlar bilan birgalikda avtotransport korxonalar rahbarlari, haydovchilar va aholining ekologik ma'daniyatini shakllantirish bo'yicha chora-tadbirlar ishlab chiqqan holda hal etilsa maqsadga muvofiq bo'ladi.

Avtomobillarning ekologiyaga ta'siri

Qo'shaqov M.M, Omonov M. SamDAQI, Ravshanov F. SamDAQI Qurilish fakulteti 3-bosqich talabasi

Butun dunyo, shu jumladan O'zbekiston Respublikasida ham avtomobillar soni juda tez sur'atda ko'paymoqda. Dunyo bo'yicha hozirgi kunda bir yilda taxminan 700 milliondan ortiq avtomobillar ekspluatatsiya qilinayotgan bo'lsa, shundan bir millionga yaqini Respublikamizga to'g'ri keladi.

Sanoatning rivojlanishi va avtomobillar sonining uzliksiz oshib borishi zaharli to'g'ri keladi). Buning natijasida rivojlangan davlatlarda atmosferaning umumiy zaharlanishida avtomobil transportining ulushi 45-50% ga etmokda. Hisob-kitoblarga qaraganda bitta avtomobil bir yilda tashqi muhitga 800 kg SO₂, 220 kg SO va 40 kg NO gazi hamda bir qancha zaxarli gazlar chiqaradi.

Avtomobillarning zaharli chiqindilari soniga quyidagilar kiradi: oltingurt dioksidi va qo‘rg‘oshin birikmalari - 1- xavfli sinf; azot dioksidi va aldegidlar - 2- xavfli sinf; qurum - 3- xavfli sinf; uglerod oksidi va uglevodorodlar - 4- xavfli sinf.

Zaharli moddalar uchun chegaraviy joiz to‘yinganlik darajasi belgilangan (CHJT) (PDK) (1 jadval):

Modda	Benzin	Dizel yonilg‘isi	CHJT _{i,m}	CHJT _{uk}	CHJ T _{m,b}
Uglerod oksidi (SO)	200	45	20,0	3,0	5,0
Uglevodorodlar (C _x H _y)	80	55	100,0	1,5	5,0
Azot oksidi (NO _x)	25	35	2,0	0,04	0,08
Oltingugurt dioksidi(SO ₂)	2	4	10	0,05	5
Qo‘rg‘oshin birikmalari	225.10 ⁻³	-	0,0003	0,0003	0,5
Qurum (S)	-	8	4,0	0,005	0,01-0,15

- ishchi mintaqasida (CHJT_{i,m});

- aholi yashaydigan joylarning atmosferada o‘rtacha kundalik (CHJT_k);

- aholi yashaydigan joylarning havosida, maksimal bir martali (CHJT_{mb}).

Standartlarda ko‘rsatilgan chiqindilarning me‘yoriy miqdorlari bilan olingan natijalarni taqqoslash yangi yaratilayotgan konstruksiyalarning ekologik ko‘rsatkichlarini baholashga imkon beradi.

Qo‘yilgan vazifalarni quyidagicha echish talab qilinadi:

transport vositasining ekspluatatsiya jarayonini tashkil etilishi;

- ekologik ko‘rsatkichlari yaxshilangan yonilg‘i, moy va ekspluatatsiya materiallarini ishlatish;
- zamonaviy texnologik jixozlarni qo‘llagan holda TXK va JT texnologik jarayonini to‘g‘ri tashkil etish;
- harakat tarkibini yo‘lda ishlatish samaradorligini oshirish;
- ekspluatatsiya materiallarini va yonilg‘i, moy mahsulotlarini hisobga olish va me‘yorlashni mukammallashtirish;
- o‘t oldirishning ilg‘or usullarini qo‘llash va avtomobillarni garajsiz saqlash;
- yonilg‘i va moy mahsulotlarini tashish, saqlash va quyish jarayonlarini mukammallashtirish;
- oqava suvlarni tozalash, ishlab chiqarish chiqindilarini yig‘ish va qayta ishlash;
- xodimlar malakasini oshirish;

ADABIYOTLAR:

1. Bosh maqsadimiz-keng ko‘lamli islohotlar va modernizatsiya yo‘lini qat’iyat bilan davom ettirish

Prezident I. Karimovning 2012- yilning asosiy yakunlari va 2013- yilda O‘zbekistonni ijtimoiy va iqtisodiy rivojlantirishning ustivor yo‘nalishlariga bag‘ishlangan O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi majlisidagi ma‘ruzasini o‘rganish bo‘yicha o‘quv qo‘llanma. Toshkent 2013 yil.

2. Avtomobillarning texnik ekspluatatsiyasi: OO‘YUlar uchun darslik. Qayta ishlangan va to‘ldirilgan 4-chi nashri. / E.S. Kuznetsov, A.P. Boldin, V.M. Vladov va boshqalar. – M.: Nauka, 2004. 535 b.

3. Avtomobil va traktor dvigatellari: OO‘YUlar uchun darslik. Qodirov S.M., Nikitin S.E. – T.: O‘qituvchi, 1992. – 520 b.

Экология фанини ўқитишда янги педогогик технологиялар ва инновациялардан фойдаланиш

*Боймуродов Х.Т., Иззатуллаев З.И., Олимова Д.А.
Самарқанд давлат университети*

Экологик таълим ва тарбия XXI аср шахсини шакллантириш жараёнининг ажралмас қисми ҳисобланади. Атроф табиий муҳитни ҳимоя қилиш ва тиклаш инсониятнинг сақлаб қолиши имкониятининг салмоқли мезонига айланиб бормоқда.

Экологик қонуниятларнинг бузилишини тўхтатишга фақатгина жамиятнинг ҳар бир аъзосини таълим сифатини ошириш, уларнинг экологик асосларини ўрганиши орқали, экологик маданиятни керакли даражага кўтариш билангина эришиш мумкин.

Ўзбекистоннинг барқарор ривожланишини таъминлаш ҳозирда таълим олаётган ёшларга боғлиқ ва баркамол юксак маданиятли шахсни шакллантиришда экологик таълимни ривожлантиришнинг аҳамияти беқиёсдир.

Ушбуни эътиборга олиб, ҳозирги кунда Самарқанд давлат университетида 5630100 – Экология ва атроф муҳит муофазаси (фан ва таълим) бакалавр ва 5А630102 – Экология (тармоқлар ва соҳалар бўйича) магистр тайёрланмоқда.

Ёшларнинг атроф – муҳит ва табиатдан фойдаланиш соҳасида маҳаллий, миллий ва ҳалқаро миқёсидаги муаммо ва масалаларни ҳал қила олишлари учун экологик таълимга янги талаблар қўйилмоқда.

Яқин келажакда бошқарув, илм – фан, маданият, таълим ва тadbirkorлик соҳаларида фаолият олиб борадиган олий ўқув юртлари талабларига атроф – муҳит, табиатдан фойдаланишга тўғри муносабатни шакллантириш алоҳида аҳамиятга эга.

Ўзбекистоннинг университетларида экология фани ўқитилаётганига 20 йилдан ошди. Ўтган вақт ичида соҳага оид бир қанча махсус дарслик ва ўқув қўлланмалар яратилди.

Маълумки ҳозиргача мактабда ва ўрта махсус таълим тизимида экология таянч предмет бўлиб ҳисобланмайди. Фақатгина олий ўқув юртларида экологик таълим мажбурий ва Давлат таълим стандартларининг 2 блок предмети ҳисобланади. Курсга ажратилган соатлар университетда 64 соатни ташкил қилади. Бунда маъруза 30 соат амалий машғулот 34 соат мустақил таълим 60 соатни ташкил қилади.

Ҳозирги вақтда анъанавий таълим жараёнининг таркиби ва мазмуни жиддий ўзгаришларга учрамоқда. Глобал интернет тармоғи ва аҳолини ёппасига компьютерлаштириш, телевидение ва ахборот технологиялари талабалар янги авлоди менталитетини тубдан ўзгартириб юборди.

Компьютер билан ишлаш янги авлодга ахборотни монитор экранидан санокли сонияларда яхлит қабул қила олиш имкониятини берди. Лекин, шунинг билан бирга талабаларда тизимли фикрлаш ва оғзаки нутқ кўникмалари сусайиб кетди. Айрим тадқиқотчиларнинг фикрларига кўра ҳозирги талабаларнинг билим даражаси 15 – 20 йил илгаридан паст. Уларда мантикий фикрлаш суств ривожланган, таҳлил қилиш, сабаб – оқибат алоқаларини кўра билмаслик ва уларни нутқ ёрдамида эркин баён қила олмаслик кузатилади. Гуруҳда мунозара санъати ва она тилини етарлича даражада билиш етишмайди. Талаба ҳозирда Интернетда ўзини эркин ҳис қилади, аммо минбарга чиқиб гапиришдан, очиқ баҳс юритиш ва фикрларини баён қилишдан тортинади.

Европанинг янги таълим мезонлари бўйича олий ўқув юртларида оғзакидан ёзма имтиҳонларга ўтиш айрим салбий тенденцияларни кучайтиради. Фақатгина талабаларни фаол ўқитиш услублари, шу жумладан махсус ва ролли ўйинлар, семинар – тренинг дарс жараёнига татбиқ қилиш ижобий натижалар бериши мумкин. Анъанавий таълим янгисидан бутунлай устун деб бўлмайди. Кўп йиллардан бери фаол дарс услубларидан фойдаланиб келаётган педогоглар бор. Ҳозирда дарс жараёнида талабалар фаоллигини янада оширишга эришиш лозим. Бу қўшимча ўз устида ишлаш, ўзига мос келадиган янги педогогик технологиялар, интерфаол усулларни ўзлаштиришни талаб қилади. Олий мактабда таълим ҳозирги кунда асосан ўқитишнинг пассив усуллари асосида олиб борилади. Олий таълим соҳасида фаол ўқитиш усулларини ривожлантириш давр талаби ҳисобланади.

Экология курсидан сабоқ берадиган ҳар бир малакали профессор – ўқитувчининг бу вазифани ҳал қилишга кўмак берувчи ўқув – методик комплексида махсус қўлланмалар, машқ тўпламлари, тестлар, электрон материаллар бўлиши лозимдир. Ҳозирда илғор педогоглар электрон почта, интернет тармоғи орқали масофавий таълимни амалга оширилмоқда. Онлайн коммуникацияси ҳозирги ўқув методик комплексининг ажралмас қисмига айланиб қолди.

Ўқув методик комплекснинг таркибий қисмлари ҳажман ихчам бўлиши лозим. Қисқа ўқув қўлланмасидан талабалар материалларни асосий мазмунини олишлари керак. Ҳозирга келиб профессор – ўқитувчилар маърузаси ҳам қисқарди ва мустақил таълимга кўпроқ ўрин бермоқдалар. Янги ўқитиш тизимида маърузага 20 – 25 % вақт ажратилади, қолгани амалиёт, ёзма иш, мустақил ишга берилади. Мустақил иш биринчидан навбатда тафаккур, мантиқ, турли таҳлилий ёзма ишлар тайёрлашдан иборат бўлади.

Янги педогогик технологияларни ўқув жараёнига татбиқ этиш босқисма – босқич амалга оширилиши лозим. Ушбу қўлланмалар ўқув жараёнини фаоллаштиришга хизмат қиладиган материаллар, топшириқлар, тестлар, саволлар, фойдаланилган сайтлар, ўқув фильмларига кенг ўрин берилган. Қўлланма экология курсининг Дастури (1 – илова) асосида ёзилган. Барқарор ривожланиш таълими масалаларига, амалиёт билан боғлиқ материалларга алоҳида ўрин берилган.

Университетларда экология курсини ўқитиш учун ҳозирда етарлича адабиётлар (Дастурда келтирилган) мавжуд. Шунинг учун биз ишланмаларни

алоҳида мавзулар бўйича кенгрок, қолганларини қисқача бердик. Университет талабалари учун экология курсида мустақил таълимни амалга оширишда асосан, ўқув қўлланма, тавсия қилинган адабиётлардан фойдаланилса бўлади. Ўқув қўлланмасидаги топшириқларни тўла бажариш қўшимча манбаларга мурожаат қилишни талаб қилади. Муаммоли ўқитиш экологик таълимда алоҳида аҳамиятга эга. Лекин уни амалга ошириш учун профессор – ўқитувчилари ҳам, талабаларда ҳам зарур кўникмалар бўлиши зарур. Маълум муаммони ҳал қилишда қўйидаги босқичларни ажратиш мумкин:

- муаммони англаш, қарама – қаршилиқлар моҳиятини тушуниш;
- берилган шартлар асосида илмий фараз – гипотезани таърифлаш;
- гипотезани исботлаш;
- умумий хулосалар.

Муаммоли маърузани талабалар учун ҳам кўп жиҳатдан асосланган, яхши ўрганилган масалалар билан боғлиқ мавзуларда танлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Energiya va ekologiya *Shodiyev A.A. SamDAQI*

Bugungi kunda energiyaga bo'lgan talabning ortib borayotganligi barchaga ma'lum. Shunday ekan energiyaga bo'lgan talabni qondirish maqsadida ishlab chiqilgan bir qancha usullar mavjud. Bu usullardan energiyaning qanday turidan foydalanish bilan bog'liq ravishda energiyaga bo'lgan talabning qondirilishi yetarlicha o'z yechimini topgan.


Bugungi kunning muhim talablaridan yana biri bu ekologiya va atrof muhitni asrashdir. Ekologiya va atrof muhitni asrash esa o'z navbatida har birimizning burchimiz hisoblanadi. Shunday ekan elektr energiyasi biz uchun qanchalik muhim bo'lsa ekologiya va tabiatni asrab qolish ham shunchalik muhim hisoblanadi. Elektr energiya ishlab chiqarish sohasining ba'zi turlari ekologiyaga jiddiy salbiy ta'sir ko'rsatmoqda. Shu sababdan energiya ishlab chiqarish sohasida yangi ekologik toza energiya manbalarini izlab topish va mavjud ekologik toza energiya manbalaridan foydalanishni keng ko'lamda yo'lga qo'yish masalalarida ilmiy izlanishlar olib borilmoqda. Albatta, bunday ilmiy izlanish va tadqiqotlar elektr energiya ishlab chiqarishda o'z samarasini bermogda.

Mavjud energiya manbalarining kashf etilgani va undan foydalanish yo'lga qo'yilganiga hali ko'p vaqt bo'lmadi. Shunday bo'lishiga qaramasdan butun dunyo miqyosida elektr energiyasi ishlab chiqarishda olib borilgan ilmiy izlanishlar natijasida foydalanib kelinayotgan va foydalanish mumkin bo'lgan elektr energiya manbalarining yillik o'rtacha quvvati va ishlab chiqarilishiga qarab quyidagi turlarga ajratish mumkin:

1. Okean va dengizlarning to'lqin mavjlaridan foydalanib energiya olish **0.2 – 2 TVt (teravatt)**
2. Geotermal – yer haroratidan foydalanish yordamida energiya olish **0.3 – 2 TVt**
3. Gidro elektr stansiyalaridan (GES) olinadigan elektr energiyasi **3 – 4 TVt**

4. Biogaz – o'simlik va chiqindilarni achitish yo'li bilan olinadigan energiya **2 – 6 TVt**
5. Shamol quvvatidan olinadigan energiya **25 – 70 TVt**
6. Tabiiy gazdan gaz turbinalari yordamida olinadigan energiya **215 TVt**
7. Neft va neft mahsulotlaridan olinadigan energiya **240 TVt**
8. Uranni nurlantirishdan olinadigan energiya **90 – 300 TVt**
9. Ko'mir yoqishdan olinadigan energiya **900 TVt**
10. Quyosh nurining yergacha yetib keladigan bir yillik quvvati **23000 teravattni** tashkil qiladi.

Energiya turlarining taqqosiy tahlili



Bugungi kundagi butun dunyo elektr energiya iste'moli, olimlarning hisoblash natijalariga ko'ra yiliga **16 teravattni** tashkil etmoqda. Yuqorida qisqacha tanishib chiqilgan energiya ishlab chiqarish turlarining afzalliklari va shu bilan birgalikda kamchiliklari haqida qisqacha so'z yuritadigan bo'lsak respublikamiz hududida keng miqyosda foydalanish mumkin bo'lgan eng optimal energiya manbalari ma'lum bo'ladi.

Okean va dengiz to'lqin mavjlaridan respublikamiz hududida foydalanish imkoniyati deyarli yo'q, birinchidan, mamlakatimiz hududida dengizlarning yo'qligi bo'lsa, ikkinchidan, energiyaning bu turini foydali ish koeffitsienti kamligi.

GESlardan olinadigan elektr energiyasi respublikamizda ishlab chiqariladigan elektr energiyasining (**12300 MVt** dan) **11,5% (1415 MVt)** ni tashkil qiladi. Mamlakatimiz hududidagi daryolarning GESlar qurib foydalanish mumkin bo'lgan joylari ham unchalik ko'p emasligi va foydali ish koeffitsienti kamligi sababli bu usul ham hududimiz uchun bir qancha noqulaylik tug'diradi.

Shamol quvvatidan olinadigan energiya turini mamlakatimiz hududi uchun baholaydigan bo'lsak, mamlakatimizning barcha hududlarida ham doimiy shamolning mavjud emasligi, shamol quvvatidan foydalanishdagi asosiy noqulaylikni tug'diradi. Ustunligi shamol energiyasi mamlakatimizning tog'li qir adir va hokazo doimiy shamol mavjud bo'lgan hududlarida juda qo'l keladi.

Tabiiy gaz va ko'mir yoqish (Respublikamizdagi IESlarning FIK **30 – 35%**) orqali olinadigan elektr energiyasi respublikamizda ishlab chiqariladigan elektr

energiyasining (**12300 MVt** dan) **86%** (**10578 MVt**) ni tashkil qiladi. Qulayligi mamlakatimizda yoqilg'i sifatida tabiiy gazning potentsiali **85%**ni tashkil etadi. Kamchiligi esa ularni yonishidan hosil bo'lgan qoldiq gazlarni atmosferaga chiqishi va atmosferani zaharlashi oqibatida ekologiyani o'zgartirib yuborayotganligidir.

Uranni nurlantirish orqali olinadigan elektr energiyasining foydali ish koeffitsienti yuqori quvvati ancha quvvatli bo'lishi bilan birgalikda uning kamchiligi esa uran elektr stansiyasini sovitish uchun yirik suv havzasi (dengiz) talab qilinadi, bizda esa bunday suv havzalarining yo'qligi va uran stansiyasining o'ta qizib ketishi agarda ozgina nosozligi tufayli radioaktiv nurlanish atmosferaga yoki suvga tarqalishi tirik organizimlar uchun jiddiy xavf hisoblanadi.

Mamlakatimizda biogaz energiyasidan foydalanish juda qo'l keladi, chunki ekologik toza bo'lgan bu energiya tabiatda shu paytgacha yaroqsiz deb hisoblangan chirindi o'simlik qoldiqlari hayvonlarning nurilarini maxsus achitish texnologiyasi yordamida olinadi. Biogaz energiyasining boshqa energiya turlaridan farqi har bir oila biogaz energiyasi texnologiyasi yordamida yakka tartibda bu energiya turidan foydalanish imkoniga egaligi biogaz energiyasining afzalligi hisoblanadi.

Mamlakatimiz hududida qo'llanilishi mumkin bo'lgan eng qulay, arzon va doimiy mavjud bo'lgan quyosh energiyasidan foydalanish ancha samarali bo'ladi. Mamlakatimizda bir yil 365 kundan o'rtacha hisobda 300 kuni quyoshli, jumladan, respublikamiz umumiy yer maydonining (**448900 km²** dan) **70%** (**314230 km²**) cho'llardan iborat. Quyosh nurining yerdagi **1 m²** yuzaga to'g'ri keluvchi quvvati, respublikamiz hududi uchun **834,6 Vt/m²** (Yevropada bu ko'rsatgich **893 Vt/m²**) ga teng. Hozirda polikristall kremniy asosidagi quyosh elementlarining FIK 18 – 20 % monokristall kremniy asosidagi quyosh elementlarining FIK 22 – 24 % quvvat hisobida **150 – 200 Vt/m²** ni tashkil etyapti. Yuqoridagi barcha fikrlarni inobatga olib minimal hisoblaydigan bo'lsak respublikamiz cho'l hududlariga to'g'ri keluvchi quyosh energiyasi quvvati **47134.5 – 62846 GVt** ni tashkil etadi, bu esa hozir amaldagi **12300 MVt** energiyadan **3832 – 5019** marta ko'p. Yuqoridagi elektr energiya turlarining taqqosiy tahlili va respublikamiz uchun taqribiy hisoblash natijalariga tayanadigan bo'lsak bu o'z o'zidan quyosh energiyasidan foydalanish yuqori istiqbolli bo'lishi ko'rinib turibdi.

Xulosa o'rnida shuni aytish mumkinki, respublikamizning barcha hududlarida foydalanish qulay va arzon hamda ekologik toza bo'lgan eng optimal energiya turi bu biogaz bilan quyosh energiyasi hisoblanadi.

Atmosfera havosini muxofaza qilish

Rajabov.Q., diyorov. A. – Termiz davlat universiteti

Atmosfera yer sharining havo qobig'I bo'lib, biosferada hayot mavjudligini taminlovchi asosiy manbalardan biridir. Atmosfera barcha jonzotlarni zararli kosmik nurlardan himoya qilib turadi, sayyora yuzasidagi issiqlikni saqlaydi. Atmosfera havosi o'z-o'zini tozalash xususiyatiga ega. Yog'ingarchiliklar havo tarkibidagi iflos moddalarni yuvib turadi, shamol esa ifloslovchi moddalarni bir joydan ikkinchi joyga ko'chiradi. Tuproqqa va suv tarkibiga tushib qolgan iflos

moddalar ma'lum vaqt o'tgandan so'ng reaksiyaga kirib , natijada neytrallashib qoladi . Bu jarayonlarning barchasi tabiiy holda kechadi . Agar atmosferada o'z-o'zini tozalash jarayoni bo'lmaganda edi , yer sharida havo juda ifloslanib , hayot kechirish uchun xavf vujudga kelgan bo'lar edi . Atmosfera havosi tarkibida azot-78.1% , kislorod 20.9% , argon va boshqa inert gazlar 0.95% , karbonad angidrid 0.03% mavjud . Bundan tashqari atmosfera havosida doim 3-4% suv bug'lari , chang zarralari mavjud . Atmosferadagi uzoq vaqtdan beri asosiy gazlarning nisbatan doimiy miqdorlari mavjud bo'lib , so'nggi yillarda inson tasirining kuchayishi natijasida gazlar balansining o'zgarishi kuzatildi . Atmosferadagi gazlar doimiy miqdori o'zgarishi sayyoramizning o'rtacha harorati 0.5 c ga oshganligi malum va parnik effekti natijasida yer yuzi o'rtacha haroratining o'zgarishi og'ir ekologik oqibatlarga olib kelishi mumkin . Har yili yer yuzasida yonish jarayonlariga qo'shimcha 10 mlrd tonnadan ortiq kislorod sarflanadi . Biosferada kislorodni tiklovchi manbalar-yashil o'simliklar maydonining tez qisqarib borayotganligi hisobga olsak , kelajakda kislorodning kamayishi muammosi yuzaga kelishi shubhasizdir . Atmosferaning 20-30 km oralig'ida joylashgan o'ziga xos himoya qobig'I ozon qatlamining siyraklashuvi ham dolzarb ekologik muammolardan hisoblanadi . Ozon qatlami insonlar va barcha jonzotlarni quyoshning ultrabinafsha nurlarining zararli tasiridan himoya qiladi .

Atmosferaning suniy ifloslanish manbalariga energetika , sanoat korxonalari, transport ,maishiy chiqindilar misol qilsak bo'ladi . Hozirgi kunda atmosferaning suniy ifloslanish darajasi oshib bormoqda . Atmosferaning suniy ifloslanishida avtomobil transporti 40% ,energetika sanoati 20% , sanoatning boshqa tarmoqlari 14% ni tashkil qiladi . Qishloq xo'jaligi ishlab chiqarishi , maishiy kommunal xo'jaligi va boshqalar hissasiga esa suniy ifloslanishning 26% i to'g'ri keladi . Inson faoliyati natijasida atmosferaga karbonad angidrid , oltingugurt dioksidi ,metan ,azot oksidi chiqarilmoqda . Aerozollarni ishlatishda atmosferaga xlorfftor ,uglerodlar , transportdan foydalanishda uglevodorodlar chiqarilmoqda . Sanoatlashgan katta shaharlarda atmosfera havosining ifloslanishida avtomobillar 90% ini tashkil etmoqda . Atmosfera havosining ifloslanishida dunyo sanoat tarmoqlarining ham ulushi katta ayniqsa , IESlarda foydalanilgan yoqilg'I to'la yonib tugamaydi , natijada atrofda ko'plab gazlar , chang , qurum , qattiq zarrachalar va radioaktiv moddalar chiqaradi . Sanoatdan atmosferaga chiqayotgan chiqindilarning 30% IESlar hissasiga to'g'ri keladi . Atmosferaning ifloslanishida tog'-kon sanoatining ishtiroki ham sezilarli . Qora va rangli metallurgiya korxonalari asosan Toshkent va Navoiy viloyatlarida joylashganinini aytsak ushbu korxonalardan atmosferaga jami chiqindilar miqdori 123.6ming tonnani shundan 95 ming tonnasi yoki 77% ini oltingugurt dioksidi tashlik etadi . Bunday korxonalardan ushbu tarmoqqa xos bo'lgan maxsus zararli moddalardan og'ir metallar aeorozollar , sulfat kislotasi , tsionid va ftoridlar atmosferani ifloslamoqda . Atmosfera ifloslanishi tufayli chang , qurum , qattiq zarralar va ba'zi gazlarning tasirida binolar , inshootlar , metallar yemiriladi , qadimiy tarixiy yodgorliklar nuraydi . Atmosferaning ifloslanishi natijasida juda ko'p og'ir kasalliklar vujudga kelmoqda , insonlar jismoniy va ruhiy kasalliklarga uchramoqda . Atmosfera havosining ifloslanishidan qishloq xo'jaligi ekinlari katta zarar ko'radi. Qishloq xo'jalik ekinlarining qurib yoki kam hosilli bo'lib qolishidan tashqari , ekinlar hosilining tarkibida inson uchun foydali elementlar kamayib , zaharli moddalar

miqdori ko'payadi . Atmosfera ifloslanishi ayrim , chunonchi , yarim o'tgazkichlar o'ta aniq priborlar , vaktsina va antibiotiklar ishlab chiqarishni juda qiyinlashtirib yubordi . Chunki ular faqat toza havoli rayonlarda ishlab chiqariladi . Atmosfera havosini muxofaza qilish uchun maxsus chora-tadbirlar ishlab chiqish zarurdir . Atmosfera ifloslanishining oldini olish uchun zavod , fabrikalardan tutun chiquvchi trubalarni balandroq qurish kerak . Tutun chiqaruvchi trubalar qancha baland bo'lsa , iflos chang va gazlar shuncha keng maydonga yoyilib , konsentratsiyasi kamayadi . Sanoat korxonalarida atmosfera chiqayotgan zararli moddalarni tozalovchi inshootlar qurish . Bunda atmosferani ko'plab ifloslovchi chang , qurum , tutun va zaharli moddalarni atmosferaga chiqarishdan oldin ularning ta'sirini yo'qotadigan tozalash inshootlarini barpo etish , ushlab qolishga va ulardan qayta foydalanishga erishish kerak . Korxonalarda atmosferani ifloslovchi chang va gazlarni elektr filtrlar va boshqa tozalovchi inshootlar orqali tutib qolish atmosferani toza saqlash bilan birga katta iqtisodiy foyda ham keltiradi . Atmosfera havosini toza saqlashning yana bir yo'li sanoat korxonalarida , kommunal xo'jalikda ishlab chiqarish texnologiyasini o'zgartirish kerak yani chiqindisiz texnologiyani joriy etish kerak . Atmosfera havosini toza saqlashda sanoat obyektlarini geografik sharoitga qarab joylashtirish muhim ahamiyat kasb etadi . Yirik sanoat obyektlarini va kommunal korxonalari alohida sanoat zonasida , uy-joylar massivlaridan tashqarida qurish kerak .

Bizning maqsadimiz shuki atmosfera havosini ifloslanishdan saqlashda shahar va qishloqlar havosini sog'lomlashtirishda yani yashil o'simliklar maydonini kengaytirish zarur . Chunki yashil o'simliklar iflos havoni filtrlaydi , barglarida changni ushlab qoladi , tirik organizmlar yashashi uchun zarur bo'lgan kislorodni ishlab chiqaradi . Shahar va sanoat markazlarida ko'proq keng bargli o'simliklar xususan archa, qarag'ay, chinorni ekish zarur u ko'p miqdorda o'zida changni ushlab qoladi . Atmosfera havosini musaffoligini saqlash har birimizning burchimiz bo'lmog'I lozim .

Экологик маданиятни шакллантиришда сувга булган муносабат

З.Ш.Яздонов

СамДУ “Фалсафа” кафедраси ассистенти.

Маълумки , Ер юзининг тўртдан уч қисмини, инсон вужудининг ўртача 70-80 фоизини сув ташкил этади. Шу рақамларнинг ўзиёқ табиат ва инсондаги сувга бўлган эҳтиёжнинг чексизлигидан далолатдир.

Яхши яшаш учун одамга жуда кўп нарса керак. Бироқ тирикликни таъминлаб турувчи шундай мухим омиллар борки, уларсиз ҳаётни бир лаҳза ҳам тасаввур этиб бўлмайди. Улар: сув, ҳаво, қуёш нури. Хайриятки, бу неъматлар бепул ва бисёр. Уларни яратиш учун одамият заҳмат ва меҳнат сарфламаган. Бироқ бу дунёда чексиз-чегарасиз нарсанинг ўзи йўқ. Ҳамма нарсанинг меъёри, миқдори мавжуд.

Кексалар ҳамиша: «Сувни исроф қилма, болам. Сувнинг уволи тутса - ёмон тутади» дейишади. Маълумотларга кўра, ҳозирги пайтда дунё бўйича ҳар йили 3 миллиондан ортиқ киши тоза сув ичмаслик оқибатида касалликка чалиниб, қурбон бўлаяпти. Умуман сув билан боғлиқ сабаблар туфайли касалланаётганлар сони 1,2 миллиардни ташкил этади.

Бугун мамлакатимизда сувга муносабат қандай? Ундан фойдаланиш маданияти қай даражада? Сувни тежаш, асраш, уни софлигича сақлаш учун нима қиляпмиз? АҚШдек ривожланган мамлакатда ичимлик суви махсус идишларда сотилади. Одамлар сувни граммлаб, ёки литрлаб сотиб олиб ичадилар. Бошқа жуда кўплаб давлатларда ҳам ахвол шунақа. Биз-чи? Сарфлаётган сувимизнинг ҳисобини ҳеч ўйлаб кўрганмизми? Биргина тиш ювиш жараёнида қанча сув жўмракдан беҳуда оқишини-чи?

Тошкент шаҳрида ҳар киши учун бир кеча-кундузда сарфланган сувнинг миқдори ўртача 370 литрни ташкил этади. Демак, пойтахт аҳолисини таъминлаш учун йилига 324 миллион куб метр сув керак. Бу сувнинг қанчаси зарурий эҳтиёжлар учун ишлатиляпти, қанчаси беҳуда исроф бўляпти? Дунёда сувга ташна юртлар озмунчами?

Қадимда араб ва Африка мамлакатларида одамлар тоғдан эриб тушган қор-ёмғир сувларини мешоб орқали олиб келиб гумбазсимон қурилган махсус сардобаларда тўплаб, келаси баҳоргача фойдаланишган. Сувнинг тозалигини асраб туриш учун эса ўзларининг қимматбаҳо тилла буюмлари ва тақинчоқларини ўша сувга солиб қўйганлар. Демак, улар сувнинг баҳосини, кадрини олтиндан баланд тутганлар.

Бир нарсага шукр қилиш керак: халқимиз сувнинг ва ернинг тилини тушунган миришкор, мироб халқ. Тасаввур қилинг: бундан минг йиллар илгари бобокалонимиз Аҳмад Фарғоний сув сатҳини ўлчовчи нилометр асбобини кашф этган ва уни Қоҳира яқинидаги Равзо оролида синаб кўрган. Қизиқ, ўша пайтда сув сатҳини ўлчаш зарурати нимадан келиб чиққан бўлиши мумкин? Бундан мақсад-сувнинг миқдорини сатҳига қараб ўлчаш ва уни суғориладиган майдонларга текис тақсимлаш бўлганлиги табиий, албатта. Демак, халқимиз қадимда ҳам сувни худа-беҳуда сарфламаслик чораларини кўриш хусусида бош қотирган

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам Андижонни: «...Тўққиз тарнов сув кирар ва бул ажабким бириси ҳам қайтиб чиқмас эрди...»¹ дея таърифлаганда юртдошларнинг миришкорлиги ва сувга нисбатан тежамкорлигига ишора қилган. Огаҳий ва Мунис ҳам сувнинг барча сирини синоатларини «сув қилиб ичган» мироб ва мумтоз шоирлардир.

Демак, халқимиз гидротехника соҳасида катта тарихга, чуқур билим ва бой тажрибага эга. Унда нима учун бугунга келиб сув муаммолари кўндаланг бўлиб қолди? Бу муаммоларни ҳал қилиш йўллари борми? Шу каби бизни ўйлантираётган саволларга жавоб топиш мақсадида гидротехник олим, техника фанлари доктори Дилшод Бозоровга мурожаат қилдик. Олим шундай дейди:

- Инсон организмидаги қон ҳаракати унинг мавжудлигини белгиласа, сув ҳам бутун табиатнинг тириклигини таъминлайдиган воситадир. Айниқса, Марказий Осиёдек иссиқ бир минтақада жойлашган бизнинг республикамизда сувнинг қадри жуда ҳам баланд. Қолаверса, биз маълум маънода донор (сув оладиган) республика ҳисобланамиз. Чунки асосий дарёларимиз Амударё ва Сирдарё Афғонистон, Туркменистон,

¹ З.М.Бобур . Бобурнома. - Т.: «Фан», 1993 йил. 206 -бет .

Қирғизистон, Қозоғистон ва Тожикистон ҳудудларидан ўтиб келади. Сув бўйича қабул қилинган халқаро меъёрларда сув ҳеч қайси мамлакатнинг мулки ҳисобланмайди: аслида келишиб, режалаштириб ишлатилса, мавжуд сув ҳаммамизга етади. Бироқ сув захираларининг ҳатто дарёларнинг ўзида ҳам кескин камайиб бораётганлиги ҳақиқат. Шунинг учун суғориш тизимини такомиллаштириш, сув ресурсларининг тежамкорлик даражасини ошириш, мавжуд гидротехник иншоотлардаги камчиликларни бартараф этиш, суғориш иншоотларини эксплуатация жараёнидаги ҳаражатларини камайтириш соҳасида республикамизда жуда кўп илмий-амалий ишлар олиб борилмоқда ва яна бу ишлар ривожланиши керак.

Биз бу жараёни суғориш майдонларини кенгайтириш, табиий чўлларни зўрма-зўраки ўзлаштириш йўллари билан бирмунча тезлаштириб юбордик. Энди бир тасаввур қилинг, бугунга келиб Афғонистондаги 4 миллион гектарга яқин майдонни суғориш ва афғон халқини фойдали меҳнатга жалб қилиш муаммоси кўндаланг бўлиб турибди. Демак, Амударё сувига талабнинг ошиши табиий. Узимизнинг республикамизда 2,3 миллион гектар ер Амударё сув ҳавзасидан, 2 миллион гектар майдон эса Сирдарё ҳавзасидан сув ичади². Демак, сувни сунъий йўллар билан камайтириш мумкин. Сув захираларини сунъий йўллар билан кўпайтириш-чи? Бунинг ҳам иложи борми? Сунъий йўллар десак, унчалик тўғри бўлмайди. Лекин кўпайтиришнинг иложи бор. Масалан, Қорақум канали орқали Ашгабадгача сув олиб борилди. Йўлда фильтрация, яъни сувларнинг қумга сингиб кетиш жараёни ниҳоятда кучли. Агар шу жараёни йўқотиш ёки камайтириш бўйича чора-тадбирлар қилинса, биз шу каналдаги сув сарфини камида 30-40 фоизга тежаб қолишимиз мумкин. Шунингдек, Жиззах ва Сирдарё вилоятларига катта қийинчиликлар билан сув олиб келинади. Лотокларнинг икки ёнида 50-60 метрлик масофада сув исроф бўлиб, ер ботқоққа айланиб ётибди. Агар шу исрофгарчиликка чек қўйилса, сувнинг 50 фоизи иқтисод қилиниши мумкин. Жаҳон банкининг 2001 йилги ахборотномасида ҳам Ўзбекистонга кириб келаётган чучук сувларнинг тахминан 60-70 фоизи фойдаланилмасдан оқава сувларга қўшилиб кетаётгани қайд этилган.

Ҳозирги кунда шу муаммоларни чуқур ўрганиш ва ҳал қилиш ниятида Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалиги механизациялаштириш инженерлари институти (ТИҚХМИИ) қошида сув ресурслари ва гидроинформатика маркази ташкил этилди. Бу марказга «Умид» жамғармаси орқали АҚШнинг Колорадо штатида таҳсил олиб қайтган ёш мутахассис Жусуп Казбеков раҳбарлик қилаёпти ва АҚШ билан ҳамкорликда тузилган лойиҳа асосида иш олиб бораёпти. Марказнинг мақсади - ЮСАЙИД-табиат ресурсларидан мукаммал фойдаланиш дастурида белгиланган ишларни амалга оширишдан иборат. Ҳозирги кунда 20 дан ортиқ АҚШ ва Европа университетлари билан узвий алоқа ўрнатилиб, улар билан ҳамкорликда Амударё ва Сирдарё сув ҳавзаларида гидротехника соҳасида фаолият кўрсатаётган мутахассисларимизнинг малакаси оширилаяпти.

² www.google.uz

Хуллас, бугун сув муаммоси бутун дунё халқларини, олимларни ташвишга солмокда. Шундай экан, танамиздаги қонни қандай асрасак, ичаётган сувимизни ҳам шундай асрашимиз керак эмасми?!

“Маълумотларга қараганда, республикада йилига 2,9 миллиард кубу сув ишлатиларкан. Шунинг 92 фоизи қишлоқ хўжалиги, қолгани эса энергетика, саноат ва бошқа соҳаларга сарф бўларкан”³. Ушбу рақамлардан англашиладики мамлакатимизда сувга бўлган эҳтиёж анчайин юқори. Лекин сув манбаларининг 80 фоизи четдан, фақат 20 фоизи ўзимиздан келади. Бир қарашда оддийдек туюладиган ушбу масала ечими аслида каттагина меҳнату харажат талаб қилади. Хўш, биз ичимлик сувидан қандай фойдаланяпмиз?...

Араб мамлакатларида йил - ўн икки ой иссиқ ҳаво кузатилиши бизга маълум. Шундай бўлсада, ушбу минтақада бир киши бир кеча кундузда 70 литр ичимлик суви сарфларкан. Европа давлатларида эса бу кўрсаткич 180 литрни ташкил этади. Биздачи? Айтайлик, Тошкентда хонадонларнинг жиҳозланганлигига қараб, киши бошига бир суткалик меъёр 90-330 литр этиб белгиланган. Ҳақиқатда 700 литргача сув ишлатилади. Ачинарлиси шундаки, ана шу об-ҳаётнинг каттагина қисми эҳтиёж учун эмас, балки беҳудага оқиб кетаяпти. Мисол учун эрта тонгда тишларни тозалаш, юз-қўлни, кийим-кечакларни ювиш жараёни атиги беш дақиқа давом этса, тахминан 20-21 литр сув исроф бўлади. Энди буни 560 минг абонентдан иборат Тошкент шаҳри хонадонлари бўйича ҳисобласак, шу муддатда уйлардан 11 миллион 648 минг литр сув шунчаки оқиб чиқиб кетиши мумкин экан... Чунончи, пойтахт аҳолисига бир кеча кундузда 2,3 миллион куб метр ичимлик суви етказиб берилади. Шунча миқдордаги сувни истеъмолга яроқли ҳолга келтиришга эса ўрта ҳисобда 10 тонна аччиқ тош, 2 тонна хлор, 820 минг кв.соат электр қуввати сафланади. Бу жами 40 миллион сўм харажат деганидир.

Хулоса қилиб айтганда сув ресурсларидан рационал фойдаланиш аҳолининг экологик онги ва маданиятини юксалтириш бугунги куннинг долзарб муаммосидир.

**Инсон танаси аъзолари номларидан ясалган, миллий қадриятларни
ифодаловчи фразеологик иборалар ва уларнинг француз тилида
ифодалаш усуллари**

Г.И.Ахадова, Р.Абдуллаев СамДАҚИ 2 босқич талабаси

Маълумки, ҳар бир миллатнинг урф одатлари, миллий қадриятлари бошқа бир миллатларникидан тубдан фарқ қилади. Бундай фарқларни биз фразеологик ибораларда яққол кўришимиз мумкин. Бундай фразеологизмлар бош компонентлари конкрет тана аъзолари номи билан ифодаланган отлардан ва тобе компоненти феъллардан ясалади ва тилшуносликда соматизмлар номи билан юритилади. Соматик фразеологизмлар семантикасидаги кўчирма маъно ҳар икала компонент орқали ифодаланади. Ўзбек миллий қадриятларини ифодаловчи бундай фразеологик ибораларни бошқа сўзлар билан изоҳлаш мумкин. Ўлар кўпинча бир неча синонимларига

³ Ўзбекистон Республикаси атроф-муитни муҳофаза қилиш тўғрисидаги маъруза.- 2011-2015 йиллар. - Т.: “Чинор” ЭНК.

хам эга бўлиши мумкин. Масалан, «бел боғламоқ» иборасини «бирор ишни қилишга, бажаришга шай бўлмоқ, ғайрати кўзимок, ахд қилмоқ» каби иборалар орқали ҳам ифодалаш мумкин. Қуйида инсон танаси аъзолари номи билан ясалган, ўзбек миллий кадриятларини ифодаловчи фразеологизмлар ва уларнинг француз тилида ифодаланиш усулларини кўриб чиқамиз.

Француз тилида функционал муқобиллари мавжуд соматик фразеологизмлар оламни идрок қилишдаги бир хил ассоциациялар мавжудлиги туфайли ҳар иккиала тилга хос; Бундай фразеологизмлар маъно жиҳатидан бир хил функционалликка эга бўлсалар-да, ҳар иккала тилда ҳам бошқа лисоний бирликлар орқали ифодаланади:

1. *Бир оёғи тўрда, бир оёғи гўрда бўлмоқ.* Equivalents: *Avoir un pied à l'interieure de la maison, l'autre dans la tombe; Il s'agit d'un vieux qui est plus mort que vif; vieux comme Adame; une vieille sempiternelle.*

2. *Бозор кўрган эчки.* Il s'agit d' une chèvre plusieurs fois vendue. Au sans figuré il s'agit d'un homme plus expérimenté de la vie. Equivalents:- *vieux routier; un vieux lapin.*

3. *Бошини иккита қилмоқ.* Mot á mot: faire la tête de q.un double. L'expression exprime le sens du verbe *marier q.un*

4. *Бош ёрилса, дўнни остида.* Mot á mot: Si la tête est fendue elle est sous la calotte. Equivalent: *laver son linge sale en famille.*

5. *Боши боғлиқ бўлмоқ* Mot á mot: avoir la tête liée. Ўзбек миллий кадриятларидан бирини ифодаловчи бу фразеологизмни дастлаб изоҳли таржима усулида берамиз: Dans le passé le marieur liaient un mouchoir á la tête de jeune fille pour la designer qu'elle est la fiancé de leur famille. Equivalent: *marier la jeun fille.*

Француз тилида эквиваленти мавжуд бўлмаган соматик фразеологизмлар. Бундай фразеологизмлар одатда фақат изоҳли таржима усулида берилиши мумкин:

6. *Боши қоронғи бўлмоқ-* Mot á mot: Avoir noir dans sa tête. Le désir fort d'une femme enceinte de manger q.ch.

7. *Бўйига қараб тўн бичмоқ.* Mot á mot: tailler l'habit comptant la taille de qn. L'expression exprime la nécessité accomplir une affaire parcimonieusement, avec économie.

8. *Елкаси ерга тегмаслик.* Mot á mot: Ses épaules ne touché jamais á la terre. Il s'agit d'un champion de sportif "kurach" qui est invincible.

9. *Елкаси чопон кўрмаган-* Mot á mot: Un homme qui n'a pas eu jamais un habit sur ses épaules. Il s'agit d'un homme très pauvre qui ne mérite ni la consideration, ni la déférence .

10. *Елканинг чуқури кўрсин* - Mot á mot: Que la fosse de mes épaules voit celá. C'est á dire , avoir envie de ne pas voir qn et qch. pour jamais.

11. *Кўз тегмоқ-* Mot á mot: toucher par les yeux. Equivalent aux verbs: *envouter, jeter un sort á qn., avoir l'oeil.*

12. *Қош кўяман деб кўз чиқармоқ/* Mot á mot: Pour noirsir les sourcils á qn endommager(gáter) les yeux. Equivalent de l'expression : *rendre á qn un mauvais service.*

13. *Оғзига талқон солиб олмоқ*- Mot á mot: Mettre la farine d'avoine dans sa bouche. Il s'agit d'un homme qui s'est tu au moment nécessaire. Faire la petite bouche; demeurer bouche close. Mettre un cachet sur la bouche

14. *Оғзига туфламоқ*- Mot á mot: cracher á la bouche de qn. Au paravant les ecclésiastiques crachaient á la bouche des enfants pour qu'ils devenaient les hommes célèbre comme eux. Dans nos jours on emploie cette expression au sens ironique pour désigner la ressemblance de qn á qn.

15. *Пешонаси шўр бўлмоқ*- Mot á mot: avoir un front salé. On emploie cette expression pour désigner un homme qui a dans sa vie beaucoup de chagrins.

Ўзбек миллий қадриятларини ифодаловчи фразеологик бирликларни француз тилига ўгиришда муқобилликнинг қуйидаги турларини аниқладик:

1. Оламни идрок қилишдаги бир хил тасаввурлар натижасида ҳар икала тилда бир хил лексик образли воситалар билан ифодаланувчи фразеологизмлар: *Бурнидан ип ўтказиб олмоқ*- *diriger qn par le bout du nez*. *Қўлини ҳалолламоқ* -Mot á mot: faire proper les mains d'un garçon. Eqv.: *faire la circoncision*. Бундай фразеологизмлар жуда камчиликни ташкил қилади.

2. Оламни идрок қилишда бир хил тасаввурлар турлича лексик бирликлар орқали ифодаланадиган фразеологизмлар:

Бир оёғи тўрда, бир оёғи гўрда бўлмоқ- *Avoir un pied á l'intérieure de la maison, l'autre dans la tombe; plus mort que vif; vieux comme Adame; une vieille sempiternelle*.

Бозор кўрган эчки- - *vieux routier; un vieux lapin*.

3. Оламни идрок қилишда фақат ўзбек миллий қадриятларини ифодаловчи, француз тилида муқобили мавжуд бўлмаган фразеологизмлар. Уларни изоҳли таржима усулидаи француз тилига ўгиришга уриндик. *Томоғи тушмоқ*- *se baisser le larynx*. L'expression exprime bruler(altérer) d'une envie manger qch. S'emploie au sens: *baver, saliver; avaler sa salive pensant de qch*. *Елкаси чопон кўрмаган*- Un homme qui n'a pas eu jamais un habit sur ses épaules. Il s'agit d'un homme très pauvre qui ne mérite ni la consideration, ni la déférence. *Елканинг чуқури кўрсин* - C'est á dire, avoir envie de ne pas voir qn et qch. pour jamais.

4. Ўзбек тилидаги бир неча компонентли фразеологик бирликлар француз тилида биргина лисоний бирликка ва унинг синонимларига муқобил бўла олишлиги аниқланди: *Қўли эгри*- avoir les mains courbes, tortus. Il s'agit d'un voleur. *Оёғи тоймоқ*- se soustraire; s'abstenir de déparer, glisser du vois raisonnable. S'emploie au sens: *dévier de; s'écarter; se soustraire*. *Хулоса қилиб айтганда бундай фразеологик бирликлар миллатнинг асрлар давомида унинг жамияти билан тилининг ривожланишига боғлиқ ва миллий урф одатлар, ананалар уларда ўз аксини топган*.

Тупроқни муҳофаза қилиш — ҳозирги замоннинг жаҳоншумул муаммоси.

Л.Азизова. СамДУ “Фалсафа” кафедраси катта ўқитувчиси.

Р.Омонов “Фалсафа” кафедраси ассистенти.

Тупроқ - ернинг жонли организмлар ва ўсимликлар ризқ олиб, ҳаёт кечирадиган юқори қатламдир. Бу шунчалик оддий қатлам бўлиб қолмасдан,

одамзоднинг онгли меҳнати-ковлаши, ҳайдаши, чопиқ қилиши, экиш учун эгат олиши, суғориш натижасида ўсимликни ўсиш ва ривожланиши учун қулай шароит юзага келтирадиган унумдор сочилувчан ҳолга келган ер қатламидир.

Тупроқ муқаддасдир. Ҳа, инсоннинг киндик қони тўқилган жой ҳам шу тупроқдадир. Ота-боболаримиз улуғ аجدодларимизнинг хоки қўйилган жой ҳам ана шу азиз тупроқдир.

Маълумки «Авесто»да аждодларимизнинг ер-тупроқ, умуман, дунёдаги жамики эзгулик-инсон манфаати ва жамият тараққиёти йўлида хизмат қиладиган ақл-идроқ ва бадиий тафаккур мевалари, мақол ва маталлари, диний-фалсафий ақидалари, илмий дунёқарашлари мужассамлашган.

Қадимий Шарқда, Туронзаминда «Авесто» ғоялари таъсирида заминни муқаддас билиш, табиатни эъзозлаш, табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш, исрофгарчилликка йўл қўймаслик каби ҳислатларни мадҳ этувчи достонлар, эртақлар, асотирлар, нақллар, ривоятлар, афсоналар, афороизмлар бор. Зеро, ерни севиб, ардоқлаш, унинг қадрига етиш аждодларимиздан, Зардуштийлик ва ислом динидан қолган меросдир. «Ер куни ҳаракати 1970 йилдан бошлаб анъанавий тарзда нишонланиб, у қарийиб 35 йилдан бери давом этмоқда. Ҳаракат ўз сафига миллионлаб кишиларни бирлаштирди. Ер куни ҳаракати 1990 йилдан янада фаоллашди, унда 1970 йилдагига қараганда 10 баробар кўп киши қатнашди. Бу ҳол атоф-муҳит муҳофазаси ҳақидаги ғамхўрлик бутун жаҳон ташвишига айланганлигидан далолат беради. Ҳозирги пайтда экологик ҳаракат ташкилий жиҳатдан мустаҳкамланди. Унинг ижтимоий таъсирчанлиги анча ортди. «Ер куни - 2005» ҳаракатининг мавзуси «Фарзандларимиз ва келажагимизни муҳофаза қиламиз», деб номланди. Шу куни кўп мамлакатларда барқарор ривожланиш мақсадига йўналтирилган турли хил тадбирлар ўтказилди.»⁴

Дарҳақиқат, мислсиз бойлик ҳисобланган ерни эъзозлаганнинг, ерни тўйдирганнинг умри нурафшон, ризқи мўл, икки дунёси обод бўлиши ҳақидаги қанчадан-қанча халқ мақоллари, эртақлар, достонлар ва қўшиқлар асосида яратилган. Ўзбек халқ оғзаки ижодиётининг барча жанрларида она-замин улуғланган. Тарихимизда ернинг қадрига етишга даъват этувчи халқ оғзаки ижодиёти намуналари жуда кўп: «Ер дон, дехқон — хазинабон», «Дехқоннинг хазинаси — ер», «Ер — бойликнинг онаси, меҳнат - унинг отаси», «Ер эл билан обод, эл ер билан обод», «Ерли бўлмагунча, молли бўлмайсан», «Ер тўйдиради, ўт куйдиради», «Еринг бўлса - еярсан, тоғинг бўлса тўярсан», «Ер олган - кўкаради, ер сотган - қақраяди», «Ерни тепма жони бор, уриб турган қони бор».

Бобоқалонларимиз борлиқ табиатни севиш, уни асраш, чиройига чирой қўшиш, ён-атрофни кўкаламзорлаштириш, боғ-роғларга айлантиришни эзгулик, она-ерни севиш, ардоқлаш, деб тушунганлар. Дарҳақиқат, она-ерни мўътабар билиб, эъзозлаган боғ-бўстонлар барпо этган, ариқ қазиб сув келтирган, дарахт экиб мева етиштирган. Жаннатий ҳисобланган, Ахура

⁴ Биохилма-хиллик ва иқлим ўзгариши муаммолари (Илмий –назарий семинар материаллари) 22 сентябрь 2010. Тошкент Фалсафа ва ҳуқуқ институти. .2010.

Мазданинг олқишига сазовор бўлган, эл-юртнинг шон-шарафига бурканган, дуо олган. Бу ҳақда қанчадан - қанча ривоятлар, ҳикматлар сақланиб қолган.

«Авесто» бўйича она-заминни эъзозлаган, кўчат экиб боғ яратган кишининг меҳнати зое кетмайди, Ахура Мазданинг инояти-рахматига, эл-юрт олқишига сазовор бўлади, деган ғоя ҳозир ҳам ўз аҳамиятини тўлалигича сақлаб келмоқда. Яхши ният билан меҳнат қилган, умрининг сўнги онларида ҳам дарахт экканлар эзгуликлари ажрини албатта кўради.

Табиат бойликларидан кўр-кўрона эмас, балки оқилона, одилона, тежамкорлик асосида фойдаланиш, атроф-муҳитни муҳофаза этиш зарурлиги асосида фойдаланиш, атроф-муҳитни муҳофаза этиш зарурлиги ва муҳимлиги хусусида бундан қарийб уч минг йил олдин «Авесто»да баён этилган ғоялар узоқ ўтмишдан бошлаб ҳозирга қадар дунёдаги барча олиму фузалоларга, сайёрамиздаги жамики халқларга қўлланма бўлиб хизмат қилмоқда.

Маълумки инсон фаолиятида заминдан оқилона фойдаланиш ва тупроқни муҳофаза қилиш табиий захираларни қўриқлаш ҳамда улардан фойдаланиш муаммоси алоҳида ўрин тутади.

Вақтни бошқариш инсоннинг муваффақиятга эришиш калитидир

М.Н.Бобоқулова – СамДАҚИ “Касб таълими” кафедраси катта

ўқитувчиси

Р.Шобоева – СамДАҚИ 1-босқич магистранти

Вақтдан унумли фойдаланиш доимий равишда инсонни безовта қилади. Чунки, барча инсонлар ҳам белгиланган муддатга мувофиқ олдига қўйган мақсадларни амалга ошира олмайдилар.

Кимдир кам куч сарфлаш орқали муваффақиятларга эришади, кимдир эса кўп куч йўқотиш ҳисобига паст натижа кўрсаткичига эга бўлади. Шу боисдан ҳам вақтдан унумли фойдаланиш масаласи психологик муаммо сифатида бошқарув фаолиятимизда учраб туради.

Вақтдан унумли фойдаланиб муваффақиятга эришишнинг сири нимада?

Онгимизни тўғри йўналтириш – вақтдан унумли фойдаланишнинг энг мақбул йўлидир:

Мақсадни тўғри кўя билиш тафаккуримизнинг фаоллашувига олиб келади ва қисқа вақтда кўзланган натижага эришилади.

Инсонларни муваффақиятли ҳаракат қилувчи ёки муваффақиятсиз ишловчи шахслар тоифасига ажратишимиз мумкин

Муваффақиятли ишловчи инсонларнинг сири вақтдан унумли фойдаланиш уқувига эгалигидадир

“Аниқ мақсадли инсон хатто энг оғир йўлни ҳам босиб ўтади. Мақсади йўқ инсон эса, хатто энг силлиқ йўлда ҳам жойидан силжимайди”- деган эди **Томас Карлейль**

Вақтдан унумли фойдаланиш инсон тафаккурига боғлиқ жараён дир.

Инсон тафаккури орқали фикрлайди, муаммо пайдо бўлганда эса, фикрлаш жараёни фаоллашади.

Муаммони бартараф этиш учун ҳаётий кўникмалар, яъни кундалик ҳаётдаги вазифаларни самарали ҳал қилишда инсонга зарур бўладиган

ижобий ҳатти-ҳаракатлар мажмуи зарур. Ижобий ҳатти-ҳаракатларига инсон маданияти, ахлоқи, хулқ авори, соғлом турмуш тарзи каби шахсий категорияларни мисол қилиб олиш мумкин.

Инсоннинг шахсий фаолиятидаги муаммоларини ўз вақтида бартараф этиш учун вақтдан унумли фойдаланиш ва вақтни бошқариш маҳорати эгалланса яхши натижаларга эришади ва бу “Тайм менежмент” деган тушунча билан изоҳланади.

Тайм менежмент - бу ўз шахсий иш вақтини бошқариш маҳоратидир.


Тайм менежмент- Бу фақатгина зарур ишлар рўйхатини тузиш эмас, балки вақт ва юкламани тўғри тақсимлаш ҳамдир

Психолог Паркинсоннинг фикрича: «Агар вақтни бошқармасанг, у кўлингдан учиб кетади»

Вақт ҳақида Вильфредо Пареттонинг “ 80/20 қондаси” ҳам вақтдан унумли фойдаланишни ифодалайди. Унингча «Инсон умрининг 80 %ини майда-чуйда, кераксиз ишларга, 20 %ини муҳим, долзарб ишларга сарфлар экан».

Паретто қонуни 20% куч сарфлаш орқали 80% натижага эришиш ва аксинча:

Пареттонинг “**Дисбаланс тамойил**”и- вақт, ҳаракат ва манбаларнинг кичик қисми натижанинг катта қисмига жавобгардир



Ишларни бажариш жараёнида вақтни сарфлашда қуйидаги ҳаракатларни амалга ошириш, яъни «Ишларни муҳим/ муҳим эмас, долзарб/долзарб эмасга тоифалаш мумкин “Вақт ўғрилари” муваффақиятли инсон бўлиб етишимиз ва вақтни фойдали ишларга сарфлашимизда бизга тўсқинлик қилади.

“Вақт ўғрилари” –бу савияси паст сериаллар томошаси, дўконларда бўш вақтни ўтказиш, соатлаб кимнидир ҳатти-ҳаракатини ғийбат қилиш, INTERNET тизимидаги номаъқул сайтлардаги “саёҳат”, тафаккур талаб қилинмайдиган ҳар-хил ўйинлар ва ҳ.к.

Вақт ўғриларининг сизнинг вақтингизни ўғирлаб, сизнинг устингиздан хукмронлик қилишига йўл қўйманг!

СИЗ қуйидагиларни тартибга келтиринг:

Ўз мақсад ва интилишларингизни

Шахсий тараққиёт режангизни,

Ўзингизни

Соғлиғингиз ва ҳаёт тарзингизни

Режалаштириш ёрдамида вақтни тежаш:

Вақтни ташкил этишининг мазмуни Вақтни бошқара билиш , вақтдан фойда олиш ёки вақтнинг қурбонига айланишдир.

Стратегик режа тузиш – узоқни кўзлаб режа тузишдир.

“Биз бир йилга режалаштирганимизда, дон сочамиз, ўн йилга режалаштирганимизда, дарахт экамиз, агар бутун умрга режалаштирсак, кишиларни ўқитамиз ва тарбиялаймиз.”(Хитой халқ мақоли)

Режалаштиришда қуйидагиларни инобатга олиш зарур: Режани қоғозда ёки электрон вариантда тузиш лозим мияда эмас. Оптимал ҳордиқ чиқариш керак, ҳар бир соат ишдан сўнг 10 минут. Кундалик тутиш ҳам қулай, ҳам фойдалидир.

Корхонада муваффақиятга эришишнинг яна бир самарали йўли ҳар бир ходим ўзининг лавозими ва бажараётган функцияларига қараб стратегик вазибаларни амалга ошириши, истиқболлини кўра билиши лозим.

Муваффақиятсизликка эришишнинг энг осон йўли эса, “ВАҚТ” деган қимматбаҳо хазинадан нотўғри фойдаланиш, яъни сиз учун муҳим бўлган ишни тўғри келмайдиган вақтда амалга оширишдир.

Муваффақиятга эришиш, яъни ишингизнинг ижобий ҳал бўлиши учун, ишингизни ҳал қиладиган киши- бошлиғингиз, ўқитувчингиз, турмуш ўртоғингиз, ота-онангиз ва ҳ.клар билан бу ишингизни қачон, қайси вақтда муҳокама қилишингиз лозимлиги ҳақида пухта ўйлаб киришиш маъқул.

. Инсон шахси кўп қиррали, турли таълимот вакиллари шахс сифатлари тўғрисида, уларнинг ҳаётда муваффақиятга эришишлари ҳақида қуйидаги фикрларни билдирадилар ва шахснинг турли хусусиятларига эътиборларини қаратадилар, бир таълимотда таъкидланишича, шахснинг мукамаллиги ва омадини унинг бошқа инсонларнинг заруриятига ёрдам беришга тайёрлиги, улар билан тил топиша олишларига қараб белгиласа, бошқа таълимотда эса одамнинг бошқа одамларда қандай таассурот пайдо қилишларига қараб ўлчанади деган фикр илгари сурилади.

Оила ҳам ҳаётда муваффақиятга эришишда асосий ўринни эгаллайди

Шароитлар ва вазиятлар догматик эмас, улар динамик хусусиятга эгадир, бу ўзгарувчан жараёнга инсон доимо ўз вақтида, вақтни бошқара олган ҳолатда тайёрлигини кўрасата билсагина муваффақият калитининг соҳиби бўла олади

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон – Россия муносабатларининг ривожланиши

*Холхўжуева Юлдуз Ўролбоевна
Самарқанд давлат университети*

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритган дастлабки кунлардан эътиборан барча хорижий мамлакатлар қатори Россия Федерацияси билан ҳам ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди. Россия Федерацияси Ўзбекистон Республикаси суверенитети ва мустақиллигини 1992 йил 20 мартда тан олган ва шу кундан бошлаб дипломатик муносабатлар ўрнатган эди. Икки давлат ўртасидаги алоқалар 2004 йил 16 июнда имзоланган «Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида стратегик шериклик

Шартномаси»⁵ ва 2005 йил 14 – ноябрда имзоланган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартномалари⁶ асосида узок муддатли стратегик характерга эга бўлди. Ўтган давр мобайнида Ўзбекистон-Россия муносабатлари изчил ривожланиб келди. Жумладан, икки мамлакатнинг халқаро майдонда бир – бирини қўллаб қувватлаши мунтазамлик касб этди. Шу билан бирга, Ўзбекистон ва Россия БМТ, ШХТ ва МДХ каби халқаро тузилмалар доирасида ҳам самарали ҳамкорлик қилиб келди.

Мустақиллик йилларида барча соҳалар қатори ўзаро иқтисодий алоқалар ҳам изчил ривожланди. Жумладан, 2016 йилга қадар бўлган даврда Ўзбекистонда россиялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда 961 та қўшма корхона фаолият юритди, 64 та фирма ва компанияларининг эса ваколатхоналари фаолият олиб борди.

2016 йилдан эътиборан икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар янги босқичга кўтарилди. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 4-5 апрел кунлари Россия Федератсиясига амалга оширилган давлат ташрифи бу борада катта аҳамиятга эга бўлди. Жумладан, мазкур ташриф мобайнида Ўзбекистон ва Россия ўртасида умумий ҳажми 16 миллиард АҚШ долларини ташкил этувчи 50 дан зиёд ҳужжат имзоланди⁷.

Ўтган давр мобайнида эришилган келишувларни амалга оширилиши натижасида ўзаро ҳамкорлик суръатлари кенгайиб борди. Жумладан, 2017 йилда 70 марта делегация алмашинуви, 19 та бизнес форуми ва 11 маданий алмашинувлар уюштирилди. Бундан ташқари, ҳудудлараро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш бўйича тадбирлар доирасида Ўзбекистоннинг тўртта вилояти вакиллари Россиянинг 8 ҳудудига, Россиянинг бешта ҳудуди вакилларининг эса Ўзбекистонга жами 13 та ташриф амалга оширилди⁸. Натижада, умумий ҳисобда 2017 йил давомида 139 та икки томонлама ташриф ва тадбирлар амалга оширилди. Амалга оширилган тадбирлар ўзаро ҳамкорлик алоқаларининг ривожидида катта аҳамият касб этди.

Шу билан биргаликда, мазкур йилда савдо иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик йўналишида ҳам салмоқли натижалар қўлга киритилди. Жумладан, 2017 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми ўтган йилдагига нисбатан 20 фоизга ошиб, 5 миллиард АҚШ долларига етди. Экспорт ҳажми эса мос тарзда 20 фоизга ортди. Бундан ташқари, 11 соҳа лойиҳалари бўйича Россиядан жалб қилинган сармоялар ҳажми ўтган йилдагига нисбатан 126,4 фоизни ташкил этди⁹.

Ўзбекистон фуқароларини Россия ҳудудида ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш юзасидан ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, 2018 йилнинг март ойида Санкт-Петербург шаҳрида янги Бош консулхона ўз

⁵ Жураев С.А., Худойбердиев Б.Х., Қосимов О.С., Ғофуров С.М., Жалилов А.Т., Саидолимов С.С., Рустамбоев С.М., Убайдуллаева С.Ф., Бердиев Б. // Давлатлар ва халқаро ташкилотлар. Тошкент, “Akademiya” нашриёти, 2005 й. –Б.199

⁶ Ўрозов А. Ўзбекистон – Россия ҳамкорлигида янги уфқлар очган ташриф// Халқ сўзи 2017 йил 6-апрел № 68. –Б.1.

⁷ Ўрозов А. Ўзбекистон – Россия ҳамкорлигида янги уфқлар очган ташриф// Халқ сўзи 2017 йил 6-апрел № 68. –Б.1.

⁸ **Ғайзийев О.** О'zbekistonning Rossiyadagi elchisi: «Iqtisodiy diplomatiya» bizning bugungi kundagi ustuvor maqsadimiz bo'lishi shubhasiz// Xalq so'zi 2018 yil 27-aprel.

⁹ **Ғайзийев О.** О'zbekistonning Rossiyadagi elchisi: «Iqtisodiy diplomatiya» bizning bugungi kundagi ustuvor maqsadimiz bo'lishi shubhasiz// Xalq so'zi 2018 yil 27-aprel.

фаолиятини бошлади. Қозон, Ростов-Дон, Владивосток ва Екатеринбург шаҳарларида ҳам янги консулхоналар очилиши белгиланди. Шу билан бирга, меҳнат мигрантларига патент олиш жараёнини соддалаштириш ишлари мазкур тадбирларнинг узвий қисмига айланди. Икки мамлакат келишуви асосида Ўзбекистондан Россияга бораётган меҳнат мигрантларига патентнинг расмийлаштирилиши жараёнида керакли бўлган рус тили бўйича сертификат олиш ва суғурта тўлови билан боғлиқ бўлган барча масалалар ҳал қилинди. Жумладан, патент олишда керак бўлган рус тили бўйича сертификатни Ўзбекистоннинг ўзида берилиши йўлга қўйилди. Россияга келиш ва патент олиш учун зарур бўлган суғурта масаласи ҳам ҳал қилинди¹⁰. Шу билан бигаликда имзоланган келишувлар асосида тармоқлараро ҳамкорлик тадбирлари ҳам олиб борилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2018 йил 6 март кун икки томонлама идоралараро маслаҳатлашувлар ўтказиш учун мамлакатимизга амалий ташриф билан келган Россия Федерацияси молия вазири Антон Силуановни қабул қилган эди.

Хулоса сифатида шун ийтиш мумкинки, мустақиллик йилларида Ўзбекистон ва Россия муносабатлари ўзаро ишончга асосланган, мустаҳкам ҳуқуқий пойдеворга асосланган ҳолда ривожланди. Мазкур алоқалар, 2016 йилдан эътиборан янги мазмун касб этди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2017 йил март ойида Россия Федерациясига амалга оширган давлат ташрифи ва унда эришилган келишувлар катта аҳамиятга эга бўлди. Имзоланган шартномалар ижросини таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар, делегация алмашинувлари ва бошқа тадбирлар Ўзбекистон-Россия муносабатларини янги босқичга олиб чиқишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди.


Сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш.

П.А.Нурматов., М.Н.Мирзаев (СамДАҚИ)

Ўтган йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан республика ҳамда вилоятлар аҳамиятига эга бўлган чучук ер ости сувлари ҳосил бўладиган ҳудудларга муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар (МЭТХ) мақомини бериш ва дарёларнинг сувни муҳофаза қилиш минтақалари қирғоқбўйи полосаларини белгилаш бўйича катта ишлар амалга оширилди. Чучук ер ости сувлари манбаларининг шаклланиш зоналари бўйича 11 та республика ва 8 та вилоят аҳамиятидаги манбаларига алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудлар (АМЭХ) мақомини бериш бўйича ишлар амалга оширилди. Мазкур ишларни бажариш натижасида чучук ер ости сувлари ифлосланиши хавфини келтириб чиқарадиган эҳтимолий экологик хатар манбалари аниқланди. Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ва Давлат геология қўмитаси мутахассислари билан биргаликда чучук ер ости сувлари шаклланиш зоналарида экологик хавфсизликни

¹⁰ [O'zbekistondan Rossiyaga boruvchi migrantlar uchun patent olish yanada soddalashtirildi// Xalq so'zi 2018 yil 26-aprel.](#)


таъминлаш бўйича тадбирлар ишлаб чиқилди ва улар ижроси устидан назорат ўрнатилди .



1-расм. Республика аҳамиятидаги чучук ер ости сувлари манбалари

Ўзбекистон Ҳукумати томонидан Зарафшон дарёси ҳавзасида экологик ва санитар-эпидемиологик вазиятни яхшилаш мақсадида махсус қарор қабул қилинди, унда куйидагилар назарда тутилган:

- Зарафшон дарёси сувни муҳофаза қилиш зонасини белгилаш ва ундан экологик хавфли объектларни чиқариш;
- чучук ер ости сувлари манбаларининг шаклланиш зоналарига муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар мақомини бериш;
- Тожикистон Республикаси билан чегара ҳудудида сув сифатини гидрокимёвий лабораторияли автоматик назорат қилиш постини ташкил этиш, гидрокимёвий лабораторияларни махсус ингредиентларни (селен, стронций, кобальт, сурьма, симоб ва бошқаларни) қўшимча аниқлаш учун янги асбоблар билан жиҳозлаш.



2-расм. Ўзбекистон Республикаси чегарасида сув муҳофазаси ва соҳилбўйи полосаларининг белгиланган майдонлари.

Тошкент вилоятида ер усти сувларини ифлослантирувчи маҳаллий манбалар бўлган толали саноат корхоналари тугатилди. Андижон гидролиз заводи, Фарғона ТЭЦ, Олтиариқ нефтни қайта ишлаш заводи, Янгийўл ёғ-мой комбинати ва бошқаларда оқова сувлар оқизилиши тугатилди. Тошкент шаҳри бўйича умумий ҳажми йиллига 25,2 млн. м³ бўлган каналларга 43 та оқова сувлар ташлаш объекти тугатилди («Ўзкабель» ҚК, «Тоштўқимачи» АЖ, «Тошкенттекстиль» АЖ, 18-Автосарой, «Тошқишлоқмаш» АЖ ва бошқ.). Ўнлаб айланма сув таъминоти тизимлари жорий этилди, қатор маҳаллий тозалаш қурилмалари қурилди.

Сув ва ер ресурсларини ифлослантириш манбалари бўйича текширишлар фаолиятини Мувофиқлаштирув Кенгаши билан келишилган ва тасдиқлаган рўйхатлар бўйича танлов асосида текшириш ва назорат ишлари амалга оширилмоқда. Корхоналарда сувни муҳофаза қилиш фаолиятининг назорати бўйича 1989 йилда 11034 та сув истеъмолчилари объекти, 2007 йилда 2031 та объекти бўйича назорат ишлари ўтказилди. Ўзбекистон Республикасининг «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида» ги Қонунининг ижросини давлат назоратидан ўтказиш жараёнида қонунбузарликлар аниқланмоқда, хусусан:

- сув фойдаланувчилари олинадиган ер ости сувлари сифатини кузатишмайди, олинадиган сувни ҳисоботи йўлга қўйилмаган. Аксарият ҳолларда санитар муҳофаза қилиш зоналари СпИП талабларига жавоб бермайди;
- сувни сув объектлари ва маҳаллий ерлар рельефига оқизилишнинг тасдиқланган шартларига риоя этилмайди, кўпинча оқова сувларидаги ифлослантирувчи моддалар концентрациялари салбий таъсир чегарасидаги ташланмалардан (СТЧТ) ортиқча;
- Урганч, Каттақўрғон (Бойназар) шаҳридаги, Тошкент шаҳрида Бектемир тозалаш қурилмалари ва бошқалар самарасиз ишламоқда;
- сув фойдаланувчилари томонидан ўз ифлослантирувчи манбалари мониторингини тўлиқ ҳажмда юритилмайди.

Сув қонунларини бузганлиги учун 1989 йилда 3049 нафар ва 2007 йилда 3031 нафар маъмурий жавобгарликка тортилди. 1989 йилда 74,1 млн. сўм ва 2007 йилда 31,2 млн. сўм сўммалик жарималар ундирилди. Ифлослантирувчи оқова сувлар фалокатли ташланмалари билан атроф табиий муҳитга зарар етказганлиги учун 1989 йилда 32 даъводан 144 млн. сўм ва 2007 йилда 92 даъводан 11,57 млн. сўм ундирилди. 1989 йилда 174 та ва 2007 йилда 5 та корхона (участка, цех) фаолиятлари умуман тўхтатилди. 1989 йилда Ўзбекистон Республикаси асосий дарёлари бўйича «Экологик-89» экологик вазиятни экспедицион текшириш ўтказилди, унинг натижасида 53 та сувдан фойдаланувчи объект тўхтатилди ёки тугатилди, 20 та объект дарё бўйидан ташқарига чиқариш талаб қилинди. Бунинг натижасида сув оқимларининг сувни муҳофаза қилиш зоналарини ва қирғоқбўйи полосаларини белгилаш зарурати тўғрисида асосланувчи материаллар тайёрланди ва сўнгра Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари қабул қилинди. Бажарилган ишлар натижасида баъзи сув оқимлари ва ер ости сувларида сувнинг сифати яхшиланди ва барқарорлашди.

Методические рекомендации по организации практической работы по предмету «Предпринимательство и основы технологии трудоустройства».

И.И. Абдуллаева зав. Кафедра «Гуманитарных и социально – экономических наук» Самаркандского профессионального колледжа железнодорожного транспорта.

Если ты считаешь себя достойным
звания человека то ты не должен
пренебрегать делом, считать
его чужим

(А.Навои)

Человека как носителя сознания, творца, способного не только преобразовывать себя, но и быть причиной собственной активности. Проявляя активность в различных формах поведения и видах деятельности, субъект достигает цели, удовлетворяет потребности и реализует свои замыслы на микро-мезо-, макро-, мегауровне социального пространства. Главные цели и потребности человека, с позиций эволюции человечества, заключаются в том, чтобы выжить и сохранить контроль над временем и разумом. Действия человека обеспечиваются природными и рукотворными источниками (ресурсами), которые ограничены. История мировой цивилизации свидетельствует что, главной движущей силой развития экономики является предпринимательство. Предпринимательство – это общественно-хозяйственный процесс создания нового, имеющего социальную, духовную, экономическую ценность. Не однократно в своих выступлениях Президент Узбекистана **Ш. М. Мирзиёев** сказал «За счет чего народ государство становится богатыми и могучими? Прежде всего за счет предпринимателей, не жалеющих сил, знаний и опыта»[2]. Действительно Предприниматель тратит силу и время и принимает на себя моральную, юридическую, социальную и экономическую ответственность. В результате он получает прибыль и удовлетворение от достигнутого результата. Эффекты предпринимательства значительны, если в обществе: складываются условия для нововведений; формируются правовые основы свободной экономической деятельности; общественный разум осознает необходимость нововведений.

«Все мы должны осознать одну истину, сказал Глава нашего государства **Ш.Мирзиёев** – Предприимчивость и смекалка – это качества, присущее, прежде всего, молодежи. Следовательно, открытие дороги предпринимательству – в первую очередь, открытие дороги молодежи, будущему».

[2].

В системе образования нашей республике в настоящее время происходят серьезные изменения. Появление более прогрессивных концепций, знакомство и обмен передовым опытом стран, лидирующих на рынке образовательных услуг таких как США и Япония, а также разработка на этой базе новой национальной, узбекской модели образования, которая направлена на востребованность будущего специалиста в условиях

рыночной экономики - выпускников колледжа.. Следовательно, для формированию представления о предпринимательстве введен дисциплина «Предпринимательство и основы технологии трудоустройства». Практические занятия служат для изучения предпринимательской психологии – стимулировать поисковую (мотивационную) активность учащихся в новой экономической ситуации в обществе. Изучение направлено на формирование представлений на развитие компетентности деловой культуре общества в условиях рыночной экономике. Главная задача – подготовить учащегося к решению принятия заняться предпринимательством. В будущем решить проблем производственных ситуаций в экономико-психологическом аспекте. Успешное изучение курса требует от учащихся посещения активной работы на семинарах, выполнения всех учебных заданий преподавателя, ознакомления с базовыми учебниками, основной и дополнительной литературой. Искусственное, рационально сконструированное может быть совершеннее естественного и унаследованного – это есть основа инноваций [3].. Инновации предполагают нарушение традиционных запретов и отражают дерзания личности устроить мир лучше, чем он устроен. Использование инновационных технологий в процессе преподавания курса осуществляется, в основном, при проведении семинаров и практических занятий с учащимся . Использование инновационных технологий могут быть различны, широко применяются метод проблемного изложения, презентации, кейс-стадии, дискуссии, работа в группах, мини-исследования, деловые и ролевые игры, метод анкетирования и др. Несомненно, их применение разнообразят учебный процесс и активируют творческий потенциал учащегося, его желания обучаться. Дают большую возможность в дискуссии между преподавателем и учащимся, свободного изложения материала, больше инициативы для учащегося, возможность выполнения совместной работы в групповых заданиях, которые требуют коллективных усилий, выполнение письменных работ, а также проведения презентаций. Все вместе способствует формированию компетенций, для современных специалистов, которым сейчас так же уделяется большое внимание. Использование на практических занятиях **метод программированное обучение** дает высокий результат в процессе преподавания курса. Суть - высокая степень структурированности материала и пошаговая оценка степени его усвоения. При данной методике обучения информация предьявляется небольшими блоками в печатном виде либо на мониторе компьютера. После работы над каждым блоком обучающийся должен выполнить задания, показывающие степень усвоения изучаемого материала. Преимущество программированного обучения состоит в том, что оно позволяет обучающемуся двигаться в собственном, удобном для него темпе. Переход к следующему блоку материала происходит только после того, как усвоен предыдущий.

Метод Круги качества -- это техника предназначена для повышения качества решений проблем, учащиеся и преподаватель устраивают дебаты в поиске бизнес-истины. Лидер «круга качества» действует как тренер, он предлагает решение, а затем стимулирует участников к независимому

анализу ситуации. Эта техника используется для укрепления лидерских качеств и для расширения возможностей учащихся.

Можно воспользоваться такими индивидуальными способами улучшения техники работы с целями:

Способ 1. Личные и рабочие цели жизни можно представить в виде елки из иголок. Ствол – это главные магистрали целей, ветви ключевые области, на которых необходимо сконцентрировать усилия для достижения главных целей. Это области, в которых нужно добиваться результатов. Веточки – это большие задачи внутри каждой ключевой области, конкретные результаты по ключевым областям и элементы этих задач. Иголки – все практические мероприятия, подпункты, информация и действия, входящие в решение больших задач. Способ 2. «Слоновые задачи». С большими задачами следует поступать, как с проблемой поедания слона. Слона нельзя заглотать целиком, его можно съесть, проглатывая ежедневно по кусочку. Слоны – прекрасные животные, впечатляют и вдохновляют. Можно просто ими любоваться и изучать, как и цели. Способ 3. Техника усиления своего подсознания и интуиции, которую дают дзен-буддизм и нетрадиционные методы развития творческих сил. Для активизации подсознания человек должен войти в состояние релаксации – максимального эмоционально-психического расслабления и через 3–5 минут полезные идеи придут в голову.

Для выработки лучшего решения или нескольких вариантов решений в проблемной ситуации прибегают к социально-психологическим приемам коллективного принятия решений методу Дельфи. Так процесс принятия решений в деловой и личной жизни может стать социальной технологией. Цель – произвести как можно больше качественных решений проблемы. Метод Дельфи заключается в том, что решение, дополняется информацией из опроса специалистов: интервью, анкета. Правило: мнение одних не должно повлиять на ответы других. Чтобы скорректировать анкету, необходимо предварительно провести полевой опрос специалистов-экспертов по вопросам, связанным с рабочим предметом.

Конечно внедрение разнообразных методов и средств обучения в образовательный процесс, имеет несомненно положительный результат. Но в тоже время не следует полностью отказываться от традиционных методов обучения и нужно стараться, чтобы те и другие методы обучения были бы в постоянном взаимодействии и дополняли друг друга.

Литература.

1. Указ президента Республики Узбекистан Ш.М.Мирзиёева – “Государственная программа по реализации Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах”

2. Газета “Правда Востока” от 11 ноября 2017 года – “Выступление президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева Депутатам Самаркандской области во внеочередной сессии ”

3. Энциклопедический словарь. — М.: Гардарики. Под редакцией А.А.Ивина.2004.

4.Источник: <https://womanadvice.ru/metody-obucheniya-samyeffektivnyemetody-i-priemy>

Atmosfera havosining ifloslanish darajasini inson salomatligiga ta'siri

Niyazova O.B., Yo'ldosheva X.

Samarqand davlat universiteti, Samarqand

Ma'lumotlar tahlili shuni ko'rsatadiki, 2009 yilda atmosferaga chiqarilgan chiqindilarning umumiy hajmi 2 mln. 296 900 tonnani tashkil etgan, undan 1 mln. 957 ming tonna yoki taxminan 34 foiz chiqindi turg'un manbalarga to'g'ri kelgan. 2009 – 2014 yillar mobaynida, atmosfera chiqarilayotgan chiqindilarning umumiy hajmi 14,8 foizga yoki 1 mln. 776 ming tonnaga qisqargan. Bu asosan, sanoat va energetikaning sektorlarida ba'zi qisqarishlar, rekonstruksiya va qayta shakllantirish o'tkazilishi hamda havo muhofazasi bo'yicha tadbirlar bajarilishi bilan izohlanadi. E'tirof etish kerakki, 2004 yilda stasionar (turg'un) manbalardan chiqarilgan ifloslantiruvchi moddalarning foiz ulushi (33,0%) deyarli 2009 yildagidek (33,8%) bo'ldi.

Ingrediyentlar bo'yicha 2014 yilda 2010 yilga nisbatan umumiy ifloslantiruvchi moddalar miqdori deyarli bir xil ko'rsatkichlarda tebranmoqda va shunday taqsimlanadi. Uglerod oksidi 50,9% ga nisbatan 50,3%, uglevodorodlar – 15,2% nisbatan 14,5%, oltingugurt dioksidi – 16%, azot oksidlari – 8,5% ga nisbatan 8,9%, qattiq moddalar – 6,6% ga nisbatan 6,1% va boshqalar 3,4% ga nisbatan 3,6% larga muvofiq tarzda to'g'ri keladi. Ayni shu yillar mobaynida stasionar manbalar chiqindilarining ko'proq qismini oltingugurt dioksidi (41,2%), uglevodorodlar (21,9%), qattiq moddalar (16,5%), azot oksidlari ((9,1%) tashkil etadi.

2018 yilgake lib Samarqand shaharavtotransportlar soni 311 306 minggayetgan. Avtotransport vositalaridan 84 510 mingibensin, 12 594 mingidizelyonilg'i, 116 276 mingimetanhamda 97 826 mingisuyultirilganpropankabiyonilg'ilar bilan harakatlanmoqda.

Shaharlarda avtotransport vositalarining ko'payishi va transport vositalarining eskirganligi natijasi atmosfera havosining avtotransport chiqindilari bilan ifloslanishi asosiy ofatga aylanmoqda. Shu sababli uni kamaytirish asosiy ekologik muammodir. Buning uchun nafaqat turli xil ishlab chiqarish muassasalari, korxonalari, viloyat va shahar atrof muhitni muhofaza qilish boshqarma mutaxassislari balki, barchamiz kurashmog'imiz lozim.

Melolontha hippocastani f.ball кўнғизи ва личинкасининг морфологияси, биолого - экологик хусусиятлари, тарқалиши ва хўжаликдаги аҳамияти

Ниязова О. Б.

Самарқанд давлат университети

Личинкалари уч ёш яшайди, улар бир-биридан бош капсулаларининг кенглиги билан фарқ қилади (биринчи ёши - 2,5 мм, иккинчиси – 4 мм, учинчиси - 6 мм). Гумбаги эркин, сарғиш. Ёш кўнғизлар тупроқда ёзнинг охирида учрайди ва у ерда кейинги йил баҳоригача қишлайди. Жанубий районларда тупроқдан одатда апрелнинг иккинчи ярмидан июннинг бошигача чиқади. Шимолий районларда майнинг ўрталаридан июннинг охиригача пайдо бўлади. Баргли ниҳолларда учрайди ва кўшимча озикланиш

вақтида (дуб, бук, заранг, терак, тол, ёнғоқ, мевали дарахтлар барги билан озикланади) жуфтлашади. Уруғланган урғочи кўнғизлар тухуми етилгач озикланишдан тўхтади ва ҳар доим битта йўлдан тухум қўйиш учун очик майдонда учеди. Енгил қизиган тупрокларга тухум қўйишни хуш кўради. 1-10 см чуқурликда 10-30 та тухум қўяди ва қайтадан озикланишга қайтади. Бу ҳол 3-4 марта қайтарилади, жами 70 тагача тухум қўяди. Аввал гумус заррачалари билан озикланади, кейин ўсимликларнинг кичик илдизларини ейди. Кичик илдизларга ва анча йирик илдизларга иккинчи ва учинчи ёшида майдан сентябргача энг кўп зарар етказеди. Личинкаларининг ривожланиши 3, баъзида 4-5 йил давом этади. Ҳаётининг тўртинчи йилида личинкалар гумбакка айланади, бир ярим ойдан сўнг кўнғиз очиб чиқади, у тупроқда қишлаб қолади.

Ҳаёт тарзи кўнғиз яшайдиган зонанинг иқлимий ва тупроқ шароитига боғлиқ бўлади. Ареалининг шимолий қисмида 5 йиллик ривожланиш фазалари аниқланган ва илиқ жойларда тарқалиш учун мойил бўлади. Ареалининг ўрта қисмида энг кўп сони аниқланган бўлиб бу ҳашарот ривожланиши учун қулай шароит ҳисобланади. Генерацияси асосан 5 йиллик. Ареалининг жанубий қисмида 4 йиллик генерацияси ривожланади, у ерда кўнғиз ўрмон тўшалмаси тагига киради. Улар сонини табиий кушандалари – кротлар, бурсуқлар, кўршапалаклар, чуғурчуклар, қизилиштонлар, чумчуқлар, зақчалар, йирик арилар, тахина пашшалари, касаллик тарқатувчи замбуруғлар *Beauveria brongniartii* s. ва *B. bassiana*, бактериялар *Bacillus thuringiensis*, *Coccobacillus* sp. ва содда ҳайвонлар *Pleistophora melolonthae* H., *Telohania* sp.ларни тартибга солиб туради. Май кўнғизи ривожланишининг барча босқичларида айниқса гумбак ва вояга етган кўнғиз босқичларида замбуруғлар билан кучлироқ зарарланади. Евроосиё тури. Россиянинг ўрмон зоналарида ғарбий чегараларидан Якутия ва Приморьегача кенг тарқалган. Тарқалишининг шимолий чегараси Тарту, Выборг, Архангельск орқали; Шарқда Якутиядан Тинч океани қирғоқлари бўйлаб, Маньчжуриядан Пекинга қараб ўтади. Европада жанубий Дунай чегараси бўйлаб тарқалган, сўнгра Одесса, Запорожье, Уральск, Олтой, Шанхай чизиғи бўйлаб кетади. Россияда – ўрмон ва ўрмон - дашт зонасида тарқалган, Европа қисмининг шимолий чўл вилоятида, Сибирда ва ўрмон-дашт зонасида учрайди. Шимолий ва Ўрта Европада кесилган ўрмонларда ва кумоқ тупроқларда кўпроқ учрайди, жанубда асосан ўрмон дарахтлари соя солиб турадиган жойларда *ривожланади*.

Асосан личинкалари ўсимликларга зарар етказеди. 1м² майдондаги сони 5 дан 40 тагача бўлганда ўсимликларнинг зарарланиши 25% етиши мумкин. Кўнғизлар барглари (олма, қароли, гилос ва б.к.), личинкалари ўрмон массивлари, боғлардаги ёш дарахтлар илдизлари билан: қарагайдан ташқари картошка, сабзи, лавлаги, бодринг, қовун, қовоқ, кунгабоқар ва бошқа экинлар билан озикланади. Уларга қарши курашиш учун соғлом ва чидамли ўсимлик навларини ўстириш тадбирларини (бир йиллик ёки икки йиллик пар ҳосил қилиш билан ерни тайёрлаш, юқори навли уруғлик ва ниҳоллардан фойдаланиш), чуқур шудгорлаш (личинкаларни қушлар еб кетади, ҳамда улар механик зарарланишдан нобуд бўлади) ўтказиш тавсия қилинади. Кўнғизларни чироқли тутқичлар ёрдамида тутиб йўқ

қилиш ҳам мумкин. Қўнғизлар учуш даврида инсектицидлар қўлланилади ва қуртларга қарши тупроққа солинади ёки кўчатларни экишдан олдин уларнинг илдизларига ишлов берилади. *Beauveria bassiana* замбуруғи асосида тайёрланган биопрепаратлар яхши самара беради.

Зарафшон кўриқхонаси ва Еттиуйлисой дараси ўрмонларидаги ёнғоқзор ва бодомзорларда кўп учрайди. Май кўнғизи ва унинг личинкаси Зарафшон кўриқхонаси ёнғоқзор тупроқлари кумли, уларнинг яшаши ва кўпайиши учун қулай шароит бўлиб, 2006 - 2008 йиллардаги кузатиш натижасида май кўнғизи популяциясининг табиий биоценозларда экспоненциал ўсиши аниқланди. Биоценозлар ва агроценозлардан терилган намуналар таҳлили шуни кўрсатдики, табиий биоценозларда турлар таркиби ва сони агроценозларга нисбатан юқоридир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Гиляров М.С. Особенности почвы как среды обитания и ее значение в эволюции насекомых. - Ленинград: Наука, 1949.- 280 с.
2. Крыжановский О.Л. Состав и происхождение наземной фауны Средней Азии. – М. - Л.: Наука, 1965. - 419 с.
3. Мавлонов О.М., Ахмедов Г.Х., Тупрокзоологияси, Т.,1992.- 80 б.

NANOTEKNOLOGIYA

I.E.Jiyanqulov¹, I.K.Bozorboyev¹, O.Raximov², N.F.Syunov³

¹Samarqand QXKHK, ²SamDAQI, ³SamDAQI 101 – B va IQ guuh talabasi.

Insoniyat XX asrga kelib kvant mexanikasi tufayli misli ko'rilmagan ravnaqlarga erishdi. XXI asr esa ilg'or davlatlar tomonidan nanoteknologiya uchun milliardlab sarmoyalarni ayamay, shiddat bilan izlanishlar qilish va ulkan yutuqlarni qo'lga kiritish bilan boshlandi. Ushbu yo'nalishdagi maqsadlar amalga oshsa, insoniyatning ming yillar davomidagi barcha orzulari rovyobga chiqishiga hech qanday shubha qoimaydi.

“Global Industry Analysis” kompaniyasining mutaxassisleri nanoteknologiya olamida Yaponiya, AQSh va Yevroittifoq mamlakatlari peshqadam, degan axborot tarqatdi. Sababi, aynan shu mamlakatlar nanoteknologiyaning rivojiga eng ko'p miqdordagi investitsiyalar kiritishni rejalashtirgan. Xususan, nanoteknologiya sohasidagi izlanishlar hamda ishlab chiqarish uchun 2006-2010 yillar davomida Yaponiya hukumati 6 milliarddan ko'proq, AQSh 5,6 milliard hamda Yevroittifoq mamlakatlari 4,5 milliard dollar sarmoya sarflamoqchi. Rossiya esa nanoteknologiyaning 2011 yilgacha rivojlantirish uchun 8 milliard dollar ajratishni mo'ljallayotgani haqida xabarlar bor. Nega qator davlatlar nanoteknologiya uchun milliardlab sarmoyalarini sarf qilishni rejalashtiryapti? Umuman olganda, bu mablag'lar yetarli?! Hozirgi paytda nanoteknologiya haqida eshitmagan odam kam bo'lsa kerak. Lekin bundan 4 yilcha muqaddam qator oliy va o'rta maxsus ta'lim muassasalari muallimlariga nanoteknologiya sohasiga oid ma'ruzalar qilganida ularda bu boradagi tushunchaning kamligi meni ajablantirgan edi. Shu sabab, mamlakatimizda "Nanoteknologiya" jurnalini chop etish, unda mazkur sohadagi yutuqlar haqida batafsil ma'lumot berib borish zarur, degan fikrdaman.

Mavzuga qaytadigan bo'lsak, fan tarixchisi Richard Buker fikricha, nanoteknologiya tarixini yoritish ikki sababga ko'ra juda ham murakkab.

Birinchiidan, bu ushunchaning o'zi noaniq, misol uchun, nanotexnologiya tushunchasi ko'pincha odatdagi texnologiya atamasi doirasiga sig'maydi. Ikkinchiidan, insoniyat qadim zamonlardan beri o'zi bilmagan holda nanotexnologiya bilan tajriba qilishga uringan. "Nanotexnologiyaga kirish" kitobining muallifi Charlz Pul ushbu fikrga bir misol keltiradi: Britaniya muzeyida qadimgi Rim ustalari yasagan "Likurga Kubogi" (kubokda buyuk spartanlar qonunining yaratuvchisi hayotidan lavhalar tasvirlangan) saqlanadi. U shishaga qo'shilgan oltin hamda kumushning mikroskopik zarrachalarini o'zida mujassamlashtirgan. Kubok turlicha yoritilganda, rangi to'q-qizildan toza zaringacha o'zgaradi. Xuddi shunday texnologiyalar O'rta asrda Yevropa cherkovlari vitraj (surat soladigan rangli oyna)larini tayyorlashda ham qo'llanilgan. Grek faylasuf olimi Demokrit nanotexnologiyaning "otasi" degan qarashlar ham bor. U moddaning eng kichik zarrachasini ta'riflash uchun eramizdan 400 yillar muqaddam ilk bor grekcha "atom" ("bo'linmaydigan") so'zini ishlatgan. 1661 yili irlandiyalik kimyogar Robert Boyl o'z maqolasida Aristotelning Yerdagi hamma narsa to'rt elementdan - suv, tuproq, olov va havodan tarkib topgan degan qarashi (o'sha davr alkimyo, kimyo va fizikaning falsafiy asosi)ni tanqid qiladi. Boyl barcha narsalar "korpuskulalardan" - o'ta kichik qismlardan tashkil topgan, ularning turlicha birikuvi har xil modda va buyumlarni hosil qiladi, degan qarashni ilgari surgan. Keyinchalik Demokrit va Boyl g'oyalari ilm ahli tomonidan tan olinadi. Balki, hozirgi zamon nanotexnologiyasidagi o'ktamlik ilk bor amerikalik ixtirochi Jorj Istmen 1883 yili fotoplyonka tayyorlaganida ro'y bergandir. Quyidagi voqealar ham nanotexnologiya olamida muhim o'ringa ega:

- 1905 yili Shveysariya fizigi Albert Eynshteyn shakar molekulasining o'lchami taxminan 1 nanometr ekanligini asoslab bergan o'z maqolasini e'lon qiladi;

- 1931 yil. Nemis fiziklari Maks Knoll va Ernst Ruska birinchi marotaba nanoolamni o'rganish imkonini bergan elektron mikroskopni ixtiro qilishdi;

- 1968 yil. Amerikaning «Bell» kompaniyasi ilmiy bo'limi xodimlari Alfred Cho va Jon Artur yuzani ishlashda nanotexnologiyaning nazariy asoslarini yaratishdi;

- 1974 yil. Aslida atom va molekulalarning 10 darajasi 9 o'lchamga ega. "Nano" qo'shimchasi 10 darajasi 9 ni bildiradi, shu tariqa "nanotexnologiya" atamasi pay do'ldi. Yapon fizigi Norio Taniguchi esa "nanotexnologiya" so'zini ilmiy ibora sifatida fanga kiritdi va bir mikrondan kichik bo'lgan mexanizmlarni shunday nomlashni taklif etdi;

- 1981 yil. Germaniyalik fiziklar Gerd Binnig va Genrix Rorer alohida atomlarni ko'rsata oladigan mikroskop yasashdi;

- 1985 yil. Amerikalik fiziklar Robert Kerl, Xerold Kroto va Richard Smeyli diametri bir nanometr bo'lgan buyumlarni aniq o'lchay oladigan texnologiya yaratishdi;

- 1986 yil. Nanotexnologiya keng jamoatchilikka ma'lum bo'ldi. Amerikalik futurolog Erik Drekslarning kitobi bosmadan chiqdi va unda nanotexnologiya yaqin kelajakda jadal rivojlanishi haqida bashorat qilingandi;

- 1989 yil. IBM kompaniyasining xodimi Donald Eygler o'z firmasi nomini ksenon atomlari bilan platina plastinkasi ustiga terdi. Chizma ilmiy va boshqa jurnallarda namoyish etilgach, ilm ahli larzaga keldi;

- 1993 yil. AQShda Feynman mukofoti berila boshlandi;
- 1998 yil. Golland fizigi Seez Dekker nanotexnologiya asosida tranzistor yasadi;
- 1999 yil. Amerikalik fiziklar Jeyms Tur va Mark Rid alohida molekula molekulyar tizim sifatida harakatlanishi mumkinligini aniqladi;
- 2000 yil. AQSh hukumati Nanotexnologiya sohasida milliy tashabbus (National Nanotechnology Initiative)ni ma'qulladi. Nanotexnologik izlanishlar davlat tomonidan moliyalashtirildi. Davlat byudjetidan 500 million dollar ajratildi;
- 2001 yil. Mark Ratnerning "Nanotexnologiya: yangi katta g'oyaga kirish" kitobida nanotexnologiya inson hayotining bir qismiga aynan 2001 yili aylanganligi, o'sha yili ikki muhim voqea: obro'li ilmiy «Science» jurnali nanotexnologiyani - "Yil yangiligi», mashhur «Forbes» biznes-jurnali esa "Yangi ko'p ahkli g'oya" deb ataganligi ta'kidlandi. Hozirgi paytda nanotexnologiyaga nisbatan davriy ravishda "yangi sanoat revolyutsiyasi" iborasining qo'llanishi odat tusiga kirib boryapti, degan fikr-xulosalarini ilgari surdi,

Экологик жараёнларнинг фалсафий муаммоси.

А.Ахмедов СамДУ «Фалсафа» кафедраси доцентиф.ф.н.

Х.Донобоев СамДУ “Фалсафа” кафедраси ассистенти.

Марказий Осиё ва Қозоғистон худудларидан охириги йилларга қадар фан ютуқлари натижаларидан бирёқламалик билан фойдаланилди. Натижада минтақада экологик вазият ўзгарди. Инсонлар саломатлигига мисли кўрилмаган ҳолда зарар етказилди. Бу минтақада синовдан ўтказилаётган ракета­лар, космик кемалар, Семипалатинскдаги атом қуролининг синовлари ўзининг салбий оқибатларга олиб келганлигини кўпчилик биледи. Шундай бўлса-да, бу салбий оқибатлардан жиддий хулосалар чиқарилганлиги йўқ.

Минтақа аҳолиси ҳали-ҳали носоғлом муҳитда ҳаёт кечирмоқда. Инсонларнинг руҳий ҳолати, турмушини яхшилаш борасида бир қанча ишлар амалга ошири­лаётган бўлса-да, бунинг ўзи кифоя қилмайди. Шошили­нч тарзда чоралар кўрил­маса, инсоният генофон­дига таъсир этиш хавфи ошиб бораверади. Шуларни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистонда талайгина тадбирлар амалга ошири­лаётир. Масалан, Ўзбекистондаги ўсимлик дунёси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш устидан давлат назорати маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга ошириш чоралари кўрилмоқда.

Марказий Осиё ва Қозоғистон анча кенг худудга эга бўлиб, 55 миллион аҳоли истиқомат қилаётган иқтисодий минтақадир. Минтақа иқтисодий имкониятини кучайтириш ҳамда аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш учун катта захираларга эга. Бу ерда минерал хом ашё ҳамда ёқилғининг йирик конлари мавжуд бўлиб, ҳамдўстлик мамлакатларидаги суғориладиган ерларнинг 44,5 фоизи, собиқ Иттифоқда тайёрланадиган табиий толанинг 94 фоизи (пахта, жун, пилла) унинг ҳиссасига тўғри келади. Ушбу минтақада йирик металлургия, ёқилғи, ёқилғи-энергетика саноати мавжуд, кўп миқдорда озиқ-овқат маҳсулотлари (Қозоғистон кўриқ ерларининг ғалласи,

пахтадан олинган ўсимлик ёғи, шоли, сабзавот, мева-полиз маҳсулотлари, узум, қанд лавлаги) етиштирилади. Аммо Иттифокнинг парчаланиб кетиши билан илгари таркиб топган иқтисодий алоқалар узилди. Бу ишлаб чиқаришнинг камайиши пулнинг қадрсизланиши, аҳоли турмуш даражасининг пасайишига олиб келди.

Марказий Осиё ва Қозоғистон давлатлари раҳбарларининг Тошкент учрашувида бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий алоқаларни тиклаш, мустақамлаш ва ривожлантириш учун Марказий Осиё давлатларининг янги ҳамкорлигини яратиш масаласи муҳокама қилинди. Бешта мустақил давлат ҳудудида ҳамдўстлик мамлакатлари билан алоқани узмаган ҳолда иш олиб борадиган сифат жиҳатдан янги минтақа бозори таркиб топди. Умуман, собиқ Иттифок, шунингдек, хусусан Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги икки томонлама ва кўп томонлама савдо-иқтисодий шартномаларни бажармай туриб халқ хўжалигини мўътадиллаштириш, қолаверса ривожлантиришга эришиш мумкин эмас.

Масалан, Ўзбекистон чўян, юк машиналари, автобуслар, ёғоч-тахта материаллари, қанд ва бошқа баъзи маҳсулотларнинг кўп қисмини, қурилишга ишлатиладиган ойнанинг тўртдан уч қисмини ҳамдўстлик мамлакатларидан ташиб келтиради. Санаб ўтилган ва бошқа зарур маҳсулотларнинг вақтида олинмаслиги ишлаб чиқаришнинг сустлашуви, аҳоли турмуш даражасининг пасайишига олиб келади.

Табиийки, шу кеча-кундузда халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш масаласи айниқса долзарб муаммо бўлиб турибди. Бу эса ўз навбатида қишлоқ хўжалигининг ривожланиш даражасига боғлиқ. Халқ истеъмоли молларининг 75 фоизи (унинг 50 фоизи озиқ-овқат моллари) ана шу соҳа маҳсулотларидан тайёрланади.

Қурилиш материалларини сим ғалвирда саралаш

З.М.Сатторов (ТАҚИ)

Бошланғич материал майдасидан йиригига сим ғалвирда элашда энг кичкина тирқишларга ғалвирга (элакга) кейин ўртача ўлчамли тирқишлари билан ғалвирга ва якунида энг катта тирқишли ғалвирга берилади. Йиригидан майдасига сим ғалвирда элашда юқори элак энг катта тирқишга, пасткиси эса энг кичкина тирқишга эга. Сим ғалвирда қурама (аралаш) элашда ажратиладиган қоришма бошида ўртача ўлчамли тирқишлари билан ғалвирга берилади.

Биринчи ғалвир тирқишлари орқали ўтган бўлақлар (доналар), унинг остида энг кичкина тирқишлари билан жойлашган ғалвирга келиб тушади, бу вақт ичида катта ўлчамли бўлақлар энг катта тирқишли иккинчи ғалвирга келиб тушади. Майдасидан йиригига сим ғалвирда элаш схемаси ишлатилиш нуқтаи назари билан жуда оддий, бу эса алоҳида қийинчиликсиз материалларни бункерларга тегишлилиги бўйича саралашга йўналтиришга имкон беради. Шунингдек, сим ғалвирга хизмат кўрсатишни ва уни таъмирлашни соддалаштиради. Кўриб чиқилаётган схеманинг катта камчилиги шундаки, энг катта бўлақлар ғалвирга энг кичкина тирқишлар билан келиб тушиши ҳисобланади, яъни энг кам мустақамликда унинг тез

ейилишига олиб келади. Бундан ташқари, қоришмани энг кичкина тирқишли ғалвирга узатилишида йирик бўлақлар тирқишларнинг бир қисмини тўсиб қолиб, майда фракцияларни ажратишига қийналади.

Қурилиш материаллари саноатида энг кўп тарқалган иккинчи схема бўйича элаш яхши натижаларни беради, бундай ҳолатда материалнинг йирик бўлақлари майда ва ўрта фракцияларни ажралишига халақит бермайди. Бу схеманинг камчилиги шундаки, у бункерларга алоҳида сортларга йўналтирувчи қўшимча новларни ва оқишни талаб этади. Қурамали (аралаш) схема ўзининг афзалликлари ва камчиликлари бўйича оралиқ ҳолатни эгаллайди. Кўпчилик ҳолатда сим ғалвирлар материал ҳаракати йўналишига бир мунча қиялик билан ўрнатилади. Бу элак ёки ғалвир тирқишлари орқали ўтиши мумкин бўлган зарралар ўлчамларини янада кўпроқ кичрайтиради.

Тирқиш орқали элакга ўтган материалнинг барча зарралари пастки синф деб аталадиган маҳсулотни ўзида намоён этади, элак орқали ўтмаган барча зарралар эса юқори синфли маҳсулот деб аталади.

Қачонки барча зарраларнинг ўлчамлари элакнинг тирқиш ўлчамларидан бир мунча кичик бўлиб, у орқали эланадиган бўлса, шунда мукамал сараланган деб ҳисоблаш мумкин. Бироқ амалиётда пастки синфли бўлақларнинг бир қисми доим элакда ушлаб қолинади ва юқори синфли маҳсулот билан бирга чиқиб кетади. Сараланишнинг самарадорлик кўрсаткичларига бошланғич маҳсулотда уларнинг ҳақиқий зарралари сони ўлчамлари элакнинг тирқиш ўлчамларидан кичик бўлган, сим ғалвирда эланишда олинган пастки синфли маҳсулотнинг нисбати хизмат қилиши мумкин. Бошқа синфли маҳсулот билан фракцияларни энг кам ифлосланишини таъминлайдиган асосий шароитлардан бири, элак тирқишлари ўлчамларини тўғри танланишида ҳисобланади. Талаб этиладиган элак тирқишлари ўлчамларини танлаш учун бошланғич маълумот фракцияларининг ажралиши чегаралари, материаллар кўриниши, бошланғич материалнинг доналари таркиби (чақиқ тош, шағал ва ш.к.) ва сим ғалвир типи (ётик, қия) ҳисобланади.

Қурилиш материалларини саралаш усуллари

З.М.Сатторов (ТАҚИ)

Қурилиш материалларини тайёрлаш учун қўлланиладиган хом-ашё кўпчилик ҳолатда бир хил бўлмаган ва бўлақлар ҳамда доналарнинг катталиги бўйича ёки чангсимон зарралардан ташкил топган. Бунинг орасида материалларни қайта ишлашда қоришмаларни алоҳида сортларга (фракцияларга) ажратилишида (саралашда), уларнинг ҳар бир бўлақлари (доналар, зарралар) маълум чегарадан чиқмайди. **Саралаш вазифаси:** майдаланишга мўлжалланган материаллардан катталиклари қайсики ўлчамлари берилган машина учун максимал рухсат этиладигандан ошадиган бўлақларни ажратиш; берилган босқичда қайта ишлашда қайсики ўлчамлари кам талаб этиладиган бўлақларни ажратиш; қайсики ўлчамлари юқори талаб этиладиган майдаланган маҳсулотдан зарраларни ажратиш; зарралардан ҳар хил йирикликда маълум мутаносибликда аралашмалар (шихта) тайёрлашда зарур бўладиган бир неча сортларда йириклиги бўйича майдаланадиган

материалларни ажратиш; хом-ашёнинг қимматли таркиби қисмини ўзида кўпайтириб, фойдали қазилмадан бегона аралашмаларни олиб ташлаш; маҳсулотнинг сифатини пасайтирувчи ёки машинанинг ишлашида зарарли ифодаланадиган хом-ашёдан бегона нарсаларни ажратиш.

Саралаш усуллари. Материалларни таснифи, сепарацияси (ажратилиши, айирилиши) ва сим ғалвирда эланиши механик, ҳаволи, гидравликли ва магнитли усулларда амалга оширилиши мумкин.

Механик саралаш (сим ғалвирда элаш) таъминланган колосниклар, ғалвирлар, элаклар машинаси ёрдамида амалга оширилади. Сим ғалвирда элаш йириклиги бўйича ажраладиган икки ёки бир неча сортлардаги доналарни олиш учун кўлланилади. Олинадиган сортларни сони ишлов бериладиган материал ўтказилган элаклар орқали сонига боғлиқ. Агарки элак сони n бўлса, унда $n+1$ сортлар олинади. **Ҳаволи ажратиш** ҳаво оқимида материалларни йириклиги бўйича саралашга асосланган, яъни материаллар зарралари оғирлик кучи ёки марказдан қочма куч ёки уларнинг ва бошқаларининг қўшма ҳаракати таъсири остида тўкилади.

Гидравликли саралаш материаллар йириклиги бўйича сув муҳитида муаллақ ҳолатда жойлашган, бир хил бўлмаган солиштирма оғирлиги ва катталиклари ҳар хил тезликларда дона(зарра)ларининг тушишига асосланади.

Магнитли саралаш қайта ишлов бериладиган материалдан маҳсулотни ифлослантирадиган ичида темир мавжуд бўлган аралашмаларни ажратиш учун ёки қайта ишланадиган хом-ашёга тасодифан тушган металл нарсаларни ажратиш учун хизмат қилади. Магнитли саралаш магнит майдони зонасига тушган металл қисмларни магнитга тортишишига асосланади.

Норуда саноатида қайта ишланадиган материалларни саралаш сифатига алоҳида юқори талаб қўйилади. Чақиқ тош ва шағал учун фракцияларни рухсат этиладиган ифлосланиш чегаралари 5% дан кўп бўлмайди. Сим ғалвирда элаш сифатига қуйидагини айтиш лозим: материал намлиги – юқори намлик билан сим ғалвирда элашда самарадорлик кўпчилик ҳолатда пасаяди; элакда материал қатлами қалинлиги – қатлам қалинлигининг ҳаддан ташқарилиги ва унинг қалинлиги тескариси сим ғалвирда элаш сифатини пасайтиради; амплитуда тебраниши шундай ҳисоблар билан танланиши зарурки, улар силкинишида материалнинг жадал ажралиши содир этилсин.

Озиқ-овқат маҳсулотларини кўпайтириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бирими?

Ғ.Н.Алиқулов-ҚарМIII ўқитувчиси

Ё.Каримов- ҚарМIII ўқитувчиси

Республикамиз мустақилликка эришган дастлабки йилларда марказлашган таъминотнинг барҳам топиши натижасида аҳолини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлашда анча қийинчиликлар вужудга келди. Шу сабабли озиқ-овқат маҳсулотлари, жумладан буғдой, гўшт, сут ва сут маҳсулотлари, тухум, шакарнинг асосий қисмини четдан олиб келишга тўғри келди. Бундай ҳолатда республика раҳбарияти ягона тўғри йўлни

танлади: пахта яккаҳоқимлигига бархам берилиб, ундан бўшаган суғориладиган майдонларда бошоқли дон экинлари етиштириш йўлга қўйилди. Чорвачиликни ривожлантириш ва унинг озуқа базасини мустаҳкамлаш учун кенг миқёсли ва тизимли ишлар ташкил этилди. Давлатимиз томонидан олиб борилган бундай сиёсат ўзини оқлади ва самарасини берди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони қабул қилиниб, ушбу фармон билан “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тасдиқланган. Ушбу дастурнинг “3.3. Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш” йўналишидаги 161 бандида “Ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш мақсадида қишлоқ хўжалиги экин майдонларини мақбуллаштириш, бунда:

пахта экин майдонларини 49 минг гектарга ва ғалла майдонларини 10 минг гектарга қисқартириш;

қисқартирилган экин майдонларига бошқа қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш, жумладан, картошка 8,1 минг гектар, сабзавот 27,2 минг гектар, интенсив боғ 5,9 минг гектар, тоқзор 2,9 минг гектар, озуқа экинлари — 10,9 минг гектар ва мойли экинлар — 4 минг гектар” дейилган. Пировардида бу паст рентабелли экин майдонларида пахта ва ғалла етиштиришдан кўриладиган зарарни 80 млрд. сўмга қисқартириш; кўшимча 1 млн. тоннага яқин мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш; худудларда 48,5 мингдан ортиқ янги иш ўринларини ташкил қилиш натижасида ушбу экин майдонларида банд бўлган аҳоли сонини 75,6 мингга етказиш; мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти ҳажмини 2 баробар оширишга олиб келади

Белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун Қашқадарё вилоятида интенсив боғ ва тоқзорлар ташкил қилишга, уларни майдонини кенгайтиришга катта аҳамият берилмоқда. Хорижий давлатлардан, жумладан Польша, Сербия, Туркия давлатларидан келтирилаётган мевали дарахт кўчатлари иқлимлаштирилиб, республикамиз тупроқ-иқлим шароитига мослашган, қурғоқчилик, касаллик ва зараркунандаларга чидамли навларга пайвандлаш йўли билан уларни кўпайтириш ишлари амалга оширилмоқда.

Вилоятимиз тупроқ–иқлим шароитига эътиборга олиб, қишлоқ хўжалик экинларининг маълум турларини биоэколик хусусиятларидан келиб чиқиб мос келувчи худудларда етиштириш йўлга қўйилмоқда. Тоғ ва тоғ олди минтақаларида аҳолини иш билан таъминлаш, яшаш шароитини янада яхшилаш, ерлардан самарали фойдаланиш мақсадида бу худудларда боғдорчиликни ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлашга ихтисослашган кичик корхоналар ташкил қилинмоқда.

Давлатимиз томонидан олиб борилаётган тўғри сиёсат туфайли аҳоли томорқаларида, деҳқон ва фермер хўжаликларида замонавий жадаллашган технологиялар ишлаб чиқаришга жорий қилинмоқда. Чироқчи тумани

аҳолиси томонидан лалмикорликда плёнка остида полиз экинлари, Қарши туманида барпо қилинган кўплаб иссиқхоналарда сабзавот экинларининг кўплаб турлари етиштирилаётганлиги ҳам озиқ-овқат маҳсулотларини кўпайтиришга қаратилганлигидадир. Эндиги асосий вазифалардан бири етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини замонавий усуллардан фойдаланган ҳолда сақлаш ҳамда маҳсулотлар етиштирилган туманларни ўзида қайта ишлашни ташкил қилишдан иборат. Бу эса вилоятимизнинг чекка-чекка туман ва қишлоқларида етиштирилган маҳсулотларни исроф қилмасдан йиғиб-териб олиш, аҳолини иш билан таъминлаш вазифасини амалга оширишга ҳам ёрдам беради.

Келгусида қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат маҳсулотларини кўпайтириш, уларни сифатини яхшилашга қаратилган тадбирларни амалга оширишда фойдаланилмаётган имкониятларини ҳисобга олиш зарур. Қишлоқ хўжалик экинларини янада кўпайтириш ва сифатини яхшилаш учун ихтисослашган ҳудудлар, қишлоқларни жалб қилиш мақсадга мувофиқдир. Жумладан, Китоб туманидаги Варганза анори, Қарши туманидаги Кўчкак анжири, Лағмон узуми, Косон туманидаги Эсабой, Тинибек қишлоқлари ҳамда Касби туманидаги Оқжангал, Месит қишлоқларида етиштирилаётган сабзилар, Майманоқ бодоми, Косон туманидаги Пудина мевалари, Қамаш туманининг Қамай қишлоғи қовунларини доврўғини қайта тиклаш ва уларни етиштиришни кўпайтириш мақсадга мувофиқдир.

УДК: 631.51:635.657

Тоғ ва тоғ олди лалмикор ҳудудларда дехқончилик ишларининг самарадорлигини ошириш давр талабидир

Алиқулов Ғ.Н. қ.х.ф.н (ҚарМШИ)

М.Ж.Ғофиров-ҚарМШИ

Й.Т.Зухуров-ҚарМШИ

В статье приведены рекомендации по некоторым проблемам и их решения по повышению эффективности использования горных и предгорно-богарных земель.

Ключевые слова: горные богарные земли, нут, озимая пшеница, клубеньки, урожайность, боярышник.

The article gives recommendations on some problems and their solutions for increasing the efficiency of use of mountain and foothill-rainfed lands.

Key words: mountain dry lands, chickpeas, winter wheat, nodules, yield, hawthorn.


Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони қабул қилиниб, ушбу фармон билан “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тасдиқланган. Ушбу дастурнинг “3.3. Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш” йўналишидаги

161 бандида “Ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш мақсадида қишлоқ хўжалиги экин майдонларини мақбуллаштириш, бунда:

пахта экин майдонларини 49 минг гектарга ва ғалла майдонларини 10 минг гектарга қисқартириш;

қисқартирилган экин майдонларига бошқа қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш, жумладан, картошка 8,1 минг гектар, сабзавот 27,2 минг гектар, интенсиф боғ 5,9 минг гектар, токзор 2,9 минг гектар, озуқа экинлари — 10,9 минг гектар ва мойли экинлар — 4 минг гектар¹¹” дейилган. Пировардида бу паст рентабелли экин майдонларида пахта ва ғалла етиштиришдан кўриладиган зарарни 80 млрд. сўмга қисқартириш; кўшимча 1 млн. тоннага яқин мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш; худудларда 48,5 мингдан ортиқ янги иш ўринларини ташкил қилиш натижасида ушбу экин майдонларида банд бўлган аҳоли сонини 75,6 мингга етказиш; мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти ҳажмини 2 баробар оширишга олиб келади.

Ушбу устувор вазифаларни самарали бажариш йўлларида бири ички имкониятлар ва салоҳиятини чуқур ўрганиш ҳисобланади. Бунинг учун авваломбор мавжуд ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил қилиш зарур. 2017 йилда Қашқадарё вилоятида 8034 нафар фермер хўжалиги томонидан 153,5 минг гектар ер майдонга чигит экилиб, давлатга 409,1 минг тонна пахта хом ашёси етказиб берилди, шартномавий режа 100,6 % га бажарилди. Вилоят бўйича ўртача ҳосилдорлик 26,7 центнерни ташкил этди. 207,2 минг гектар майдонга кузги бошоқли дон экинлари экилиб, 1 млн 16 минг тонна дон етиштирилди ва ўртача ҳосилдорлик сувли майдонларда 74,0 центнерни ташкил этди. Ушбу келтирилган маълумотлардан маълум бўлдики, вилоят бўйича қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган иқтисодий ислохатлар натижаси деб ҳисоблаш мумкин.



1- расм.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини янада кўпайтириш ва сифатини яхшилашнинг асосий манбаларидан бири бўлган лалмикор ерлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш борасида республика миқёсида олиб борилаётган ишлар долзарблиги билан бир қаторда мавжуд 757,9 минг гектар ер майдонидан тўла фойдаланишни тақазо этади. Республика бўйича лалми ер майдонларининг вилоятлар бўйича тақсимланиши 1-расмда келтирилган.

Республика вилоятлари бўйича лалмикор ерлар майдони, минг, га

Юқорида келтирилган маълумотлардан маълум бўлдики, умумий лалми ер майдонининг 34,0 % Қашқадарё вилояти ҳудудида жойлашган. Мавжуд лалми ер майдонларини рельефини ҳисобга олиб, уларни қуйидаги минтақаларга бўлиш мумкин:

- Текислик минтақаси;
- Қир-адир минтақаси;
- Тоғ олди ва тоғ минтақаси;

Лалмикор ерлар шароитида ёғингарчилик миқдори ҳосил тақдирини белгилайди. Ёғингарчилик миқдори бу ҳудудда бир меъёردа тақсимланмаган. Чўл минтақаларида, одатда, йилига 100 мм дан 200 мм гача ёғин тушади. Тоғ олди ва тоғ минтақаларида йиллик ёғин 900 мм га етади. Тушаётган йиллик ёғингарчиликлар миқдорига кўра лалми ерлар қуйидагича таснифланган.

1. Таъминланган ерлар - >500 мм.
2. Ярим таъминланган - 300-500 мм.
3. Таъминланмаган ерлар - <300 мм.

Қашқадарё вилояти Республиканинг жанубий қисмида жойлашган бўлиб, унинг ҳудудида - тақирли, чўл-қумли, сур тусли кўнғир тупроқлар ҳамда баландлик минтақаларининг оч тусли, типик ва тўқ тусли бўз тупроқлари, жигарранг тупроқлари ва оч-кўнғир ўтлоқи дашт тупроқлари тарқалган.

Ёғингарчилик миқдори билан таъминланган тупроқларга қуйидагилар киради:

- оч жигарранг тупроқлар:
- тўқ тусли бўз тупроқлар:

Ярим таъминланган тупроқларга типик бўз тупроқлар тарқалган майдонлар киради. Таъминланмаган гуруҳдаги майдонларда оч тусли бўз тупроқлар тарқалган.

Қадимда ота-боболаримиз томонидан лалмикор ерларда кузги буғдой ва арпа экинларини экиб деҳқончилик қилинган. Эндикиликда фақат ғаллачилик эмас, балки лалми боғдорчилик, узумчилик, мойли, дон-дуккакли экинлар, беда уруғчилиги, намлик билан тўлиқ таъминланган ҳудудларда сабзавот, полиз каби яна бошқа бир неча тур экинларни етиштириб, сифатли ҳосил ва мумай даромад олиш имконияти мавжуд.

Қашқадарё вилоятининг тоғ ва тоғ олди ҳудудларида табиий шароитда кўпаяётган дўланаларни парваришlash ва кўпайтириш ишларини ўйлаб кўришни талаб қилмоқда. Чунки бу ҳудудларда чорва молларининг боқилиши ва одамлар томонидан кесиб, ўтин мақсадида фойдаланиш кўламининг ошишини ачинарли ҳолат деб ҳисоблаймиз.

Республикамизда дўлана меваси-нинг 3 та тури етиштирилади ва истеъмол қилинади. Фармацевтика саноатида асосан қизил, сариқ рангли дўланадан фойдаланилади. Тоғ ва тоғ олди ҳудудларидаги аксарият дўланаларнинг меваси сариқ рангли бўлиб, унинг барги, гуллари ва мевалари шифобахш ҳисобланади. Илмий манбаларда қайд этилишича дўлана меваларининг таркибида 20 фоиз қанд, 8 фоиз ёғ, флавоноидлар, холин, асетилхолин, ошловчи моддалар, каротин, С витамини, органик кислоталар каби моддалар мавжуд. Ўзбекистон шароитида ўсадиган дўлананинг баъзи турларида В₁, В₂, С, Е витаминлари борлиги аниқланган. Дўлананинг бир ховучи истеъмол қилинса, нафақат кишини кун бўйи ташналик ва очликдан асрайди, балки унга яхши кайфият, бардамлик ва қувват ҳам ҳадя этади.

Дехқонларимиз томонидан лалмикор ерларда бир қатор мойли экинларни етиштириб келинмоқда. Эрта баҳорда экиладиган экинлар турига зиғир ва махсар экинлари ҳам киради. Уларнинг уруғлари тупроқ ҳарорати 2-5⁰С бўлганда экилади. Намлик билан тўлиқ таъминланган ҳудудларда етиштирилса, ўртача 15-18 центнергача ҳосил олиш мумкин. Бунинг учун тўлақонли агротехник тадбирларга риоя этилиши лозим.

Беда уруғчилигини ривожлантириш ҳам долзарб бўлиб, республикамиз ва чет мамлакатларда ушбу уруғга бўлган эҳтиёж катта. Беда лалмикор ер ресурсларидан тўлароқ фойдаланиш имконини берадиган муҳим экинлар жумласидандир. 2012-2016 йилларда Шахрисабз туманидаги “Муҳиддин ўғли Аслиддин” фермер хўжалигида ўтказилган тажрибалардан беданинг гектаридан 18 ц гача пичан олиш мумкинлиги аниқланди. Тажриба ўтказилган жой тоғли лалмикор минтақасига мансуб, тўқ тусли бўз тупроқлар ҳисобланиб, бундай тоғли тупроқлари вилоятда 40 минг гектарга яқин майдонни ташкил этади.

Тоғли лалмикор тўқ тусли бўз тупроқлар шўрланмаган бўлиб, карбонатлар 40-60 см ли қатламда учрайди. Механик таркиби бўйича ўрта қумоқлидир.

Лалмикор ерлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишда дехқонларимиз томонидан дуккакли-дон экинларидан бири, яъни нўхат экинини кўп миқдорда экиб келинмоқда. Нўхатни декабрь ойининг ўртасида (тўқсонбости усулида) 7-8 см чуқурликка экиш талаб этилади. Нўхатнинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлиги, навларнинг хусусиятлари, тупроқ ва иқлим шароитига боғлиқ равишда ўзгариб боради. Нўхат мақбул муддатларда экилса, ҳаво ҳароратининг ошиб кетишигача ҳосил шаклланишга улгуради. Нўхатнинг анъанавий экиш даврига нисбатан у олдинроқ гуллайди, гуллаш даври ҳам узоқроқ давом этади. Дуккакдошлар оиласига мансуб бўлган ўсимликларнинг илдизларида ва ризосферада бўлган туганак бактериялар (*Rizobium*) ёрдамида атмосферадаги эркин азотни биологик йўл билан ўзлаштириб, тупроқни азот билан бойитади ҳамда тупроқдаги азот мувозанатини яхшилайдиган Мақбул муддатларда экилган нўхат экинидан тоғли лалмикор ерлар шароитида ўртача 12-14 ц/га ҳосил олиш мумкинлигини тажриба натижаларидан кузатиш мумкин.

Тажриба натижаларига асосланиб, буғдой билан арпа нўхатдан кейин экилганда улар ҳосилдорлиги уч йил мабойнида 40-60% гача ошиши кузатилади.

Тоғ ва тоғ олди лалмикор ерлар шароитида юқорида қайд этиб ўтилган омилларга эътибор берилиши натижасида тоғ ва тоғолди ҳудудларида яшаётган аҳоли турмуш шароитининг кўтаришга олиб келади.

Юқорида келтирилган маълумотларга асосланиб, ушбу соҳада қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- Республика миқёсида тоғ ва тоғ олди ҳудудларида жойлашган дўлानазорларни кўпайтириш ва парваришlash мақсадида аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;

- ҳар бир минтақа учун мойли экинларни етиштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш ва аҳоли ўртасида тарғиб қилиш;

- беда уруғчилигига ихтисослашган фермер хўжаликларини ташкил этиш;

- нўхатни декабрь ойининг ўртасида (тўқсанбости усулида) экиш тизимини оммалаштириш.

Адабиётлар

1. Абдиев А. А. Қашқадарё вилоятининг тоғ лалмикор ерлари шароитида турли муддатларда ва меъёрларда экилган нўхат навларининг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлиги: К/х фанлари номзоди автореф. - Самарқанд, СамҚХИ, 2008.-22 б.

2. Лавронов Г.А. Лалми деҳқончилик. -Тошкент: Ўзбекистон, 1975.-79 б.

Ирназаров И., Аликулов Г.Н., Абдиев А.А. Последствия сортов нута на урожайность пшеницы// Ж.Зерновое хозяйство.–Москва, 2007. -№7.-С.14-15.

3. Аликулов Ғ.Н. Нўхат тупроқ унумдорлигини оширади //Ўзбекистон кишлоқ хўжалиги журнали.-Тошкент, 2007.-№9.-Б 18.

4. Аликулов Ғ.Н. Лалмикор ерларда тупроқ унумдорлигини ошириш//«Агроилм» - Ўзбекистон кишлоқ хўжалиги журнали илмий иловаси. -Тошкент, 2007.-№1.-Б. 31.

5. Эрназаров И., Норов Ф., Эгамбердиев Х.Т., Абдиев А.А., Аликулов Ғ.Н. Лалмикор ерларда нўхат етиштириш технологияси бўйича тавсиянома.- Қарши, 2006-14 б.

6. Ўзбекистон Республикаси энциклопедик маълумотномаси. -Тошкент, 2002. –Б. 16-20.

Zamonaviy kompyuterlarning operatsion tizimlari va ulardan foydalanish talablari

Abduraximov D.B., Qudratov A.N., Islikov S.X., Mamatov A.M.

GulDU

Fan va texnikaning rivojlanib borishi kompyuter texnologiyalari soxasiga ham sezilarli tasir ko`rsatmoqda. Tezlik, xotira hajmi, chastata va boshqa parametrlari bir necha yil avvalgilariga nisbatan ko`plab marotaba ortib ketdi. Shunga mos xolda dasturiy vositalar, xususan operatsion tizimlar ham yangi talablar asosida rivojlanib bordi. “Kompyuter ishga tushirilganda, odatda uning qurilmalari bilan bir qatorda maxsus dastur ishga tushadi. Mazkur dastur foydalanuvchi bilan

kompyuter o'rtasidagi muloqotni ta'minlaydi va u operatsion tizim (qisqacha OT) deb yuritiladi.

Shaxsiy kompyuterlarning operatsion tizimlari bir necha parametrlar bilan farq qiladilar. Xususan, operatsion tizimni quyidagi sinflarga bo'lish mumkin:

- *bir masalalik va ko'p masalalik;*
- *bir foydalanuvchilik va ko'p foydalanuvchilik.*

Hozirgi paytda barcha qurilmalar: smart'hone, planshet, netbook, noutbook, virtual ko'zoynak, monoblok va Shklar uchun yagona Windows 10 operatsion tizimlari keng tarqalgan bo'lib, bir tomondan foydalanuvchi va dasturchilarning kompyuter ustida har qanday tajribalarni o'tkaza olishlarini anglatsa, ikkinchi tomondan yangi avlod operatsion tizimlarini yaratishdagi yana bir, o'ta muhim sinov ekanligini bildiradi.

2001 yilning 15 avgustida Windows XP OT savdolari boshlandi, u OT tarixidagi eng mashhurlaridan biriga aylandi. Texnik yordamga chek qoyilishi va viruslarga nisbatan nozik bo'lishiga qaramay, NetMarketshare tahliliy saytining ma'lumotlariga qaraganda, u hozirga qadar dunyodagi barcha kompyuterlarning 11,68 foizida o'rnatilgan. Dastlabki narxi 85 AQSH dollaridan boshlanadi. 2015 yil holatiga ko'ra, 1 milliardga yaqin nusxasi sotilgan.

2006 yilning 30 noyabrida Windows Vista paydo bo'ldi. Asosiy yaxshilangan tomonlari orasida viruslarga qarshi himoya va Aero grafik interfeysini qayd etish mumkin. Mazkur OTni operatsiyalarni sekin amalga oshirishi, doimiy ravishda 'arolni kiritish va kompyuter qaroqchiligi huquqidagi murakkab tizim tufayli tanqid qilishgan. Sotuvlar boshlanganidan bir oy o'tgach, 20 million nusxa talqiniga qarab 199 dan 399 AQSH dollarigacha bo'lgan narxda sotilgan.

2009 yilning 22 oktabrida Windows 7 OT savdoga chiqarildi. Unda Vistadagi kamchiliklar bartaraf etilgan va interfeys yaxshilangan. Dastlabki narxi – 159,99 dan 319,99 AQSH dollari qiymatida. Ikki yil ichida 450 milliondan ortiq nusxalar sotildi. NetMarketshare ma'lumotlariga ko'ra, 2014 yilning noyabrida dunyodagi barcha kompyuterlarning 55,71 foizida o'rnatilgan.

2012 yilning 26 oktabrida Microsoft Windows 8 OTni ishga tushirdi. Unda "pusk" tugmasidan voz kechish va foydalanuvchi interfeysini butunlay qayta ishlab chiqib, ekrandagi "plitka" elementlari ko'rinishida "Metro" muhitiga almashtirishga qaror qilindi.

Mazkur talqin oddiy kompyuterlarga qaraganda planshetlar uchun mo'ljallangan deya tanqid ostiga olingan. Kamchiliklarning bir qismi Windows 8.1 da bartaraf etildi. Dastlabki olti oy ichida 100 milliondan ortiq nusxasi sotildi. Ilk narxi 14,55 dan 199,99 AQSH dollarini tahlil etgan. 2015 yil iyun oyi holatiga ko'ra, 10,68 foiz shaxsiy kompyuterlarda undan foydalanilmoqda.

2015 yilning 25 iyulida yangi talqin Windows 10 sotuvga chiqarildi. U barcha platformalar – serverlardan tortib, mobil telefonlar uchun yagona tizimga aylandi. O'zgartirilgan elementlar orasida shaxsiy kompyuterlar uchun "pusk" menyusi va tugmasining qaytishini alohida ta'kidlab o'tish mumkin. Windows 7 va Windows 8 OT foydalanuvchilari yangi talqinga bepul "update" ga ega bo'lishdi, yangi nusxa 119 dan 199 AQSH dollari qiymatida edi. Ilk 2,5 oy mobaynida yangi tizim 110 milliondan ortiq kompyuterlarda o'rnatildi, operatsion tizim bozoridagi ulushi 2015 yil noyabr oyi holatiga ko'ra, 7,94 foizni tahlil etmoqda.

Microsoft kompaniyasining ma'lum qilishicha, hozirgi vaqtda Windows 10 operatsion tizimi ostida 300 millionga yaqin qurilma faol ishlab turibdi. "Droider.ru"ning yozishicha, tizim bir yildan kamroq vaqt ichida mazkur natijaga erishishga muvaffaq bo'ldi.

Shu ko'nga qadar Microsoft kompaniyasining Windows 10 operatsion tizimi 200 mln donadan ortiq qurilmaga o'rnatildi.

2015 yilning yanvar oyidayoq 1,7 milliondan ortiq foydalanuvchilar Windows 10 ning beta-versiyasidan foydalanish uchun ro'yhatga olingan.

Turli hil statistika resurslarining ma'lumot berishlaricha, shaxsiy kompyuterlar orasida Windows 10 operatsion tizimi barcha davrlarning eng ommabo' tizimlari orasida ikkinchi o'rinni muhim egallab turibdi. Misol uchun Net Applications tashkilotining xabar berishicha, Windows 10 ning jahon bozoridagi ulushi 14,35% ni tahlil etib turganda, Windows 8.1 10,11% natija bilan undan oldinda turibdi. Reytingda Windows 7 operatsion tizimi 48,79% lik ulush bilan yetakchilik qilib kelmoqda. Ta'kidlashlaricha, Windows 10 katta tezlik bilan olg'a bormoqda. Net Applicationsning ko'rsatishicha, uchinchi o'rinda Windows X' turibdi. Undan so'ng esa Linux 1,56 % natijani ko'rsatmoqda.

Windows 10 OTi ishga tushganda monitor ekranida har doim uning "Start" menyusi paydo bo'ladi (1-rasm) va u ekranni to'liq egallaydi.

Windows 10 versiyalari. Microsoft, har doimgidek Windows 10 operatsion tizimning bir necha versiyalarini ishlab chiqardi. Biroq, Windows 8.1 versiyasi bilan unchalik ko'p farq qilmaydigan interfeysni yaratdi. Windows "sakkiz" versiyasi esa o'zidan oldingi Windows 7 va Vista versiyalaridan ancha farq qiladi.

Microsoft firmasi Windows 10 ning quyidagi 4 variantlarini taklif qilgan:

- 1) Windows 10 Home (Windows 10 Core);
- 2) Windows 10 Professional;
- 3) Windows 10 Enterprise;
- 4) Windows 10 Education.

Bu to'rt variantlarning birinchi ikkitasi oddiy foydalanuvchilar uchun rejalashtirilgan, uchunchisi esa kor'orativ bozorlar uchun, to'rtinchi versiyasi esa ta'lim muassasalari uchun taklif qilingan. Bundan tashqari, Enter'rise va Education variantlar funksional jihatdan deyarli farq qilmaydi, bu ikkala variant eng "to'liq" turi hisoblanadi.

Approaches of innovative development of the sphere of tourism

*Ergashova Ra'no To'rayevna
Qarshi davlat universiteti*

The diverse approaches analyzed in this article illustrate that 'innovation' is far from being a uniform process or a panacea for development problems. In fact, it may be far more appropriate to talk about different 'innovations'. There are clearly different models for innovative development, different concepts of innovation, different innovative experiences, different levels of visibility of innovative spaces and spectacles, and innovation may be integrated with or separated from other policy areas. We pay particular attention to those approaches of innovation that are pertinent to the development of tourism, but in doing so we also cover many themes that are relevant for innovative development in general. Looking at the

different approaches to innovation and tourism adopted here, we can identify a spectrum of innovations, ranging from hardware based to software-based approaches. The hardware-based approaches tend to depend heavily on the development of innovative spaces and infrastructure, whereas the software-based approaches depend far more on the development of experiences. Mediating these two extremes are the ‘orgware’ approaches, which provide the policy, strategy and management frameworks necessary to link the innovative software and hardware. It is clear, therefore, that a holistic approach is essential for effective innovative development, and that innovation also needs to be place and context specific.

The correlation between the growth of tourism and the degree of innovation is an evident. Still, tourism innovation has been limited of political consideration and is has not played decisive part. Hence, when innovations take plays in the field of tourism economic driving forces have often been the reason for looking beyond ordinary procedures and turning to new innovative thinking. However, it is not as common a phenomenon as in the manufacturing industry. It has been argued that innovations are non-existent in tourism. Although it would probably be a lot closer to the truth to say that they are less frequently occurring and sometimes taking on different features making them harder to detect.

One way of generally defining the term innovation follows:

“Innovation is the search for, and the discovery, development, improvement, adoption and commercialization of new processes, new products, and new organizational structures and procedures”¹².

A broad definition, like the one above, is useful when applied to the sphere of tourism. Hjalager describes an appropriate sub-division of innovations into 5 categories – product, process, management, logistics, and institutional innovations, described in the following section¹³:

-production innovations

This category consists of changed or new products or services, developed to the stage of commercialization. Their novelty should be evident to producers, suppliers, consumers, or competitors. Loyalty programs, events, based on local traditions and environmentally sustainable accommodation facilities are examples of production innovations in recent years.

-process innovations

These innovations involve a way of raising the performance of existing operations with new or improved technology or redesigns of the entire production line. These kind of innovations can be combined with or result in product innovations. Robots for cleaning and maintenance, self-service devices, and computerized management and monitoring systems make up good examples.


-management innovations

New job profiles, collaborative structures and authority systems among others belong to this category, often in combination with the introduction of new products, services and production technologies. these can for instance lead to staff empowerment through job enrichment, training and decentralization.

¹² “Regulatory reforms and innovations”, OECD Report, p. 17

¹³ Hjalager,A.M. “Repairing innovation defectiveness in tourism”, *Tourism Management*, 23, 2002, p. 465

Now, I am going to enlighten the approaches of innovative development of the sphere of tourism by Abernathy and Clark:



Source: Abernathy, W.J. and Clark, K.B. mapping the winds of creative destruction. Research Policy, Vol.14, Issue 1, 1985.

Generally, many new ideas and concepts cannot be protected leads to a large degree of free-riding on investments and ideas of others, as competitors are quick to follow successful paths. Hence, competitive advantages may quickly be eroded and new, constant innovations are needed. This shows that innovations certainly exist, they may just not be as easy to count or as common as in the manufacturing industry.

Used literature:

1. "Regulatory reforms and innovations", OECD Report, p. 17
2. Hjalager, A.M. "Repairing innovation defectiveness in tourism", Tourism Management, 23, 2002, p. 465
3. Abernathy, W.J. and Clark, K.B. mapping the winds of creative destruction. Research Policy, Vol.14, Issue 1, 1985.

Табиий ресурслардан фойдаланиб, импорт чинни буюм тайёрлаш плитасини ўзимизда ишлаб чиқиш технологияси.

*Каманов Б.М. * Абдумўминов А.*

*ЎзФА "Физика-Қуёш" ИИЧБ Физика - техника институти
* ЎзФА "Физика-Қуёш" ИИЧБ Материалшунослик институти*

Бугунги кунда керамика ва чинни буюм идишлари ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйилган, лекин бунинг олинис технологияларида қўлланилиб келинадиган керамик плиталар хали хануз импорт йўллари билан келтирилмоқда. Бу плиталарни Республикамиз табиий ресурсларидан фойдаланган холда ишлаб чиқариш йўллари ҳам мавжуд. Ишлаб чиқариш натижасида, юртимизда ишлаб чиқарилаётган керамик ва чинни буюмларини таннархини бироз арзонлаштиришга олиб келади.

Импорт, Чинни буюмлар тайёрлаш плитасининг таркиби SiC (карбид кремний) ва юза қисмига окис алюминий қўйган холда ишлатилади. (1-расм.)



1-расм. Импорт, чинни буюмлар тайёрлаш плитасининг кўриниши.

Олиб келинаётган маҳсулотни импортлиги ҳисобига (1 доллар США (USD) - 8 068.15 узбек (UZS) сўмига тенг) маълумотни келтириб ўтишимиз лозим. Ҳозирда карбид кремний материалининг 1 кг ҳажми 4840.89 сўми, 1 дона чинни буюмлар тайёрлаш плитасининг таннархи 137158.55 сўми ташкил этмоқда. Бу маҳсулотни ўзимизда Республикамиз табиий ресурсларидан фойдаланган ҳолда олиш натижасида 1 дона чинни буюм тайёрлаш плитасининг таннархи 53 000 сўми ташкил қилиши, ҳамда плитанинг таркибини карбид кремний материали ўрнига табиий ресурсларимиздан шамот, серпентин ва каолиндан фойдалансак, плита таркибини ташкил қиладиган материалнинг 1 кг ҳажми 1500 сўми ташкил қилиши мақсадга мувофиқдир.

Плитанинг таркибий қисмида 50% шамот, 40% серпентин ва 10% каолинни ташкил қилади. Бу материаллар аралашмаси бирлаштирилиб, КМС елими асосида қоришма тайёрланади ва пресс формада 12.5 тор босим остида прессланиб плита ҳолатига келтирилади. Тайёр плита хона температурасида 3 соат қуритилади. Қуритилган плита юқори температурали печда қуйдаги 1-жадвалдаги ҳолатда (отжиг) тобланади.

1-жадвал.

Плитани тоблаш режими.

№	Температура °С	Вақти (соат)
1.	300	2
2.	400	1
3.	600	1
4.	800	1
5.	1000	0.5
6.	1100	0.5
7.	1200	0.5
8.	1250	0.5
9.	1300	1

Тобланган плита 2-жадвал асосида (термоцикл) термал айлана ҳолати ўтказилади.

Плитани термал айлантериш.

№	Температура °С	Печда туриш вақти (минут)	Термал айланиш сони	Хона температурасида туриш вақти
1.	1350	10	50	10
2.	1450	10	50	10
3.	1550	10	50	10

Термал айлантеришлар ўтказилгандан кейин плита тайёр ҳолатга келади 2-расм.



2-расм. Табиий ресурслардан тайёрланган чинни буюм тайёрлаш плитасининг кўриниши.

Тайёр плитанинг тўртта томонига тирқичлар очилади ва юза қисмига окис алюминий қоришмаси ётқизиблиб истеъмолчига етказилади.

Хулоса ўрнида шу айтиш керакки, чинни буюм тайёрлаш плитасини олиш технологиясида қуйдаги материаллардан фойдаланиб амалга ошириш лозим.

- Плитанинг таркибидаги шомот, серпенти, калолин ҳамда окис алюминий материаллари талаб қилинади.
- Плита ҳолатига келтириш учун ўлчамига мослаштирилган пресс форма ва 25 тор босимга эга пресс талаб қилинади.
- Юқори температурали печ йиғиш лозим, бунда металл корпус тайёрланади плита ҳажми ҳисобга олинган ҳолда. (огнеупорний) оловга чидамли ғишт, оловга чидамли пахта ва қиздириш учун храмелъ ланталдан иборат нагривател, температурасини ўлчаш учун платина платина - рудий термопара, 100 амперли амперметр, 30 кВт қувватли латрлар талаб қилинади.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Огнеупоры и огнеупорные изделия. Сборник, М., 1975; Стрелов К. К., Мамыкин П. С.
2. Технология огнеупоров, 3 изд., М., 1978; Ротенберг Г. Б.
3. Огнеупорные материалы, пер. с англ., М., 1980;
4. Производство и применение плавнелитых огнеупоров, М., 1985; Стрелов К. К.,
5. Теоретические основы технологии огнеупорных материалов, М., 1985. А. В. Беляков.

Влияние литейных холодильников на структуру сплава 300Х32Н2М2НЛ

*Ю.Н.Мансуров, **Г.Д.Улогов, ***А.А.Жумаев, ****Х.А.Салимжонов

*Национальный исследовательский технологический университет «МИСиС»
г. Москва, **ПО Навоийский машиностроительный завод, г.Навоий,

Навоийского отделения Академии наук РУз, г.Навоий, *Навоийским
государственный горный институт, г.Навоий

Износостойкие белые чугуны – это группа хромистых, марганцово-хромистых, никель-хромистых чугунов, основной особенностью которых является наличие в микроструктуре легированных карбидов железа и карбидов легирующих элементов, обеспечивающих высокую износостойкость и условиях абразивного изнашивания. Регулирование состояния металлической основы за счет легирования и термической обработки позволяет в достаточно широком интервале изменять износостойкость и обрабатываемость белых чугунов. Хром растворяется в карбидах и в матрице белого чугуна, а также образует специальные высокохромистые карбиды. В орторомбическом карбиде железа $(Fe, Cr)_3C$ хром может замещать часть атомов железа, и его количество в карбидах цементитного типа может достигать 18 %. В белых износостойких чугунах образуются карбиды хрома двух типов: тригональный $(Cr, Fe)_7C_3$ и кубический $(Cr, Fe)_{23}C_6$; содержание в них железа может составлять 50 и 35 % соответственно. В α -Fe растворимость хрома неограниченная, а в γ -Fe растворяется до 12 % Cr [1].

Главные структурные составляющие белых износостойких чугунов – карбиды и металлическая основа. Основные характеристики карбидов, оказывающие решающее влияние на износостойкость, механические и технологические свойства белых износостойких чугунов – тип кристаллографической решетки, морфология, количество, размеры, ориентировка по отношению к изнашиваемой поверхности [2].

При наличии анизотропии твердости при отливке деталей целесообразна направленная кристаллизация, реализуемая, как правило, за счет использования холодильников. В этом случае износостойкость рабочей поверхности чугуна, как показали данные работы, возрастает на 40 – 60 % [3].

Марка	Элементы, %								
	C	Si	Mn	P	S	Cr	Ni	Mo	Ti
300Х32Н2М2ТЛ	2,4-2,8	До 2	1,5-2,0	До 0,1	До 0,06	30-34	1,5-3,0	1,5-2,0	До 0,2

В данной работе описаны результаты исследования, проведенных в ПО НМЗ. Их объектом служили детали, дробилки «СЕМСО», изготовленных из сплава 300Х32Н2М2НЛ, предназначенные для работы в условиях ударно-абразивного износа.

Ориентировка карбидов $(Cr, Fe)_7C_3$ осью c , перпендикулярных изнашиваемой поверхности достигнуто в детали «Наковальня» мод.8780,

отлитого в литейном производстве ПО «НМЗ» с применением местных наружных холодильников.




Рис.1. Микрофотография поперечного микрошлифа




Рис.2. Микрофотография поперечного микрошлифа

Увеличение износостойкости за счёт рациональной термической обработки деталей насосов даёт дополнительную экономию материалов и энергоресурсов.

Литература

1. Цыпин И.И. Белые износостойкие чугуны. – М: металлургия, 1983.
2. Iron-Chromium-carbon-vanadium white cast irons – the microstructure and properties. Mirjana M., Available online at the journal. № 4. 413-427 p. 2014.
3. Чугун: Спр. Изд./Под ред. А.Д. Шермана и А.А. Жукова. М.: Металлургия, 1991.

Самарқанд вилояти пастандарғом тумани кишлоқ хўжалик ер турларида мониторинг ишларини олиб бориш

Бобобеков И., -қ-х.ф.н., Самаров Б. - 201 ГК магистранти (СамДАҚИ)

Маълумки, кишлоқ хўжалик ерлардан фойдаланиш даражасини ўрганишда ерлар ҳисобини тўғри олиб бориш яъни уларни тўғри ва аниқ юритиш муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабдан биз тумандаги кишлоқ хўжалик ер майдонларида мониторинг ишларини олиб боришни ўз олдимизга мақсад қилиб олдик.

Туман кишлоқ хўжалик ерларида мониторинг ишларини ўтказиш тумандаги мавжуд ММТП (Муқобил машина трактор парклари) ҳудудларининг 1:10000 масштабдаги план-хариталар асосида амалга оширилди ҳамда қуйидаги босқичларда бажарилди: тайёргарлик ва ташкилий ишлар; дала ишлари; майдонларни аниқлаш ва қайдномаларни тузиш; расмийлаштириш ва ҳужжатларни кўпайтириш; йўқлама қилиш ишларини кўриб чиқиш.

Туман кишлоқ хўжалик ерларида ўтказилган мониторинг ишларининг тайёргарлик ва ташкилий ишлар даврида ҳар бир массив бўйича ердан фойдаланиш плани, массивнинг ер баланси ва бошқа зарурий ҳужжатлар танлаб олинди. Мониторинг ўтказишнинг дала ишлари даврида мавжуд ер майдонларни тўғрилиги аниқланди ва барча ўзгаришлар планга туширилди. Йўқлама қилиш қайдномаси ҳар бир хўжалик бўйича ер майдонни ҳисоблаш орқали тайёрланди. Ер майдонларини ўрганиш жараёнида ҳисоблаб чиқиладиган майдон ўзгармаган бўлса, унинг қайдномасидан фойдаланиб йўқлама қилиш шакллари тўлғазилди. Агар хўжалик майдонининг бир қисми

ёки айрим бўлагида маълум бир ўзгаришлар содир бўлган бўлса, бу ўзгаришлар йўқлама қилиш шакллари тўлғазишда кўрсатиб ўтилди.

Пастдарғом тумани ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими ҳамда Ўздаверлойиҳа институти Самарқанд филиали маълумотларга кўра, 2018 йил 1 январь ҳолати бўйича Пастдарғом туманининг умумий ер майдони 87102 гектарни ташкил этади (Жадвал).

Жадвал

**Пастдарғом туманидаги ер майдонларининг экспликацияси
(2018 йил 1 январь ҳолатида)**

т/р	Кўрсаткичлар	Майдони, га
1	Жами ер майдони	87102
2	Экин ерлари	
	Жами	45373
	Шу жумладан Суғориладиган	41825
	Лалми	3548
3	Кўп йиллик дарахтзорлар	
	Жами	5392
	Боғлар	3063
	Узумзорлар	1237
	Тутзорлар	1077
	Мевали кўчатзорлар ва бошқа дарахтзорлар	15
4	Бўз ерлар	109
5	Яйловлар	7306
6	Қишлоқ хўжалиги ер турларининг жами	58178
7	Томорқа ерлари	
	Хўжаликлар сони	53916
	Ер майдони	8335
8	Мелиоратив ерлар	95
9	Ўрмонлар	532
10	Бошқа ерлар	19955

Шундан қишлоқ хўжалик ер турларининг майдони 58178 гектар ҳисобланади. Тумандаги қишлоқ хўжалик экинлари етиштириладиган экин ерлари майдони 45373 гектар бўлиб, шундан суғориладиган ерлар 41825 гектарни, лалмикор ерлар эса 3548 гектарни ташкил этади. Шунингдек туманда 5392 гектар кўп йиллик дарахтзорлар мавжуд. Ушбу майдоннинг 3063 гектари боғлар, 1237 гектари узумзорлар, 1077 гектари тутзорлар ва 15 гектари мевали кўчатзорлар ва бошқа дарахтзорлар ҳисобланади. Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими ва Ўздаверлойиҳа институти Самарқанд филиали маълумотлари асосида тумандаги бўз ерлар майдони эса 109 гектарни, яйловлар эса 7306 гектар эканлиги аниқланди. Булардан ташқари туманда 53916 дона хўжалик мавжуд бўлиб, улар ихтиёрида 8335 гектар ер майдони мавжуд. Туманда 95 гектар ер майдони мелиоратив ҳолати ёмон ер ҳисобланади. Шунингдек 532 гектар ўрмонлар ҳам бор. 19955 гектар

ер майдони тумандаги бошқа мақсадлар учун фойдаланиладиган ер майдонлари мавжуд.

Олиб борилган мониторинг ишларидан шу нарсалар маълум бўлдики, туманда ҳозирги кунда ердан фойдаланиш ҳолати қониқарли ҳолатда. Маълумотларга кўра тумандаги жами ер майдонинг асосий қисми яъни 80057 гектари 43 та массив ёки муқобил машина-трактор парки (ММТП) ҳудудида жойлашган фермер хўжаликлари ихтиёрига бириктирилган. Тумандаги қишлоқ хўжалик ер турларининг майдони 2018 йил 1 январ ҳолати бўйича 58178 гектар бўлган бўлса, шундан 56439 гектари ушбу хўжаликлар ҳисобига тўғри келади. Шунингдек туманда илмий-текшириш муассасалари, ёрдамчи хўжаликлар ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарига тегишли бўлган ер майдонлари ҳам мавжуд.

Туман ерларида олиб борилган мониторинг ишларидан шундай хулосага келиш мумкинки, ер майдонларида ҳисоб-китоб ишларини тўғри юритиш, мавжуд ер фондидан тўғри ва оқилона фойдаланиш учун асос бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўздаверлойиҳа институти Самарқанд филиали маълумотлари.
2. Самарқанд вилояти Пастдарғом тумани ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими маълумотлари.

Электрон рақамли имзо турлари ва классификацияси

Ортиқбоев Акбар Муродуллаевич

ТАТУ Тошкент

Бугунги юқори даражада ривожланган бутун дунё цивилизациясида ҳужжатлар, жумладан махфий ҳужжатларнинг ҳам, электрон кўринишда ишлатилиши ва алоқа тизимларида узатилиши кенг қўлланилиб борилаётганлиги электрон ҳужжатлар ва электрон имзоларнинг ҳақиқийлигини аниқлаш масалаларининг муҳимлигини келтириб чиқармоқда.

Электрон ҳужжатли маълумот алмашинуви жараёнида ЭРИни қўллаш ҳар хил турдаги тўлов тизимлари (пластик карточкалар), банк тизимлари

ва савдосоҳаларининг молиявий фаолиятини бошқаришда электрон ҳужжат алмашинуви тизимларининг ривожланиб бориши билан кенг тарқала бошлади.

Ҳозирда ЭРИ тизимини яратишнинг бир нечта йўналишлари мавжуд. Бу йўналишларни урта гуруҳга бўлиш мумкин:

- 1) очик калитли шифрлаш алгоритмларига асосланган;
- 2) симметрик шифрлаш алгоритмларига асосланган;
- 3) имзони ҳисоблаш ва уни текширишнинг махсус алгоритмларига асосланган рақамли имзо тизимларидир.

1-жадвал

Яратиш усулига кўра ЭРИларни синфлаш

Очик калитли шифрлаш алгоритмларига асосланган тизимлар	Симметрик шифрлаш алгоритмларига асосланган тизимлар	Имзони ҳисоблаш ва уни текширишнинг махсус алгоритмларига асосланган рақамли имзо тизимлари
---	--	---

RSAасосида ЭРИ Эл-гамал асосида ЭРИ	Симметрик шифрлаш алгоритмларига асосланган ЭРИ	DSA ECDSA O`zDSt1092-2009 ГОСТ34.10-94 ГОСТ34.10-2001 ва ҳ.к.
--	---	---

Амалда,учинчитурдагиимзониҳисоблашваунитекширишнингмахсусалг
оритмларигаасосланганрақамлиимзотизимлариданкенгфойдаланилади.

МахсусЭРИалгоритмларирақамлиимзониҳисоблашваимзонитекшириш
қисмлариданиборат.Рақамлиимзониҳисоблашқисмиимзоқўйувчининг
маҳфий калити ва имзоланиши керак бўлган ҳужжатнинг хэшқиймати
боғлиқ равишда бир нечта қадамлар кетма кетлиги ёрдамида ҳисобланади.
Иккинчи жараён имзонинг ҳақиқийлигини текшириш қисми имзо эгасининг
очиқ калитига ва қабул қилиб олинган ҳужжатнинг хэш қиймати
боғлиқ ҳолда амалга оширилади.

Электрон рақамли имзони шакллантириш ва ҳақиқийлигини тасдиқлаш
алгоритмларида юқори криптобардошлиликка эга хэш-функциялардан
фойдаланиш одат тусига кирган, акс ҳолда дастлабки матнга сохта имзо
қўйиш имконияти бор.

Мавжуд ЭРИ алгоритмлари асосан қуйидаги математик муаммоларни
ечиш мураккаблигига асосланган:

- факторлаш муаммосининг мураккаблигига асосланган ЭРИ
алгоритмлари;
- катта туб тартибли мультипликатив группада дискрет логарифмлаш
муаммосининг мураккаблигига асосланган ЭРИ алгоритмлари;
- Махсус кўринишдаги эллиптик эгри чизик нуқталари группасида
дискрет логарифмлашмуаммосининг мураккаблигига асосланган ЭРИ
алгоритмлари;
- Параметрлар алгебрасига асосланган ЭРИ алгоритмлари ва ҳ.к

2-жадвал

Мураккаб математик муаммолар бўйича ЭРИларни синфлаш

Факторлаш муаммосининг мураккаблигига асосланган ЭРИ алгоритмлари	Дискрет логарифмлаш муаммосининг мураккаблигига асосланган ЭРИ алгоритмлари	Эллиптик эгри чизик нуқталари группасида дискрет логарифмлашмуаммосининг мураккаблигига асосланган ЭРИ алгоритмлари	Параметрлар алгебрасига асосланган ЭРИ алгоритмлари
RSA, ESIGN, Ong-Shnorr- Shamir	EGSA, DSA, Shnorr, ГОСТ34.10- 94	ECDSA, O`zDSt1092-2009 (II алгоритми), ГОСТ34.10-2001, EC-KCDSA, EC-GDSA	O`zDSt1092- 2009 (I алгоритми)

Ҳозирги кунда ЭРИ протоколларининг махсус турлари: “кўр-кўрона” ЭРИ[], Жамоавий ЭРИ(ЖЭРИ), Тасдиқланган гуруҳли ЭРИ, Мултиимзо(Multisignature) ва ҳ.к таклиф қилинмоқда,булар ўз навбатида электрон хужжат алмашилишидаги турли муаммоларни ечишга хизмат қилади.

“Кўр-кўрона” ЭРИнинг асосий моҳияти қуйидагича.Аюборувчи хужжатни Втомонга юборади. Втомон эса хужжатни имзолайди ва қайта А томонга юборади.Атомон қабул қилган имзосидан фойдаланиб В томоннинг имзосини ҳисоблаб топиши в ауни ўзи учун муҳим бўлган хужжатни имзолашда ишлатиши мумкин. Бу протоколнинг бажарилиш якунида Втомон махфий хабар ҳақида ҳам ва унинг тагидаги имзо ҳақида ҳам ҳеч нарса ани билмайди. “Кўр-кўрона”ЭРИгаасосланганэлектронтўловтизимлари маълум бўлган аноним тўлов тизимларида фойдаланиш учун тавсия этилади. Ушбу электрон тўлов тизимларининг асосий криптографик хусусияти уларда қўлланилган “кўр-кўрона” ЭРИ ғоясидир. Бу ғоя биринчи бўлиб Дэвид Шаум ишларида таклиф этилган.

Электрон тўлов тизими протоколларида“Кўр-кўрона” ЭРИнинг асосий хусусиятлари:

а) Учинчи томон транзакциялар параметрларини аниқлашнинг имкони йўқ

б) Ҳаридорнинг транзакция билан тасдиқлашни имкониятининг мавжудлиги

в) Транзакцияни тўхтатиш имконияти

Жамоавий электрон рақамли имзо (ЖЭРИ)- бир хужжатни бир неча томон (жамоа) имзолаши ва ҳосил бўлган имзоларни шахсий очик калитлар асосида шакллантириладиган жамоавий очик калитдан фойдаланган ҳолда ҳақиққийлигини текшириш имконини яратади. ЖЭРИ протоколларидан фойдаланиш имзоларнинг яхлитлигини таъминлашга имкон беради.1983 йилда Итакура ва Накамура биринчи бўлиб ЖЭРИни таклиф қилган.

ЖЭРИнинг асосий хусусиятлари:

а) Бир хужжатга бир неча томон (жамоа) имзо қўяди;

б) ЖЭРИ ўлчами оддий ЭРИники билан тенг иштирокчилар сонига боғлиқ эмас;

в) Протокол иштирокчиларининг махфий калитидан хабардор шахс мавжуд эмас;

г) Қисқартирилган ва кенгайтирилган ЖЭРИни ҳисоблаш мумкин эмас.

Тасдиқланган гуруҳли ЭРИбу имзо тури ҳам ЖЭРИга ўхшаб кетади, лекин бунда гуруҳнинг исталган аъзоси гуруҳ(жамоа) номидан имзо қўйиши мумкин. Бунда хужжатни имзоловчи гуруҳнинг айрим аъзолари қатнашмаган ҳолларда жамоавий имзони шакллантириш имконини беради. Имзони ҳақиққийлигини текшириш учун имзоловчи гуруҳнинг умумий очик калити ёрдамида амалга оширилади. Гуруҳнинг бир аъзоси етакчи(лидер) ҳисобланади.

Тасдиқланган гуруҳли ЭРИнинг асосий хусусиятлари:

а) Гуруҳнинг ҳар қандай аъзоси имзолаш имкониятига эга;

б) Етакчи хужжатни гуруҳнинг қайси аъзоси имзолаганини аниқлаши мумкин;

в) Гуруҳнинг бошқа аъзолари гуруҳнинг қайси аъзоси имзолаганини аниқлай олмайди.

Мултиимзо (Multisignature) бусўнги йилларда электрон савдода кенг қўлланилаётган криптовалюта тизимларида қўлланилади. Бунда имзоловчилар гуруҳининг *ит* аъзосидан *т*та калити талаб қилинади. Кўпгина криптовалюта тизимларида транзакцияни қайтаришнинг иложи йўқ. Бунда кўимча шартлар танлаш орқали келишувни амалга ошириш мумкин.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда ЭРИ алгоритмларини икки хил турга ажратишимиз мумкин **бир имзоли** ва **кўп имзоли** алгоритмлар.

3-жадвал

Имзоловчилар сонига кўра ЭРИ турлари

Имзо тури	Бир имзоли	Кўп имзоли
Хужжат ва хат алмашилишида	Оддий ЭРИ	Жамоавий ЭРИ (ЖЭРИ) Тасдиқланган гуруҳли ЭРИ
Тўлов тизимларида	“Кўр-кўрона” ЭРИ	Мултиимзо (Multisignature) Жамоавий “кўр-кўрона” ЭРИ

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки “Электрон ҳукумат” тизимини ва электрон савдони (E-Biznes) ривожлантиришда криптографик усл ва воситаларни қўллаш хусусан ЭРИ алгоритмларини турли соҳаларга тадбиқ этиш юқори самара беради.

О’қувчиларда экологик маданиятни шакллантириш

To’qliyeva Matluba Boqiyevna QarDU huzuridagi XTXQTMOHM

Jamiyatning global ijtimoiy taraqqiyoti davrida ekologik madaniyat komil insonni shakllantirishning muhim omili bo’lib, ekologik ong insonning tabiat bilan o’zaro munosabati to’g’risidagi bilimi va ishonchini o’z ichiga oladi.

Ekologik madaniyat to’g’risidagi dastlabki tushunchalar boshlang’ich sinflardan boshlanib, bundan ko’zda tutilgan asosiy maqsad yoshlar qalbida Ona vatanga muhabbat, uning go’zal tabiatiga mehr uyg’otish, tabiat boyliklaridan oqilona foydalanish tushunchalarini shakllantirish orqali, tabiatni muhofaza qilish, ya’ni uni asrab avaylashga oid javobgarlik hissini oshirishdan iboratdir.

Ekologik tarbiyani amalga oshirishning muhim shakli o’quvchilarning o’qituvchi rahbarligida tabiat muhofazasi bo’yicha amaliy faoliyatidir. Jumladan, daraxtlar o’tkazish, gullar ekish, ularni doimiy parvarish qilish, qushlar va hayvonlarga inlar qurish va ularga g’amxo’rlik qilish, ariqlarni tozalash, chiqindi va axlatlarni olish va hokazo. Bu ishlarning hammasi yoshlar ongini ma’naviy jihatdan boyitib, ularning yuksak fazilatli insonlar bo’lib yetishishlariga zamin tayyorlaydi. Tabiatni muhofaza qilish bo’yicha aniq maqsad sari yo’naltirilgan har qanday amaliy faoliyat insonni shakllantirishda muhim omil bo’lib, yigit va qizlarning tabiatga bo’lgan munosabatlariga qarab, ularning axloqan yetukliklarini baholash mumkin.

Bolalar orasida ekologik tarbiyaning ko’ngildagidek emasligi, ularning turmush tarzida va tabiat bilan o’zaro munosabatida yaqqol namoyon bo’ladi. Masalan,

bolalar tomonidan daraxt shoxlarining sindirilishi, tanasiga turli yozuvlarning yozilishi, po'stlog'ining shilinishi, gullarning ortiqcha uzilishi va hokazolar nafaqat tabiatga, balki insonlarga ham zarar yetkazishi mumkinligini mutloq o'ylamaydilar.

O'quvchilarga ekologiya asoslaridan saboq berayotgan o'qituvchilarning o'zlari tabiatga bo'lgan munosabatlarida shogirdlariga namuna bo'lishlari kerak, ya'ni so'z bilan ish bir-biriga mos ravishda olib borilishi lozim, faqat shundagina kutilgan natijaga erishish mumkin.

Ekologik ta'lim-tarbiya orqali o'quvchi-yoshlarni tabiat g'o'zalliklarini sevish va ulardan estetik zavq olish ruhida tarbiyalash, tabiatning rivojlanish qonuniyatlari, tabiat bilan jamiyat o'rtasidagi murakkab o'zaro munosabatlar, shuningdek, inson faoliyatining tabiatga ta'siri oqibatlarini haqida bilim berish, ekologik madaniyatni shakllantirish, tabiatni sevish, undan to'g'ri va ongli ravishda foydalana bilishni tarbiyalash, ularda tabiat oldida mas'uliyatni to'g'ri anglash malakasini hosil qiladi.

Ekologik tarbiya-axloqiy tarbiyaning ajralmas qismi bo'lib, kishilarda ekologik ong va tafakkurni hamda ekologik dunyoqarashni shakllantirishga, tabiatni dialektik tushunishga yordam beradi. Ekologik ta'lim-tarbiyani mukammal darajada amalga oshirish uchun bu vazifaning muhimligi va mas'uliyatini yaxshi bilgan yoshlarni tarbiyalash lozim, zero ekologik madaniyat biosferani saqlab qolishning muhim omilidir.

Ekologik savodxonlikka erishish yo'lida insonlarning ekologik bilim darajasini oshirish hamda hududlar bo'yicha atrof muhitni ifloslantiruvchi manbalar to'g'risida ma'lumotlar berish muhim ahamiyatga ega bo'lib, bunday ma'lumotlarga ega bo'lish, umumiy ekologik holatni ko'z oldiga keltirish, tabiat va insonlar salomatligiga salbiy ta'sir ko'rsatuvchi omillarni cheklash va yo'qotish bo'yicha amaliy faoliyatda ishtirok etishlari uchun zarur bo'ladi.

Ekologik ta'lim berishda ekologik falokatlar sabablarini to'g'ri baholash ham muhim ahamiyatga ega bo'lib, aholini ekologik savodsizligi, targ'ibot-tashviqot ishlari samarasining pastligi hamda ekologik faoliyatning sustligi turli chalkash fikrlarni paydo bo'lishiga sabab bo'ladi.

Xulosa qilib aytganda, o'quvchilarga ekologik tarbiya berishda yoki ekologiya fanini o'qitishda o'qituvchilar tabiat mujizalari, uning ajoyib gushalari, hayvonot va o'simliklar dunyosi va hashoratlar hayotining o'ziga xos jihatlarini jonli va qiziqarli qilib yozilgan jahon va milliy adabiyotimiz namoyondalari asarlari, mavzuga oid o'quv filmlaridan foydalanishga ko'proq e'tibor berishlari lozim. Shuningdek maktablarda kimyo, biologiya, zoologiya, odam anatomiyasi kabi fan o'qituvchilari o'quvchilarga ushbu fanlardan bilim berishda o'z fanlarini ekologik nuqtai nazardan talqin qilib, fanlar bo'yicha umumiy xulosalar chiqarishda, tabiatda kechadigan voqea va hodisalar mohiyatini ochib berishlari muhimdir. Bu hol o'quvchilarni ekologiya fani vazifalarini yanada yaxshi tushunib olishda yordam beradi. Zero, yosh avlodni tabiatga nisbatan mehr-muxabbat ruhida tarbiyalash oila va maktabning eng muhim vazifalaridan biridir. Chunki insoniy komillik aynan shu muhitda shakllanib, bu maqsadlarga erishish uchun ta'lim muassasalarida tabiat va umuman tirik jonzo'rlar to'g'risida chop etilgan adabiyotlar sonini ko'paytirish, shoir va yozuvchilar tomonidan maktab yoshidagi bolalar uchun ko'plab asarlar yaratish muhim ahamiyatga egadir.

Yoshlarga beriladigan ekologik ta'lim-tarbiyaning asl maqsadi yoshlar ongini ma'naviy jihatdan boyitib, ularda ekologik madaniyatni shakllantirish va yaxshi fazilatli koil insonlar bo'lib etishishlarida zamin tayyorlashdako'maklashish, shuningdek, havoning musaffoligi, suvning sifati, tuproqning tozaligi kelajak sog'lom avlod uchun kafolat ekanini ularning ongiga singdirishdan iborat.

O'quvchilarda ekologik tarbiyani shakllantirishning mohiyati

Safarova Mohidil Axmadovna QarDU huzuridagi

XTXQTMOHM

Hozirgi vaqtda tabiatni muhofaza qilish katta dolzarb muammoga aylanib bormoqda. Bularning barchasi odamlarda ekologik ong va madaniyatni yaxshi shakllanishi bilan bog'liq. Fan va texnikaning yuksak taraqqiy etayotgan, aholi soni tez ortayotgan bu davrda tabiiy boyliklardan oqilona foydalanish va ularni muhofaza qilish dunyo mamlakatlari uchun tarixiy zaruriyat hamda eng muhim vazifa bo'lib qoldi.

Maktabda ekologik tarbiya dars jarayonida va sinfdan tashqari ishlarda amalga oshiriladi. Dars jarayonida tabiatni qo'riqlashning ilmiy asoslarini ochib berilsa, sinfdan tashqari ishlarda esa o'quvchilarning o'zlari tabiatni qo'riqlash ishlarida bevosita qatnshadilar. Bu ishlar bir-birini to'ldiradi va ikkalasini bir vaqtda olib borilgan taqdirdagina ko'zlangan maqsadga erishish mumkin.

O'quvchilarni ekologik ong va taraqqiyotni shakllantirish uchun ularga ekologik tarbiya berishning asosiy formasi – bu darsdir, chunki darsda barcha o'quvchilar qatnashadi hamda reja materialini o'rganish orqali tizimi bilan berish mumkindir.

Inson tabiatga ta'sir etishi o'zi oldindan tushungan holda idrok qilish zarur. Agarda shuni obdon tushunib olsa amalga oshiriladigan yumushni atrof-muhitga zarar keltirmaydigan tarzda bajarishga harakat qiladi. Buning uchun ekologik ong, madaniyatni va va savodga ega bo'lishi darkordir. Ekologik ta'lim-tarbiya axloqiy tarbiyaning ajralmas qismidir. Qishloqlarda ekologik ong, taffakur va madaniyatni hosil qilish tabiatni dialektik tushunchasiga yordam beradi. Hamma bosqichlarda ekologik ta'lim-tarbiya talab etilgan darajada amalga oshirish uchun bu vazifaning muhimligini va mas'uliyatini yaxshi bilgan yoshlarni tayyorlash zarur.

Inson tabiat og'ushida yashaydi, ijod etadi, faoliyat ko'rsatadi, uning ko'rkam manzaralaridan zavq oladi, sahovatli marhamatlaridan bahramand bo'ladi. Tabiat u qanday ko'rinishda bo'lishidan qat'iy nazar, o'zgacha gashtli fusunkor bo'lishi mumkin. Tabiatdan inson faqatgina ijodiy ilhom, ruhiy ozuqa, ma'naviy lazzat olibgina qolmasdan, balki uning hayotbaxsh ne'matlari bilan yashaydi. Shunday ekan “ona” deb e'zozlanuvchi tabiatni har qancha madh etib musaffo saqlash uchun harakat qilmog'i darkor.

Tabiatning mahsuli hisoblanmish har bir kishi, atrof-muhit muhofazasi bilan shug'ullanuvchi yoshlar tashkiloti yer kurrasida yashovchi jonivorlar taqdiri, ularning hayoti ustida qayg'urishni o'zlarining muqaddas burchi deb hisoblashlari kerak. Inson tabiat qo'ynida yashar ekan, uning beminnat saxovati, in'om va marhamatidan bahramand bo'ladi. Shunday ekan, insoniyatning eng yaqin “do'sti” bo'lish tabiatni ardoqlash va e'zozlash har bir kishining muqaddas burchi bo'libgina qolmasdan, balki shu ko'rkam tabiatning bir oliy ne'mati

hisoblanadigan, insoniyatning sharaflı burchı bo`lishı lozim. Murruvatlı ko`rkam, sahovatlı keng tabiatni e`zozlash, unga bo`lgan muxabbat inson qalbida yoshligidan uyg`onadi va davrlar o`tishi bilan shakllanadi.

Murg`ak qalbning ona tabiatga bo`lgan hurmatini orttirishda keng jamoatchilik qolaversa ota-ona va o`qituvchilarning hissasi salmoqli o`rin tutadi. Insoniyat, shu jumladan butun borliq tabiat bilan shoistalikda yashaydi. Ma`lum, ilk bor tug`ilgan go`dakning avvalo ona ko`zi va tabiatga nazari tushadi. U ona mehri, tabiatning olib manzaralari og`ushida yashaydi, unda, kamolotga yetadi. Tiriklik, hayot manbai bo`lmish Quyosh, havo, suvdan ko`rkam tabiatning inomi bo`lmish turfa ne`matlardan bahra olib ulg`ayadi. Ana shu insoniyatga hayot baxsh etgan tabiatni muxofaza qilishga keng xalq ommasini jalb etish, tabiiy boyliklardan o`z o`rnida tadbirkorlik bilan foydalanishga diqqat-e`tiborini qaratish lozim bo`ladi.

Tabiatni muhofaza qilish, tabiatdan oqilona foydalanish va ekologik sharoitlarni yaxshilashda ekologik ta`lim va tarbiya muhim rol o`ynaydi. Turli mamlakatlardagi ekologik vaziyat tabiatdan foydalanish xususiyatlari ko`p jihatdan aholining ekologik savodhonlik darajasi, ekologik madaniyatiga ham bog`liq.

Ekologik tarbiya oiladan boshlanadi. Ekologik ta`lim va tarbiya bog`chadan olib o`quv yurtigacha uzluksiz davom etishi lozim. Tabiatga mehr insonlarga oqibat demakdir. Ekologik ta`lim – deb Yer kurrasining tabiiy boyliklariga va yaqin fazoda ehyiotkorona munosabatda bo`lish, ulardan o`ta samaradorlik bilan foydalanish va insoniyatni atrof tabiiy muhit bilan uzviy bog`langanligini chuqur aniqlash ruhida kishilarga nazariy bilimlarini berish va amaliy ko`nikmalarini shakllantirishga aytiladi.

Inson tug`ilganidan to umrining oxirigacha aql-odob o`rganar ekan, bilim izlar ekan, uning ekologik ongi ham shunga yarasha oshib boradi. Sog` tanda sog`lom aql deganlaridek aqli raso inson atrof-muhitga befarq bo`la olmaydi, chunki u mazkur tabiat qo`ynida tug`iladi, ulg`ayadi, uning ehsonlaridan bahramand bo`ladi, musaffo havosidan nafas olib, ziloldek suvlaridan huzur qiladi, orombaxsh go`shalarida hordiq chiqaradi. Tabiat shunchalik go`zal, zebo, ko`rkam uning betakror husnkor chizmalari ko`p, buning barchasi inson uchun yaratilgan. Shu jihatdan qaraganda ekologik ong va madaniyatning rivojlanish bosqichlariga qarab insonda u yoki bu darslardagi ong, madaniyat shakllanadi. Agarda ushbu umumiy o`shish jarayonidagi ma`lum bosqichlarda tegishli ekologik ong va madaniyatni yetarli darajada shakllanmasa u holda yuqori samaraga erishilmasligi ayon.

Ekologik tarbiyaning mazmun va mohiyati

Choriyeva Zuhra Tolib qizi, QarDU huzuridagi XTXQTMOHM

Inson onadan tug`ilib, dunyoga kelgan chog'idanoq, tabiat ehsonidan bahramand bo'ladi. Ilk bor havodan to'yib nafas oladi. Odamzod o'sib-unishi uchun oziq-ovqat, suv, quyosh harorati juda zarur bo`lib, u bularning hammasini tabiatdan oladi. O'zbek xalqi qadriyatları orasida tabiatni saqlash, qadriga yetish, chiroyiga chiroy, ko'rkiga ko'rk qo'shish odatları bor

Atrof muhitga, tabiat boyliklariga e`tiborsiz bo`lish butun sayyoraga jiddiy zarar yetkazishi mumkin. Shuning uchun o`quvchilarda ekologik madaniyatni tarkib toptirish, ularga tabiat, atrof-muhit bilan qanday munosabatda bo`lishni

o'rgatish pedagogika nazariyasi va maktablar amaliyotining eng dolzarb mavzusiga aylandi.

Ekologik tarbiyada o'quvchilarni o'z maktabini, yashaydigan muhiti - shahar va qishloq ko'chalarini ko'kalamzorlashtirish, mevali va manzarali daraxt ko'chatlari ekish, xiyobonlarni, suv havzalarini ozoda saqlash, uy hayvonlariga qarash kabi ishlarda kuchi yetganча qatnashishga jalb etish katta ahamiyatga ega. Ekologik madaniyat avvalo oiladan boshlanadi.

Ekologik tarbiya tabiatni o'rganish va uning mashg'ulotlari xususidagi sinfdan tashqari har turli mashg'ulot shakllaridan foydalanishni talab qiladi. "Tabiat oshig'i", "Jonzodlar do'sti", "Tabiat estetikasi", "Jonajon o'lkamiz hayvonot olami" kabi to'garaklar va fakultativ kurslar: "Markaziy Osiyoning o'simlik dunyosi", "Flora (o'simlik) bilimdonlari", "Tabiat tadqiqotchilari" singari klublar: "Tabiatni o'rganuvchilar", "Tabiatni muhofaza qilish" jamiyati va boshqa qiziqarli guruhlarini tashkil etish muhim ahamiyatga ega. O'z mikrotumanlari, shahar, qishloq, viloyat, respublika tabiatini chuqur o'rganib, unga bag'ishlab targ'ibot ishlari va reydlar o'tkazish katta natijalar beradi. Bu ishlarda xalqaro "EKOSAN" jamg'armasi va tabiatni muhofaza qilish Davlat qo'mitasi bilan hamkorlikda ish olib borish lozim.

Mamlakatimizda chuqur o'zgarishlar, siyosiy va ijtimoiy-iqtisodiy hayotning barcha tomonlarini izchil isloh etish va liberallashtirish, jamiyatimizni demokratik yangilash va modernizastiya qilish jarayonlari jadal sur'atlar bilan rivojlanib bormoqda. Bunda kuchli fuqarolik jamiyatini shakllantirish yo'lida belgilab olingan va izchil ravishda amalga oshirilayotgan ulkan vazifalar mustahkam zamin yaratmoqda

Kundalik turmushimizda va jamiyatimizda ro'y berayotgan turli xil o'zgarishlar, ta'lim tizimida amalga oshirilayotgan islohotlar maktab oldiga muhim vazifalar qo'ymoqda. Bu vazifalar, har tomonlama rivojlangan, mustaqil fikrlay oladigan, milliy merosimizni qadrlay oladigan, ijodkor, axloqli va nozik didli yoshlarni tarbiyalashdan iborat bo'lib, hozirgi zamon o'qituvchisidan tinmay ijodiy izlanishni, o'qish va o'qitishga yangicha munosabatni, fidoiylikni talab qiladi

Bunaqangi o'zgarishlarda faol ishtirok etish har birimizdan chuqur bilim, yuksak madaniyat, ma'naviyat, keng dunyoqarashni talab etadi. Jamiyat ehtiyojiga mos kelajak avlod vakillarini yetkazib berish uchun esa biz qadamni boshlang'ich ta'limdanoq boshlashimiz lozim.

Xo'sh, shunday ekan, bugungi kundagi asosiy vazifalardan biri, darsda va darsdan tashqari tadbirlarda kichik maktab yoshidagi o'quvchilarning nafaqat kichik maktab, talaba yoshlarning ham ekologik tafakkuri, ekologik his-tuyg'usi, ekologik xulq-atvor ko'nikmalarini shakllanishida zarur bo'lgan ekologik tarbiyaning ta'sirchan mexanizmlarini ishlab chiqishdan iborat.

Ekologik tarbiya odamning atrof-muhitga moslashishi, kasalliklarning kelib chiqishi va ularni oldini olish, salomatlikning tabiiy va ijtimoiy omillari, irsiyat, atrof-muxit, turmush tarzi, oilani rejalashtirish, sog'likni saqlash, sport bilan shug'ullanish va shaxsiy gigienalar haqida bilimlar beradi, shuningdek, salomatlikni baholash ko'nikmalarini shakllantiradi.

Ekologik tarbiya- tarbiyaning asosiy qismi bo'lib, bolaning axloqiga, xulq-atvoriga kuchli ta'sir qiladi va ota-onalarni ularni murg'aklikdan boshlab tarbiya qilishga chaqiradi. Ekologik ta'lim-tarbiya va umumiy tarbiya bir-biri bilan bogliq

bir butun jarayondir. Ekologik tarbiya o'quvchilarda atrof-muhitga, olam va odamga, hayvonot va o'simlik dunyosiga mehr-muhabbat munosabatlarini shakllantiradi. Tarbiyaga ma'naviy yetuk munosabatni uyg'otish, tabiatshunoslik, ma'naviy, axloqiy, estetik, ekologik bilimlarga ega bo'lishni taqozo etadi. Maktab o'quvchilari tabiatni muhofaza qilishning ilmiy asoslangan ma'lumotnomasini, tabiat boyliklaridan unumli foydalanishni, atmosfera va atrof-muhit tozaligini asrash, shovqin muammosi; tarixiy va adabiy boyliklarni asrash, ulardan oqilona va to'g'ri foydalanishni; tabiat qonunlari, uning o'zgarib turishi haqidagi bilimlarni egallashi; tabiatdagi talofatlar oqibati; sanoat chiqindilarining zarari; chiqitsiz texnologiyani keng joriy etish, havo tozalovchi o'simliklar, suv boyliklari, tuproq va uni zaharlovchi moddalar, o'rmon, cho'l va sahro o'simliklari, hayvonot muhofazasi – ov qilish qonun-qoidalari va boshqa boshqa muammolar haqidagi asosiy tushunchalarga ega bo'lishlari lozim.

Pedagogik faoliyatda, ta'lim sifatini rivojlantirishda kompetensiyaviy yondashuvning ahamiyati

Bobonazarov A.B SamDAQI

Suyunova D.R. NavDPI II-bosqich talabasi

Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyevning “O'zbekistonda o'qituvchi va murabbiylariga tabrigida”

Ilm-fan va ta'lim-tarbiya sohasini moddiy-texnik bazasini yanada mustahkamlash, uning nafaqat davr bilan hamohang bo'lishini, balki zamondan oldinda yurishini ta'minlash, pedagogik kadrlarni tayyorlash va qayta tayyorlashning ilg'or usullaridan keng foydalanish, bu ishlarni xorijdagi nufuzli markazlar bilan hamkorlikda olib borish, sohaga zamonaviy texnologiyalarni joriy etish, o'qituvchi va domlarning mashaqqatli va ma'suliyatli mehnatini har taraflama rag'batlantirish bilan bog'liq vazifalarni amalga oshirish qisqa qilib aytganda hayotimizga katta kuch bo'lib, kirayotgan yangi avlodimizni kamol toptirish uchun davlatimiz tomonidan barcha imkoniyatlar safarbar etiladi.

Darhaqiqat, yuqoridagi fikrlar, albatta, pedagoglarga katta e'tibor qaratilayotganligini va ularga ishonch bildirilganligini anglatadi.

Beruniy bobomiz ham Ilm ahlini hurmat qilinsagina, ilmlar yanada rivojlanib ketishini qayta-qayta uqtirgan edi. Hozirgi kunda ham ilm ahliga hurmat, e'tibor kuchayib bormoqda. Ular uchun katta imkoniyatlar yaratilmoqda.

Kelib tushgan takliflarni jamlash, chuqur o'rganish hamda umumlashtirish asosida Prezidentimiz Sh.Mirziyoyevning “O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlanlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasida”gi Farmoni loyihasi ishlab chiqilib, u bilan: 2017-2021-yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi belgilandi.

“Ijtimoiy sohani rivojlantirish” deb nomlangan to'rtinchi yo'nalishda ta'lim, madaniyat, ilm-fan, adabiyot, san'at va sport sohalarini rivojlantirish, yoshlarga oid davlat siyosatini takomillashtirishga qaratilgan .

Ta'lim va fan sohasini rivojlantirish bandida:

Uzluksiz ta'lim tizimini yanada takomillashtirish, sifatli ta'lim xizmatlari, imkoniyatlarini oshirish, mehnat bozorining zamonaviy ehtiyojlariga mos yuqori malakali kadrlar tayyorlash sifatini davom ettirish;

Ta'lim muassasalarini qurish, rekonstruksiya qilish va kapital ta'mirlash, ularni zamonaviy o'quv va laboratoriya asboblari kompyuter texnikasi va o'quv-metodik qo'llanmalar bilan jihozlash orqali ularning moddiy-texnik bazasini mustahkamlash yuzasidan maqsadli chora-tadbirlarni ko'rish;

Maktabgacha ta'lim muassasalari tarmog'ini kengaytirish va ushbu muassasalarda bolalarning har tomonlama intellektual, estetik va jismoniy rivojlanishi uchun shart-sharoitlarni tubdan yaxshilash, bolalarning maktabgacha ta'lim bilan qamrab olinishini jiddiy oshirish va foydalanish imkoniyatlarini ta'minlash, pedagog va mutaxassislarining malaka darajasini yuksaltirish;

Ko'rib turganimizdek, Harakatlar strategiyasida ta'limning barcha sohalariga oid.

Uzluksiz ta'lim tizimi ta'limda uzilishlar bo'lmasdan bir-biriga uzluksiz bog'lanib, boradi. Albatta, bu bilimlar pedagog tomonidan o'quvchilarga yetkazildi.

Pedagoglik ham mashaqqatli, ham sharaflı kasb bo'lib, u doimo fan taraqqiyoti uchun izlanishda bo'lishi lozim. Agar bu izlanishlar darajasi pasaysa pedagogikaga oid yutuqlar ham pasayib boradi. Shundan kelib chiqib pedagog doim izlanishda bo'lishi, ta'lim sifatini rivojlantirib borishi, ta'limni zamon bilan hamnafaslikda zamonaviy texnologiyalar bilan birgalikda olib borishi lozim.

Pedagogik faoliyat-estetik, axloqiy, siyosiy, iqtisodiy maqsadlarga muvofiq ravishda yosh avlodni hayotga tayyorlashning aqlan o'ylab ko'rilgan, katta yoshdagilarning ijtimoiy zarur bo'lgan mehnatining o'ziga xos turidir.

Pedagogik faoliyat doimo shaxs faoliyatini boshqarish bilan bog'liq. Bunda pedagogik maqsad o'quvchi maqsadiga aylanishi muhimdir. Pedagog bolaga ta'limdan tashqari tarbiya ham berib boradi, demak pedagogning o'zi tarbiyalangan bo'lishi lozim.

Hozirgi kunda dolzarb masalalardan biri ta'lim-tarbiyada pedagoglarning yoshlar bilan ishlash masalasidir.

Pedagogik faoliyatda, pedagogik texnologiya ham asosiy o'rin tutadi. Pedagogik texnologiya deganda o'qitish jarayonida faqat texnik vositalardan foydalanishni tushunmaslik kerak. Unda yangicha yondashish, yangi usul, uslublardan foydalanishni ham tushunish kerak.

Pedagogik texnologiyani o'quv jarayoniga tadbıq qilish zarurligini bir qator olimlar asoslab bergan. Professor N.Saydaxmedov pedagogik texnologiyaga bergan ta'rifida: "Pedagogik texnologiya bu o'qituvchining Ta'lim-tarbiya vositalari yordamida o'quvchilarga muayyan va ma'lum ketma-ketlikda ta'sir ko'rsatishi va aks ta'sir sifatida ularda oldindan belgilangan shaxs sifatlarini intensiv shakllantirish jarayonidir", -deganlar.

Bu ta'rifdan shunday xulosa chiqariladiki, ta'lim-tarbiyaning turli vositalaridan ketma-ketlik asosida o'quvchiga ta'sir ko'rsatish va aks ta'sir sifatida ularda oldindan belgilangan shaxs sifatlarini ichki shakllantirish jarayoni tushuniladi.

Bozor munosabatlari sharoitida, mehnat bozorida ustuvor o'ringa ega bo'lish, kuchli raqobatga bardosh berishda, kasbiy kompetensiyaviylikka ega bo'lish, uni izchil oshirib borishni taqozo etmoqda. Pedagogik faoliyatga kasbiy kompetensiyaviylik psixologik natijalar doirasida kirib kelgan. Hozirda barcha

ta'lim tizimlarida kompetensiyaviy yondashuvning ahamiyati o'rgatilib, tushuntirilib borilmoqda¹⁴.

Ta'limda darsning ahamiyati yuqori bo'lib, asosiy o'rinni egallaydi. Darsning maqsadi hozirgacha ta'limiy, tarbiyaviy va rivojlantiruvchi maqsadlarni o'zida aks etardi. Hozirda esa ta'lim sifatini rivojlantirish uchun yana bir muhim maqsad qo'shildi.

Inglizcha "competence" tushunchasi lug'aviy jihatdan bevosita "qobiliyat" ma'nosini bildirsa, mazmunan mavjud bilim, ko'nikma va malakalarni shakllantirish va kundalik faoliyatda qo'llay olish qobiliyatidir.

Kompetensiyaviy yondashuvning ahamiyati shundaki, o'qituvchi o'zida bilim, ko'nikma, malakalarni to'plagan bo'ladi. Ularni darsda qo'llay olishi va shakllantirib borishi lozim.

Bilim-o'rganilgan ma'lumotlarni eslab qolish va qayta tushuntirib berishdir. Bunda esda qolgan bilimlar o'quvchilarga tushintirib beriladi.

Ko'nikma-o'rganilgan bilimlarni tanish vaziyatlarda bir hil qo'llay olish. Dars jarayonida o'qituvchi o'rganilgan bilimlardan foydalanib darsni qiziq olib boradi.

Malaka-o'rganilgan bilim va shakillangan ko'nikmalarni notanish vaziyatlarda qo'llay olish va yangi bilimlar hosil qilish. Malakali o'qituvchi o'rganilgan bilim, ko'nikmalar bilan turli vaziyatdan chiqa olishi lozim. O'quvchi tomonidan berilgan savolga o'qituvchi to'g'ri, aniq javob berishi, o'quvchi esa javobni tushunib qoniqish hosil qilishi kerak. Bularning barchasini kompetensiyaviylik o'z ichiga oladi.

Kasbiy kompetensiyaviylik mutaxassislikni doimo boyitib borishni, axborotlar qabul qilishni, o'z ustida izlanishni, o'zini-o'zi tahlil qilishni, bir-biriga zid bo'lgan muammolarni yechishni taqozo etadi.

Kompetensiyaviylik o'qituvchidan turli xil qobiliyatlarni namoyon qilishini talab etadi. Bunda o'qituvchiga bilimning o'zi yetarli bo'lmaydi. U o'z ko'nikma, malakalarini ishga solgan holda turli usullardan foydalanib ta'lim beradi.

Biz kompetensiyaviylikni davomiylik asosida pog'onama-pog'ona o'zimizda shakllantirib borib, o'quvchilarga ham bu usulni singdirib borishimiz kerak.



Har bir pedagog birdan barcha pog'onalariga ega bo'lib qolmaydi, egallangan bilimlar asosida ko'nikma hosil qilinib, so'ngra malakali mutaxassis bo'lib chiqadi. Bilimlar ko'nikmalar orqali bir xil vaziyatda qo'llay boriladi. Malaka esa bilim, ko'nikmaning jamlanmasi bo'lib, har xil vaziyatlarda, qiyin muammoli sharoitlarda qo'l keladi. Barcha pedagoglar ham kasbiy kompetensiyaga ega

1.SH.A.Abdullayev,D.A.Axatova,B.B.Sobirov,S.S.Sayitov.Pedagogika .O'z RFA "Fan",2004 yil,221-bet.

mutaxassis bo'lavermaydi. Mutaxassis bo'lish uchun quyidagi vazifalarni bajarishi lozim.

Kasbiy kompetensiyaga ega mutaxassis:

o'z bilimlarini izchil boyitib boradi;

yangi axborotlarni o'zlashtiradi;

davr talablarini chuqur anglaydi;

yangi bilimlarni izlab topadi;

ularni qayta ishlaydi va o'z amaliy faoliyatida samarali qo'llaydi.

Pedagog doim o'qib, izlanib yangiliklar yaratishda bo'ladi. Hozirda pedagoglarni malakalarini oshirish uchun ularni chet ellarga yuborib malakalarini oshirib kelishiga sharoit yaratilgan. Buni yanada ko'paytirish bilim, ko'nikma, malakalarni shakllantirish uchun o'z fani doirasida xorijiy davlatlarga borib, ularning ta'lim tizimi bilan tanishib, fikr almashib, malakasini oshirib kelishi maqsadga muvofiq bo'lar edi. Undan tashqari Prezidentimizning tashabbusi bilan yoshlarni ma'naviyatini yanada o'stirish uchun yosh kitobxonlar tanlovlari bo'lib, yoshlarni kitob o'qishga bo'lgan qiziqishi kun sayin ortib bormoqda .

Bu tanlovlar o'qituvchilar o'rtasida ham ko'plab o'tkazilsa, barcha viloyat o'qituvchilari o'rtasida bo'lsa, ham bir-birlari bilan tajriba almashadi, ham o'z bilimini sinab ko'rgan bo'lardi. Bularni o'tkazishdan maqsad o'qituvchi o'quvchidan talab qilishdan oldin o'zi ham ko'plab kitoblarni o'qigan bo'lishi va o'quvchini kitobxonlikka qiziqitira olishi kerak. Buning uchun o'qituvchidan yana bir ma'suliyat –o'zini o'zi tahlil qilib borishidir. To'g'ri bu jarayon qiyin bo'lishi mumkin, lekin o'zini xato kamchiliklarini o'zi tushunib yetib o'zi to'g'rilamasa, to'g'ri baho bermasa, o'zining ozgina yutug'idan ortig'i bilan ko'tarilib ketsa, unda bolaga ta'lim- tarbiya berishda katta xatolarga yo'l qo'yishi mumkin. Bularni anglagan holda o'qituvchi o'zini xato-kamchiliklarini to'g'rlab borishi, o'z ustida tinimsiz ishlashi zarur.

Ta'lim sifatini rivojlantirishning yana bir o'ziga xos jihati o'qituvchi egallagan bilim, ko'nikma, malakalarini o'quvchi egallagan bilimlar, o'quvchilar o'rtasida musobaqalar o'tkazish orqali bilib olamiz.

Ta'limda darsimiz shakllari oldin faqat an'anaviy shaklda o'tkazilar edi. An'anaviy dars shaklida asosan o'qituvchi darsning sub'ekti bo'lib, ko'proq o'qituvchi darsni olib borar edi. Bugungi kunda bu shakl o'zini oqlamay qo'ydi. Endilikda noan'anaviy shakllardan foydalanish dars samaradorligini oshirishga xizmat qilmoqda. Bunda endi o'quvchi darsni olib borishga ko'proq jalb etiladi. O'quvchi ijodiyligi, mustaqil fikrlashi oshib boradi. Bu bilan o'qituvchining vazifasi kamayadi deb tushunmaslik kerak, chunki o'quvchining bilimi, ijodiyligi o'sib borgan sari o'qituvchidan ko'proq ma'lumot olishga harakat qiladi. Noan'anaviy shaklda dars davomida o'qituvchi va o'quvchi hamkorlikda ish olib boradi. O'qituvchi o'quvchilarni guruhlarda ishlaydi. Guruhlarni haqqoniy baholab boradi.

Yuqoridagi vazifalarni bajarishda kompetensiyaviy yondashuvga amal qiladi. O'zining bilim, ko'nikma, malakalaridan foydalangan holda, o'quvchilarning nutqiy, ijodiy bilim, ko'nikmalarini shakllantirib boradi. Darsning bu maqsadlaridan unumli foydalangan pedagog o'quvchilarga yaxshi ta'lim-tarbiya berib, ularni yetuk, barkamol shaxs qilib chiqaradi.

Xulosa qilib aytadigan bo'lsak, ta'lim sifatini oshirish pedagoglarning asosiy vazifasi hisoblanadi. Bilim, ko'nikma, malakalaridan foydalangan holda o'quvchilarga bilim beradi. Bularning barchasi kompetensiyaviy yondashuvda namoyon bo'ladi. Barcha fikrlarimizdan shunga amin bo'lamizki, kadrlar sifatini oshirish va ta'lim tizimini rivojlantirishda kompetensiyaviylikning ahamiyati katta bo'lib, hozirda uning o'rnini ortib bormoqda. Har bir o'z kasbining mohir ustasi bo'lgan o'qituvchilarning bilimi, ko'nikmasi va malakasi fan sohasidagi yondashuvning tuzilishi va samarasi, sifatli jarayonni tashkil etishi kerak.

Shunda pedagogik o'qituvchilar kompetensiyaviy yondashuvning sifatli taraqqiyot tendensiyasini tashkil etishga o'z hissasini qo'shgan bo'lardi.

Педагогика дарсларида талабаларга меҳр-мурувват туйғусини шакллантириш йўллари

Болиева Р. (Сам.ДАҚИ)

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев маърузаларида: “Барчамизни оқ ювиб, оқ тараган, юртнинг оғир-енгилликларини умр бўйи ўз елкасида кўтариб келган, хонадонларимизнинг файзи ва кўрки бўлган, бу мўътабар зотларни рози қилиш, дуосини олиш дунёдаги энг улуғ савобдир” деган сўзлари билан ватанимиздаги кўп сонли катта ёшдагиларни ниҳоятда қувонтириб юборди.

Катта ёшдагиларга бериладиган илм, меҳр-мурувват кишиларни ёмонликдан сақлайди, жаҳолатдан қутқаради, маънавий дунёсини кенгайтиради. Халқимизда “Қуш уясида кўрганини қилади”, деган ҳикматли сўзлари бежиз айтилмаган. Чунки, шахс тарбияси, унинг камолоти мустақилликнинг асосини ташкил этмоғи керак.

Юқоридаги ўғитларни талабаларга сингдиришимиз учун миллий тарбиянинг маънавий озукасидан фойдаланишимизга тўғри келади. Айниқса педагогик ўқув машғулотларида талабаларга ёши улуғларни ардоқлаш, уларга хизмат қилиш, ҳамда меҳр-мурувват кўрсатиш, катталар мурожатига, панд-насихатларига сабр-тоқат билан қулоқ солишга йўллаш талабаларда меҳр-мурувват туйғуларини шакллантиришда асосий омил ҳисобланади.

Мустақил Ўзбекистонимизнинг олиб борилаётган доно сиёсати ёшларни оилада, умумий ўрта мактабларда, касб-ҳунар коллежларида, академик лицейларда, олий ўқув юртларида Ватанни севиш ва унга жон фидо қилиб меҳнат қилиш, катта ёшдагиларга меҳр-мурувватли бўлиш, умуман инсонларни ҳурматлаш, эъзозлаш руҳида тарбиялашга қаратилгандир.

Катталар олдида сукут сақлаш, тартиб интизомли бўлиш ва устозлар топшириқларини сўзсиз бажариш, ўзидан катталарга меҳр-мурувватли бўлиш, катта ёшдагилар олдидан салом бериб ўтиш, ўрнидан туриб қарши олиш, суҳбатни бузмаслик каби қоидалар, одатлар фақат ўзбек хонадониди, боғчада эмас, узлуксиз таълимнинг барча босқичларида ўргата борилса, шарқона таълим тарбиямизни келажак ёш авлодга сингдира олган ва уларда меҳр-мурувват туйғусини шакллантирган бўламиз. Бундан ташқари ёшлардаги бундай туйғуларни шакллантиришда турли аудиториядан ташқари ўтказиладиган тадбирларда, тарбиявий соатларда улуғ сиймоларнинг, олимларнинг ҳаёти ва меҳнат фаолиятига алоқадор маълумотлар билан таништириш, шунингдек адабиётга эзгулик, ақл-идрок ва меҳр-мурувват

тимсоли бўлиб келган бадиий образлар тўғрисида сўзлаб бериш, керак бўлса, талабаларнинг ўзларига тайёрлатиб, ўзаро мулоқот қилдириш ижобий самара беради.

Педагогика фанидан ўтказиладиган тўғарак машғулотида улуғ донишмандларимизнинг “Насихат” ҳақидаги куйидаги насихатларидан фойдаланиш лозим:

- Одамлар! Бир-бирингизни севинглар! Бир-бирингизга мурувватли бўлинглар! Бир-бирингиздан яхшиликни аяманглар!

- Эшит! Ота-бобонг насихатини жеркиб қайирма, ҳар ҳил ўйину шўҳликларга фойдасиз берилма.

- Эй фарзандларим, ёлғон ва беҳуда сўзламанг, беҳуда сўзлаш тарбияси бўшнинг ишидир.

- Улуғларни сира алдаманг, уларга маъқул бўлмаган ишни қилма, аксинча уларнинг кўнглига қараб гапириб, озор бермасликка ҳаракат қил.

- Ким ёшлигида улуғлар сўзини олса, кексайганда унинг ўзи улуғланади.

- Кекса одамга қаттиқ гапирма, аксинча оҳиста ва мулойимлик билан гапир.

Талабаларда меҳр-мурувват туйғуси асосан таълим тарбия йўли билан ҳосил қилинади. Ёш авлод тарбиясида алоҳида аҳамият касб этувчи қатор омиллар мавжуд. Яъни:

1. Мутафаккирларнинг, буюк сиймоларнинг йўл-йўриқлари, ҳикматли сўзлари, панд-насихатлари.

2. Миллий диний қадриятлар ҳақида тасаввур бериш, байрам тадбирлари билан таништириш.

3. Улуғ шоир, ёзувчи, жамоат ва давлат арбобларининг ибратли ҳаёт йўли, фаолияти тўғрисида ҳикоя қилиб бериш.

4. Ҳалқ оғзаки ва ёзма ижоди намуналарида қарияларни кадрлашга оид айтилганлар билан таништириш.

Хуллас, Ҳурматли Президентимиз сўзлари билан айтганда, ўзбек халқининг қадимий урф-одатларини, кекса авлод вакилларини кадрлаш орқали ёш авлодни тарбиялаш барчамизнинг бурчимиздир.

Миллий касбий мактаблар тарихини ўрганайлик

Болиева Р. (Сам.ДаҚИ)

Қадимдан маълумки, кулол ҳам, темирчи ҳам, наққош ҳам хуллас барча касб эгалари иложи борича зурриёдига ўз касбини ўргатишга интилган.

Ўзбек халқининг қадимий касби ҳунармандчилик ва деҳқончилик бўлган. Ҳунармандчиликнинг ўнлаб соҳаларида ишлаб чиқарилган маҳсулотлари хорижга ҳам чиқарилган. Жумладан: заргарлик, каштачилик, тикувчилик, буёкчилик, бешикчилик, эгарчилик, ошпазлик, қандолатчилик, чинни ва биллур идишлар, консервалар ва ҳоказо.

Лекин, ижтимоий тараққиёт тақозоси билан айрим ҳунармандчилик соҳалари инкирозга учраб, айримлари йўқ бўлиб, янги-замонавий ҳунармандчилик турлари билан бойиб келди.

Касб-ҳунар диалектикасини асосий мақсади бугунги ўқувчи-талаба ёшларни илм-фан асослари, тарихий мерос орқали мунтазам билимлар билан

куроллантириш, уларда касб аҳлига, касб-хунарга муҳаббат, ҳурмат туйғусини сингдириш ва касблар билан таништиришдан иборат. Мазкур масала кадрлар тайёрлаш миллий дастурида ҳам устувор йўналиш ҳисобланиб, энг муҳими касбий ташҳис, касб-хунар тараққиёти тарихи, касб-хунар танлашда эркинлик, шахс камолоти муаммоларини чуқур тадқиқот этиш заруриятлари кўрсатиб ўтилган.

Бу борада Самарқанд архитектура-қурилиш институтининг “Касбий таълим” кафедраси жамоаси шу соҳада мунтазам меҳнат қилиб келмоқдалар.

Энг муҳими дарс ва дарсдан ташқари машғулотларда, “Ёш педагог ва психолог” фан тўғарагида, ўтказилаётган семинар, лаборатория, конференция каби тадбирларда “Миллий касбий мактаблар”.

“X-XV асрлардаги илмий мактаблар тарихи”, “Касб-хунар тарихининг ноилмий ва илмий босқичлари”, “Археологик манбаалар ва хунармандчилик” каби кўплаб масалаларга доир билим, кўникма ва малакаларни талаба ёшларга онгли, илмий ва тизимли етказишга ҳаракат қилинмоқда.

Ўлкамизда шаклланган энг қадимий хунар турларининг бири бу кулолчилик мактабидир. Кулолчилик Марказий Осиёнинг ҳозирги ўзбеклар, тожиклар ва бошқа халқлар яшайдиган шаҳар ва қишлоқларида кенг ривож топган. Тошкент, Самарқанд, Шаҳризабз, Панжакент, Ғиждувон, Риштон, Урганч, Хива ва бошқа манзилларда сопол идишларни сирлаб чиқарилган кулолчилик маҳсулотлари ўта пишиқ, чиройли нафис сири, нақшларининг кўркамлиги билан ажралиб турган.

XIV-XV асрларда ўлкамизда ҳаттотлик санъатининг энг ривожланган даврлари ҳисобланади. Ҳаттотлик (хуснихат) санъати дастлаб ривожланиб, у ерда Султон Али Машҳадий бошлиқ йирик хуснихат мактаби ташкил топди. XVI асрда Бухорода ҳам маданий кўтаринкилик сабабли ҳаттотлар тайёрлайдиган мактаб очилди.

“Ўрта Осиё ҳаттотлик санъати тарихи” ҳақида тадқиқот қилган ўзбек олими А.Муродов, мазкур китобида 36 та Хиротлик, 133 та Бухоролик, 49 та Самарқандлик, 59 та Хоразм ҳаттотлик мактаблари ҳақида маълумотлар келтирган.

Тарихий манбаалар ва махсус адабиётлардан бизга маълумки, Табриз, Хирот, Самарқанд, Бухоро минятюра мактаблари, Бухоро, Самарқанд, Хива, Шош шаҳарларида меъморчилик мактаблари, Урганч зардўзлик, Чуст, Шаҳрисабз дўппичилик, пичоқчилик мактаблари Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Шаҳрисабз темирчилик, мискарлик мактаблари довриғи етти иқлимга маълум ва машҳур бўлган.

X аср араб сайёҳи ва географи Шамсуддин Мухаммад ибн Аҳмад аль-Мукаддаси ёзиб қолдирган маълумотларида, Бухоро, Самарқанд мискарлик мактабида тайёрланган қадахлар, чилимлар, чолғу асбоблари, мис чироқлар, гул солинган саънат асарлари, катта мис қозонлар шухрати, нафислиги баён этилган.

Ўрта Шарқ касб-хунар мактаблар тизимида табиблар тайёрлашга мўлжалланган тиббиёт мактаблари алоҳида аҳамият касб этган.

IX-X асрлар Рай, Хамодон, Исфохон, X-XI асрларда Бухоро, Самарқанд, Марв, XIII асрда Урганч, Хива шаҳарларидаги шифохоналар довриғи оламга ёйилди. Энг муҳими шундаки, “Устоз-шогирдлик” асосида

ташкил топган мактаблар, жамоат шифохоналари кейинчалик махсус касб-хунар мактабига, мадрасаларга айлантирилиб ривож топган.

Тарихдан маълумки, қадимги Эроннинг Гундишапур шаҳрида VI асрда, Самарқандда (Қорахоний Тимгоч Бограхон даврида) XI асрда шундай ўқув масканлари фаолият кўрсатгани таъкидланган.

Тиббий мактаб-мадрасаларда таълим-тарбия ишлари анча юқори савияда бўлиб, назарий ва амалий таълим дарслари ёнма-ён олиб борилган. Талабалар учун махсус дарсликлар ва дарсхоналар, тажриба-машқ хоналари шакллантирилган. Ўқув муддати тугагач бўлғуси табиблар ҳамма фанлардан имтиҳонлар топширган. Шундан сўнг таълим иши камида уч кишини даволаб оёққа турғазини шарт бўлган.

Касб-хунар мактабларида таълим устоз-шогирд услубида амалга оширилиб, машғулотлар асосан устахоналарда, иш жойида олиб боришган. Устозлар одатда халқ усталарининг энг билимдон, истеъдодли кишилардан ташкил топиб, улар мадрасаларда таълим-тарбия олиб, мутахассис бўлганлар. Шогирдлар гуруҳларга бўлиниб, ҳар бир гуруҳ бир устага шогирд этиб беркитилган. Масалан, меъморлар, қурувчи, наққошлар, темирчи, мискарлар ва ҳоказолар кундуз кунлари қурилиш иншоотларда, устахоналарда устозлар бошчилигида ишлаб, билим, кўникма ва малакалар орттирганлар, кейин, кечқурунлари эса мударрис-устоз раҳбарлигидаги машғулотларга қатнашганлар.

Бу ўринда Абу Наср Фаробий, ҳар бир киши ўзи ёқтирган касбни ва ўз “касб-хунарини мукамал билмоғи, яхши тарбия олмоғи ва яхши хулқ-атвор, яхши фазилатларга эга бўлмоғи керак” деб уқтирганидан биз ўша давр касб мактаби олдидаги муҳим тамойилларни англаб. Меъморчилик ва наққошликда ниҳоятда зарур бўлган хандасани ҳамда наққошликда шарт бўлган кимёни устози раҳбарлигида ўрганишган.

Миллий касб-хунарга хос Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини мустаҳкамлаш ва амалга оширишга тайёр фарзандларни вояга етказишга хизмат қилади. Шунинг учун ҳам қадимдаёқ фарзандлар илм олиб, оламни танишлари лозилиги, касб-хунар орқали бахт-саодатга эришуви ҳамisha таъкидлаб келинган.

Халқимиз “Хунар-хунардан унар” деганида, одамнинг ризки насибаси хунардан, меҳнатдан пайдо бўлишини назарда тутган. Бу ҳикматлар ёшларга ибратдир. Бизнинг ота-боболаримиз азал-азалдан хунарсанд, ижодкору-миришкор бўлишган. Уларнинг хунари орадан неча асрлар ўтсада хали хануз кадр-қимматини йўқотмай, кўрки-тароватини намоиш этиб турибди. Дурадгорлик дейсизми, наққошлик дейсизми, заргарлик дейсизми, устачилик дейсизми ҳаммани лолу хайрон қолдирадиган эзгу ишлар ажодларимиздан, бизларгача етиб келган.

Ўзбек халқ хунарсандчилигининг санаб-саноғига етиш қийин. Бешиксозлик, сандиксозлик, жайдари арава, қўқон арава ясси ва баланд зинали аралар, тиллоси-ю, нақши кўзни қамаштирадиган пичоқлару, ўймакор курси ва курсичалар, чорпоялар гулдонлари, шамчиноқлару, обдаста, жомашов, жом дасталар...

Ана шу каби мактаб, устахоналарда усталар фарзандлари ва қариндошларидан иборат шогирдларни 7-8 ёшдан касбга ўргата

бошлаганлар. Бошқа шогирдларнинг ҳунар мактабларида қанча ўқиши, яъни уларнинг муайян касбни ўрганиш руҳий ҳолатига боғлиқ бўлган. Шогирдлар камол топиб, мустақил равишда фаолият кўрсатиш даражасига эришгач, уларнинг фаолияти устозлари томонидан муҳокама қилинган, арзиса, унга “Уста” номи берилиб, мустақил иш юритишга фатво (рухсат) берилган.

Қўлида ҳунари бор ўлмади, унинг номи ҳам ўчмайди, бировга хор-зор ҳам бўлмади. Шоир Бадриддин Хилолий деган:

Тиришиб топмасанг бир ҳунар юз айб,

Бир ҳунар ёпади, бўлса гар юз айб.

Бир эса ҳунару ақл ҳам тамиз,

Эл наздида доим ул киши азиз.

Ҳунарнинг умри боқий, у ўлмас-етмас мўжизадир. Ҳеч ким онадан ҳунарманд бўлиб туғилган эмас. Ўтмишда ўсмир эсини таниб, қўли ишга келгач, ота-онаси зийраклик билан унинг қобилиятини кузатиб ўзи қизиққан ҳунар соҳибига шогирдликка топширган. Шогирднинг меҳнат, ҳунарга муносабати, психологик тайёргарлигига қараб устозлар ўз ҳунарларини ўргатиб, билим, кўникма, малакалар беришган. Мустақил ишлашга ҳам имконият берганлар.

Кекса ҳунармандларнинг ҳикоя қилишларича тарихий маълумотларда, уста қанча моҳир, қаттиққўл, талабчан бўлса, шогирд касбини шунча тез ва пухта эгаллар экан. Буюрилган иш кўнгилдагидек бажарилиб, шогирд эгаллаган ҳунар соҳасида оқсоқоллар имтиҳонидан муваффақиятли ўтгандан сўнг уста бўлишга рухсат берилар эди. Шундан сўнг, уста бўлган йигит истаса шу эски жойда ҳунарини юритган, ёки ўзи дўкон очиб ишлаш ва шогирдлар олиб тарбиялаш ўз мактабига асос солишга эркинлик берилган.

Хўш, бу услубда шогирд тайёрлаш, ҳунармандлар сонини ўстириб бориш, касб-ҳунарга қизиқтириб ёшларда касбга маъсулияти оширилган. Бу фикрни исботини ўрта аср олими ва педагоги Абу Райҳон Берунийнинг “Бировни зўрлик билан у ёки бу меҳнат, касбда ишлатиш доимий бўлмади, тўғри ҳам эмас”, деб ўз даври касб мактабини тамойилини кўрсатиб беришида ҳам ўқиймиз.

Хоразм-Маъмун академиясининг йирик ижодкор педагоги ва тиббиёт мактабида мустаҳкам ўрин олган Али Абу Ибн Сино ёзишича: “Ёшларга илм бериб, ҳунар ўргатмоқ муҳим маъсулиятли ишдир. Ҳунар ўрганиш бирла ёшлар ҳар қандай ножўя ҳатти-ҳаракатлардан ҳоли бўладилар”, деб, касб-ҳунарнинг педагогик, психологик моҳиятини, хусусиятларини кўрсатиб ўтган. Унинг фикрича “Одамнинг моҳиятини (қийматини) билим ва ҳунар” ташкил этади.

Энг муҳими шундаки, ўғил болалар ҳам қиз болалар ҳам ўзларига хос ва мос меҳнатга, касбга тайёрланиб. Берунийнинг “минералогия” номли асарида марвариднинг баҳосини ким яхши билса, уни силлиқлаш, тешиш ишларини шогирдларига топширган. Бунда шогирдлар хавфсираш, кўрқиш билан иш бажармай муваффақиятга эришган. Бу ишда кўп киши қатнашган. Тайёрланган безак, маржонлар сирға билан узукларда хотин-қизларнинг иштироқи бўлган. “Хотин-қизлар меҳнат қилишлари шарт. Бу уларнинг ҳулқи ва руҳига таъсир этади”, деб ёзган эди олим.

Ибн Синонинг фикрича, меҳнатсиз ҳаёт кечириш кишини жисмоний ва рухий томондан эзади. Бундай ҳаёт кечириш ёмон оқибатларга олиб келишини тушунтириб, ота-оналарнинг ўз болаларига ёшлигидан бошлаб меҳнат-касб тарбияси беришини зарур деб билган. У, “Болага ёшлигидан маълум бир касб-ҳунар ўргатиш лозим. Бола касб-ҳунарни маълум даражада ўзлаштириб бўлгандан сўнг, уни ўша пайтлардан бошлаб ўз касб-ҳунаридан фойдаланишга одатлантириш лозим деб кўрсатган. Буни икки хил тарбиявий аҳамияти бор, дейди Ибн Сино.

1. Бола ўз касб-ҳунари туфайли мустақил турмуш кечириб, унинг дастлабки манфаатини кўргандан сўнг, ўз касб-ҳунарига янада маҳкам боғланади. Касбга муҳаббати ортади.

2. Яшаш такомили ўз зиммасига юклатилгандан кейин касб ҳунарга одат ҳосил қилади. Касбий бахтга эришади.

Қадимги Афрасиёб, Хива, шаҳар ва бошқа жойлардаги касб-ҳунар мактаблари тарихи, мутафаккирларнинг “Устоз ва шогирд” мактаби, мадрасалари наъмуналарани баён этган маданий меросидан унумли фойдаланиш бугун, фақат ва фақат ўсиб келаётган авлодни касб-ҳунар таълими ва тарбиясига ижобий аҳамият касб этади.

Маълумки, педагогика фани тараққиётининг устувор йўналишларидан бири ва энг муҳими касб-ҳунар тарихи, тараққиёти, мутафаккирларнинг касб-ҳунарга оид қарашлари, касбий ташхис, касб-ҳунар танлашда эркинлик, қобилиятларга ҳослик, шахс камолотида касб-ҳунарни ўрни ва ҳоказо масалаларни чуқур, кенг тадқиқот қилиш ва бу ишга ёшларни тайёрлаш муҳим ҳисобланади.

Шу ўринда яна бир муҳим нарсани таъкидламоқчимиз. “Таълим тўғрисида”ги куннинг 30-моддасида “Ота-оналар болалар тарбияси умум ўрта, касб-ҳунар таълим олишлари учун жавобгардирлар” деб аниқ-равшан кўрсатилган. Педагогик фаолиятда ва жараёнларда буларни қатъий ҳисобга олмоқ бу куннинг долзарб вазифасидир.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, маданий мерос ва мутафаккирлар илгари сурган илм-маърифат, касб-ҳунар тўғрисидаги назарий билимларни ёш авлодга етказиб қолмай, балки амалий касбий билимлар, кўникмалар, малакаларни етказиш тўғрисида қайғуриш ҳамда бугун тўла ўрганилмаган Касб-ҳунарнинг ижтимоий-тарбиявий аҳволи тўғрисидаги бой манбаалар ҳақида ҳам маълумотлар бериш энг долзарб масалалардандир. Дарҳақиқат бу ҳақида Улуғ Алишер Навоий хазратлари:

Илм касбини қилди то жони бор,

Ҳунар ўрганди анча ки имкони бор, деган қоидага тўла риоя қилиш XXI аср зиёлиси ва талабасининг маъсулиятли бурчидир.

Бурхониддин Марғиновичнинг “Ал-Ҳидоя” асарида маънавият, маърифат ва адолат масалаларининг ёритилиши.

*СамДАҚИ. Катта ўқитувчи А.Э.Зиётова, 104 АЙ ва А гуруҳи талабаси
Р.Умиров*

Бурхониддин Марғинович (1123-1197) Фарғона водийсидаги Риштон қишлоғида туғилган. Марғинович ёшлик чоғлариёқ Қуръони

каримни ёд олиб, ҳадисларни чуқур ўрганади. Энг машхур ва иқтидорли олимлардан дарс олиб, юксак истеъдоди ва изчил фаолияти туфайли ханафий мазҳаби бўйича буюк фақиҳ ва мужтахид даражасига кўтарилади. Умрининг сўнгги йилларини Самарқандда ўтказиб ўзининг машхур “ал-Ҳидоя” китобини 1178 йилда ёзиб тугатган. “Ал-Ҳидоя” арабча сўз бўлиб, “тўғри йўлдан олиб бориш”, “ишончли қўлланма” маъноларини англатади.¹⁵

Бурхониддин Марғинович қолдирган буюк асарлар юксак назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган. Шулардан бири “ал-Ҳидоя” асари саккиз асрдан буён ханафий мазҳаби бўйича энг муҳим ва мўътабар қўлланма сифатида барча мусулмон мамлакатлари мадрасалари ва исломий олий ўқув юртларида шариат аҳкомларини чуқур ўрганишдадастурул амал асарлардан бири сифатида ўқитилиб келинмоқда.

Муаллиф “ал-Ҳидоя” китобини ёзишда ўзига хос услуб яратган. Унинг ҳар бир ибораси ниҳоятда қисқа ва мухтасар, фикҳий ҳукмларни ифодаловчи жумлаларнинг ҳар бири бир қоида шаклида берилади. Унинг иборалари мўжаз, яъни қисқа ва сермазмун, сўзлари таркиби пухта, нуқсонсиз бўлиб, сунъийликдан узоқ. У кўп зарурат сезмаса, синоним сўзлардан фойдаланмайди. Керак бўлмаган ортиқча сўзларни ишлатмайди. Унинг ёзиш услуби “саҳли мумтаниъ” (осон, содда, лекин унингдек қилиб ёзиш мумкин эмас) эди.

“Ал-Ҳидоя” китобининг яна бир хусусияти шундан иборатки, унда “илмул-хилоф” орқали белгилаб берилган қоидалар кенг кўламда назарда тутилади. Чунки Марғинович ушбу фан соҳасида ҳам катта олим ва мутахассис ҳисобланган.

“Илмул-хилоф” (қиёсий ҳуқуқшунослик) фанига биринчи бўлиб асос солган аллома Абу Зайд ал-Добусий эди. Бурхониддин Марғинович “ал-Ҳидоя”да ҳуқуқий муаммоларни ечиш жараёнида фақат асосий мазҳабларгагина эмас, балки зоҳирий ва авзоъий мазҳабларига доир фикр-мулоҳазаларни ҳам ўрни келганда текшириб ўтади ва ҳар бири ҳақида ўз нуқтаиназарини билдиради. Ушбу нуқтаи назардан “ал-Ҳидоя” “илмул-хилоф”ни кенг кўламда ўрганиш учун ҳам муҳим ва эътиборли манба ҳисобланади.¹⁶ Энг асосийси, ўша даврда мавжуд ҳамда катта амалий аҳамиятга молик бўлган кўплаб ҳуқуқий муаммоларни ечиб беришга қаратилган ва бу йўналишдаги ўзига хос қулайликлари билан барчанинг эътирофига сазовор бўлган.

Кўп асрлик тарихимиз шундан далолат берадики, энг мураккаб даврларда ҳам халқимизнинг мушкул синовлардан ўтиши, ҳаётнинг турли туфон ва буронларига мардона бардош бериб, қадди-қоматини тик тутиб яшашига катта мадад бахш этадиган куч – юксак маънавият ва маърифатга интилиш туйғуси бўлган. Бурхониддин Марғинович асарларининг моҳияти бўлмиш маънавият, маърифат ва адолат туйғуси, ўз даврининг ҳуқуқий мезонлари асосида яшаш, ўзганинг мол-мулкига кўз олайтирмаслик, харомдан ҳазар қилиш, инсоф ва диёнат, меҳр-оқибат каби халқимизга хос бўлган эзгу тушунчалар бугунги кунда ҳам маънавий ҳаётимиз асосларини

¹⁵Бурхануддин Марғинович. Ҳидоя. Комментарий мусльманского права. Т.: “Узбекистан” 1994, стр. 8-9

¹⁶А.Жўзжоний. “Бурхониддин Марғинович ва «Ал-Ҳидоя» асари. Маънавий ва диний етуклик давр талаби. Илмий мақолалар тўплами. Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси. Т.: 2009, 341-бет

ташқил этади. Марғинонийнинг “ал-Ҳидоя” асари ана шу туйғуларнинг тўғри парвози учун йўл очиб, ўз даврига оид ҳуқуқий масалаларни ихчам, тушунарли, содда ва энг муҳими ҳар қандай табақадаги одамнинг англаши осон бўлган услубда ҳамда жуда кенг миқёсда тадқиқ этиши билан ажралиб турган. Ҳуқуқий масалалардаги айрим муаммолар бўйича ечимлар бўлмаган ёки уларни ечишнинг мураккаб услублари амал қилган ва бу мураккаблик нафақат оддий аҳоли балки илмдан яхши хабардор одамлар учун ҳам қийинчилик туғдирган бир замонда Марғинонийнинг “ал-Ҳидоя” асари барчанинг айни мудаоси сифатида майдонга келган ва жуда тез тарқалган эди. Зеро, Марғиноний яшаган замон – Шарқ Ўйғониш даврининг биринчи босқичи бўлмиш X-XII асрларда Мовароуннаҳр заминида илму фан гуркираб ривожланган, жамият тараққиёти учун ислом ҳуқуқини тўғри англаш ва амал қилиш муҳим ижтимоий заруратга айланган эди. Бурхониддин Марғиноний эса ўз асарларида ўша замонларда мўмин мусулмонлар дуч келадиган долзарб ҳаётий масалалар, жумладан, оилавий ва ижтимоий муносабатлар, мулкчилик, савдо-сотик, жиноят ва жазо, инсоннинг бурч ва маъсулиятларига тааллуқли кўп-кўп мураккаб муаммоларни исломий ҳуқуқ нуқтаи назаридан ҳал этиб берган эди. Масалан, “ал-Ҳидоя” асарида Марғиноний оила масаласига эътибор қаратиб, мусулмон йигитга ғайри дин қизни ўз никоҳига олиши мумкинлиги баён қилинган. Унинг учун эса бўлғуси келин албатта “аҳли китоблардан”, яъни илоҳий китоблар ва пайғамбарларни эътироф қилувчи бўлиши лозимлиги алоҳида ажратиб кўрсатилади. Лекин маъжусийлик ва кўпхудоликка эътиқод қиладиганларга уйланиш мумкин эмаслиги таъкидланади. Диққатга сазоворлиги шундаки, мусулмонлар учун бу эътиқод эгалари билан бошқа дунёвий муносабатларга киришиш мумкинлиги тасдиқланади ва бу фикрлар ҳам Бурхониддин Марғиноний томонидан Қуръон оятлари билан асосланади. Асардаги яна бир муҳим ҳолат шундан иборатки, мусулмонларга маъжусийлар томонидан амалга оширилаётган қурбонликка иштирок этмаслик буюрилмоқда, лекин уларнинг бу урф-одатларини таъқиқлашга даъват этилмаяпти.¹⁷ Бу ерда айнан динийлик ва дунёвийликнинг мустаҳкам алоқасини кузатишимиз мумкин. Аждодларимизнинг ислом толерантлиги ҳақидаги мазкур таълимотлари жамиятдаги ўзаро ижтимоий тотувликни таъминлашга мустаҳкам ғоявий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Шу жиҳатдан ҳам “Ал-Ҳидоя” асарининг нафақат Марказий Осиё, балки бутун мусулмон олами маънавиятининг ривожланишига таъсири катта бўлган. 2000 йилда Ўзбекистон ҳукуматининг қарорига кўра Бурхониддин ал-Марғилоний таваллудининг 910 йиллиги кенг кўламда нишонланиб, алломага чуқур ҳурмат-эҳтиром бажо келтирилди.

¹⁷Бурхануддин Марғинани. Ҳидоя. Комментарий мусльманского права. Т.: “Ўзбекистан” 1994, стр. 131

**Ўқув амалиёти дарсларини ўтишда янги педагогик
технологияларни қўллаш**
Г.Ахадова СамДАҚИ

Бугунги кунда педагогик технологиянинг назарий асосини яратиш ва амалиётга тадбиқ этиш зарурати туғилади, чунки ўқитувчи фаолияти биргина ўқув жараёнининг ташкилотчиси сифатида эмас, балки нуфузли билимлар манбаида айланиб бораётганлиги таъкидланмоқда. Бундан ташқари, фан-техника тарақиётининг тезкор ривожланиш босқичида ахборотларнинг кескин кўпайиб бораётганлиги таъкидланмоқда.

Бугунги кунда ўқув жараёнида янги педагогик технологияларни қўллаш таълим тизимида олиб борилаётган ислохотларнинг ютуғи гаровидир. Ўқитувчи ўз машғулотида одатда етакчи мутахассислар ишлаб чиққан педагогик технологияларни қўллайди. Қўлланиладиган бу педагогик технология шу машғулотга адаптация қилинади. Натижада шу машғулотнинг сценарийси ишлаб чиқилади. Дидактик воситалар мажмуаси машғулот сценарийси бир бири билан узвий боғлиқ. Чунки машғулотнинг ҳар бир босқичида вазифа қайси усулда амалга оширилиши билан бирга у қайси воситалар ёрдамида амалга оширилиши ҳам белгилаб олинishi керак. Ҳар бир босқич бир бири билан узвий боғлиқ бўлганлиги учун шу босқичдаги ҳам ўзаро бир бирини, давоми сифатида тўлдириб бориши керак.

Машғулотда қўлланиладиган амалга ошиши дидактик воситалар машғулот технологиясининг ажралмас бир қисми ҳисобланиб, улар бу жараённинг амалга ошиши учун мажмуа сифатида хизмат қиладилар. Бугунги кунда ҳар бир ўқув юртининг моддий техник таъминоти турличадир. Шунинг учун машғулот сценарийсини ишлаб чиқишда ўқитувчи ўзининг мавжуд имкониятларидан келиб чиқиб шу машғулотларда қўлланиладиган дидактик воситалар мажмуасини ишлаб чиқиши учун унинг сценарийсидан фойдаланади. Ўқитувчи машғулотда янги педагогик технологияни қўллаши учун машғулотнинг сценарийсини ишлаб чиқса ва унда қўлланиладиган дидактик воситалар мажмуасини тузиб чиқса у машғулотда кўзлаган мақсадига янада самарали эришади.

Бўлажак мутахассислар технологик жараённи амалий машғулотларда кузатадилар ва ишлаб чиқариш таълимида эса мутахассис сифатида уни бошқарадилар. Ўқитиш жараёнида назария билан амалиёт узвий боғлиқ ҳолда олиб борилиши керак. Шунинг учун касб хунар коллежларида махсус фанларни ўқитишга, ўқувчиларга касбий билимларини чуқурроқ ўргатишда жуда катта эътибор беришлари керак. Дарс жараёнида ўқувчилар билимини баҳолашда турли хилдаги янги педагогик технологиялардан фойдаланиш мумкин ва таълимда сифат ва самарадорлик кўрсаткичи юқори бўлишига эришишга имкон етарлидир. Ўқитувчи ҳар бир дарсини режалаётган пайтида мавзунинг ҳажмидан, яъни катта кичиклигидан, содда ёки мураккаблигидан келиб чиқиб, қўлланиладиган услубларни тақсимлаш, шу услубларга мос бўлган материалларни, яъни тест саволлари вариантлари, саволли карточкалар, расмли картинкалар, бошқотирма жадваллари тайёрлаши лозим. Лекин чет тилларини ўқитишда кўпроқ оғзаки нутқни ўстиришга оид усуллардан фойдаланиш мақсадга

мувофикдир. Бунинг учун ўқувчилар билан лексика устида кўпроқ ишлаш зарур бўлади. Ўқувчиларнинг лексик ва кўникмаларини аниқлаш учун турли хил усулларни қўллаш мумкин.

Бирор бир оғзаки матн устида ишлаш пайтида уни ҳар томонлама бошқа фанлар билан боғлай олиш имкониятини ўқувчиларга етказиш лозим. Токи ўқувчилар ўзлари мустақил фикрлай олсинлар, ўрганган лексика асосида, грамматик мавзулардан фойдаланган ҳолда бошқа фанлар билан узвийлик ўрнатиб, фикрларини аниқ ва лўнда баён қила олсинлар. Ўқувчилар мавзу билан боғлиқ бўлган муаммони вазиятли ечишга, яъни уни ёритиб беришга ҳаракат қилсинлар. Бу усулни ҳам ёзма, ҳам оғзаки қўллаш мумкин. Оғзаки матн мавзулари ёки грамматик мавзулар асосида бошқотирма жадвалларини ўқувчилар мустақил тузишлари ва бир бириникини ечишга ҳаракат қилишлари ҳам ўқувчилар билимини холисона баҳолашда имкониятли мезонлардан биридир. Ҳар бир дарс давомида кўзланган мақсадга эришишда янги педагогик технологиялардан фойдаланиш фанни ўқитишда сифат ва самарадорлик юқори бўлишига ёрдам беради, яъни талабанинг талаби мойиллиги, истак хоҳиши ва имкориятларини қондириш, талабанинг ўқишга бўлган бурч, масъулият ва жавобгарлигини ошириш, талабаларда билимларни мустақил эгаллаш ҳамда фикрлаш кўникмалар ва малакаларини шакллантириш каби омиллардан фойдаланиш жоиздир. Ҳозирги кунда дарс жараёнида қўлланилаётган оммавий усуллар ақлий хужум, мунозара, дебатлар, танкидий фикрлаш, бўш ҳалқа, зинама-зина ҳам дарснинг сифат ва самарадорлигини оширишга имкон беради. Масалан, “Бўш ҳалқа” усулини қўллашда бутун ўтилган материаллар асосида саволлар тузилиб, ҳар бир кичик гуруҳларда ўтказиш мумкин. Бу усулни қўллаш жараёнида талабалар ўтилган материалларни ҳар томонлама такрорлашга ва мукамалроқ ўрганишга муваффақ бўладилар. Ҳар хил янги педагогик технологик усулларини дарс жараёнида қўллаш талабаларнинг тил ўрганишга бўлган қизиқишини кучайтиради ҳамда таълимнинг сифат ва самарадорлигини оширади.

Талабалар томонидан билиш фаолиятининг системадан ташқаридаги унинг бошқа кўринишлари билан алоқасиз алоҳида турлари бажарилса, уларда алоҳида-алоҳида, ўзаро боғланмаган билиш қобилиятлари шаклланади ва талабалар буларда турли муаммоларни ечишда амалий фойдалана олмайдилар. Агар умумий мақсадларга кўра талабалар билиш фаолиятлари турли хил системага ташкиллаштириладиган бўлса, у ҳолда уларда ўзаро боғланиб қобилиятлар системаси шаклланади ва бу қобилиятлар муайян ўқитиш методикасини ташкил этишда умуллаштирилади, яъни бунда билиш фаолияти системаси умумий билиш қобилиятларини шакллантиришнинг зарурий воситаси бўлиб қолади. Талабанинг мустақил фаолиятини амалга оширишда маърузалар муаммоли саволлар берилган бўлиши муҳим. Ҳар қандай ўқув материални ўзлаштириш жараёни талаба миясида, онгида рўй беради ва унга тегишли бўлади. Аммо, талабанинг ўзлаштириши ўқитувчига боғлиқ. Ўқитувчи билимларини факт, тушунча, принциплар, усуллар шаклида беради ва тафаккур йўналишига таъсир кўрсатади. Бунда барча дидактик принциплар инобатга олинади. Талабаларнинг мустақил фаолиятларини ривожлантиришнинг методик

узулларидан бири суҳбат усули ҳисобланиб, улар саволлар ва тест системасидан иборат бўлади. Унга ҳамма нарса ўзаро боғлиқ ва асосий ғоя англаш ва муносибатлардаги тафаккур ривожланишига боғлиқдир. Суҳбат вақтида бериладиган саволлар шакл жиҳатдан аниқ, раvon, қисқа фикрлашни талаб қиладиган бўлиши керак. Талабаларнинг жавобларига ҳам ана шу талаблар қўйилади. Ўқитувчи жавоб системасига қараб баённинг изчиллиги, далилларига асосланиш ва аниқлашга қараб билимларни чуқурлиги ва қанчалик англаб олганлигини аниқлайди. Бундай жавоблар талабаларда мустақил фикрлашни ривожлантиради, уларни илмий-тадқиқот ишига чорлайди.

Илмий техник ахборотларнинг кўплиги ва кенглиги фан техника фан техника ютуқлари асосида ўқув мунтазам равишда модернизациялашни тақозо этади.

Замонавий, сифатли педагогик технология ўзининг педагогик ва бошқа фан ютуқлари билан боғлиқ хусусий назариясига эга. У биринчи галда ўқув тарбиявий жараёни илмий асосда қуришга йўналтирилган ўқитишнинг ахборотли воситаларидан ва дидактик материалларидан, фаол методлардан кенг фойдаланишга асосланган ўқитувчи ва ўқитувчиларнинг биргаликда фаолиятига замин яратади.

Kvadratik differentsial tenglamani limitik davraga ega bo'lmalik shartlari.

*SamDAQI assistentlari G'aybulov Y.Sh., Aktamov F.,
TATU talabasi Abdug'afforov A*

Yechimi to'g'ri chiziqdan iborat kvadratik differentsial tenglamani maxsus nuqtalari va limitik davra mavjud bo'lmalik shartlari aniqlangan.

$1 + \alpha x = 0$ yechimga ega bo'lgan differentsial tenglamani

$$y(\alpha x + \beta) \frac{dy}{dx} = b_{10}x + b_{01}y + b_{20}x^2 + b_{11}xy + b_{02}y^2, \quad \alpha \neq 0 \quad (1)$$

tekshiramiz, bu yerda $\alpha, \beta, b_{10}, b_{01}, b_{20}, b_{11}, b_{02}$ o'zgarimas sonlar.

Agar $\alpha \neq 0, b_{11} \geq 0$ va $b_{20} \neq 0$ bo'lsa bu tenglamani

$$y(\alpha x + 1) \frac{dy}{dx} = -x + \lambda y - x^2 + bxy + cy^2, \quad (2)$$

ko'rinishga keltirish mumkin.

Bu tenglama fazaviy tekislikning chekli qismida ko'pi bilan to'rta maxsus nuqtaga ega bo'ladi. Frommer usuli yordamida [1] bu maxsus nuqtalarni tipini aniqlash mumkin, natijada bu maxsus nuqtalarining ikkitasi $y = 0$ o'qida joylashgan bo'lib $(0(0,0)$ -anti egar, $A(-1,0)$) boshqa ikkitasi $1 + \alpha x = 0$ to'g'ri chiziqda joylashgan.

Agar $\lambda = 0, b(c - 1) = 0$ shartlar bajarilsa bu nuqtalar yoki ikkita oddiy nuqta: agar bitta $y \geq 0$ yoki $y \leq 0$ yarim tekisliklarda joylashgan bo'lsa egar va tugun, agar harxil yarim tekisliklarda joylashgan bo'lsa ikkalasi egar tipida bo'ladi, yoki egar-tugun tipidagi murakkab nuqta bo'ladi.

A(-1,0) egar tipidagi nuqtaning separatriis chizig'i sirtmog'idan (2) tenglama limitik davrasi paydo bo'lishi mumkin.

$\lambda=0$, $b(c-1)=0$ shartlar bajarilganda (2) tenglamani (0,0) maxsus nuqtasi markaz tipida bo'ladi.

Quyidagi teorema o'rinli.

Teorema: Agar

$$\lambda \geq b \left[1 + \frac{1-\alpha}{\alpha-c} \frac{1 - (1-\alpha)^{c/\alpha} - c(1-\alpha)^{c/\alpha-1}}{1 - (1-\alpha)^{c/\alpha}} \right]$$

shart bajarilsa (2) tenglama tekislikning chekli qismida egar maxsus nuqtani separatriis chizig'i sirtmoq tashkil etmaydi va limitik davraga ega bo'lmaydi.

Isboti:

Qaralayotgan holda A(-1,0) egar tipidagi nuqta separatriis chizig'i sirtmoq hosil qilishi mumkin bo'ladi, agar $x = -\frac{1}{\alpha}$ $-1 \leq x \leq 0$ yo'lak tashqarisida bo'lsa, yani $1-\alpha > 0$ (2)tenglamada $x = \bar{x} - 1$, $y = \frac{y}{\sqrt{1-\alpha}}$ almashtirish kiritamiz, (koordinata boshini egar nuqtaga o'tkazamiz)

$$y(1 + \bar{\alpha}x) \frac{dy}{dx} = g(x) + yf(x) + \bar{c}y^2 \quad (3)$$

bu yerda

$$g(x) = x(1-x), f(x) = \bar{\lambda} + \bar{b}x, \bar{\lambda} = \frac{\lambda-b}{\sqrt{1-\alpha}}, \bar{b} = \frac{b}{\sqrt{1-\alpha}}, \bar{c} = \frac{c}{1-\alpha}, \bar{\alpha} = \frac{\alpha}{1-\alpha}$$

(3) tenglamada $y = \bar{y} - \varphi(x)$ almashtirish bajaramiz

$$(\bar{y} - \varphi)(1 + \bar{\alpha}x) \frac{d\bar{y}}{dx} = [g - \varphi[\varphi'(1 + \bar{\alpha}x) - \bar{c}\varphi + f] + \\ + [\varphi'(1 + \bar{\alpha}x) - 2\bar{c}\varphi + f]\bar{y} + \bar{c}\bar{y}^2$$

(4)

bu yerda $\varphi(x)$ uzluksiz funktsiya (4) tenglamada $\bar{y} = -\bar{y}_1$ deb olamiz .

$\bar{y} \geq 0$ yarim tekislikda hosil bo'lgan tenglama va (4) tenglama chiziqlari burchak koeffitsientlarayirmasi

$$\frac{d}{dx} (\bar{y} - \bar{y}_1) = \frac{2\Delta(x,\bar{y})}{[\bar{y}^2 - \varphi^2(x)](1 + \bar{\alpha}x)}$$

(5)

ni xosil qilamiz, bu yerda

Adabiyot: 1.И.С.Куклес. О методе Фроммера исследования особой точки. ДАН СССР,Т-117,№3 367-370, 1957.

Dars jarayonida axborot texnologiyalaridan foydalanish asoslari

Yaxshiboyev G'.X., SamDAQI

Ergasheva G.A., SamDU huzuridagi XTXQTMOXM

Axborot odamga bir necha kanallar: sezgi organlari, tasavvur va genetik yo'l bilan keladi. Axborotni saqlash usuli ikki yurug'lik nurining interferensiyasiga asoslangan hajmiy tasvirni olish metodi, ya'ni golorafiya bilan qiyoslanishi mumkin.

Har qanday metodika yoki pedagogik texnologiyalar axborot o'quvchilar tomonidan eng yaxshi tarzda o'zlashtirilishi uchun uni qanday ishlab chiqish va uzatishni tavsiflaydi, ya'ni har qanday pedagogik texnologiya- bu axborot texnologiyasidir.

“O'qitishning yangi axborot texnologiyasi” atamasi ta'limda kompyuterlardan keng foydalanila boshlash bilan paydo bo'ldi. O'qitish jarayonida uzoq vaqtlardan beri foydalanib kelinayotgan o'qitishning axborot texnologiyalarini va kompyuterli texnologiyalarni farqlash zaruriyati yuzaga keldi.

V.M.Monaxov “o'qitishda kompyuter va audiovizual vositalardan foydalanish “yangi axborot texnologiyalari” atamasi bilan belgilanadi deb hisoblaydi”.

Bunday yondoshuv pedagogik texnologiyani o'qitishda texnik vositalarni qo'llash kabi dastlabki tushunishni aks ettiradi. Shunday qilib, “yangi axborot texnologiyalari” tushunchasi kompyuterlarning paydo bo'lishi va ta'limga keng joriy qilinishi bilan bog'liqdir.

Axborot texnologiyalarining eng muhim xarakteristikalarini quyidagilardan iborat: kompyuterli o'rgatuvchi tizimlarning turlari, ular o'z ichiga o'rgatuvchi, nazorat qiluvchi va mashq qildiruvchi DPT larni oladi: ma'lum didaktik materialni dasturlashtirish; foydalanuvchi uchun qo'llanma; intellektual rivojlantirish uchun ma'lumotlar bazasi; ma'lum texnik sinfdagi mashinalar; virtual olamlar, gipermatn, multimedia vositalaridan keng foydalanishni nazarda tutadigan o'qitish vositalari; asbobiy tizimlar (dasturlash tizimlari, o'qitish qurollari mualliflik tizimlari, guruhli o'qitish qurollari).

O'quv maqsadlari va o'quv vaziyatlariga bog'liq ravishda o'quvchi ehtiyojini chuqurroq tushunish, predmet sohasida bilimlarni tahlil qilish, ayrim hollarda esa o'qitishning psixologik tamoillari hisobga olinishi lozim bo'ladi. Axborot texnologiyalari quyidagi vazifalarni bajaradi: tavsiflash funksiyasi (uning yordamida amaliy o'qitishning muhim aspektlari ochib beriladi); tushuntirish funksiyasi (o'qitish metodlari, usullari va boshqa komponentalarining samaradorligini oshirishga yordam beradi); loyihalash funksiyasi (uni amalga oshirmasdan turib, birinchi ikkita funksiya amalga oshirilishi mumkin emas).

Pedagogik texnologiya keng ma'noda- bu shunchaki o'qitishning texnik vositalari va kompyuterlardan foydalanish emas, balki ta'lim samaradorligini oshiradigan omillarni tahlil qilish yo'li bilan, material bilan ishlashning yangi usullarini yaratish va qo'llash yo'li bilan, shuningdek, qo'llanilayotgan metodlarni baholash vositasi bilan ta'lim jarayonini optimallashtirish tamoillarini aniqlash va usullarini ishlab chiqishdir.

Shunday qilib, o'qitish jarayoni o'z xususiyatlari bilan birinchi o'ringa chiqadi, kompyuter esa didaktikada yangi, ilgari hal etilmagan vazifalarni yechishga imkon beradigan kuchli qurol sifatida qaraladi. Yuqorida qayd etilganidek, “pedagogik texnologiyalar”, “axborot texnologiyalari”- bu ma'lum ma'noda sinonimlardir. Biroq hozirgi zamon o'rgatuvchi vositalaridan foydalanib, ajoyib tarzda taxt qilingan, lekin o'qitish nazariyasining rivojiga hech narsa bermaydigan dasturiy mahsulotlarni ham yaratish mumkin. Bu holda faqat o'qitish jarayonining u yoki bu tomonini avtomatlashtirilishi to'g'risidagina, axborotni qog'ozli tushuvchilardan elektron tushuvchilarga ko'chirilishi haqidagina gapirilishi mumkin.

O'qitishning yangi texnologiyasi deb quyidagi sifatlarga ega bo'lgan texnologiyani hisoblash mumkin: pedagogik texnologiyaning asosiy tamoillarini (oldindan loyihalash, qaytariluvchanlik, maqsadni hosil qilish, yaxlitlik) qanoatlantiradi; metodika oldin nazariy jihatdan ham va amaliy jihatdan ham hal etilmagan masalalarni hal etadi (orfografiyani o'rganish metodikasi uchun bu amaliy sohada tabaqalashtirish va induvidallashtirish, nazariy sohada esa bu gramatik material va reproduktiv mashqlar hajmlarining nisbatidir); kompyuterda axborotni tayyorlash va o'quvchiga uzatish vositasi sifatida foydalaniladi.

Shunday qilib, dasturiy mahsulotlardan foydalanib, o'qitishning rivojlantiruvchi samarasi quyidagidan iborat : o'quvchi, formallashtirilgan material bilan ishlashiga qaramasdan, o'zida faol mustaqil tafakkurni shakllantiradi, busiz esa ijodiyot yo'qdir. Faol va mustaqil tafakkursiz ijodiy tafakkur bo'lishi mumkin emas(ularni o'z ichiga oladi), lekin har qanday faol va mustaqil tafakkur har doim ham ijodiy tafakkur bo'lavermaydi:

- Hozirgi vaqtda o'qitishda kompyuterdan foydalanishda eng ko'p tarqalgan texnosentrik yondoshuvga gumanitarlashtirishga , ya'ni o'quv predmetli muhitlarni yaratishda shaxsiyatni rivojlantirishga orientirlanish qarama-qarshi qo'yilgan. Gumanitarlashtirishning namoyon bo'lish belgilaridan biri tabaqalashtirilishidir, chunki o'qitishning frontal (yalpi) shakllari o'qituvchi har bir o'quvchining individual-psixologik xususiyatlarini hisobga olishga imkon bermaydi. Kompyuterdan faqat namoish etuvchi qurilma sifatida emas, balki keng didaktik ta'sir spektriga ega bo'lgan vosita sifatida foydalanilishi mumkin;

- Maktab darsliklari va kompyuter dasturlari paketi yordamida mashinasiz o'qitishning mashinaviy o'qitish bilan uzviy o'zaro bog'lanishi, agar o'qitish mazmunini maktab o'zbek (ona) tili darsligi va DPV (dasturiy pedagogik vositalar) orasida taqsimlanishining optimal nisbati topilsa, o'qitish sifatiga ijodiy ta'sir etadi. Bu taqsimotda darslik va dasturiy-pedagogik vositalarning konkret funksiyalarini aniqlash kriteriysi asosi bo'ladi, buning uchun dasrliklardan o'rin olgan bilimlar bazalarini DPV ni loyihalashda foydalanish maqsadida o'quvchilarning tipologik guruhlari uchun aniqlangan bilimlarning shaxsiyatli modelini tashkil etuvchi bilimlar bazalari bilan qiyoslash lozim;

- YAT shakllari, metodlari va vositalarining boshlang'ich sinflar o'quvchilarining kompyuter savodxonligi darajasi va mazmuniga hamda axborot madaniyatiga qat'iy muvofiqligining ta'minlanishi o'quv sayharakatlarini amalga oshirishida o'zini qulay tutish hissini yuzaga keltiradi.

Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда янги давр

Камолиддин Фаниев -СамДАҚИ доценти, т.ф.н.

*Заршед Меликов-СамДАҚИ “Қурилиш” факультети ёшлар етакчиси
Сабина Каримова-СамДАҚИ “Қурилиш” факультети I-босқич талабаси*

Ўзбекистонда янги тарихий шароитда амалга оширилаётган кенг камровли демократик ислохотлар жараёнида ёшларга оид сиёсат давлат фаолиятининг устувор йўналишларидан бири бўлиб, унинг асосий мақсади – ёшларнинг ижтимоий шаклланиши ва камол топиши учун ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий жиҳатдан шарт-шароитларни яратишдан

иборатдир. Мустақиллик йилларида тараққиётнинг “Ўзбек модели” асосида ёшларга оид давлат сиёсати тамойиллари ва механизмлари ишлаб чиқилди, унинг ҳуқуқий асослари яратилди. Бу соҳада 2016 йил 14 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида” ги Қонуннинг янги таҳрирда қабул қилиниши мамлакат ёшлари ҳаётида муҳим воқеа бўлди.

Ёшларга оид давлат сиёсати муҳим сиёсий йўналиш сифатида изчил жараён бўлиб, у ёшлар мавқеи ва ҳаёти билан боғлиқ воқеъликнинг бош хусусиятларини ўзида мужассам этади. Айти пайтда Ўзбекистонда ёшларга оид сиёсатнинг қуйидаги йўналишларида ислоҳотлар амалга оширилмоқда: ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кафолотловчи қонунчилик асосларини яратиш ва такомиллаштириб бориш; ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ зарур институционал тузилмаларни қўллаб-қувватлаш; ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларга таълим бериш сифатини янада ошириш; ёшларда соғлом турмуш тарзига интилишни шакллантириш, ёшлар спортини оммавий ривожлантириш тизимини шакллантириш ва унинг тизимли фаолият юритишини таъминлаш; ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган вояга етмаганлар ва ёшларга давлат томонидан ғамхўрлик кўрсатиш; вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар содир этишнинг олдини олиш; баркамол авлодни тарбиялаш мақсадида зарур ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларни вужудга келтириш.

Бугунги тез ўзгараётган дунё инсоният олдида, айниқса, ёшлар олдида янги-янги имкониятлар очмоқда. Шу билан бирга, уларни илгари кўрилмаган турли ёвуз хавф-хатарларга ҳам дучор қилмоқда. Ғаразли кучлар содда, ғўр болаларни ўз ота-онасига, ўз юртига қарши қайраб, уларнинг ҳаётига, умрига зомин бўлмоқда. Бундай кескин ва таҳликали шароитда биз ота-оналар, устоз-мураббийлар, жамоатчилик, маҳалла-қуй бу масалада хушёрлик ва огоҳликни янада оширишимиз керак. Болаларимизни бировларнинг қўлига бериб қўймасдан, уларни ўзимиз тарбиялашимиз лозим. Бунинг учун ёшларимиз билан кўпроқ гаплашиш, уларнинг қалбига қулоқ солиш, дардини билиш, муаммоларини ечиш учун амалий кўмак беришимиз керак. Бу борада уюшмаган ёшлар билан ишлашга алоҳида эътибор қаратишимиз зарур 2017 йил 30 июнда бўлиб ўтган “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV курултойида сўзлаган нутқида Ш.М. Мирзиёев Ўзбекистонда 10 миллиондан зиёд йигит-қизлар бўлиб, юртимизда минглаб ёшлар, айниқса, қишлоқ жойларда нафақат “Камолот”нинг, айти вақтда давлат ва жамиятнинг эътиборидан четда қолаётгани, улар билан деярли ҳеч ким шуғулланмаётганига эътибор қаратган эди. Ушбу тарихий учрашув мамлакатда ёшлар сиёсати самарадорлигини ошириш билан боғлиқ янги даврни бошлаб берди. Энг муҳим жиҳат сифатида давлатимиз раҳбари ташаббуси билан “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати заминида Ўзбекистон ёшларини буюк мақсадлар сари бирлаштирадиган ва сафарбар этадиган оммавий ҳаракат – Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил этилди.

Ўзбекистонда жамият ҳаётининг турли соҳаларида фаолият олиб бораётган ёшлар ва шу билан биргаликда уюшмаган ёшлар билан олиб борилаётган ишларни тизимли ташкил этишга ёшларга оид давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида катта эътибор

қаратилмоқда. Ёшларни фаоллаштириш, уларнинг ташаббускорлигини ошириш ёшлар тарбиясига ижодий тарзда ёндашиш, тарбия жараёнининг ўзини тизимли равишда ташкил қилишни талаб қилмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар самараси авваламбор юксак маънавиятли, мустақил фикрлайдиган, Ватанимиз тақдири ва истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир ёш кадрлар сафини кенгайтиришга бевосита боғлиқ. Ёшларга оид давлат сиёсатини изчил ва самарали амалга ошириш, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини тубдан ислох қилиш мақсадида яна бир муҳим ҳужжат – Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Таъкидлаш жоизки, 2017 йилда мамлакатда ёшларга доир ўнлаб қонун ҳужжатлари қабул қилиниб, уларда, биринчи навбатда ёшлар тарбиясини мустаҳкамлаш ва қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди. Энг аввало, барча даражадаги давлат ҳокимияти органларида, маҳаллаларда ёшлар масаласи бўйича хизматлар ташкил қилинди. 30 июнь мамлакатда “Ёшлар куни” деб белгиланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси қошида Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти ташкил қилинди.

Қайд этиш керакки, Ўзбекистон аҳолисининг 60 фоизидан зиёдини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади. Бинобарин, ҳар йили ярим миллион нафардан ортиқ йигит-қиз мустақил ҳаётга қадам қўяар экан, улар учун муносиб турмуш шароитини яратиш, чуқур ўйланган ислохотлар янада чуқурлаштирилиб, меҳнат бозори ва ресурсларнинг имкониятларини жадал кенгайтириш чоралари кўрилмоқда. “Биз ёшлар учун уларнинг соғлом туғилишидан бошлаб, токи мустақил ҳаётга киргунича барча зарур шароитларни яратиб бериш мақсадида қандай катта ишларни амалга ошираётганимиз сизларга яхши маълум”, -деб таъкидлайди, Ш.М.Мирзиёев.[1]

Дарҳақиқат, қисқа даврда Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида унинг мунтазам даромад манбаи белгиланди, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича бир қатор тадбирлар амалга оширилди, жумладан:

- 2018 йилда кикчик бизнес корхоналари томонидан тўланадиган ягона солиқ тўлови учун ҳисобланган сумманинг 8 фоизи ҳисобидан 200 миллиард сўм Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ривожлантириш жамғармасига йўналтирилади;

- Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг жойлардаги кенгашлари раисларини рағбатлантириш мақсадида уларга автомашина ва кўчмас мулк харид қилиш учун имтиёзли кредитлар ажратиш белгиланди;

- республиканинг туман ва шаҳарларида бўшаётган коллежлар биноларини Ўзбекистон ёшлар иттифоқига беғараз ўтказиш, уларнинг негизида барча қулайликка эга бўлган ахборот ресурс марказлари ва китоб дўконига эга бўлган Ёшлар марказлари ва замонавий ёшлар кинотеатрларини, шунингдек ёшларга 6 ойгача бўлган муддатда касб-

хунарга тўловсиз ўқитиш марказларини ташкил этиш дастури тайёрланди ва улар фаолият кўрсатмоқда;

- Ёшлар иттифоқи қошида турли фанлар, жумладан, чет тилларини ўргатиш, компьютер дастурларини тузиш ва тадбиркорлик асосларини ўқитиш мақсадида ташкил этиладиган корхоналарни 10 йилгача барча солиқлардан озод этиш, бунда корхона ихтиёрида қоладиган сумманинг 20 фоизини Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ривожлантириш жамғармасига ўтказиш белгиланди.

Ёш мутахассислар ва тадбиркорлар фаолиятини рағбатлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилиб, уларга солиқ имтиёзлари ва преференциялар жорий қилинди, жумладан:

- биринчи марта ишга қабул қилинган ёшларга даромад солиғи биринчи йили учун 50 фоиз, иккинчи ва учинчи йиллар учун эса 25 фоизга камайтирилди.

- ишлаб чиқилган махсус дастурга кўра, ўтган даврда 7 мингдан зиёд ёш оилалар ўз шахсий уй-жойларига эга бўлдилар. 2018 йилдан эса, барча йирик шаҳарларда – кўп қаватли, туманларда – 1-2 қаватли намунавий лойиҳалар асосида махсус ёшлар учун арзон уйларни куриш режалаштирилди;

- Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан Иттифоқнинг фаол аъзоси бўлган олий таълим муассасалари талабаларига ўртача ўзлаштириш кўрсаткичлари юқори бўлган тақдирда контракт миқдорининг 35 фоизи тўлаб берилиши жорий этилди;

- Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг фаол аъзоларига олий таълим муассасаларига имтиёзли қабул қилиш бўйича тавсиянома асосида яшаш жойидаги олий таълим муассасаларининг педагогика таълим йўналишларига танловдан ташқари тест синовларисиз ва касбий (ижодий) имтиҳонларисиз давлат грантлари асосида қабул қилиниши белгиланди;

- Фаол ёшлар учун “Мард ўғлон” давлат мукофоти ва “Келажак бунёдкори” медали таъсис этилди.[2,75-76]

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, бугунги кунда Ўзбекистонда ёшларни тарбиялашда биринчи ўринда уларнинг турли тилларни билиши, компьютер техникасини мукамал эгаллаши, янги техника, технология ва фан ютуқларини ўзлаштириши муҳим вазифа сифатида ёшларга оид давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бирига айланди. Бу омилларни фаол тадбиркорлик ва ишбилармонлик билан уйғунлаштириш, уларнинг бирлигига эришиш юртимиз олдида турган асосий вазифани – замонамизнинг ривожланган давлатларидан бири бўлиш вазифасини амалга оширишни тезлаштиради. Ушбу мақсадни амалга оширишда жамиятдаги барча фуқаролар, аввало, энг фаол, изланувчан, ишбилармон ва тадбиркор ижтимоий қатлам бўлган ёшлар, шу билан биргаликда уюшмаган ёшлар билан олиб бориладиган ишларни тизимли равишда ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади. Бир сўз билан айтганда мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширилишида давлат органлари, нодавлат-нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан самарали ҳамкорликни таъминловчи, “Ёшлар – келажак пойдевори”

шиори остида профессионал фаолиятни амалга оширувчи тузилмага айланиб бораётган ёшлар иттифоқининг ўрни ва имкониятлари катта. Ш.М.Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномасида таъкидлаганидек, барчамиз бир ҳақиқатни чуқур тушуниб, англаб олишимиз керак: бугун гап халқимиз, Ватанимизнинг тақдири ва келажаги, жондан азиз болаларимизнинг бахти ва камоли ҳақида бормоқда. Шундай улуғ мақсадлар йўлида барчамиз белимизни маҳкам боғлаб ишлашимиз, бор ақл-заковатимиз, билим ва тажрибамизни, жонажон Ватанимизга фарзандлик меҳримиз ва садоқатимизни сафарбар этишимиз керак [3].

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Мирзиёев Ш.М. Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир // “Халқ сўзи”, газетаси 2017 йил 8 декабрь.

2. 2017 йил – шиддатли ислохотлар йили.-Т.:“Адолат”, 2018

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси // “Халқ сўзи” газетаси, 2017 йил 23 декабрь.

“Mahalla yoshlarni jismoniy tarbiya va sport bilan shug’ullanishdagi ayrim muammolar”

SamDAQI “Jismoniy madaniyat va sport” kafedrasida katta o’qituvchisi A.M. Dehqonov, SamDAQI “Jismoniy madaniyat va sport” kafedrasida o’qituvchisi A.Q. Qidirov

Respublikaning iqtisodiy, siyosiy, madaniy va ijtimoiy salohiyatida jizmoniy madaniyat va sport ham o’z o’rni va mavqeiga egadir. Bunda muhtaram birinchi prezidentimiz I.A.Karimov humukatimizning g’amxo’rligi olqishga sazovordir. Uning jonkuyarligi sportning mohiyatini to’g’ri tushunib, uning aholining barcha qatlamlariga targ’ib qilish kerakligi siyosatimizning ustuvor vazifalaridan biri ekanligini aytib shunday sozlarni mison keltirib o’tgan edi: “Hech bir narsa dunyoga sport kabi tez mashhur qila olmaydi”. O’zbekiston Respublikasining birinchi prezidenti mustaqilikka erishish va uning istiqbolida aholi salomatligining o’ta qimmatligini va unga ega bo’lish yo’llarini katta kutarinkilik bilan izhor qilib bergan. Yani: “Bizning ota-bobolarimiz kishilar bilan uchrashganda, avvalo, chin yurakdan salomatlik tilashgan... Bizning zaminimiz baxodirlar va himoyachilarimiz bo’rgan polvonlar va botirlargan boy va ularni mehr bilan parvarish qilib kelmoqda. Bugungi kunda hamma joyda sportning milliy turlari qayta tiklanmoqda... O’zning salomatligi haqida shaxsan g’amhurlik qilib borish madaniyatini yoshlikdan, makta, mahalla, sog’liqni saqlash tizimi, jismoniy tarbiya va sportning ko’magida sindirish kerak”,- deb haqli ravishda aytgan.

E’tirof etish kerakki, mustaqil O’zbekistonning jismoniy madaniyat va sportini yanada rivojlantirishga asos bo’luvchi eng muhim tabdirlar kurulmoqda. O’zbekiston Respublikasining “jismoniy tarbiya va sport to’g’risida”gi qonuni (1992-yil 14-yanvar) barcha aholining sog’lig’ini mustahkamlash, ularning jismoniy tarbiya va sport bilan shug’ullanishlariga shart sharoitlar yaratib berishni kafilikka oladi. Bu qonun 2000- yilda yangi tahrirda qayta qabul qilindi.

Shu qonuga muvofiq “maktabgacha bolalar tarbiya muassasalari va o’quv yurtlari har yili kamida bir marta maktabgacha yoshdagi bolalarning hamda o’quvchi yoshlarning jismoniy tayyorgarlik darajasini kurikdan o’tqazish belgilab qo’yildi. Bundan tashari qonunda umumta’lim maktablarida boshqa o’quv yurtlarida jismoniy tarbiya buyicha imtihonlar o’tqaziladi.” – deb ko’rsatilgan. Bu esa o’quvchi yoshlarning salomatligini mustahkamlash jismoniy kamolotini oshirish ularni mehnat va mudofa ishlariga layoqatli kishilar qilib tarbiyalashga qaratilgan. Bu imkoniyat va talablarni har bir o’quvchi va yoshlar o’z tafakkurlari bilan tushunishlari Mustaqil O’zbekistonning istiqboliga hissa qushi uchun boz imkoniyatlarini ishga solish, o’z burchlarini ado qilishlari kerak. Ma’lumki Respublika Oliy Kengashining Sessiyasida (1992-yil iyul, 1997- yil 29 avgust) “Talim to’g’risidagi” qonun qabul qilinib unga ta’lim oluvchilarning salomatligini muhofaza qilish va mustahkamlashni kafolotlovchi shart sharoitlar yaratish, o’qish mehnat qilish dam olish uchun ta’lim muassasalari mas’uldir deyilgan. Bu ikki qonunning mazmun va mohiyati o’zaro mujassamlashib, jismoniy tarbiya va sportni rivojlantirishga qaratilgan.

O’zbek xalqining eng ulug’vor urf odatlaridan biri sunnat o’g’il uylantirish qiz chiqarish tuy marosimlaridir. Bunday ko’p qirrali va keng qamrovli madaniy birlarni o’tkazish uchun har bir ota-ona bir umr yig’iniadi, topgan tutganlarini ularning baxti uchun sarf etadi. Bu odatlar jahondagi mamlakatlardagi kamdan kam desak unchalik lof va mubolag’a bulmasligi kerak bu yulda o’zbekning or nomus qavm qarindosh mahallar qushnichilikdagi mkanabiy nuriy tabdirlar, hayriyalardagi odamiylik amalga oshirilmoqda. Bu jahon xalqlari orasidagi eng ulug’vor ustuvor madaniyat hisoblanadi. Lekin, bu faoliyatlar dengizida “soya” da qolib ketayotgan eng muhim masalalar ham yuq emas. Tuylar va boshqa yumushlar uchun pul yig’ish boylik tuplash ortiqcha zeb ziynatlarga burkanish maqsadidajismoniy va faol harakatlar bilan shug’ullanishni unutib quygan yoki umuman bilmaydigan ayollar ko’paymoqda. Shuningdek mahallalarda jismoniy tarbiyani rivojlantirishda paydo bo’layotgan muammolar ham oz emas. Mahallalarda joy yoki tashkilotlarning yetishmasligi, bolalarning bo’sh vaqtlarining bo’lmasligi yoki ularni jalb qila olmaslik.

Respublika prezidenti va hukumatning tashabbuslar hamda bevosita hurliklari tufayli “Ayollar yili” (1999- yil), “Sog’lom avlod yili” (2000-yil), va “Bolalar yili” (2001-yil), “Qariyalarni qadrlash yili” (2002-yil), “Obod mahalla yili” (2003-yil), “Yoshlar”, ushbu yil “Qishloq taraqqiyoti va farovonligi yili” bunga bag’ishlab o’tkazilayotgan tabdirlar o’z samarasini bermoqda.

O’quvchi yoshlarning ta’lim olishlar va ularni doimo sog’lom bo’lishlarini davlar qonunlari bilan muhofaza qilish, bulajak mutaxxasislarning porloq kelajagini ta’minlash, deb talqin qilish lozim. Shu tufayli barcha o’quvchi yoshlar qayerda ta’lim olmasin, ularga berilgan imtiyozlardan maqsad yo’lida foydalanish, jismoniy kamolotni ta’minlash zarur bo’ladi va bu bilan jismoniy tarbiyaning ijtimoiy mohiyatlarini yanada kutargach, uni imkoni boricha, inson hayotidagi yuksak omilkor ekanligini kelajakka meros qilib qoldirishga hayotiy tajriba va amaliy ishlarni yanada rivojlantirish muhim asos deb qabul qilishga erishish kerak. Shu sababdan Respublika sportini istiqboldagi asosiy manbalarning holati va uni rovojlantirish omillaridan xabardor bulish muhim vazifalardan biri bulib hisoblanadi.

Mustaqillikning dastlabki yillarida O'zbekiston jismoniy madaniyat va sport taraqqiyotining ba'zi bir kursatgichlari quyidagilardan iborat.

Respublikadagi 14577 ta jismoniy madaniyat jamolaridan 5 mln. 549948 kishi shug'ullanadi. Shu jumladan 64 ta Oliy uquv yurtida 134977 kishi, 225ta o'rta maxsus o'quv yurtlarida 147664 kishi, 449 ta hunar texnika bilim yurtlarida 211061 kishi, 8302ta maktabda esa 4 mln.510ming 403 o'quvchi jismoniy tarbiya va sport bilan shug'ullanadilar. O'zbekistondagi ishlab chiqarish korxonalarining 5545 tasida boshlang'ich jismoniy madaniyat tashkilotlari va 60 dan ortiq sport klublari mavjud bo'lib ulardan 543946 kishi muntazam ravishda sport turlari, sog'lomlashtirish mashqlari bilan shug'ullanadilar.

Adabiyotlar ro'yxati:

1. I.Karimov Hushyorlikka da'vat. O'zbekiston milliy axborot agentligi savollarga javoblar. 8-jild. Toshkent "O'zbekiston" 2000

2. Sidaxmedov N., Ochilov A. Yangi pedagogic texnologiya mixiyati va zamonaviy loyihasi. 1999 – 55 bet.

3. Bratus B.S. Amaliy lichnosti. – M:Meditsina

Инсонмаънавий-шахсий моҳиятининг шакллари ва ижодий воситалари

*С.Норов, ф.ф.н., доцент, СамДАҚИ.
Азимова М 201 ҚМБ ваКИЧ талабаси*

Фалсафада-шахс ижодий фаолиятининг ўзига хос намоён бўлиши шаклидир. Ижод нуқтаи назаридан тасаввуф концепциясига доир инсоннинг маънавий-шахсий ички дунёсининг шаклланиш таҳлили ўзига хос эътиборга сазовордир. Тасаввуф инсонни ўз виждони, ўзлиги, камолатига етиши, адолат ва ахлоқий покликка етишиш ҳақида ўйлашга ундайди. Тасаввуф ғоялари инсоннинг ижодий тафаккурга катта имконият яратади, фикрга эрк ва кенглик беради, инсон ўз-ўзини билиш, ўзлигини англаш га чорлайди. Билиш муаммоси тасаввуфда фақат ақл билан боғлиқ бўлмасдан, энг олий таркибий қисми интуиция бўлган мураккаб тизимдан иборат. Инсон юрагида ўрин эгаллаган тасаввуф моҳияти Муҳаббат, Ҳақиқат, Гузаллик, Комиллик идеаллари билан ифодаланади. Тасаввуфда билшга муҳаббатга асосланади. Тасаввуфнинг фалсафий –диний таълимотлари Марказий Осиё халқлари ва умуман Шарқ халқлари маданияти ва маънавиятига катта таъсир кўрсатади.

Бугунги кунда “тасаввуф” тушунчаси билан бирга “маънавий”, “маърифат”, “мафкура”, “тафаккур”, каби асосий унверсал категорияларни ҳам илмий изланишлар давом этмоқда. Жумладан ижодий тафаккурнинг кўп маъноли контекстларини муайян даражада рағбатлантириш мумкун. Чунончи, ёшликда бир тизимда, мақсадга мувофиқ тарбия бириш, изланиш фаолиятини рағбатлантириш, ўқитишнинг турли интерактив усуллари билан фойдаланиш натижасида ижодий тафаккурнинг ривожланишига эришиш мумкун. Илмий ижоднинг эвристик характери. Фан тарихида ижодий муаммоси. Шарқ ва ғарб тафаккурининг ижодга оид қарашлари. Илохий ижодкорликнинг ўзига хос хусусиятлари. Билиш фаолияти ижод ва меҳнат уйғунлиги. Ижоднинг амал қилиш хусусиятлари. Илмий ижоднинг ўзига хос хусусиятлари. Индивидуал ижодий фаолият янги билимларнинг эски

билимлар билан боғлиқлиги. Ижод янги қадириятларни яратиш ва ижодкорликнинг илҳом манбаи. Доҳилликнинг ўзига хос хусусиятлари. Ижоднинг дуол ҳаракатлари. Эркинлик ижоднинг асосий хоссаси. Илмий-ижодий фаолиятда олимнинг шахсий фазилиятидир. Ижодий жароёнида тарли касб сахалридаги олим интуицияси катта рўл ўйнайди. Умумлаштириб атганда, ҳақиқатга еришиш қобилиятини ифодалайди. Баъзида инсон фикри, маълум мавжуд билиш усуллари доирасидан ташқарига чиқиб туриб, янги ёндашиш, усулни улғаб олади, ва муаммонинг ечим топилади. Интуиция асосламасдан, исботланмаган нарса ва ҳодисаларни тушунтира олади. Фан тарихида бунга мисоллар жуда кўп. Кўпчилик машҳур физик олимлар интуиция аксарият ҳолларда янги қонуниятлар, қонунлар ва ҳақозаларни кашф этишда ёрдам беради, деб ҳособлайдилар. Илмий ижод инсон фаолиятининг энг олий шакли бўлиб, тадқиқ этилаётган ҳодисалар тизими ва тузулишининг онг акс эттирилиши, қонунлар, уларнинг алоқалари ва ривожонинг қайд этилиши билан ифодаланади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш лозимки, Фан илмий ижодининг энг олий шаклидир. Фан мақсади - тафаккур ва ҳаракатнинг янги имкониятларини очиб беришда. Уларнинг вужудга келиши илмий-амалий фаолият янги усул ва йўллари детерминанти бўлади ва ижодий интеллектнинг янги имкониятларини очиб беради. Ижод натижаларини аҳамияти, ўтмиш тажрибасининг унда у ёки бу ҳолатда сақланиши ва ҳисобга олинишда ифодаланади. Шахснинг маданий дунёқараш асосларини шакллантириш жараёни фан ютуқларига асосланади. Ижодий тафаккурга эга инсонлар субъектив идрок қилиши тадқиқ этилаётган объектнинг янги қирраларини очиб беради.

Шаҳарсозлик ва ландшафт архитектураси фанини ўқитишнинг услубияти

СамДАҚИ “Архитектура назарияси ва тарихи” кафедраси катта ўқитувчиси Б.А. Саидова

СамДАҚИ “ҚХАЛТЭ” кафедраси ўқитувчиси Ҳ.Б. Якубова

Инсон ҳаёти кенг маънода архитектура ва табиатни ўз ичига камраб олган атроф-муҳитда ўтади. Уларнинг ўзаро уйғунлиги инсон фаолиятининг зарурий шартидир. Қулай ва гўзал шаҳарлар, архитектуравий ансамбллар, саноат ва турар-жой мажмуалари, қишлоқ хўжалик қурилмалари, табиий ландшафт инсон учун қулай бўлган атроф-муҳит ҳисобланади. Инсонга ўзи яратган муҳитнинг таъсири кўп қирралидир. У ҳаётнинг моддий томонларинигина эмас, балки маънавий томонини ҳам ўз ичига олади. Соф ҳаво, архитектуранинг мақсадга мувофиқлиги ва кўркамлиги, турар-жой биносининг қулайлиги - буларнинг ҳаммаси инсонга ижобий таъсир кўрсатади ва аксинча, кўримсиз турар-жой мавзелари, кўкаламзорларнинг йўқлиги, ҳаво ва дарёларнинг ифлосланиши унинг руҳиятига салбий таъсир кўрсатади. Одамлар табиат билан асрлар оша олишиб келмоқдалар. Тупроқ, тош ва ёғочлардан уй-жой қуриш, экинзорлар барпо этиш, ер остидан фойдали қазилмаларни кавлаб олиш - буларнинг барчаси табиат бойликларидан фойдаланиш бўлиб, шу билан бирга табиатни барбод қилиш

хамдир. Ҳозирги техника инқилоби асрида тесқари масала, яъни табиатни сақлаш, қайта тиклаш ва соғломлаштириш инсон учун ҳаётӣ заруриятдир.

Ўзбекистон Республикаси ижтимоӣ ва иқтисодӣ соҳаларнинг тубдан ривожланиши ва янгилиниши бўсағасида турибти. Ушбу мақсадлардаги асосӣ вазифалар Ўзбекистон Республикаси Президентининг **“Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”**ги 2017 йил 7 февраль **ПФ-4947-сон** фармонида аниқ кўрсатиб берилган. Ушбу фармоннинг **IV-боб 4.4 бўлими таълим ва фан соҳасини ривожлантиришга** бағишланган бўлиб, айнан биз педагог кадрлар олдидаги муҳим вазифаларни белгилаб беради ва шу билан бир қаторда кенг имкониятларни ҳам очиб беради. (расмий нашр. Тошкент. “Адолат” 2017.25-26 саҳ.)

Шаҳар ва табиат, инсон ва табиат бу архитектор учун бир маънодаги тушунчалардир. Улар архитектордан ўз фаолиятига фалсафӣ ёндошишни талаб этади, чунки архитектор инсон ва табиат ўртасидаги бирликни ўрнатишдаги етакчи шахсдир. Ўзбекистонда шаҳарларни лойиҳалаш турар-жой бинолари ва саноат корхоналарини санитария-гигиена оралиқларини таъминлаган, қулай транспорт алоқаларини ташкил қилган ҳолда ўзаро энг мақсадга мувофиқ жойлаштириш тамойилига асосланади. Бунда шаҳар ва шаҳар атрофида боғлар ташкил қилиш, ўрмонларни кенгайтириш, сув ҳавзаларини ташкил қилиш ва ҳоказолар орқали табиатни одамга яқинлаштириш кўзда тутилади. *Шаҳарсозлик* - бу ижтимоӣ-иқтисодӣ, санитария-гигиеник, техник-қурилиш, транспорт ва архитектура-бадиий масалаларни биргалиқда ҳал қилувчи шаҳар ва аҳоли яшаш жойларини режалаштириш ва қуриш назарияси ва амалиётидир.

Шаҳар ва табиат, инсон ва табиат бу архитектор учун бир маънодаги тушунчалардир. Улар архитектордан ўз фаолиятига фалсафӣ ёндошишни талаб этади, чунки архитектор инсон ва табиат ўртасидаги бирликни ўрнатишдаги етакчи шахсдир. Ўзбекистонда шаҳарларни лойиҳалаш турар-жой бинолари ва саноат корхоналарини санитария-гигиена оралиқларини таъминлаган, қулай транспорт алоқаларини ташкил қилган ҳолда ўзаро энг мақсадга мувофиқ жойлаштириш тамойилига асосланади. Ишлаб чиқариш ва дам олиш ҳудудлари шаҳарнинг асосӣ ташкил этувчи таркибий қисмлари ҳисобланади. Ушбу ҳудудларни лойиҳалаш жараёнида охириги пайтда инсонларнинг дам олиш борасидаги талабларнинг ривожланганлигини, ишлаб чиқариш ҳудудларини ташкил этишда эса янги технологияларнинг кириб келганини ҳисобга олиш зарурлиги шаҳарсоз архитекторнинг вазифасидир. Санаб ўтилган вазифалар мавзу долзарблигининг асосидир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг **“Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”**ги 2017 йил 7 февраль **ПФ-4947-сон** фармонида аниқ кўрсатиб берилган. Ушбу фармоннинг **III-боб 3.5 бўлими янги саноат корхоналари ва сервис марказларини ташкил этиш** борасида дастури амал бўлиб хизмат қилади. (расмий нашр. Тошкент. “Адолат” 2017. 20-21 саҳ.)

Шаҳар ва шаҳар атрофида боғлар ташкил қилиш, ўрмонларни кенгайтириш, сув ҳавзаларини ташкил қилиш ва ҳоказолар орқали табиатни одамга яқинлаштириш кўзда тутилади. Шаҳар - бу бир-бирлари билан боғлиқ

бўлган кўп турли корхона ва заводлар мажмуасидан иборат. Ҳар куни шаҳар минглаб тонна хом ашё ва озиқ-овқатлар истеъмол қилади, минглаб тонна саноат ва бошқа чиқиндиларни чиқаради. Шаҳар - бу қудратли муҳандислик хўжалиги. Бу юзлаб км сув ўтказгич қувурлари, электр қуввати билан таъминлаш, ўчоқхоналар, оқава сувларини тозалаш иншоотларини яратиш масалаларини ҳал этишни талаб этади.

Шаҳарларнинг ҳозирги ривожланиши республикада мунтазам урбанизациялашиш шароитларида кечмоқда. У жамиятнинг барча соҳаларини қамраб, шаҳарларнинг иқтисодий аҳамиятига, уларнинг ишлаб чиқаришдаги ва аҳолини ижтимоий ташкил этишдаги ролига ҳал қилувчи таъсир кўрсатмоқда. Республикада юз бераётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар Ўзбекистон шаҳарлар тармоғи ривожланиши ва аҳоли жойлашуви характери ҳамда аҳоли жойлари тармоғи таркиби ўзгариши, шаҳар аҳоли жойлашуви ареалларининг кенгайиши билан кузатиб бориляпти. Бу жараёнга аҳоли жойлари тармоқларининг нафақат воҳаларда шаклланиши ва ривожланиши, шунингдек, янги, илгари фойдаланилмаган республика ерларининг (Мирзачўл, Жиззах, Қарши даштлари, Марказий Фарғона ва бошқалар) мунтазам ўзлаштирилиши ёрдам берди. Шаҳарлар тармоғининг ривожланиши республиканинг фақатгина саноати ривожланган туманларида, шунингдек, қишлоқ жойларида ҳам кичик даражадаги аҳоли жойларини юқорироғига ўтиши орқали, қишлоқ жойларни шаҳарлар ёки шаҳар типдаги посёлкаларга айланиши орқали ҳам юз берди. Республика шаҳарлари сонининг тез ўсишига улардаги аҳоли сони минимал фоизининг 10 мингдан 7 мингга камайтирилганининг ҳам натижаси бўлди. Янги шаҳарлар пайдо бўлиши асосан қишлоқ жойларни, авваламбор туман марказларини ўзгартириш ҳисобига бўлди. Бундай ўзгаришларнинг катта шаҳарлар тармоғини ривожлантиришдаги ижобий аҳамиятини қайд этган ҳолда, таъкидлаш керакки, бунда тегишли шаҳар ташкилий асос шаклланишига, шаҳар аҳолисига маданий-маиший хизмат кўрсатиш даражасини оширишга етарли даражада аҳамият берилмади. Бу «шаҳар ҳаёт тарзи» нинг янада кенгроқ ёйилишига, ҳозирги замон урбанизациясининг асосий масалаларидан бирини ечишга ёрдам берган бўларди.

Akademik litseylarda fizika fanidan masalalar yechishning qulay usullari.

*G.Mirsaidova, S.Qurbonov
(SamDAQI akademik litsey o'qituvchilari)*

Umumiy fizika faniga tegishli bo'lgan ma'lumotlar hajm jihatdan ancha katta bo'lganligi uchun uni qat'iy reja asosida muntazam ravishda o'rganib borish talab etiladi. Har bir bosqich darsligini yoki har bir bo'limni o'zlashtirish uchun uni qat'iy reja asosida o'rganib borish talab etiladi. Har bir bosqich darsligi va bo'limlarni o'zlashtirish uchun undan oldingi ma'lumotlarni yaxshi bilishi lozim bo'ladi. Bunda mazkur bo'limga tegishli bo'lgan mavzularga tegishli masalalarni yechishni o'rganish fizika fanini nazariy qonun-qoidalarini o'zlashtirishning muhim omili hisoblanadi.

Fizika darsida har bir mavzu yuzasidan masalalar yechish, fizikaning nazariy qonun-qoidalarini o'zlashtirish va ularni hayotga tadbiq eta bilish maqsadni ko'zda tutadi. Shuningdek tabiat hodisalarining fizik ma'nosini tushunib olishga, fizik kattaliklar o'rtasidagi o'zaro bog'lanishlarni amaliyotga qo'llashga yordam beradi.

Akademik litseylarda fizika fanidan masalalar yechishni o'rganish jarayonida har bir masalaga jiddiy yondashib atroflicha chuqur mulohaza yuritish lozim bo'ladi. Bunda bir qancha masalani yechishni yuzaki tushuntirishdan ko'ra bitta yoki ikkita masalani yechish usulini chuqur tahlil qilib berish o'rganuvchi mahoratini ko'proq oshirishga yordam beradi. Shu o'rinda ta'kidlash lozimki, o'rganish jarayonida yechilgan masalalarga teng kuchli bo'lgan masalani mustaqil yechish uchun tavsiya etish hamda bajarilishini nazorat qilib boorish lozim bo'ladi.

Mustaqil yechishga tavsiya etilgan masalalarni o'rganuvchi tomonidan bajarilganligini nazorat qilish ularni fizika fani bo'yicha olgan bilim va ko'nikmalarni sinovdan o'tkazuvchi mezoni hisoblanadi. Mustaqil masalalar yechishda qiynalgan o'quvchilarga nazariy bilimlarini mustahkamlash va namunaviy masalalarni yana bir bor sinchkovlik bilan o'rganib chiqishini tavsiya etish maqsadga muvofiq bo'ladi.

Fizika darslarida masalalar yechishning umumiy yoki qat'iy algoritmi yo'q. Lekin masala yechishda ma'lum qoidaga rioya qilish lozim bo'ladi.

O'qitish tajribasidan kelib chiqib litseylarda fizika fanidan masalalar yechishda quyidagi tadbirlardan foydalanishi maqsadga muvofiq deb hisoblaymiz;

-Berilgan masala mazmunini tahlil qilib qanday fizika qonunlariga tegishli ekanligini aniqlab olish;

-Berilgan masalalar shartini chizma yoki sxema ko'rinishda ifodalash masala shartini tushunishni yengillashtirish;

-Masala shartiga ko'ra berilgan va topilishi lozim bo'lgan fizik kattaliklarni tartib bilan aniqlab olish va xalqaro birliklar sistemasida ifodalash;

-Izlanayotgan kattalik bilan berilgan kattaliklar orasidagi bog'lanishni ifodalovchi qonuniyatlarni aniqlab olish (ya'ni natijaviy formulalarni keltirib chiqarish);


-Natijaviy formula to'g'ri ekanligiga ishonch hosil qilish uchun izlanayotgan fizik kattaliklarni o'lchov birliklarini keltirib chiqarish;

-Natijaviy formula asosida berilgan kattaliklardan foydalanib izlanayotgan kattaliklarning son qiymatini hisoblash;

-Olingan har bir natijani tahlil qilish orqali masalani yechish algoritmidagi xatoga yo'l qo'yilmasligiga ishonch hosil qilish lozim.

Namuna uchun yuqoridagi ketma-ketlik asosida quyidagi masalani yechishni keltiramiz.

Masala: Gorizont bilan qiyaligi $\alpha=30^\circ$ burchak tashkil etgan rels bo'ylab massasi $m=2 \cdot 10^3$ kg bo'lgan vagonetka $a=0,15$ m/s² tezlanish bilan ko'tarilayotgan bo'lsa, tortish kuchining $S=25$ m yo'lda bajargan ishini aniqlang. Ishqalanish koeffitsiyenti $\mu=0,1$ ga va $g=10$ m/s² gat eng deb hisoblang.

<p>Berilgan: $\alpha=30^\circ$ $m=2 \cdot 10^3 \text{ kg}$ $a=0,15 \text{ m/s}^2$ $S=25 \text{ m}$ $\mu=0,1$ $g=10 \text{ m/s}^2$ $A=?$</p>		<p>Yechish: 1. Qiya tekislik bo'ylab harakatlanayotgan vagonetkaning tenglamasini yozib olamiz. $ma = F_t - F_{\text{ishq}} - P_1$ 2. Bundan F_t tortish kuchini topamiz. $F_t = ma + F_{\text{ishq}} + P_1$ Bu yerda $F_{\text{ishq}} = \mu P_2 = \mu P \cos \alpha$ $P_1 = P \sin \alpha$ ekanligini inobatga olsak, 3. $F_t = ma + \mu mg \cos \alpha + mg \sin \alpha$ 4. U holda bu kuchning S masofada bajargan ishi $A = F_t \cdot S = m(a + \mu g \cos \alpha + g \sin \alpha) \cdot S$</p>
---	---	--

$$A = F_t \cdot S = m(a + \mu g \cos \alpha + g \sin \alpha) \cdot S = 2 \cdot 10^3 (0,15 + 0,87 + 5) \cdot 35 \text{ m} = 420 \text{ kJ}$$

Demak, tortish kuchining bajargan ishi 420 kJ ga teng.

Mustaqil yechish uchun tavsiya etiladigan masalalarni ortiqcha qiyinchiliksiz yecha oladigan o'quvchi mazkur bo'limga doir mavzularni o'zlashtirgan hisoblanadi.

Цементтошнинг кенгайиши

А.Э.Очилов (СамДАҚИ), Н.Р.Қуролова (СамДАҚИ талабаси)

Цемент қоришмасининг қотиш вақтида унинг ҳажми ўзгаради (кенгаяди) ва бу ўзгариш тутиб қолиш вақтида энг тез равишда кечади, тузумнинг бундай кенгайиши қисман унинг иссиқликдан кенгайиши билан изоҳланади. Турли ёриқлар ва номақбул шакл ўзгаришига йўл қўймаслик учун бетон қоришмалари ётқизилганидан сўнг дарҳол уларга лозим бўлган қотиш шароити яратиш керак.

Цементтоши мустаҳкамлигига катта таъсир кўрсатувчи факторлардан бири бу ғовакликдир. Ғоваклик қанча кам бўлса, мустаҳкамлик кўрсаткичлари ва чидамлилики ҳам қўшиб ҳисоблаганда унинг бошқа хусусиятлари шунча юқори ҳисобланади. Ғоваклик ҳосил бўлиши сув цемент нисбатига боғлиқ бўлиб қуйидагича фарқланади:

а) гил ғоваклари (0,1 мкм дан кичик)

б) капилляр ғоваклар (0,1-50 мкм) - гил зарралари агрегатлари орасида жойлашган бўлада;

в) ҳаво ғоваклари (50 мкм дан катта) қоришмани аралаштириш ёки қўшимчалар қўшиш вақтида кириб қолган ҳаво билан тўла бўлади.

Бу барча ғоваклар коллоид даражадаги заррачалар ҳамда ғовак бўшлиқ билан ажралган уларнинг агрегатларидан ташкил топган цемент гилига боғлиқдир. Ғоваклик цементнинг таркибига, сувнинг бошланғич миқдорига ва технологияга боғлиқ равишда гил ҳажмининг 28~40% ни ташкил қилади. Гилнинг ғовакли тузилиши гил ғовакларининг ўзига хос физикавий хусусиятларига боғлиқ равишда цементтошнинг механик хоссаларига, чидамлигига, совуққа чидамлилигига таъсир кўрсатади. Гил ғоваклари цементтош ва бетоннинг совуққа чидамлилигига салбий таъсир кўрсатмайди. Бу ҳодиса шу билан тушунтириладики, гил ғовакларини тўлдирган сув қаттиқ фаза билан физикавий-кимёвий боғланишда бўлади, паст ҳарорат ва ҳатто кучли совуқда ҳам музламайди.

Ғовакларга адсорбцияланган сув гил ғоваклари кесимини кичрайтириши туфайли гилнинг сув билан сингдирувчанлиги кичик бўлади. Сувнинг бир қисми гил ғовакларига сиғмайди, ундан ташқарида қолиб капилляр ғоваклар ҳосил қилади.

Капилляр ғовакларга сув тўйинишнинг оддий шароитларида бемалол кириб боради. Шу туфайли капилляр ғоваклари кўп бўлган цементтош ва бетон паст совуққа, емирилишга чидамликка ва катта сиғдирувчанликка эга бўлади.

Цементошнинг ғоваклилиги сувнинг фақатгина бошланғич миқдорига эмас, балки унинг қаттиқ фаза билан боғланиш шаклига ҳам боғлиқ бўлади. П.А.Ребиндер тавсифига кўра цементтошда сув боғланишининг уч шакли фарқланади:

- кимёвий - энг кучли боғланиш ҳисобланади, қиздиришда чиқиб кетади;
- физик-кимёвий боғланиш - гил ғовакларида мавжуд бўлади, бу боғланиш қуритишда бузилиб кетади;
- физик-механик боғланиш – цементтошда капилляр сувнинг тутиб қолинишига сабаб бўлади.

Цементтошда цемент тўлдиргичлар доналарини бириктирувчи минерал елим (клей) бўлиб қолиши, хусусий мустаҳкамликка ва адгезияга эга бўлиши лозим. Унинг бу хусусиятлари янгидан ҳосил бўлган моддаларнинг сифатига, ғовакларининг ҳажми ва фазилатига боғлиқ бўлади. Янгидан ҳосил бўлган моддаларнинг сифати уларнинг таркиби дисперсионлиги билан белгиланади, миқдори эса цементнинг гидратланиши даражасига тўғри пропорционал бўлиб, сон жиҳатидан цементнинг умумий массаси нисбатига тенг бўлади. Гидратланиш даражаси рентген усулида ёки боғланган сувнинг миқдори бўйича аниқланади.

Портландцемент ҳатто тўлиқ гидратланганида ҳам сувнинг 25-27,5 % гача миқдорини кимёвий боғлайди. Одатда узоқ вақт қотишда гидратланиш даражаси 80-90 % дан ошмайди. Шу туфайли цемент қоришмасига киритилган сувнинг 30-50 % цемент билан фақат қисман кимёвий таъсирлашади ва қаттиқ фазага киради, 105-110 °С ҳароратда қуритилганда чиқиб кетмаган сувнинг миқдори бир ойлик қотишдан сўнг 10-15 % гача етади.

Физикада тизимли таҳлил модулининг мақсади ва вазифалари

М.С.Исакова З.Кулбоев СамКХИ АЛ

“Физикада тизимли таҳлил” модулининг мақсади: педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси тингловчиларини мураккаб физик жараёнлар ҳақидаги тасаввурларини такомиллаштириш ва ушбу жараёнларни тизимли равишда таҳлил қилиш кўникмаларига эга бўлишга эришишдан иборат.

“Физикада тизимли таҳлил” модулининг вазифалари:

- физик тизим ва унинг таснифлари, физик жараёнларни тизимли таҳлил қилиш усуллари, физик тадқиқотлар натижасини тизимли таҳлили, тизимли ёндашув ҳақида маълумотлар бериш;
- моделлаштириш орқали физик жараёнларни тизимли таҳлилинини амалга ошириш ва унинг натижаларни таҳлил этиш йўллари, мураккаб тизимлар ва уларни таҳлил этиш йўллари, алтернатив қарорлар қабул қилиш, қарорни амалга оширишни бошқариш босқичи тўғрисида тушунчалар бериш
- замонавий талабларга мос ҳолда олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган педагогларнинг касбий компетентлик даражасини ошириш;
- юксак малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш борасидаги ислохотларни амалга ошириш жараёнида илғор хориж тажрибасини ўрганиш ва улардан самарали фойдаланиш.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

“Физикада тизимли таҳлил” модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Тингловчи:

- физик тизим;
- физик тизимнинг таснифлари;
- физик тадқиқотлар натижаларини тизимли таҳлил қилиш;
- тизимли ёндашув ва унинг тамойилларини;
- моделлаштириш орқали тизимли таҳлилни амалга ошириш;
- натижаларни тизимли таҳлил этиш;
- мураккаб тизимлар ва уларни таҳлил этиш йўллари
- алтернатив қарорлар қабул қилиш;
- қарорни амалга оширишни бошқариш босқичи;
- тизимли таҳлил назариясидаги амалий масалалар.
- берилган физик масалаларни ечишда юқорида келтирилган усуллардан фойдаланиш ва унинг хусусиятлари ҳақида **билим кўникма ва малакаларга эга бўлиши керак.**

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Физикада тизимли таҳлил” модули маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;

- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий хужум, кичик гуруҳлар билан ишлаш ва бошқа интерактив таълим усуллари қўллаш назарда тутилади.

Таълимни модернизациялаш шароитида дарс бериш сифатини ошириш.

Х.А.Жуманов, Н.Зиёдуллаев магистрант, ТАТУ Самарқанд филиали

Инсоният қадим даврлардан буён ёш авлодга ўзининг билими ва тажрибасини қолдириб келган. Инсоният тарихида инсон томонидан билимларнинг йиғилиши, меҳнат қуроллари ва усуллари яхшилаб бориш, вақт ўтиб уларнинг мураккаблашиб бориши болаларни махсус ўқитиш, ўргатиш заруратини вужудга келтирган. Ҳар бир авлод вакиллари учта вазифани ҳал этиб келган. **Биринчидан** ўзидан олдинги авлодларнинг ҳаёт тарзи ва тажрибасини ўрганган, **иккинчидан** ўрганганларини ўзгартириб, янгилаб замонга мослаштириб борган, **учинчидан** йиғилган билим ва тажрибанинг авлоддан-авлодга ўтишини таъминлаганлар. Шунинг учун ҳам барча замонларда таълимга талаб бўлган.

Дунёнинг таълим ва фан соҳасининг етук мутахассислари таълимни реформа(ислох) қилишни эмас, балки уни модернизация қилиш ҳақида кўп айтишмоқда. Чунки дунёнинг кўпгина давлатларида таълим тизимида ҳар хил реформалар ўтказилган, натижада жамиятда бундай реформаларга бўлган салбий қарашлар юзага келган. Реформа аспидан бирор тизимни қайта ташкил этиш, қайта тузиш деган маънони англатади. Модернизация эса замон талабига мос ҳолда у ёки бу тизимга ўзгартириш киритишни англатади.

Модернизация - (инглизча modern—замоновий янгиланган) такомиллаштирилган, яхшиланган, янги талабларга жавоб бера оладиган деган маънони билдиради. Ушбу сўз борган сари ҳаётнинг барча жабҳаларида кенг қўлланилиб бормоқда.

Таълим тизимидаги модернизацияга ёрқин мисол таълимдаги ислохотлардир(таълимнинг тузилиши, мазмуни, шакл ва методларнинг тубдан ўзгариши). Кейинги даврларда таълим тизимидаги ўзгаришлар давлат миқёсида баъзан эса давлатлараро масала сифатида талқин этилади. Таълим тизимидаги ислохотлар ижтимоий эҳтиёж сифатида қабул қилиниши лозим. У эволюцион характерда ҳамда революцион характерда бўлиши мумкин.

Ҳозирги вақтда инсоният жамиятининг мавжудлигининг асосий параметрларидан бири глобаллашув бўлиб қолмоқда. Дунё ҳамжамиятининг турли хил компонентлари бўлган ўзаро боғлиқлик ва ўзаро шартланганлик жараёнларини акс эттириш билан биргаликда глобаллашув инсоният ва жамиятнинг бирлигини таъминлайдиган таълимни вужудга келтирди. Охириги ўн йилликлардаги сиёсий-ижтимоий ҳодисалар шуни кўрсатдики, жамият ривожини глобал парадигмасини ишлаб чиқиш ва ривожлантириш, мукамал дунёвий ижтимоий-иқтисодий, маданий-таълимий фазони яратиш талаб этилмоқда. Дунёвий жараёнларнинг глобаллашувида таълим тизими шахс шаклланишининг самарали механизми ва миллатлараро муносабатларнинг

ҳар томонлама уйғунлашуви воситаси сифатида ҳам қаралади. Шунинг учун ҳам бу жараёнда таълимга бўлган муносабат янгича қарашларни вужудга келтирди.

Таълимни модернизациялаш умуммиллий, умумжамоавий, умумдавлат миқёсидаги масала ҳисобланади. Таълимни модернизациялашдан мақсад давлат, жамият ва шахс талабларига, жамият ривожига жавоб берадиган турғун ривожланадиган таълим механизмини яратишдан иборатир. Бу мақсадга эришиш учун:

- Тенг ҳуқуқли билим олишнинг ҳамма учун очиклиги ва давлат томонидан кафолатланганлиги;
- Таълим тизими ходимларининг касбий етуклиги, ижтимоий мавқеининг юқорилиги ва давлат томонидан қўллаб-қувватланаётганлиги;
- Мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус ва олий таълимни замонавий талаблар даражасига кўтариш;
- Моддий ва маънавий ресурсларни жалб этишнинг меъёрий-ҳуқуқий ва ташкилий-иқтисодий механизмларини самарали жалб этиш;
- Таълим жараёнининг барча иштирокчилари, таълим муассасаси, иш берувчилар, ота-оналар, педагоглар, таълим олувчиларнинг таълим тизими сифатини оширишдаги бир хилда жавобгарлиги, ва улар орасида вазифаларнинг тўғри тақсимланганлиги ва бажарилиши, таълимни очик давлат-жамоат тизими сифатида ривожлантириш асосий факторлар ҳисобланади.

Таълимни модернизациялаш вазифалари таълимнинг мамлакат эҳтиёжи ва талабларига қандай жавоб бераётгани, келажакда қандай бўлишидан келиб чиқади.

1997 йилда қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» орқали Республикамизда таълим тизими тубдан ислоҳ қилинди.

Бу ислоҳотлар 3 та босқични ўз ичига олади.

Биринчи босқич (1997-2001 йиллар) мавжуд кадрлар тайёрлаш тизимининг ижобий салоҳиятини сақлаб қолиш асосида ушбу тизимни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш учун ҳуқуқий, кадрлар жиҳатидан, илмий-услубий, молиявий-моддий шарт-шароитлар яратиш. Биринчи босқич бажарилишининг мониторинги асосида Миллий дастурни рўёбга чиқариш йўналишларига аниқликлар киритилди.

Иккинчи босқич (2001-2005 йиллар) Миллий дастурни тўлиқ рўёбга чиқариш, меҳнат бозорининг ривожланиши ва реал ижтимоий-иқтисодий шароитларни ҳисобга олган ҳолда унга аниқликлар киритиш.

Учинчи босқич (2005 ва ундан кейинги йиллар) тўпланган тажрибани таҳлил этиш ва умумлаштириш асосида, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истиқболларига мувофиқ кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва янада ривожлантириш. Таълим муассасаларининг ресурс, кадрлар ва ахборот базалари янада мустаҳкамланади, ўқув-тарбия жараёни янги ўқув-услубий мажмуалар, илғор педагогик технологиялар билан тўлиқ таъминланди.

Ҳозирги вақтда эса республикаимизда таълим тизимини модернизациялаш орқали таълим сифат ва самарадорлигини ошириш бўйича катор ишлар олиб борилмоқда.

Демак, интенсив тарзда таълим берувчи ва таълим олувчи мазкур талабларга жавоб бера олиши лозим. Фақат ўз устида ишлайдиган, мустақил таълим олишга қодир ўқитувчигина мустақил билим олишга қодир ўқувчини тарбиялашга ва фақат рақобатбардош ўқитувчигина рақобатбардош шахс етиштириб беришга лаёқатлидир.

Олий таълим ва илмий тадқиқот муассасалари ходимларининг меҳнатини рағбатлантиришда меҳнатга ҳақ тўлашнинг ўрни

Доцент Ў.А. Мухаммадиев (СамДАҚИ)

Ассистент М.З.Юзбаева(СамДАҚИ)

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг марказида инсон ва унинг манфаатлари туради. Барча ўзгаришларнинг пировард мақсади аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилгандир. Олий таълим муассасалари ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни рағбатлантириш масалалари давлатимизнинг ички сиёсатида (ижтимоий ҳимоя тизимида) муносиб ўрин эгаллаган. Чунки Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республика олий таълим ва илмий тадқиқот муассасалари ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 5 апрелдаги ПҚ-3655-сон қарори ушбу соҳаларда фаолият кўрсатаётган ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлашни тартибга солувчи асосий ҳужжатлардан ҳисобланади. 2018 йил 1 сентябрдан бошлаб, кучга кирадиган ушбу қарор Ўзбекистон Республикасида фаолияти кўрсатаётган 81 та олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари ва 136 та илмий тадқиқот институтлари илмий ходимлари таркибининг барча (базавий) таянч ловозим маошлари миқдорларини сезиларли оширилишини назарда тутди. Қарор жами 38 мингдан ортиқ яъни, олий таълим муассасаларида 28,1 минг, илмий-тадқиқот муассасаларида 8,0 минг ходимларга шунингдек 1,9 минг докторантларга дахлдордир.

Мухтарам Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда таълим ва илм-фан тизимини такомиллаштириш бўйича олиб борилаётган кенг кўламли ҳамда изчил ишлар мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий устувор вазифалари билан бирга соҳа тармоқларини жадал ривожлантиришга қодир бўлган янги, юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш учун зарур бўлган шароитларни таъминлаш мақсадига мувофиқ кўзланган марраларга эришишнинг жадаллашувига олиб келди.

Бироқ айни пайтда республиканинг олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларидаги илмий ҳамда илмий педагогик кадрларнинг салоҳияти паст даражада қолиб кетмоқда. Илмий унвон ёки илмий даражага эга бўлган олий малакали илмий ва илмий педагогик кадрларнинг мазкур жараёнлардаги улуши тинимсиз пасайиб бормоқда. Кўп ҳолларда ушбу вазият илмий ходимлар ва профессор-ўқитувчилар таркибининг илмий унвон ёки илмий даражалар олишга бўлган уриниши сўнгги йиллар давомида моддий

манфаатдорлик талабига жавоб бермаслиги оқибатида пасайиб кетишига олиб келди.

Олий таълим ва илмий тадқиқот муассасалари ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва таълим-тарбия ишлари даражаси ҳамда сифатини оширишда уларни моддий рағбатлантиришнинг самарали механизмини жорий этиш, мамлакат иқтисодиёти тармоқлари ва соҳаларида эҳтиёж сезилаётган юқори малакали, рақобатдош кадрлар тайёрлашда профессор-ўқитувчилар таркиби қўшаётган ҳиссаси муносиб баҳоланишини таъминлаш асосий мақсадлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Бир сўз билан айтганда профессор-ўқитувчиларда ва таълим олувчиларда юқори самарадорлик билан ишлаш иштиёқини уйғотиш учун уларда ижобий мотивларни яратиш лозим. Мотив авваломбор, руҳий омил бўлиб, шахс фаоллигини манбаи, сабаби, далили ва ҳар хил турли эҳтимоллардир. Мотив шижоати меҳнат фаолиятига рағбатлантирувчи кучли восита ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда мотивлаштириш – бу инсонлар фаолиятини руҳий воситалар ёрдамида мақсад сари йўналтиришдир.

Лекин инсоннинг моддий эҳтиёжлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Инсон ўз ҳаётини муносиб моддий таъминланишини истайди. Инсоннинг моддий эҳтиёжлари билан бирга ижтимоий эҳтиёжлари ҳам борки, буларга билим олиш, юқори малакага эга бўлиш, маданий савияни ошириш, соғлом ҳаёт кечириш, узоқ умр кўриш ва бошқа шу кабилар киради.

Эҳтиёжлар назариясининг асосчиси Америкалик олим Аврахаам Маслуонинг фикрича, инсонлар ўз мотивлари жараёнида эҳтиёж ва манфаатларнинг 5 турига таянадилар. Улар бирламчи ва иккиламчи ёки табиий ва ижтимоий эҳтиёжлардан иборат.

Бирламчи эҳтиёжлар – бу таянч эҳтиёжлар, яъни яшашни таъминлаш учун зарур бўлган эҳтиёжлардир. Инсон, авваламбор, ушбу эҳтиёжларни қондиришга ҳаракат қилади. Таянч эҳтиёжларга озиқ-овқат, кийим-кечак, уй-жой, дам олиш, хавфсизлик ва ҳимоя эҳтиёжлари киради.

Иккиламчи эҳтиёжлар – бу муайян гуруҳга аъзо бўлиш, ҳурмат-эътиборга сазовор бўлиш, инсонларни ўз-ўзини намоиш этиш эҳтиёжи кабилар эса ижтимоий эҳтиёжлардир. Инсонлар энг аввало бирламчи эҳтиёжларни қондиришга ҳаракат қилади.

Хулоса сифатида таъкидлаш лозимки, қабул қилинган қарор олий таълим ва илмий тадқиқот муассасалари ходимларида юқори малакали мутахассисларни тайёрлашнинг моддий ва ижтимоий мотивларини ривожлантириш билан илмий салоҳиятни мустаҳкамлаш асосида таълим сифатини ва илмий фаолиятни жадаллаштириш, илм-фанни самарадорлигини оширишга даъват этади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, - Т., Ўзбекистон 1992 й.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси 2017 йил 22-декабрь.
3. Попов Е. Услуги образования и рынок. Российский экономический журнал, 2016 - №4.
4. Специальные высшие учебные заведения в Германии. Бонн, 2015 г.

XX аср 40-50 йилларида Ўзбекистонда демографик вазият.

Қ.Н.Нурбоев, И.С.Нарзиқулов, А.М.Деҳқонов (СамДАҚИ)

Демографик тарихга назар ташланса, дунёнинг кўпчилиги ривожланаётган мамлакатларида демографик ўтиш намоён бўла бошлаганида, республикамизда дунёнинг индустриал ривожланган давлатларидан фарқли ўларок, мутлақо бошқача бўлган, инқирозли демографик вазиятлар кузатилади. Шу сабаб, Ўзбекистон Республикаси учун демографик ўтиш муаммоси биринчи навбатда эътиборни талаб этади, чунки у муқаррардир.

Тадқиқ этилаётган даврда, энг оғир инқирозли демографик вазият Иккинчи жаҳон урушининг аҳоли сони ва таркибига етказган демографик талофотлари туфайли, намоён бўлди. Иккинчи жаҳон урушидан кейин, яъни 1945 йилда республикамиз аҳолиси 5 197 минг кишини ташкил этди (қаранг: 1- жадвал). Агар, Ўзбекистон аҳолиси 1940 йили 6 551 минг кишини ташкил қилган бўлса, уруш келтирган демографик талофотлар оқибатида, 1945 йили республикада аҳоли сони 1 354 мингга камайди, яъни 5 197 минг кишини ташкил қилган.

1 - Жадвал.

Ўзбекистонда умумий, шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг динамикаси
(1940 - 1950 йиллар)

т/р	Йиллар	Аҳолининг умумий сони (минг киши ҳисобида)	Шаҳар аҳолиси	Қишлоқ аҳолиси	Шу жумладан улар % ҳисобида	
					Шаҳар аҳолиси	Қишлоқ аҳолиси
1	1940	6 551	1606	4945	24,5	75,5
2	1945	5197	1761	3436	33,9	66,1
3	1950	6194	1917	4277	30,9	69,1
4	1959	8119	2729	5390	33,6	66,4

Бошқача қилиб айтганда, Иккинчи жаҳон уруши йилларида аҳолининг жанговор ҳаракатларда иштироки ва мамлакат ичкарисида юз берган ижтимоий-сиёсий ҳодисалар туфайли жуда кўп одамларнинг қурбон бўлиши Ўзбекистоннинг демографик ривожланишига салбий таъсир кўрсатди. Уруш туфайли ногирон бўлиб қолган аҳоли вакиллари нафақат ишлаб чиқариш соҳасида фаол қатнашишдан маҳрум бўлди, балким ижтимоий ҳаётда ҳам пассив бўлиб қолди.

Иккинчи жаҳон урушининг фронт чизиғи республикамиздан узоқда бўлган, лекин уруш Ўзбекистон аҳолисига жиддий демографик талофотлар етказди. Ҳарбий ҳаракатларда иштирок этган юз минглаб кишилар жангларда ҳалок бўлдилар, кўплаб аёллар турмуш йўлдошидан ажралдилар. Аҳолининг табиий ўсиши камайиб, унинг ёш - жинсий таркиби ўзгарди, жуда кўп кишилар касаллик ва очликдан ўлиб кетди. Нисбатан қисқа вақт мобайнида, ҳаддан кўп кишиларнинг вафот этишлари, урушдан кейин ҳам

Ўзбекистон демографик ривожланишига салбий таъсир қилди. 1950 йилга келиб ҳам демографик талофотлар таъсирида, урушдан олдинги аҳоли сони тикланмади.

Демографик талофотлар оқибатида, аҳоли сонига етказилган демографик талофотлар туфайли унинг таркибида кескин ўзгаришлар бўлиб, эркак ва аёл салмоғи тескарисига бўлиб қолди. 1939 йилдаги аҳоли рўйхати маълумотларига қараганда, Ўзбекистон аҳолисининг 52 фоизи эркаклардан 48 фоизи аёллардан иборат бўлган эди. Мутлақ миқдори деярли бир миллионга қисқарган эркакларнинг жами аҳоли сонигаги улуши 48 фоизга (1959 йилда) тушиб қолди[1].

Уруш оқибатида, 1959 йилда 35-39 ёшли (1919-1923 йилларда туғилган) аёлларнинг ҳар 100 тасига 70 та эркак, агар турмуш ўртоғининг ёши 5 ёш катта бўлишини эътиборга олиб ҳисоблаганда, уларга 53 та эркак киши тўғри келди. Эркак ва аёл ўртасидаги бундай нисбатлардаги энг катта фарқланиш қишлоқларда яшайдиган аҳолида юз берди. Қишлоқда 40-44 ёшдаги 100 та аёлга 68 та эркак, 35-39 ёшли аёлга, эрининг ёши 5 ёш катта бўлса деб ҳисоблаганда 49 та эркак тўғри келган эди[2]. Юқорида келтирилган далиллардан кўриниб турибдики, аҳоли таркибининг жинси ва ёши бўйича урушдан олдинги йиллардаги номуаносиблик кучайди.

Демографик талофот ўз кучини Ўзбекистон бўйича, урушдан сўнг янада кучлироқ сездира бошлади. Агар, 1959 йилда умумий аҳоли таркибида 60-69 ёшда бўлган кишиларнинг сони 1939 йилга нисбатан 156 фоизга ошган бўлса, 70 ёш ва ундан катта бўлганлар сони 194 фоизгача кўтарилган эди. Аммо шу вақтдаги нисбатда, яъни уруш ва урушдан кейинги дастлабки йилларда туғилганлар сони умумий аҳоли таркибида жуда паст даражага тушиб қолган. Масалан, 10-15 ёшли ўсмирлар сони 8,7 фоизни ташкил қилди. Урушдан олдинги йилларда туғилиб, уруш йилларида қийин болаликни бошидан кечирган аҳолининг салмоғи ҳам 8,3 фоизни ташкил этган. [3]. Аҳоли таркибида эркаклар салмоғининг тушиб кетиши, меҳнатга яроқсиз бўлиб қолганлар улушининг ўсишига ва ёши катта кишилар сонининг кўпайишига сабабчи бўлиб, энди қариб қолганларга қарайдиганларнинг ўзи йўқ бўлганлиги туфайли, давлат томонидан бундай кишиларга ижтимоий ҳимояланишни кучайтиришни талаб қилди Бу эса ўз навбатида демографик талофотлар аҳолининг ёш ва жинс таркибига нисбатан бир неча ўн йилликлар давомида ўз салбий таъсир кучини кўрсатиб турганлигани билдирар эди.

Шундай қилиб, Ватанимиз аҳолисининг туғилиш, ўлим ва табиий ўсиши каби демографик жараёнлари, ушбу тарихий босқичдаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, ўтган даврда жами аҳоли сифатий кўрсаткичларининг даражаси, дунёдаги демографик ўтишнинг юз бериш жараёнлари билан бир-бирига чамбарчас боғлиқ бўлган ҳолда ривожланди.

Ўзбекистонда таълим тизимини такомиллаштириш йўллари

Доцент Ў.А. Мухаммадиев (СамДАҚИ)

Катта ўқитувчи У.Ч. Худойқулов (СамДАҚИ)

Жамиятда юз бераётган иқтисодий-ижтимоий ўзгаришлар ижодий фаолиятга қобилиятли шахсий ташаббускор ҳамда турли енгилликларга ва ўзгаришларга сезгир бўлган юқори малакали мутахассисларни етказиб берадиган мослашувчан таълим тизимини яратилишини талаб қилмоқда. ХХІ асрда иқтисодий муваффақиятлар кўп жиҳатдан жамиятдаги инсонларнинг билимига ва маълумотига боғлиқ бўлишини исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат дейиш мумкин. Бунда давлат таълим олувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши лозим. Айниқса, кам таъминланган талабалар давлатнинг моддий қўллаб-қувватлашига муҳтождирлар. Агар илм-фан ходимларига шу жумладан қобилиятли ёшларга моддий ва маънавий шароитлар яратилса, уларни илм-фан билан шуғулланиши рағбатлантирилса, ички мотивлар ишлаш иштиёқи уйғотилса, мамлакатимизда илм-фанва иқтисодиётнинг ривожланиши янги марраларга кўтарилади.

Ушбу йўналишда мамлакатимиз Президенти томонидан салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Масалан: “Республика олий таълим ва илмий тадқиқот муассасалари ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 5 апрелдаги ПҚ-3655 сон қарори ушбу соҳаларда фаолият кўрсатаётган ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлашни тартибга солувчи асосий ҳужжатлардан бўлиб, у иқтидорли ёшларни илм-фан билан шуғулланишга жалб этади.

Тахминан кейинги 20 йил ичида республиканинг олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларидаги илмий ва илмий педагогик кадрларнинг салоҳияти пасайиб бормоқда. Илмий унвон ёки илмий даражага эга бўлган олий малакали илмий ва илмий педагогик кадрларнинг мамлакатимиз иқтисодиётини ривожланишига кўшадиган улуши пасайиб бормоқда.

Юқорида келтирилган олий таълим ва илмий тадқиқот муассасаларининг долзарб муаммолари ва жамиятда юз бераётган ижтимоий иқтисодий ўзгаришлар нодавлат таълим муассасаларини кенг жорий этиш зарурияти мавжудлигини кўрсатмоқда. Бу қўйидаги омиллар билан боғлиқ.

- инсонларда сифатли таълим олиш эҳтиёжини ошиб бораётганлиги;
- объектив сабабларга кўра мамлакатда юз бераётган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ўзгаришларга давлат қарамоғидаги таълим тизимининг мослашувчанлигини чекланганлиги;
- таълим хизматлари нархини муқобиллаштириш ва унинг сифатини ошириш учун таълим муассасалари ўртасидаги соғлом рақобатни ривожлантириш зарурияти;
- жамиятнинг муайян ижтимоий қатламларида (миллий, малакавий, жамоавий, ота-оналар ва бошқалар) шаклланаётган юқори сифатли таълим олиш эҳтиёжларининг мавжудлиги;
- ўқув-тарбия жараёнини ва турли-туман таълим муассасалари фаолиятини замонавий ёндашувлар асосида ташкил этишини истайдиган ташаббускор инсонларнинг мавжудлиги;

- таълим жараёнига ёшларни ўқитишнинг ва тарбиялашнинг истиқболли моделларини тадбиқ этилишини ҳаётий зарурият деб қабул қилиниши.

Юқорида келтирилган муаммолар билан боғлиқ равишда бир қатор долзарб саволлар юзага келади. Нодавлат таълимнинг ижобий ва салбий томонлари нималардан иборат? Ушбу таълим тури асосан, тўлов шартномасига асосланганлиги туфайли у жамиятнинг фақат юқори таъминланган қатламларига тегишли бўлиб қолмайдами? Ушбу ҳол жамиятдаги ижтимоий қатламлар ўртасидаги фарқларни чуқурлаштирайдими? Ушбу таълим турига нисбатан давлатнинг сиёсати қандай бўлиши лозим?

Маълумки, биз тадбиркорликнинг барча соҳалари ва мулкчиликнинг барча шакллари учун шу жумладан таълим хизматлари соҳасида ҳам тенг ҳуқуқли фуқаролик жамиятини барпо этмоқдамиз.

Шу сабабли, авваламбор, ўтмишда шаклланган ва онгимизга ўрнашиб қолган хусусий ва нодавлат мулкчиликка асосланган ташкилотларга нисбатан салбий муносабатлардан воз кечишимиз лозим.

Бундан ташқари, нодавлат – бу албатта хусусий деган эмас. Ҳаттоки, энг ривожланган мамлакатлардаги (фойда олишни мақсад қилиб қўйган) хусусий таълим муассасалари ҳам нодавлат таълим хизматлари секторининг унча катта бўлмаган қисмини (адабиётларда нодавлат таълим муассасалари, хусусий деб аталади) ташкил қилади. Нодавлат таълим муассасалари асосан нодавлат нотижорат ташкилотлардан иборат бўлиб, одатда улар юридик шахслар томонидан (университетлар, институтлар, турли-туман давлат ва нодавлат муассасалар) таъсис этилади. Масалан, АҚШда ўрта махсус таълим тизимидаги 70% муассасалар жамоат ташкилотлари томонидан жорий этилган.

Нодавлат таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёни давлат таълим стандартлари асосида ташкил этилишини ҳам унутмаслик лозим. Шундай қилиб давлат таълим сектори истеъмолчилар танловини кенгайтиради яъни, альтернатив вариант сифатида қаралади. Агар давлат таълим тизимининг сифати кимнидир қониқтирмаса, у нодавлат таълим хизматларидан фойдаланиши мумкин.

Таълим соҳасида нодавлат секторнинг энг муҳим жиҳати шундан иборатки, таълим муассасалари ўртасида соғлом рақобат ривожланади. Соғлом рақобат ўз навбатида таълим хизматларини сифатини оширишга хизмат қилади. Дунёнинг бирорта давлатида нодавлат таълим сектори ҳечқачон давлат таълим тизимини ўрнини боса олмайди. Нодавлат таълим сектори давлат таълим тизимини сифатини оширади, уни тўлдиради ва таълим хизматлари бозорини ривожлантиради. Нодавлат таълим муассасалари, асосан, мактабгача ва олий таълим соҳасида фаолият кўрсатади.

Истиқлол тарихи - барқарор тинчлик ва тараққиётнинг мустахкам пойдевори

СамДАҚИ ўқит. Х.Х.Хўжамов, Лапасов А.У. 103-МКК

Тарихчи Шарофиддин Али Яздий, тарих муқаддас илм, - деб ёзганида ёлғон тарих назарда тутилмаган. Мустабид тузимда ёзилган тарихни кўп қисмида бунга амал қилинмагани ҳам ҳақиқат.

Тарихни чуқур ўрганмоқ, ўзликни теран англамоқдир. Айнан шу йўлдан халқни чалғитиш мақсадида шўролар даврида ўзлигимиздан узоқлаштириш, тарихни сохталаштириш сиёсати амалга оширилиб келинди. Зўровонликка асосланган бундай сиёсоат халқимизнинг бошига қандай балоларни ёғдирганлиги маълум. Ўтган асрнинг 80-йилларида собиқ иттифок миқёсида кечган таҳликали даврда турли қора номлар билан аталувчи бўҳтонлар сабаб навбатдаги қатағон бўлиб ўтди. Биргина “пахта иши” билан боғлиқ 24 мингта жиноий иш кўзғатилганлиги бунга мисол¹⁸. Бу каби “қатағон”ларнинг қайта-қайта содир этилганлигининг асоси, бошқарувнинг, сиёсий тизимнинг тўлиқ шўролар қўлида эканлиги эди. Бу уларга халқимизнинг бошига ўзлари хоҳлаган тазекни ўтказишлари имкониятини берди. Империянинг бундай ҳукмронлиги исканжасидан қутилишнинг имкони ҳақида ўйлаш, ҳаракат қилиш, фожиага олиб келарди. Халқ буни яхши билса-да, бундай ҳукмронликнинг узоқ давом этишни хоҳламас, уларни бардош қилишдан бошқа иложи ҳам йўқ эди.

Ўзбекистонда яшаётган аҳолининг 9 миллиондан зиёди бечораҳол, 47 фоизига яқини алоҳида шарт-шароитга муҳтож болалар бўлиб, ўлим кўрсаткичи юқори даражада эди. (ўша манба 288-бет) Бундай вазиятда бирон сиёсий, ҳаракатни амалга ошириш учун халқнинг сиёсий, ҳуқуқий билимлари талаб этиларди. Ҳол бу-ки, халқ орасига суқилиб кирган “қора кучлар” улар орасида парокандаликни, низоларни келтириб чиқариш орқали ташқи кучлар таъсирини оширишга бўлган уринишлари оқибатида бир неча (Тошлоқ, Бўка, Наманганда, ташқи кўринишдаги) “ички низомлар”ни келтириб чиқардилар. Бу воқеаларга нисбатан мамлакатимизнинг биринчи президенти Ислом Каримов “Комсомольская правда” газетаси мухбирининг саволига шундай жавоб берди: “Мен ҳозир аниқ-равшан қилиб айтаман: Жамики номаъқулчиликлар маркази, республикамиз чегарасидан ташқаридадир”¹⁹.

Мамлакатда сиёсий ҳамда иқтисодий вазият беқарор бўлиб, бундай ўта оғир шароитда халққа бош бўлиш, уни ўз ғояларига ишонтира олиш, тўғри йўлга бошқариш, ягона мақсад сари бирлаштириш, ҳар қандай даҳо сиёсатчининг ҳам қўлидан келадиган иш эмасдек кўринарди. Айрим хориж матбуотларининг мамлакатимиз ҳақидаги “башорат”лари халқнинг номига бўҳтондан бошқа нарса эмас эди. Худди мана шу вазиятда халқнинг раҳбари сифатида иш бошлаган Ислом Каримов, бу халқнинг ҳақиқий раҳнамосига айланиши ҳали “сарик матбуот”лар томонидан қилинмаган башорат эди. Мамлакатимиздаги мавжуд сиёсий кучлар билан музукоралар

¹⁸ Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. - Т.: “Ўзбекистон”, 2011, 165-166 бет.

¹⁹ Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. - Т.: “Ўзбекистон”, 2011, 289-бет.

орқали келишувга эришиб, динни ниқоб қилиб олган айрим гуруҳлар билан тўқнашувларга йўл қўйилмасдан, энг асосийси, қон тўқмасдан мустақиллигини қўлга киритиши, Ўзбекистон халқининг тарихидаги энг буюк ва энг улуғ ғалабаси бўлди. Бу ғалабанинг нечоғлик муқаддас эканлигини халқнинг асл фарзандлари қаторида англаб етган миллионлардан бири, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримкул Қодиров, биринчи президентимиз томонидан Ўзбекистон Мустақиллиги эълон қилинганида, қувонч кўз ёшларини яшириб ўтирмаганди.

Инсоният тарихида, унга эркинлик берган, озодлик берган давр тарихини не чоғлик машақатли кечмасин, олтин давр деб аталишга лойиқ. Зеро инсон учун, унинг эрки ва озодлигидан буюкроқ неъматнинг ўзи йўқ.

Ўзбекистон халқи ҳамда унинг раҳбари олдида, давлат мустақиллигини сақлаб қолиш ва мустаҳқалаш, унинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлашдек ўта муҳим ҳамда масъулиятли, шунинг билан бирга шарафли вазифа вужудга келди. Бу истиқлол йилларининг, олтин чорак асрининг бошланиши эди.

Биз, ўн иккинчи чакриқ Ўзбекистон Республикаси Олий кенгашининг навбатдан ташқари олтинчи сессияси қандай вазиятда (собик иттифокда ўзларини “Фавкулотда ҳолат давлат комитети” деб эълон қилган, мақсади ўз ҳукмронлигини сақлаб қолиш бўлган бир гуруҳ “сиёсатчилар”нинг бошқаруви пайтида) ўтганлигини жуда яхши эслаймиз ва хотирамизда муҳирланиб қолган. Сессия ишида биринчи президентимиз Ислоҳ Каримов “Мустақил Ўзбекистоннинг давлат сиёсати, инсонийлик ва эзгулик қонунларига асосланади” номли нутқида ўзининг, ҳамда ўз халқининг мақсадини очик ойдин баён қилди: “Бизнинг ўз мақсадимиз ва ўз йўлимиз бор. Бу йўл-халқимизнинг манфаатига мос йўлдир ва биз унга нима бўлмасин, қатъий амал қиламиз. Бугун халқимизга шу нарса аниқки, ўз олдимизга қўйган мақсад ва вазифаларга эришишнинг ягона йўли - республиканинг мустақиллигига эришишдир”²⁰. Эришилган бекиёс улуғ ғалабанинг асоси ҳам, қудрати ҳам, халқ ўз юртбошисига чуқур ишонч билан, унинг ғояларига кўрсатган садоқати бўлса, ўз навбатида юртбошининг, ўз халқи учун жонни фидо қилишга тайёр эканлиги эди. Истиқлолнинг чорак асри Ўзбекистонга, унинг халқига, янги ҳаёт тарзини, барқарор тинчлик ва тараққиёт сари асослар пойдеворини қўйиб берди. Халқ ва унинг раҳбари танлаган бу йўл, нечоғлик тўғри эканлигини ўтган чорак аср кўрсатиб берди. Бу даврда эришилган ютуқларнинг салмоғи маълум. Ўзбекистон истиқлолига, эришгач дунёнинг кўплаб мамлакатлари ҳамда халқлари учун янгидан кашф этилди ва халқаро ҳамжамиятдаги ўрни эътироф этилди.

Бугун халқимиз қалбида кечаётган ифтихор туйғусини сўз билан ифодалаш қийин. У ҳам бўлса юртимиз ҳаётида, шаҳар ва қишлоқларидаги улкан ишларнинг амалга оширилаётганлигидан, ўлкамиз кундан кунга чирой очаётганлигидан.

²⁰ Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. - Т.: “Ўзбекистон”, 2011, 401-бет.

Самарқандни ер юзидаги 50 та шаҳарнинг бири сифатида тан олиниши, унинг янгидан чирой очишга замин яратди. Азалдан Самарқандни номини дунёга машҳур қилган зодлар шу халқнинг асл ўғлонлари бўлиб келганлиги маълум. Халқлар тинчлиги ва тараққиёти учун хизмат қилиб, шуҳрат қозонишдек улуғ анананинг янгидан бошланганлиги, Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида қайта кашф этилганлиги, бевосита Ислоом Каримовнинг номи билан боғлиқ ва бу унитилмас бўлиб, тарихнинг олтин зарварағига айланди.

Бугун бу улуғ инсон абадий қўним топган маскан, нечоғлик улуғворлик бахш этаётганлигидан, ҳар бир инсоннинг қалбида, фахр-ифтиҳор туйғуси жўш урмоқда. Бундай муқаддас, ифтиҳор туйғусини қалбан ҳис қилмоқни истасангиз, Самарқандга зиёрат қилинг. Ҳазрати Ҳизр номи билан аталган кадамжонинг улуғворлигидан, бу гавҳарнинг бир қирраси Шохизинда, бир қирраси Бибихоним меъморий ансамбили бўлиб жилоланишидан, сизга улуғвор илоҳий ҳис туйғу бахшида этишидан баҳраман бўлинг. Ана шунда яна бир бор Ислоом Каримовнинг ғоялари барҳаётлигини ҳис этасиз, қалбингиз яна бир бор фахр - ифтиҳорга тўлиб тошади.


Иссиқлик ташувчиларнинг ўртача ҳароратлар фарқини аниқлаш.

СамДАҚИ “Ахборот технологиялари” кафедраси ассистенти

Эшмуродов М.Ҳ.

СамДАҚИ 302-Б ва ИҚ гуруҳи талабаси Ҳақбердиев У.

Иссиқлик ташувчиларнинг ўртача ҳароратлар фарқи иссиқлик алмашиниш жараёнини ҳаракатга келтирувчи куч ҳисобланади. Ушбу фарқ таъсири остида иссиқлик ҳарорати юқори муҳитдан ҳарорати паст муҳитга ўтади.



1-расм. Иссиқлик ташувчиларнинг ҳароратини ўзгариши. а ва б-тўғри оқимли; в ва г-тесқари оқимли.

Ўзгарувчан ҳароратли жараёнларда иссиқлик ташувчиларнинг ўзаро ҳаракат йўналишига қараб иссиқлик алмашилиш жараёнининг ҳаракатга келтирувчи кучи ўзгаради. Шунинг учун иссиқлик узатишнинг асоси тенгламасидаги ўртача ҳароратлар фарқи суюқликларнинг бир – бирига нисбатан ҳаракат йўналишига ва жараёни ташкил этилишига боғлиқ бўлади.

Иссиқлик алмашилиш юзасининг чексиз кичик элементида вақт бирлигида иссиқ иссиқлик ташувчидан совуқ иссиқлик ташувчига узатилаётган иссиқлик миқдори ушбу тенгламадан аниқланади:

$$dQ = K(t_1 - t_2)dF$$

Иссиқлик алмашилиш натижасида иссиқ иссиқлик ташувчининг ҳарорати

$$dt_1 = -dQ/(G_1 * c_1) \text{ га пасаяди}$$

Совуқ иссиқлик ташувчининг ҳарорати эса $dt_2 = dQ/(G_2 * c_2)$ га кутарилади

Бу ерда G_1 ва G_2 – иссиқ ва совуқ иссиқлик ташувчиларнинг массавий сарфи; c_1 ва c_2 – иссиқ ва совуқ иссиқлик ташувчиларнинг иссиқлик сифимлари.

Иссиқлик ташувчиларнинг ҳароратини ўзгаришини аниқлаш учун биринчи тенгламадан иккинчисини айириш керак:

$$d(t_1 - t_2) = -dQ \left(\frac{1}{G_1 * c_1} + \frac{1}{G_2 * c_2} \right) \quad (1.1)$$

Агар, иссиқлик ўтказувчанликнинг асосий тенгламасининг dQ қийматини

(1.1) га қуйсак ушбу ифодага эга бўламиз:

$$\frac{d(t_1 - t_2)}{t_1 - t_2} = -K \left[(t_1' - t_1'') + (t_2' - t_2'') \right] dF \quad (1.2)$$

F юзали иссиқлик алмашилиш қурилмасида вақт бирлигида иссиқ иссиқлик ташувчидан совуқига ўтган иссиқлик миқдори Q , иссиқлик баланси тенгламасидан топилади:

$$Q = G_1 * c_1 (t_1' - t_1'') = G_2 * c_2 (t_2' - t_2'') \quad (1.3)$$

(1.3) тенгламадаги $G_1 * c_1$ ва $G_2 * c_2$ ларнинг қийматларини (1.2) га қуйсак, ушбу кўринишни оламиз:

$$\frac{d(t_1 - t_2)}{t_1 - t_2} = -\frac{K}{Q} \left[(t_1' - t_1'') + (t_2' - t_2'') \right] dF \quad (1.4)$$

(1.4) тенгламани ўзгармас K да интегралласак:

$$Q = KF \frac{(t_1' - t_1'') + (t_2' - t_2'')}{\ln \frac{t_1' - t_2''}{t_1'' - t_2'}} \quad (1.5)$$

ёки

$$Q = KF \frac{\Delta t_{\max} - \Delta t_{\min}}{\ln \frac{\Delta t_{\max}}{\Delta t_{\min}}} \quad (1.6)$$

(1.5), (1.6) ва иссиқлик ўтказишнинг асосий тенгламаларини солиштириш натижасида иссиқлик ўтиш жараёнининг ўртача ҳаракатга келтирувчи кучини топиш мумкин:

$$\Delta t_{ort} = \frac{\Delta t_{\max} - \Delta t_{\min}}{\ln \frac{\Delta t_{\max}}{\Delta t_{\min}}} \quad (1.7)$$

Қурилмага киришда ва ундан чиқишда иссиқлик ташувчи муҳитларнинг катта ва кичик фарқларининг нисбати $\Delta t_{kam}/\Delta t_{chiq} > 2$ бўлса, ўртача ҳароратлар фарқи ўртача логарифмик қиймат билан аниқланади:

$$\Delta t_{ort} = \Delta t_{ort.log} = \frac{\Delta t_{\max} - \Delta t_{\min}}{\ln \frac{\Delta t_{\max}}{\Delta t_{\min}}} = \frac{\Delta t_{\max} - \Delta t_{\min}}{2,31g \frac{\Delta t_{\max}}{\Delta t_{\min}}} \quad (1.8)$$

Қурилмага киришда ва ундан чиқишда иссиқлик ташувчи муҳитларнинг катта ва кичик фарқларини нисбати $\Delta t_{kam}/\Delta t_{chiq} < 2$, бўлса, ўртача ҳароратлар фарқи ўртача арифметик қиймат билан аниқланади:

$$\Delta t_{ort.arif} = \frac{\Delta t_{\max} + \Delta t_{\min}}{2} \quad (1.9)$$

Ҳисоблаш ушбу формула ёрдамида амалга оширилганда хатолик 5% дан ошмайди.

Агар иссиқлик ташувчи муҳитларнинг ҳаракат йўналишлари ўзаро кесишса ва аралаш бўлса, ўртача ҳароратлар фарқи қуйидаги тенглама орқали аниқланади:

$$\Delta t_{ort} = \varepsilon \Delta t \frac{\Delta t_{\max} - \Delta t_{\min}}{2,31g \frac{\Delta t_{\max}}{\Delta t_{\min}}} \quad (1.10)$$

Бу ерда $\varepsilon \Delta t$ – муҳитларнинг ҳароратлар нисбатига боғлиқ бўлган коэффициент булиб, 1,2-расмдаги тегишли графикдан аниқлаш мумкин

Графиклардаги P ва R катталиклар Боуман формуласидан фойдаланиб аниқлаш мумкин:

$$P = \frac{t_2'' - t_2'}{t_1' - t_2'} \quad R = \frac{t_1' - t_1''}{t_2'' - t_2'} \quad (1.11)$$

Yoshlarning ta'lim tarbiyasi

SamDAQI o'qituvchisi R.T.Parmanova, SamDU II-kurs talabasi magistranti

M.T. Parmanova, XTBI ga qarashli 23-Umum ta'lim o'qituvchisi J.T.Parmanov

Ма'lumki, ota-onalar ham o'qituvchilar ham bolalarning katta bo'lib qolganini ko'nikishlari qiyin kechadi. Hatto o'g'il-qizlar judayam yetuk yoshga yetganda ham, ota-onalar ularni kichgina vaqtidagidek papalab ehtiyotlaydilar. Bu xususiyat o'qituvchilarga ham xos. Inson tabiatdagi barcha narsa kabi oddiydan murakkab tomonga qarab rivojlanadi. Agar o'smirni murakkab tomonga va

ziddiyatli shaxs deb hisoblar ekanmiz, yuqori sinf o'quvchisi undan ham murakkabligini tan olish lozim.

Hozir o'smirlar, yigit va qizlar tezroq voyaga yetar ekanlar, ijtimoiy jihatdan o'zlarini qaror toptirish ehtiyojini o'trir his qilishadi. O'zligini qaror toptirish ham zarur narsadir. Shu boisdan oilada ham, Oliy ta'limda ham kattalarning mehribonchiligidan qutilishga intilish keskin kuchaymoqda. Ota-onalar va pedagoglar o'z tarbiyalanuvchilarning hayotini ko'pincha qanday bo'lsa, shundayligicha emas, balki o'zlari istaganidek tasavvur etadilar. Bunda ular oliy goh talabalardan ham ozlarini "loyhalashtiradilarki", bu bilan uni o'z qiyofalari siymolari qolipiga tushirmoqchi bo'ladilar. Keling tahlil qilib ko'raylik. Dastlab mezon haqida: bilim insoniylikning yagona o'lchovi emasligi aniq. Biroq uni asosiy mezonlardan biri deb hisoblovchi o'qituvchilar haqiqatdan juda yiroqlashib ketmagandirlar?

- Jamiyatimizda insonga avvalo uning mehnatga munosabatiga, o'z burchini bajarishga qarab baho beriladi

- Talaba hayotidagi asosiy narsa nima? Uning bilim olish uchun qiladigan mehnati. U bajarishi zarur bo'lgan burchi ham shundan iborat.

- Bilim olishda faqat natija, ya'ni bahonigina ko'rish nato'g'ri bo'lardi. Muhimi bu jarayon qanday kechyotganlida. Bu esa faqatgina tirishqoqlikni emas, balki aqilni ham, nafaqat xotirani balki fikr yuririshni, halollikni, irodani, maqsadga intilishni, mehnatsevarlikni va muhim hislatlarni talab etadi. Demak o'qishga munosabat orqali o'quvchining ko'p tomonlarini bilib olish mumkin.

Nihoyatda ko'p muammolar ichida eng muhimi bilimga ilmiy mehnatga munosabat muammosidir. Fikrimcha bu borada yuqori auditoriya talabalari ko'pincha uch yo'nalishda adashadilar. Bu o'rinda men bilimlarni o'zlashtirishni umuman istamaydigan tor fikrlovchi kishilarni hisobga olmayman. Baxtimizga bundaylar tobora kamayib boryapti.

Shunday qilib, birinchi adashish xususida. Bunda o'qishga faqat shaxsiy ish sifatida qaraladi. Bunday fikrlashning sababi nima? Bu fikirdagilar yordamni g'urur bilan rad etishadi, qo'shimcha mashg'ulotlarni tan olishmaydi, jamoa aralashuviga kesin noroziligini bildirishadi, ota-ona nasihatini o'sha zahoti inkor qilishadi. Bunday bolalar mamlakatimizdagi bepul ta'lim faqat oila uchun tekinligini, har bir talaba davlatga oltin bahosida qimmatga tushushini bilishmasa ham kerak. Bizda har bir yuqori oxirgi kurs talaba ustida, ota-onasini hisobga olmaganda, ikkitadan katta yoshli odam shug'ullanadi. Davlat savodli yoshlarning qo'lga muhtoj va bu qo'llar madadga yetib kelishini kutib turibdi.

O'qishga ikki xil munosabat mavjud: fuqarolik munosabati va ta'magarlik munosabati. O'qishga faqat o'z shaxsiy ishi sifatida qarash bu ta'magarlik munosabatidir. O'qishga yuksak ijtimoiy burch sifatida yondashish esa fuqaroning nuqtai nazaridir. O'z mamlakati oldidagi burchini bajarmaydigan kishini hurmat qilib bo'lmaydi.

Odamlar asrlar osha ajoyib, komil inson haqida orzu qilgan. Ming yillar davomida insoniyat o'zini takomillashtirib bordi. Bizlar tafakkur adolat tantanasining yengilmas tabiati kuchlari ustida inson g'alabasining guvohimiz. Zero tabiat o'z zamondoshlarimizga munosib bo'laylik.

Yoshlarni faqat yoshlar tushunadi, degan gap bor. Bu noto'g'ri. Bu gap o'z-o'zini himoya qilish va kattalarning nasihatimiz diqqat-e'tiboridan holi bo'lish

uchun o'ylab topilgan. Yoshlikka xos narsa-o'zini-o'zi yaratishdir. Ko'pincha navqiron kishi tasavvurida o'zini shunday yaratib qo'yadiki, hatto o'zini-o'zi tushunmay qoladi. Hayot uning oldiga quyayotgan real muammolar esa yana ham ko'proq. Masalan bitiruvchining nihoyatda ziddiyatli ahvolini qanday izohlash mumkin. Bir tomondan hamma endi u katta kishi bo'lib qolganini, mustaqil inson ekanini ta'kidlab tursa-da, boshqa tomondan hech qachon bunchalik erksizlikni xis qilmaganligini, kattalarga bog'liqligi shu qadar kuchli bo'lmagannini anglab turadi. Yo'q kattalar maslahatiga beparvo qaramaslik kerak. Yoshlarning har bir avlodiga kelajagimizni yangi kun, komil inson haqidagi orzularimizni bog'laymiz.

Donolar:- Bolalarimiz bizdan yaxshiroq bo'lishadi va bizdan yaxshiroq yashashadi,-deb bejiz aytmaganlar.

Ўқувчи-ёшларда ахборотни саралаш кўникмаларини шакллантириш масалалари

С. Муминова, Г. Бахриллоева Архитектура факултети 2-курс талабалари, ўқитувчи Л. Ташаев

Мамлакатимиз мустақиликка эришганидан сўнг хориждан келадиган ахборот оқимларига кенг йўл очилди. Бу жараёнда ёшларимиз томонидан ахборотни қабул қилиш, саралаш, таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, ҳозирги даврда интернет сайтларида ёшлар дунёқарашига ижобий таъсир қилувчи ахборотлар оқимидан ташқари бузғунчи ғоялар асосида шакллантирилган материаллар ҳам учраб туради. Интернет сайтларида ёшларга кучли таъсир этувчи ахборотларни қуйидагича таснифлаш мумкин.

Биринчи тоифадаги ахборотлар сирасига ёт, бузғунчи ғоялар (диний экстремизм ва террорчилик ғоялари, миллатчилик, ирқчилик, кабилар)ни киритиш мумкин.

Иккинчи тоифадаги ахборотлар эса ғарб ҳаёти тарзига хос, ўзбек менталитетига зид одатлар ва кўникмаларни тарғиб этади. Бу айниқса, ғарб ёшларининг кийиниши, одатларини тарғиб қилувчи мақолалар, клиплар, фильмларда яққол намоён бўлади.

Учинчи тоифага парнографик ахборотлар киритади.

Тўртинчи тоифага эса ҳали текширилмаган, ўз исботига эга бўлмаган турли хужумкор ахборотларни киритиш мумкин. Интернет сайтларидан тарқатилаётган бу каби ёт ғоялар ва ахборотларни ёшлар томонидан қабул қилинаётгани ва унинг оқибатлари жаҳондаги барча мамлакатлар, халқларни ҳам ташвишга солмоқда. Турли ғояларни тарғиб этишда замонавий мобил телефонларнинг ҳам “ҳиссаси” катта бўлаяпти. Телефон аппаратларига ёзилган бузуқлик, ёвузлик ёки бирон бир ташкилотнинг, гуруҳнинг фаолиятини тарғиб этувчи роликлар, клипларнинг кўпайиб кетаётгани ёшларнинг тарбияси, ахлоқи бузилишига олиб келаяпти. Давлат хавфсизлигини таъминлашда, халқ манфаатларига зид бўлган ахборот тарқатилишининг олдини олиш энг муҳим вазифа эканини англаб, айрим мамлакатларда глобал тизимга ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Масалан, Хитой мамлакатада махсус “Ватанпарвар хакерлар” деб номланган интернет хавфсизлигини таъминловчи ташкилот мавжуд. Ушбу ташкилотда 20 мингдан ортиқ

компьютер мутахассислари фаолият юритади. “Ватанпарвар хакерлар” мамлакатга хавф солувчи “номаъкул” ахборот хуружларининг олдини олишади. Ҳозирги пайтда, дунёнинг 30 дан ортиқ мамлакатда “Интернет химочяилари” гуруҳи ташкил этилган ва “химоячи”ларга 1,5 миллиард АҚШ долларидан ортиқ маблағ сарфланади. Бу эса глобал жараёнда ўз мамлакатада “номақбул” ахборот олишни чеклайди. Бундан ташқари, Ҳиндистон давлатининг Техника институтидаги Электрон хавфсизлик факультетида “Интернет химочяилар”и фаолият юритмоқда. Ҳар йили ушбу факультетни муваффақиятли тугатган 10 нафар талабалар “Интернет химочячилар”и сафига ишга қабул қилинади⁷.

Бугунги кунда интернет бутун дунёни қамраб олган., жаҳоннинг 150 дан ортиқ мамлакатада 150 миллионга яқин абонентга эга бўлган глобал компьютер тармоғига айланди. Тармоққа уланиш ҳар ойда 7-10% га ўсиб бормоқда. Интернет тармоғидан фойдаланувчиларнинг аксарияти ёшлар бўлгани учун уларни “номақбул” ахборот хуружларидан химоялашимиз зарур. Чунки, интернетдаги ёт ғоялар, носоғлом ахборотлар ёшлар таълим-тарбиясига, маънавиятига салбий таъсир ўтказмоқда. Ўрта-махсус касб-хунар таълими муассасалари ўқувчиларини турли хил ёт ғоялар таъсиридан асраш, қарши курашиш, тушунтириш тарғибот ишларини олиб бориш муассаса маънавий-маърифий ишларининг узвий қисми ҳисобланади. Академик лицей ва касб-хунар коллежи раҳбарияти томонидан турғун ва мунтазам дарс қолдирувчи, тарбияси оғир, ИИВ нинг рўйхатида турадиган, ҳуқуқбузарликка мойил бўлган ўқувчилар ҳамда носоғлом оилаларнинг фарзандлари билан мунтазам тарбиявий-профилактика ишлари МФЙ, ва мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда олиб борилади.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўқувчилар давоматини назорат қилиш ва уларнинг ота-оналари билан доимий алоқа ўрнатиш, ўқувчи-ёшларнинг таълим муассасаларига келмасдан, дарс машғулотлари вақтида турли кўнгилочар масканлар, “Интернет кафе” ва “Компьютер клублари”да бўлишлари ҳамда назоратсизлигининг олдини олиш, шунингдек, таълим муассасаларида хавфсизлик ва тартиб интизомни янада кучайтириш мақсадида тизимдаги 926 та касб-хунар коллежи ва академик лицейларда турникет қурилмалари ўрнатилган бўлиб, электрон давомат тизими жорий қилинган. Академик лицей ва касб-хунар коллежлари маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарларининг намунавий йиллик иш режасида “Ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш, диний ақидапарастлик ва миссионерликнинг олдини олиш, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия, миллатлараро тотувлик”, “Миллий маънавиятимизни юксалтириш, халқимиз турмуш тарзи ва менталитетимизга ёт бўлган зарарли ҳолатларнинг олдини олиш” йўналишда мунтазам равишда маҳаллий хокимликлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, диний идора вакиллари, маънавият тарғибот гуруҳи вакиллари иштирокида мунтазам равишда давра суҳбатлари, учрашувлар, турли хил диний экстремистик оқимлар таъсирига тушиб қолаётган фуқароларнинг ҳаётига бағишланган

⁷ТўраевШ., ОчиловХ., ХўжаевМ., ЖўрақуловФ.АлимовН., Худойназаров О.Миллий ғоянинг инновацион тарғибот технологиялари ва ёшларни ахборот-психологик хуружларидан химоя қилишнинг замонавий усуллари номли монография материаллари. Т;-2016. “Турон замин зиё”. 41 б.

видеофильмлар, “Ўзбеккино” миллий агентлиги томонидан ишланган кинофильмлар ўқувчиларга намойиш этиб келинмоқда. Шунингдек, бугунги кунда ёшлар ижтимоий-маънавий ҳаётига шиддат билан билан кириб келаётган “оммавий маданият” ва унинг ахлоқий бузуқлик, индивидуализм, эгоцентризм ва зўравонлик каби кўринишлари, турли ижтимоий тармоқлар ва улардан тарқалаётган инсоннинг маънавий дунёсини бутунлай бузиб юборадиган, ёвуз мақсадларни тарғиб қилаётган ғоялар, мобил телефонлар, турли интернет сайтлари ва улардан тўғри фойдаланиш қоидалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 21 майдаги **“Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларида мобил телефонларидан фойдаланишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги қарори ижросига қаратилган **“Эҳтиёт бўлинг: уяли телефон орқали тарқатилаётган маънавийсизлик”** мавзусида таълим муассасаларида учрашув, мулоқот, суҳбат ва маърузалар, давра суҳбатлари ташкил этиб келинмоқда.

Кўришиб турибдики, давлатимиз томонидан ёшларнинг таълим ва тарбияси йўналишида етарлича шарт-шароит яратилиб берилмоқда. Биздан эса фақат ишлаш, изланиш, интилиш, Ватан равнақига дахлдорлик, мамлакатимизда, олиб борилаётган ислохотларга ҳамоҳанг ҳаракат қилиш талаб этилмоқда. Ҳар бир фуқаро, айниқса, ёшлар оғох, ҳушёр, шижоатли, ватанпарвар, интилувчан, қаътий эътиқодли, ҳамда мустақил ва теран фикрлай оладиган бўлсагина биз олдимизга қўйган мақсадимизга сўзсиз ета оламиз. Юксак марралар бизники бўлади. Акс ҳолда, ҳозир қўлимизда турган ютуқларни ҳам бой бериб қўйишимиз мумкин.

Чунки, унутмаслигимиз керакки, бугун турли бемаза ғояларга берилиб, ёт мафкураларга эргашиб ўз она Ватани қолиб, ўзга юртларнинг хизматини қилиб юрган ёшлар ҳам йўқ эмас. Бу эса одамни ташвишга солади. Тарбия масаласида ҳали амалга оширишимиз лозим бўлган долзарб вазифалар кўп эканини эслатади.

Ўқувчи-ёшларда ахборот истемолимаданиятини шакллантиришнинг ўзига ҳос хусусиятлари

*С.Аттоева, Й.Отақулов Архитектура факултети 2-курс талабалари,
ўқитувчи Л.Ташаев*

Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази томонидан Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлигининг 2017-2020 йилларга мўлжалланган БВФ-1-001 “Вояга етмаганлар ахборот хавфсизлигини таъминлашда соҳалараро ёндашувнинг илмий-услубий асосларини яратиш” мавзусида фундаментал тадқиқот лойиҳаси амалга оширилмоқда. Тадқиқот доирасида Тошкент шаҳар ва Тошкент вилоятларида жойлашган академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқитувчилари ва гуруҳ раҳбарларидан “Маънавийат соатлари”ни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича таклифларини сўраганимизда қуйидагича жавоб олдик.

Академик лецей ва касб-ҳунар коллежлари учун “Маънавийат соати” дарсларининг ягона дастурини “Маънавийат соати” дарсларини ўтиш учун услубий қўлланмалар ишлаб чиқиш лозим;

Академик лицей ва касб-хунар коллежларидаги гуруҳ раҳбарлари учун ҳам инсоний фазилатлар, ҳам иллатлар бўйича ҳаётий, таъсирчан ва қизиқарли мисоллар тавсияларга бой услубий ёрдам тариқасида китоблар керак;

Афсуски, вояга етмаганлар орасида интернетга, компьютер ўйинларига тобелик, ёшлар таълим-тарбиясида “оммавий маданият” нинг салбий таъсири сезилмоқда. Вояга етмаганларнинг кийинишидаги ғарб маданиятига тақлид, ҳаётга енгил қараш, мақсадига тез ва осон йўл билан эришиш, руҳиятидаги ўзгаришлар, агрессивлик, муомила маданиятидаги кўполлик каби салбий иллатлар илдиз отмоқда. Ижтимоий тармоқлар орқали турли хил ёт ғоялар таъсирга тушиб қолиш ҳолатлари учрамоқда. Вояга етмаганлар ўртасида бу каби салбий иллатларнинг олдини олиш борасида таълим муассасаларида маънавий-маърифий ишларнинг самарадорлигини оширишга эришиш лозим. Ушбу тадбирларнинг самарадорлиги тадбирдан сўнг ўқувчиларнинг фикри ўрганилмайди. Ушбу тадбирлар қанча ўқувчига таъсир ўтказди. Қанча ўқувчининг умуман тадбирга қизиқиши йўқ, мажбуран иштирок этди. Бу каби масалалар таҳлил қилинмайди. Фақат шунча тадбир ўтказилди, шунча киши иштирок этди деб ҳисобот берилади. Тадбирлар тизимли ташкил этилмайди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 июлдаги “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги қарорида белгиланган вазифаларни изчиллик билан амалга ошириш мақсадида академик лицей ва касб-хунар коллежларидаги маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қуйидаги таклиф ва тавсияларни бериб ўтишни лозим топдик.

- вояга етмаганлар ўртасида ахборот-психологик хавфсизлигини таъминлашда академик лицей ва касб-хунар коллежларининг педагоглари, психологларига илмий-услубий кўмаклашиш;

- маънавият соатларини ўтишда диний идора вакиллари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора вакиллари ҳамда юқори малакали ва тажрибали мутахассислар, олимлар, шоирларни таклиф этиш. Ҳар бир мавзу юқори малака ва тажрибага эга мутахассислар иштирокида ўтилса, ўқувчилар янада аниқ ва кенг маълумотларга эга бўлади.

- таълим муассасаларда ташкил этиладиган тадбирларни, “Маънавият соат”ларини, давра суҳбати, учрашувлар шаклида ўтказишдан ташқари, бошқа янги замонавий шакллардан (семинар-тренинг, фокус-гуруҳ, ўргатувчи ролли ўйинлар, ўйин терапияси, арт-терапия, ўйин-конкурслар, машқлар; энержайзерлар, кейс-стади (аниқ вазиятлар таҳлили) кенг фойдаланиш лозим.

- академик лицей ва касб-хунар коллежларининг ахборот-ресурс марказлари фаолиятини такомиллаштириш, ўқувчиларда китобхонликка меҳр уйғотиш, ўқувчиларининг муассасани битиргунга қадар ўқиши лозим бўлган бадиий адабиётлар рўйхатини тузиш ва уларнинг мутолаа маданиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратиш муҳим.

- академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқув режасига “Ахборот истеъмоли маданияти” махсус курсини киритиш.

Rekurrent formula bilan berilgan sonli ketma-ketliklar

Rasulov Kamol SamDAQI assistenti

Isaqulov To'lg'in SamDAQI stajyor o'qituvchisi

Mirodimov Xurshid SamDAQI 104-AY va Aguruhitalabasi

Bizgada stlabki bir nechta hadlarima'lumbo'lgan

$$x_1 + x_2 + \dots + x_n + \dots \quad (1)$$

sonli ketma-ketlik $n > 2$ bo'lganda

$$x_n = px_{n-1} + qx_{n-2} \quad (2)$$

rekurrent formula bilan berilgan bo'lsin.

Ma'lumki (2) rekurrent formula bilan berilgan (1) sonli ketma-ketlikning ixtiyoriy hadini topishundan oldin hadlarigabog'liq. Biz ushbu maqolada (1) sonli ketma-ketlikning umumiy hadini faqatgina n ning funksiyasi sifatida aniqlash masalasini qaraymiz.

Teorema. Agar $x_1 = a, x_2 = b$ shartlarni qanoatlantiruvchi (1) sonli ketma-ketlik (2) rekurrent formula bilan berilgan bo'lsa, u holda bu ketma-ketlikning umumiy hadini

$$x_n = \alpha x_1^n + \beta x_2^n \quad (3)$$

ko'rinishida tasvirlash mumkin. Bu yerda x_1 va x_2 sonlar

$$x^2 - px - q = 0 \quad (4)$$

kvadrattenglamaning α va β lar

$$\begin{cases} \alpha x_1 + \beta x_2 = a \\ \alpha x_1^2 + \beta x_2^2 = b \end{cases} \quad (5)$$

sistemaningildizlari. [1]

Bu teoremani quyidagi masalaga tatbiqini qaraymiz.

Masala $\{x_n\}$ ketma-ketlik uchun $x_1 = 0, x_2 = 1$ bo'lib $x_n = \frac{1}{2}(x_{n-1} + x_{n-2})$ bo'lsa, u holda bu ketma-ketlikning limitini toping.

Yechish. Yuqoridagi teoremanidan foydalanib rekurrent formula bilan berilgan $\{x_n\}$ ketma-ketlikning umumiy hadini topish formulasini hosil qilamiz.

(4) tenglamadanya'ni $2x^2 - x - 1 = 0$ dan $x_1 = 1, x_2 = -\frac{1}{2}$ ekanligini topamiz.

Demak $\{x_n\}$ ketma-ketlikning umumiy hadini topish formulasi

$$x_n = \alpha \cdot 1^n + \beta \cdot \left(-\frac{1}{2}\right)^n$$

ko'rinishida ekan. Bu yerda α va β lar

$$\begin{cases} \alpha - \frac{\beta}{2} = 0 \\ \alpha + \frac{\beta}{4} = 1 \end{cases}$$

sistemaningildizlari.

Biz rekurrent formula bilan berilgan $\{x_n\}$ ketma-ketlikdanni ning funksiyasi sifatida aniqlangan ketma-ketlikga o'tib oldik. Endi uning limitini topamiz

$$\lim_{n \rightarrow \infty} x_n = \lim_{n \rightarrow \infty} \left[\frac{2}{3} \cdot 1^n + \frac{4}{3} \cdot \left(-\frac{1}{2}\right)^n \right] = \frac{2}{3}.$$

Стюарт теоремасининг баъзи геометрия масалаларини ечишга тадбиқи

Баходир Мардонов, Аслиддин Мардонов, СамДАҚИ

XVIII асрда Буюк Британияда яшаб ижод қилган олим Мэттью Стюарт томонидан таклиф қилинган ушбу теорема кўпгина геометрия масалаларини осон ҳал этиш имконини беради.

Теорема (Стюарт теоремаси): Агар D нуқта ABC учбурчанинг BC томонида ётса, у ҳолда ушбу тенглик ўринли бўлади.

$$AD^2 \cdot a = BD \cdot b^2 + DC \cdot c^2 - BD \cdot DC \cdot a \quad (1)$$

Исботи: Агар учбурчанинг A учидан туширилган баландлиги (1-расм) AA' бўлса, ADC ва ABD учбурчаклар учун

$$b^2 = AD^2 + DC^2 - 2DC \cdot DA' \quad (2)$$

$$c^2 = AD^2 + BD^2 + 2BD \cdot DA' \quad (3)$$

муносабатлар тўғри бўлади яъни улар косинуслар теоремасидан келиб чиқади. (2) тенгликнинг ҳадларини BD га ва (3) тенгликнинг ҳадларини DC га кўпайтириб, сўнгра уларни ҳадлаб қўшсак,

$$BD \cdot b^2 + DC \cdot c^2 = AD^2 \cdot (BD + DC) + BD \cdot DC \cdot (BD + DC)$$

ёки

$$BD \cdot b^2 + DC \cdot c^2 = AD^2 \cdot a + BD \cdot DC \cdot a$$

бундан (1) формула осонгина келиб чиқади.

1-масала. Учбурчанинг биссектрисалари узунлиги топилсин.

Ечилиши: ABC учбурчакда A бурчаги биссектрисасининг узунлиги $AA' = l_a$ бўлсин (2-расм). $BA' : A'C = c : b$ ни эътиборга олиб, BA' ва $A'C$ кесмаларнинг узунликларини топамиз.


$BA' + A'C = a$ эканини эътиборга олсак, қуйидаги муносабатлар ҳосил бўлади:

$$BA' = \frac{ac}{b+c}, \quad A'C = \frac{ab}{b+c}.$$


Энди берилган учбурчак ва берилган муносабатларга мос қилиб, Стюарт теоремасини қўлласак

$$l_a^2 \cdot a = \frac{ab^2c}{b+c} + \frac{abc^2}{b+c} - \frac{ac}{b+c} \cdot \frac{ab}{b+c} \cdot a$$

тенгликни ҳосил қиламиз ва уни соддалаштиришдан кейин,



1-расм



2-расм

$$l_a^2 = bc \cdot \frac{(b+c)^2 - a^2}{(b+c)^2}$$

келиб чиқади. Бу ерда $a + b + c = 2p$, $b + c - a = 2(p - a)$ эканини ҳисобга олсак:

$$l_a^2 = \frac{4bcp(p-a)}{(b+c)^2}$$

ёки

$$l_a = \frac{2}{b+c} \sqrt{bcp(p-a)}$$

формулага эга бўламиз. Учбурчакнинг қолган бурчаклари биссектрисалари ҳам шунга ўхшаш топилади:

$$l_b = \frac{2}{a+c} \sqrt{acp(p-b)},$$

$$l_c = \frac{2}{a+b} \sqrt{abp(p-c)}.$$

2-масала. Радиуси R бўлган айланага AB диаметр чизилган ва OA радиуснинг ўртаси N нуқтадан ўтиб, OB радиуснинг ўртаси M нуқтадан тўғри бурчак остида кўринадиган CD ватар ўтказилган. Айлананинг O марказидан CD ватаргача бўлган масофани топинг.

Ечилиши: CMD учбурчакнинг MP медианасини ва OPN учбурчакнинг PQ медианасини ўтказиб, $OP \perp CD$, ($OP = x$) ни ҳосил қиламиз, унда $\angle CMD = \angle OPN = 90^\circ$ бўлганидан (3-расм):

$$MP = CP = PD = \sqrt{R^2 - x^2}$$

PON учбурчакдан:

$$PQ = OQ = QN = \frac{R}{4}.$$

Стюарт теоремаси бўйича

PMQ учбурчакдан:

$$OP^2 \cdot MQ = MO \cdot PQ^2 + OQ \cdot MP^2 - MQ \cdot MO \cdot OQ$$


ёки

$$x^2 \cdot \frac{3}{4}R = \frac{R^2}{16} \cdot \frac{R}{2} + (R^2 - x^2) \cdot \frac{R}{4} - \frac{3R}{4} \cdot \frac{R}{2} \cdot \frac{R}{4}$$


$$x^2 = \frac{3R^2}{16}, \quad x = \frac{R\sqrt{3}}{4}$$

3-масала. Чизмада берилганларга кўра x нинг қийматини топинг (4-расм).

Ечилиши: Стюарт теоремасини қўллаб осонгина топамиз:



3-расм



4-расм

$$7 \cdot x^2 = 1 \cdot 25 + 6 \cdot 16 - 1 \cdot 6 \cdot 7 \text{ ёки } x = \sqrt{\frac{79}{7}}.$$

Мустақил бажариш учун масалалар

1. ABC учбурчакнинг AB томонида $AD = AC$ ажратилиб, DC кесма ўтказилган. Бу кесманинг узунлигини учбурчак томонлари орқали топинг.

2. Тўғри бурчакли ABC учбурчакда катетларининг йиғиндиси p га тенг ($b + c = p$). D ва E нуқталар гипотенузани тенг уч бўлакка бўлади. Бу нуқталарни учбурчакнинг A учи билан туташтирувчи AD ва AE кесмаларнинг йиғиндиси m га тенг бўлса, a гипотенузани топинг.

3. ABC учбурчакнинг AB томони 3 га, $BC = 2AC$. CD биссектриса давом эттирилса, учбурчакка ташқи чизилган айлана билан E нуқтада кесишади ва $DE = 1$ бўлса, AC томонини топинг.

Адабиётлар

1. Обид Каримий. Плиниметриядан ҳисоблашга ва исботлашга доир танланган масалалар. Т.: «Ўқитувчи» - 1965.

2. Axborotnoma testlarto'plami. 1996-2003 уу.

3. В.В.Прасолов. Задачи по планиметрии. Москва 2007.

Бўлғуси меҳнат таълими ўқитувчиларининг касбий маҳоратини такомиллаштиришда миллий кадриятлардан фойдаланиш

Б.И.Муранов, С.С.Игамов, А.А.Рахимов

Бўлғуси меҳнат таълими ўқитувчиларининг умумтаълим мактабида амалий педагогик фаолиятини ўрганиш асосида жамланган маълумотлар бўлғуси ўқитувчини маънавий тарбиялаш бўйича қанчалик назарий билимларни эгаллаган бўлмасин, агар у улуғ мутафаккирлар мерос қилиб қолдирган халқ педагогикаси намуналарида акс этган таълим-тарбия борасидаги қарашлар, ғоялар, урф-одатлар, расм-русмлар ва анъаналар ҳамда таълим-тарбия жараёнида қўлланиладиган усул, восита, кўникма ва малакаларига эга бўлмаган бўлажак кичик мутухассислар келгуси педагогик фаолиятларида бундай сифатларни ўқувчиларда таркиб топтира олмаслиги, уларда тарихий хотирани миллий ўзлиқни англашни тарбиялай олмаслиги табиийдир.

Шарқнинг улуғ шоир ва алломаларининг нафақат Марказий Осиё, балки бутун дунё олимларининг диққат эътиборини ўзига жалб этиб келаётган маънавий меросларида жуда кўп педагогик қарашлар акс этган, Масалан "Авесто", "Қуръони карим" ва "Ҳадиси шариф"ларда, халқ оғзаки ижодида, Юсуф Ҳос Ҳожибнинг "Қутадғу билиг", Маҳмуд Қошғарийнинг "Девону луғотит турк", Захириддин Мухаммад Бобурнинг «Бобурнома», Алишер Навоийнинг «Хамса»лари, соҳибкирон Амир Темурнинг «Темур тузуклари» асари, Носир Хисравнинг "Саодатнома", "Рўшнома", Низом ул-мулкнинг "Сиёсатнома", Кайковуснинг "Қобуснома" каби бебаҳо асарларининг таълим-тарбиявий аҳамияти бекиёсдир. Буюк аждодларимиз меросини ўрганишда таълим олувчиларни изланишга, уларнинг ақлий тафаккурини ривожлантиришга йўналтирилган топшириқларни бажаришга жалб қилиш жуда муҳимдир.

Самарқанд Давлат Университети “Касбий таълимни ўқитиш методикаси” кафедрасида ўтказилган “Меҳржон ва Наврўз” миллий байрамларида тингловчилар беллашувлари қуйидагича ташкил этилди:

Тадбирда урта “Билимдон”, “Меъморлар”, “Хунармандлар” гуруҳлари тўртта шарт асосида билимларини синашдилар.

1-шарт – Ҳар бир гуруҳ миллий меросларимиздан фойдаланган ҳолда ўз жамоасини номларини шарафладилар, бунда жамоалар мутафаккирларимиз томонидан ахлоқ-одобга оид ҳикматли сўзлардан бошқотирмалар ечишдилар.

2-шарт – Муаммоли топшириқларни ечишда ҳар бир гуруҳга маълум йўналишлар буйича саволлар берилди.

3-шарт – Миллий байрамлар “Меҳржон ва Наврўз”га бағишланган бадий қисмлар орқали “Санъаткорлик” маҳоратини намойиш этишдилар.

4-шарт – Миришкор деҳқонлар йетиштирган ноз-неъматларнинг шифобахшлиги ҳақида “Мевалар тилидан” сўзладилар.

Юқоридаги шартлар бўйича вақт мезонлар ва тўпланган маълумотлар мазмунига кўра яхши тайёргарлик кўрган жамоалар рағбатлантирилди.

“Меъморлар” гуруҳига қуйидаги топшириқлар-саволлар берилди:

1. «Шердор» мадрасаси қачон, ким томонидан, қаерда қурилган ва унда қандай суратлар тасвирланган? 2. Гўри мир мақбараси қаерда, қачон, ким томонидан бунёд этилган? 3. Улуғбек мадрасаси қайси йилда Бухорода ва Самарқандда бунёд этилган? 4. Руҳобод тарихий обидаси қаерда ва ким томонидан қачон қурилган? 5. Хазрат Дониёр (Даниёл) мақбараси қаерда ва унинг бошқа зиёратгоҳлардан фарқи нимада? 6. Оқсарой тарихий обидаси қаерда, қачон, ким томонидан қурилган? 7. «Кўкалдош» мадрасаси қачон, қаерда ким томонидан қурилган? 8. Шохизинда нима дегани ва ансамблида зиналарни санаганда нима учун ўзгариб туради? 9. Хўжа Аҳмад Мир Аббос мақбараси қачон, ким томонидан қаерда қурилган? 10. “Хаста имом” ансамбли қачон, қаерда, ким томонидан бунёд этилди? 11. «Дилба ёру-у, даст-ба кор» тарикати асосчиси Баҳоуддин Нақшбандий хазратларининг қабри, зиёратгоҳи қаерда жойлашган? 12. Челябинск вилоятининг Троицк шаҳридаги Темур минораси қачон бунёд этилган ва у яна қандай ном билан аталади? 13. Абдулазизхон мадрасаси қачон, ким томонидан бунёд этилган ва унинг меъмори ким бўлган? 14. Абдуллахон мадрасаси қачон қайси меъмор томонидан курдирилган ва у яна қандай ном билан аталган? 15. Исмоил Сомоний мақбараси қаерда жойлашган ва у қачон ким томонидан бунёд этилган? 16. Бухородаги Модарихон Мадрасаси қачон, ким томонидан бунёд этилган? 17. «Токи заргарон», «токи саррофон», «токи телпакфурушон» номли ёпиқ бозорлар қайси вилоятда қурилган ва ҳозир ҳам мавжудми, ҳамда, қандай маънони англатади. 18. Бухородаги Лаби ҳовуз ёдгорлиги қачон бунёд этилган? 19. Бухородаги Мирараб мадрасаси қачон, ким томонидан бунёд этилган? 20. Бухоро арки қачон ва кимлар томонидан қурилган ва қайта таъмирланган? **«Билимдонлар» гуруҳига берилган муаммоли топшириқлар:**

1. Аҳмад ал Фарғоний(Алфраганус)ни қандай хизматлари учун авлодлар томонидан эъзозланади? 2. Абу Райхон Берунийнинг халқлар ва давлатлар тарихига бағишланган асарлари нима деб номланади? 3. Абу

Райхон Берунийнинг қайси асарида тоғ жинслари хусусиятлари ёритилган? 4. Америка қитъасининг мавжудлигини назарий жиҳатдан қайси Шарқ мамлақати алломаси исботлаган ва таърифлаган? 5. Мухаммад ал-Хоразмийни келажак илм-фан олдидаги қандай хизматлари учун кадрланади? 6. «Алгоритм», «алгебра» сўзлари билан қайси аллома номи тўғридан-тўғри боғлиқ? 7. «Маъмун» академияси, Боғдод академияси, «Байтул хикма», Самарқанд академияси қайси алломалар номлари билан чамбарчас боғланган? 8. Ўзбекистонда халқлар зиёрат қиладиган буюк сиймолар қадамжолари тахминан қанчани ташкил этади? 9. Абу Али Ибн Сино(Авиценна)нинг қайси асари Фарб мамлакатлари университетлари учун кейинги 500 йиллар мобайнида дарслик - қўлланма бўлиб хизмат қилмоқда? 10. «Медицина» сўзи қайси Шарқ алломасининг номидан олинган? 11. Хўжа Исмоил ал-Бухорий хазратларининг буюк хизматлари мохияти нимадан иборат? 12. Самарқандда «Дорушшифо» касалхонаси қачон, ким томонидан қурилган? 13. Алишер Навоийнинг қайси асарида наққош Моний таърифланган? 14. Ҳиндистондаги қайси мақбара пештоқларида устодлар: Мухаммад Шариф Самарқандий, Ота Мухаммад Бухорийларнинг табаррук номлари ёзилган? 15. Алишер Навоий «Дорушшифо»ни қаерда қурдирган?

«Хунармандлар» гуруҳчасига бериладиган муаммоли топшириқлар:

1. «Хунар, хунардан зар унар»маколининг маъноси нимадан иборат? 2. «Дилба ёру-у, даст-ба кор»тарикатининг асосчиси ким ва маъноси нимадан иборат? 3. «Бир йигитга қирқ хунар оз», «Хунарли киши хор бўлмас» халқ мақолларининг маъноси нима? 4. Ҳозирги даврда шарқ халқлари миллий хунармандчилигининг нечта турлари сақланиб қолган? 5. Ёғоч, металл, ганч, суяк ва тош ўймакорлигида асосан қандай нақшлардан фойдаланилади? 6. Гиламчиликда қандай махсулотлар тайёрланади? 7. Рехтагарликда қандай буюмлар тайёрланади? 8. Бешикчиликда ишлатиладиган асосий материал нима? 9. Анжомасозликда нималар тайёрланади? 10. Хунармандчиликнинг асоси, дебочаси нима? 11. Хунармандларнинг пири «Ҳазрати Довуд» зиёратгоҳи қайси вилоят, туманда жойлашган? 12. Самарқанддаги «Боғи дилкушо»нинг девор буржларида нима тасвирланган? 13. Ўзбекистон халқ устаси Абдуғаффор Ҳаққулов ва Уста Ширин Муродовнинг қандай ишларини биласиз? 14. Бобурнинг қайси асарида меъморлик тарихига оид фактлар топиш мумкин?

Тадбир давомида ҳар бир гуруҳчаларга берилган муаммоли топшириқлар жавобларини топишда дастлаб белгиланган гуруҳчалар аъзолари иштирок этсаларда кейинчалик эса, (Яъни, мураккаблари ёки тўғри топилмаган) саволлари ечимларини топишда барча қатнашчилар иштирок этадилар.

Ўз фикрларини баён этдилар, айтилган жавобларни кенгайтирдилар, баҳсларда фаол иштирок қилдилар. Қатнашчиларнинг "Билимдон", "Меъморлар", "Хунармандлар" гуруҳларининг жавобларини ва уларга қуйилган балларни эшитгач, дунёкарашининг кенгайиши кутилади.Чунки, ҳар бир муаммоли топшириқнинг ечимларини топишда миллий кадриятлардан ҳисобланган, тарихий обидалар, муқаддас зиёратгоҳлар,

кадамжолар, буюк мутафаккирлар макбаралари, уларнинг асарлари, хизматлари эслаб ўтилди.

Олийгоҳлар, ўрта махсус касб-ҳунар коллежларида ва умумтаълим мактабларида ўқув-тарбиявий жараёнда миллий кадриятлардан самарали фойдаланиш, аввало, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг бу ҳақдаги тушунча ва тасаввурларини билимларини, дунёқарашини кенгайтиради, уларда миллий узликни англаш орқали фахрни уйғотади, сўнгра ана шу кадриятларнинг янада сайқалланишига, янгиланишига, ҳамда келажак авлодга етказилишида муҳим ўрин тутаяди.

Хулоса қилиб айтганда, тарбиявий ишлар жараёнида ўқитувчи ва ўқувчиларга маънавий мерослар ва миллий кадриятлар изчил таништириб бориш орқали уларнинг касбий, шахсий маҳоратини оширибгина қолмай, ёшлар онгига миллий кадриятларни сингдириш орқали уларни маънавий-ахлоқий тарбиясида самарали натижаларга эришишга имкон беради ва педагогик фаолиятида қўллаш орқали ўқувчилар шахсини шакллантиришда муҳим роль ўйнайди.


Методы современных и будущих проводных и беспроводных сетей связи со многими пользователями

А.Н.Салахитдинов, К.А.Собирова, Б.С.Тошбоев магистранты Самаркандский филиал ТУИТ

Аннотация. В настоящей статье рассматриваются методы современных проводных и беспроводных сетей связи со многими пользователями. Рассматриваются типы систем с множественным доступом: FDMA, TDMA, CDMA. Рассчитана пропускная способность методов множественного доступа.

В литературе часто рассматривается трактовка систем связи как единственную линию связи, включающую передатчик и приёмник. В настоящей работе нами рассматриваются системы связи со многими пользователями и многими линиями связи. Это так называемые методы множественного доступа, которые образуют основу для современных и будущих проводных и беспроводных сетей связи, как например, волоконно-оптическая (ВОЛС) и космическая связь, сети сотовой и мобильной связи.

Для системы множественного доступа, изображённая на Рис.1,



характерно наличие общей линии связи для большого числа пользователей, обеспечивающего передачу информации к приёмнику. Общий канал может быть средой в космической системе связи, или кабелем ВОЛС, к которому присоединен ряд терминалов, которые имеют доступ к центральному компьютеру,

или возможно некоторая полоса частот в радиоспектре для многих пользователей, которые пользуются этой полосой для связи с радиоприёмником. Например, в мобильной сотовой системе связи пользователями являются мобильные передатчики в некоторой полосе частот, а приёмник находится на базовой (одной) станции. **Рис.1. Система с множественным доступом**

Как показано на Рис.2, второй тип системы связи со многими пользователями является сеть вещания, в которой отдельный передатчик передаёт информацию многим приёмникам. Различные виды вещательных систем включают общий радиоканал и системы телевизионного вещания подобно космической связи. Множественный доступ и сети вещания образуют наиболее общую систему связи со многими пользователями.

Третий тип системы со многими пользователями — это сети накопления-передачи (Рис.3), в котором реализуется сеть сбора и передачи информации со спутниковых ретрансляторов.

Четвертым типом являются двусторонние (дуплексные) системы связи (Рис 4). Рассмотрим основные методы множественного доступа.




Рис.2. Сеть вещания.




Рис. 15.1.3. Сеть сбора и передачи информации со спутниковыми ретрансляторами




Рис.4. Двусторонний канал связи.




Рис.5. Разбиение канала на полосы.

1. Одним из обычных методов является разделение доступной полосы частот канала на определенное число N не перекрываемых частотных подканалов (Рис.5), и назначение подканала каждому пользователю по его требованию. Этот метод называется **множественный доступ с частотным разделением (МДЧР или FDMA)**, и он обычно используется в не проводных каналах с целью размещения многих пользователей передачи речи и данных.

2. Другой метод для создания многих подканалов для множественного доступа сводится к делению длительности T_f , называемой рамочной или каркасной длительностью на N неперекрывающихся интервалов, каждый длительностью T_f/N . Каждому пользователю, который может передавать информацию, выделяется частный временной интервал внутри каждого каркаса. Этот метод множественного доступа называется **множественным доступом с временным разделением (МДВР или TDMA)** и он часто используется при передаче данных и речи.

3. Альтернативой **FDMA** и **TDMA** заключается в том, чтобы позволить больше чем одному пользователю владеть совместно каналом или подканалом путем использования прямых последовательностей широкополосных сигналов. В этом методе каждому пользователю присваивается уникальная кодовая последовательность или адресная последовательность (последовательность подписи), которая позволяет пользователю рассеять информационный сигнал по выделенной полосе частот. Этот метод множественного доступа назван **множественным доступом с кодовым разделением (МДКР или CDMA)**.

4. В **CDMA** пользователи поступают в канал случайным образом. Следовательно, передаваемые сигналы от многих пользователей перекрываются во времени и частоте. Если каждый сигнал рассеян по частоте посредством псевдослучайной кодовой последовательности, то такой **CDMA** называют **множественным доступом с рассеянным спектром (МДКС или SSMA)**.

Произведен расчет пропускной способности множественного доступа.




Рис.6. Суммарная нормированная Пропускная способность как функция от E_b/N_0 для FDMA по формуле (1).

В идеальном частотно ограниченном канале с полосой W и АБГШ пропускная способность одного пользователя

равна $C' = W \log_2 \{1 + (P / (WN_0))\}$, где $N_0/2$ – спектральная плотность аддитивного шума (АБГШ). Следовательно, суммарная пропускная способность для K пользователей равна $KC' = W \log_2 \{1 + (KP / (WN_0))\}$ (1), поэтому суммарная пропускная способность эквивалентна пропускной способности пользователя со средней мощностью $P_{cp} = KP$.

Таким образом, множественный доступ с кодовым разделением является наиболее потребной для современной системы связи со многими пользователями.

Ёш авлод маънавияти ва маданиятини шакллантиришда миниатюра саъатининг роли

*Хуришда Сувонова-СамДАҚИ архитектор
факултети 1-босқич талабаси*

Ўрта Осий ҳудудида санъат ва маданият илдизлари жуда узок тарихга бориб тақалади. Тарих тақозосига кўра миниатюра санъати ушбу минтақада бошқа тасвирий санъат турлари ва жанрларига кўра бирмунча мазмунлироқ ва самаралироқ ҳисобланади. Лекин ушбу санъат тури ҳам турли даврларда юксак даражада ривожланиб, гоҳида таназзулга юз тутган. Бундай пайтларда у ўзи эришган ютуқларни вақтинчалик эсдан чиқарди, сўнгра эса яна профессионал жиҳатдан юксакларга кўтарилди. Миниатюра санъати ҳозирги пайтда янада ривож топмоқда ва ёшларда маънавиятни, миллий маданий меросга хурматни шакллантиришда муҳим рол ўйнамоқда.

Миниатюра санъати аввало, Шарқ маданиятига хос. Темур ва темурийлар даврида ушбу санъат тури кенг ривожланиб, ғарбликлар тили билан айтганда, "Шарқ Ренессанси" деб номланди. Бу бежиз эмас, албатта. Соҳибқирон А. Темур ўз мамлакатининг кудратли бўлиши учун нафақат қурол, балки, илму-фан, маърифат муҳим эканлигини англаб етганлиги боис, дунёнинг кўпгина мамлакатларидан машҳур меъмор, олимларни, илму-маърифат фидойиларини, мусаввирларни Самарқандда жамлади. Миниатюра санъати бевосита бадиий адабиёт, шеърятга боғлиқ бўлганлиги боис, хаттотлар ва мусаввирларга бу даврда эҳтиёж ниҳоятда ортган эди. Шу сабабли, Самарқанд, Бухоро, Исфаҳон, Табриз, Хирот, Шероз каби ўнлаб миниатюра мактаблари пайдо бўлиб, уларда ўнлаб мусаввирлар ижод қилдилар. Мирак Наққош, Камолiddин Бехзод, Махмуд Музаҳҳиб, Муҳаммад Нодир Самарқандий, Мир Саид Али Термизий каби дунёга машҳур мусаввирлар илмий-маърифий, бадиий асарларни қўлёзма сифатида беэба, тарих зарварақларидан муносиб жой эгалладилар. Афсуски, уларнинг аксарияти ҳақида маълумотлар ҳали тадбиқ этилмаган. Ушбу услубий кўрсатмада Ўзбекистон миниатюра санъати, унинг тарихи, шу соҳада ижод қилган мусаввирлар ҳақида турли манбаларни ўрганилиб, янги маълумотлар билан бойитилди.

Шуни таъкидлаш лозимки, давлатимиз ўзи шаклланаётган мураккаб бир даврда бадиий маданият тақдири учун масъулиятни зиммасига олиб, тасвирий санъат соҳасига алоҳида эътибор қаратди. 1997 йилда Биринчи Президентимиз И.Каримов Фармони билан Ўзбекистон Бадиий Академияси ташкил этилди. Унинг олдида Ўзбекистон ҳудудида шаклланган миллий

санъатнинг турли мактабларига хос ноёб анъаналарни асраб-авайлаш, ўрганиш ва ривожлантириш; миллий тасвирий, амалий, миниатюра санъати дурдоналарини оммалаштириш; замон талабига жавоб берадиган бадий таълим тизимини яратиш; юқори малакали кадрлаш тайёрлаш; академик йўналишидаги илмий-тадқиқот ишларни ривожлантириш вазифаси турарди. Ўзбекистон Бадий Академиясининг самарали фаолияти натижасида мустақиллик йилларида ўз асарлари билан юртимизни дунёга машхур қилган рассомлар номи улуғланиб, уларга юксак эътибор кўрсатилди. Натижада миниатюра санъати ва бу соҳада ижод қилаётган мусаввирлар кўлами янада ошди.

Мустамлака йилларида унутилаётган миниатюра санъати мустақиллик туфайли янгидан кўз очди, мусаввирлар учун яратилаётган шарт-шароитлар ва давлат миқёсидаги эътибор туфайли янада гуллаб яшнамоқда.

Маълумки, санъат ҳамиша одамлар онгига инсонпарварлик ва бағрикенглик ғояларини сингдиришда муҳим қурол бўлиб келган. Ҳозирги кунда ушбу кадрятлар ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир. Таъкидлаш жоизки, санъат ва маданият ҳамиша кишиларни эзгулик руҳида тарбиялашга, уларнинг қалбига гўзаллик ҳиссини сингдиришга хизмат қилиб келмоқда.

Пути использования ИКТ в обучении русского языка

*Ф.Якубова, М.Кадырова -преподаватели
Самаркандского педагогического колледжа*

Педагогические задачи компьютеризации в образование можно квалифицировать по трём основным направлениям: формирование определённого стиля мышления у всех учащихся; повышения эффективности преподавания всех предметов активизировать познавательный интерес учащихся.

Познавательный интерес является основным внутренним мотивом обучения, поэтому развитие познавательного интереса к языку столь важно в работе учителя. Для решения этой задачи необходимо использовать на информационно компьютерной технологии, так как огромные возможности ИКТ (систематизация, красочность, занимательность, мобильность предлагаемой информации), безусловно, повышается интерес учащихся к уроку и к предмету, а значит, повышается и качество усвоения знаний.

Компьютер может выполнять функции информационной системы, банка данных, автоматизированного справочника.

Компьютерная грамотность учеников предполагает аналогичную грамотность всех учителей-предметников. Вот почему так возможно учителям начинать знакомиться с дидактическими возможностями компьютера, областями наиболее эффективного его применения, с теми изменениями в своей деятельности и деятельности учащихся на уроке, которые связаны с применением компьютера.

Все свои реплики ученики произносит устно (не мешая при этом товарищам, так как работает с телефонно-микрофонной гарнитурой), а также вводит их в компьютер с помощью соответствующих клавиш. Таким образом, осуществляется комплексная работа по формированию

правописных навыков и развитию умений в таких наиболее продуктивных видах речевой деятельности. Правильно составленная речевая модель просьбы вызывает ответную реакцию: прямо на глазах ученика на экране дисплея он выполняет требуемое действие. Компьютер также анализирует качество выполненной работы, выдает на дисплей количество заработанных учеником очков и оценочный комментарий.

Систематическое использование компьютера на уроке приводит к целому ряду последствий:

- повышению уровня использования наглядности на уроке;
- повышению производительности урока;
- происходит актуализацию познавательных интересов учащихся;
- преподаватель, создающий или использующий информационные технологии, вынужден обращать огромное внимание на логику подачи учебного материала, что положительным образом сказывается на уровне знаний учащихся.

-изменяется учеников отношения к компьютерам, как к дорогой, увлекательной игрушке. Ученики начинают воспринимать его в качестве универсального инструмента для работы в любой области человеческой деятельности.

Рациональное использование учителем средств информационно-коммуникационных технологий (ИКТ) обеспечивает максимальный результат в развитии мотивации учеников за минимальный промежуток времени.

Развитие внутренней мотивации возможно вследствие расширения жизненного мира школьника, изучения различных видов деятельности, связанных с применением ИКТ, и нахождения такого вида деятельности, связанных потребностям и способностям учащихся. Для этого необходимо предусмотреть деятельность по анализу информации, совместной работы при решении различных проблем, активизации деятельности учащихся.

Неотъемлемым атрибутом любого учебного класса всегда являлась школьная доска-поле информационного обмена между учителем и учеником.

Интерактивная доска(ИД)- это новейшее техническое средство обучения, объединяющее в себе все преимущества современных компьютерных технологий. Она не только соответствует способу восприятия информации поколения современных школьников, но и позволяет учителю создать ситуацию успеха для любого ученика, независимо от его уровня знаний и умений.

При работе с ИД учитель получает ряд дополнительных методических возможностей: неограниченное пространство и возможность возврата к предыдущим записям при помощи управляющих кнопок. Это позволяет существенно экономить время и более эффективно конструировать урок.

Использование ИД не только усиливает наглядность изложенного материала, делает урок живым и увлекательным, но и повышает заинтересованность учащихся, позволяет улучшить запоминание учебного материала.

Внешне ИД похоже на обычную доску, но ее преимущества обнаруживаются уже при беглом знакомстве с ней. Работа с данным оборудованием помогает сделать изложение материала более увлекательным, наглядным и динамичным и при необходимости легко установить обратную связь с учениками. Не забудем и об экономии времени на уроке.

Отметим также, что ИД соответствует способу восприятия информации, свойственному нынешним ученикам (поколению, выросшему на компьютерах и мобильных телефонах), многие из которых испытывают повышенную потребность в визуализации информации. Благодаря наглядности и интерактивности удастся активизировать работу учащихся и поддерживать у них интерес к предмету. У ребят повышается внимание, они лучше понимают и запоминают материал.

Увеличению эффективности образовательного процесса способствует не только привлекаемые наглядные ресурсы (например, лекцию преподаватель может снабдить видео- и аудиоматериалами), но и познавательные обучающие программы, позволяющие моделировать опыты и эксперименты, а также тестирование с быстрым выводом на доску результатов.

Чет тили машғулотларида ноанъанавий усулларни қўллашнинг аҳамияти

Ф. Сатторова, Н. Сатторова-Самарканд педагогика коллежи уқитувчилари

Тил инсонлар ўртасидаги энг муҳим алоқа воситасидир. Ҳозирги пайтда ер юзида аҳоли сони 7,5 миллиарддан ошиб кетган бўлиб, улар 3000 дан ортиқ тилда сўзлашади. Инсонлар тил воситасида бир-бирлари билан фикр алмашадилар, ўз ҳис-туйғуларини ифодалайдилар. Умумбашар тараққиётида бевосита тилнинг роли каттадир. Бугунги кун глобаллашув жараёнида жаҳон цивилизацияси ютуқлари ва дунё ахборот ресурсларидан кенг қўламда фойдаланиш учун ўз она тилимиздан ташқари ривожланган мамлакатларнинг тилларини ҳам ўрганиш шу куннинг долзарб масалаларидан бирига айланди. Шунинг учун ҳам давлатимиз томонидан оқилона олиб борилаётган таълим-тарбия тизимидаги ислохотлар ёш авлоднинг янада кенгроқ билим олишлари учун катта имкониятлар очиб бермоқда. Жумладан, ўрта махсус касб-хунар таълими тизимида биринчи Президентимиз И. Каримовнинг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ хорижий тилларни ўқитиш самарадорлигига катта эътибор берилмоқда.

Маълумки, таълим муассасаси ўйлайдиган ва фикрлайдиган, нафақат билимларни эгаллаган, балки улардан ҳаётда фойдалана оладиган инсонларни тарбиялаши керак. Шунинг учун ўқувчининг ақлий қобилиятларини ва интеллектуал хусусиятларини шакллантиришга йўналганлик таълимда дастлабки устуворлик касб этиши лозим. Маълумки, ўсмир ёшидаги ўқувчиларда интеллектуал ривожланишнинг асосий намоён бўлиш шакли ўқув мустақиллиги (ўқиш малакаси) ҳисобланади. Бу:

1. Ўзининг энг яқин ва истикболдаги қадамларини режалаштириш;
2. Ҳаракатлари натижаларини баҳолаш;
3. Ўз билим ва малакаларини баҳолаш.

Замонавий таълимни ташкил этишга қўйиладиган муҳим талаблардан бири ортиқча руҳий ва жисмоний куч сарф этмай, қисқа вақт ичида юксак натижаларга эришишдир. Қисқа вақт орасида муайян назарий билимларни ўқувчиларга етказиб бериш, уларда маълум фаолият юзасидан кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш, шунингдек, ўқувчилар фаолиятини назорат қилиш, улар томонидан эгалланган билим, кўникма ва малакалар даражасини баҳолаш ўқитувчидан юксак педагогик ҳамда таълим жараёнига нисбатан янгича ёндошувни талаб этади.

Ҳар қандай чет тилини ўрганишдан мақсад аввало, ўша тилда бемалол мулоқот қила олишдир. Чет тилларни ўрганиш узоқ ва мукамал жараён. Шунинг учун ҳам тил ўрганиш бўйича амалга ошириладиган барча тадбир воситалардан оқилона фойдаланиш лозим. Айниқса, оғзаки нутқни ривожлантиришда ноанъанавий усулларнинг қўлланиши яхши самара беради. Бундай машғулотларда ўқувчилар тез мулоқотга киришадилар.

Машғулотларда дидактик ўйинлар ҳам қўлланиши талабаларда жамоа бўлиб ишлаш, дўстона муносабатда бўлиш, диққат-эътиборни жамлаш, хотирани мустаҳкамлаш хусусиятларини шакллантиради, нутқ маданиятини оширади. Чет тилини ўрганишда гуруҳларга бўлиниб ишлаш ҳам самарали воситалардан биридир.

Масалан, а) “Кимнинг талаффузи тўғри ва аниқ” ўйин-топшириғида ўқувчиларга карточкаларга ёзилган сўзлар кўрсатилади, турли расмлар намойиш этилиб, улардаги нарсалар номлари инглиз тилида айтилиши талаб этилади. Қайси гуруҳ аниқ ва тўғри талаффуз этса, ўша гуруҳ ғолиб ҳисобланади.

б) Кимнинг хотираси яхшироқ? Бунда талабалар икки гуруҳга бўлинадилар, навбати билан инглиз тилида ёд олган сўзларни, отлар, сифатлар, сонларни айтадилар, ўқитувчи бу сўзларнинг тўғри ва аниқ талаффуз қилинишини назорат қилади ва ҳисоблаб боради. Қайси гуруҳ кўпроқ сўзларни тўғри айтиб берса, ўша гуруҳ ғолиб ҳисобланади.

Ўқувчиларнинг чет (инглиз тили)га бўлган қизиқишларни таъминлаш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш муҳим саналади:

-биринчидан, шахс камолотида таълим-тарбиянинг устуворлигини таъминлаш;

-иккинчидан, ўқувчиларда чет тилларга бўлган қизиқиш ва эҳтиёжларини тўлиқ таъминлаш;

-учинчидан, ўқувчиларда чет тилларни ўрганиш шарт-шароитлари ва имкониятларини тўлиқ яратиш;

-тўртинчидан, ўқувчиларда чет тилларни ўрганиш орқали эстетик дид, бой дунёқарашни шакллантириш.

Ўқув тарбия жараёнида ўқитишнинг турли шакллари билан самарали фойдаланиш, қизиқарли метод ва технолгияларни қўллаш ўқувчиларнинг чет тилларни мукамал ўрганишга ёрдам беради. Айниқса, дарсда ва дарсдан ташқари ўқув тарбиявий тадбирларни баҳс, мунозара, мушоира, ролли ва педагогик ўйинлар орқали олиб борилса ўқувчиларнинг чет тилини

ўрганишларига тўғри йўл танланган бўлади. Ўқувчиларга чет тилини ўқитишдан асосий мақсад ўқиш, ўрганиш орқали берилган матнларни ўзлари мустақил равишда ўқиб, мазмунини тушунишлари, ўтилган матн юзасидан эркин фикр алмаша олишлари уларнинг билим фаолиятини ошириш, билимдонлиги, топқирлиги, донолиги ҳамда зукколигини таъминлаш муҳим восита ҳисобланади.

Бугунги кунда ривожланган мамлакатларда янги педагогик технологиялар ўқувчиларнинг интеллектуал қобилиятини ўстириш борасида катта тажриба тўпланган бўлиб, ушбу тажриба асосларини ташкил этувчи методлар интерфаол методлар номи билан юритилмоқда. ”Ақлий ҳужум”, “Музёра”, “Кластер”, “Кубик”, “Бошқотирмалар”, ”Зинама зина”, “Нима учун?” каби ўнлаб интерфаол усул ва методлар чет тилларини ўқитишда ҳам муҳим самарали омиллардан ҳисобланади.

Халқимизда “Тилга эътибор-элга эътибор” деб бежиз айтилмаган. Зеро, бирор мамлакатнинг тилини ўрганиш орқали унинг аҳолиси, географик жойлашуви, санъати, адабиётини ҳам ўрганилади, ўқувчиларнинг билимлари ва дунёқараши ҳам шакллантирилади. Шунинг учун ҳам чет тилларни ноанъанавий усуллардан кўпроқ фойдаланиб ўрганиш янада самарали бўлиши табиийдир.

Мактабгача таълим муассасаларидаги тасвирий фаолият

машғулотларининг ўзига хос хусусиятлари

Камола Сувонова-СамДУ ҳузуридаги ХТХҚТУМОИ

ҳудудий бўлими амалий фанлар ва мактабдан

ташқари таълим кафедраси ўқитувчиси

Санъат, жумладан тасвирий санъат кишилик жамиятида, инсонлар ҳаётида муҳим рол ўйнайди. Унинг тарихи жуда қадимга бориб тақалади. Ҳали фан оламида мураккаб кашфиётлар, ёзувлар пайдо бўлмасдан туриб инсонлар ғорларга, тошларга илк расмларни ўйиб тасвирлаганликлари тарихдан маълум. Бундай тасвирлар Ўзбекистон ҳудудида ҳам топилган. Узоқ йиллик кишилик жамияти тараққиётида санъат ҳам кенг ривожланиб, инсонлар ҳаётининг ажралмас бир қисми бўлиб қолди. Санъат аввало инсонлар томонидан яратилади ва уларнинг ўзларига битмас-туганмас завқ-шавқ беради. Ҳозирги пайтда кино, театр, мусиқа, бадиий адабиёт, опера каби ўнлаб санъат турлари қаторида тасвирий санъат ҳам жадал ривожланиб, ҳар бир халқнинг, миллатнинг маънавий оламини, маданиятини белгилаб берувчи омил сифатида фаолият кўрсатмоқда.

Тасвирий санъат келажак авлоднинг ҳар томонлама етук бўлиб вояга етишишларида муҳим тарбиявий воситадир. Шунинг учун ҳам ушбу предметга муносабатни тубдан ўзгартириш, болаларнинг тасвирий қобилиятларини ва ижодкорлигини илк боғча ёшидан оқ бошлаш долзарб вазифа сифатида ҳукуматимизнинг диққат-эътиборида бўлмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги “2017 – 2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2707- сонли қарори ижросини таъминлашда болаларни мактаб таълимига тайёрлаш даражасини

тубдан яхшилаш, таълим-тарбия жараёнига замонавий таълим дастурларини тадбиқ этиш, малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, болаларни ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, таълим муассасаларининг моддий техника базасини мустаҳкамлаш, мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш бўйича 2017-2021 йилларга мўлжалланган дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари режаси ишлаб чиқилди. Мактабгача таълимнинг вазифаси болаларни халқнинг бой миллий, маданий – тарихий меросига муҳаббат уйғотиш, маънавий ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш, болаларда миллий ватанпарварлик ҳисларини шакллантириш, мактабгача ёшдаги болаларда билим олиш эҳтиёжини, ўқишга интилиш мойилликларини шакллантириб, уларни мунтазам равишда таълим жараёнига тайёрлаш, болаларнинг тафаккурини ривожлантириш, ўзининг фикрини мустақил ва эркин ифодалаш малакаларини шакллантириш, болаларнинг жисмоний ва руҳий соғлигини таъминлашдан иборат.

Асосий мақсадлардан яна бири замонавий тасвирий санъат орқали болалардаги қобилият ҳамда имкониятларни аниқлаб, уларни тўғри шакллантириш ва юзага чиқаришдир. Мактабгача таълим муассасаларида ўтиладиган “тасвирий фаолият” машғулоти болаларга бериладиган эстетик тарбия масалаларини ечишда катта аҳамиятга эга. Чунки тасвирий фаолият ўз хусусиятига кўра бадиий фаолият ҳисобланади. Бадиий фаолият машғулотларининг барча турлари болаларда гўзалликни билиш учун, борлиққа эмоционал-эстетик муносабатни ривожлантириш учун кенг имкониятларни очиб беради.

Мактабгача таълим муассасалари учун ишлаб чиқилган “Болажон” таянч дастурига кўра кичик гуруҳлардан бошлаб энг кўп вақт, яъни 4 соат тасвирий фаолиятга ажратилган. Ҳафталик юклама 12 соатни ташкил этилишини ҳисобга олсак, тасвирий фаолият барча фаолиятларнинг учдан бир қисмини ташкил этади. Демак, тасвирий фаолият интегратив мазмун касб этувчи энг катта бўлим ҳисобланади ва фаолиятнинг бошқа турлари билан мантиқий ва дидактик боғлиқликда амалга оширилади. Бу омил тасвирий фаолият машғулоти мазмуни ва методикасини фаолиятнинг бошқа турларига ҳамоҳанг тарзда такомиллаштириб бориш лозимлигини англатади.

Мактабгача таълим муассасаларидаги тасвирий фаолият машғулотида болалар асосан амалий иш бажарадилар. Тасвирий фаолият машғулоти хилма-хилдир бўлиб, расм чизиш, лой иши, аппликация, қуриш-ясаш каби машғулотлардан ташкил топади. Бошланғич синфларда таълим-тарбия масалаларининг муваффақиятли ҳал этилиши мактабгача таълим муассасаларида олиб бориладиган тасвирий фаолият машғулоти билан узвий равишда олиб борилади.

Болалар гуруҳлардаги олиб бориладиган тасвирий фаолият машғулотида қалам ҳамда мўйқаламдан эркин фойдаланишга, ўз характерини ва қўл ҳаракатини идора этишга ўрганадилар. Бу эса малакани эгаллаш, болаларда қўлини енгил, эркин бир текисдаги ҳаракат қилиш хусусиятларини ривожлантиради. Болалар турли шакл, катталиқ, пропорциядаги предметларни чизиш жараёнида предметнинг иш хусусиятига қараб йўналишни сақлаш зарурлигига, предметнинг катталигига мос равишда

харакатланишга ўрганадилар. Мактабгача таълим муассасаларида олиб бориладиган тасвирий фаолият машғулотларида материалдан тартибли фойдаланишга, уларни тоза сақлашга, фақат зарур материалларни ишлатиш йўллари режалаштиришга ўрганадилар. Бу машғулотлар болаларда диққатни ва кўриш хотирасини ривожлантиради.

Мактабгача таълим муассасалари тайёрлов гуруҳида натурага қараб расм чизиш ёки тасвирлашга нисбатан талаблар ошади ва бу талаблар мактаб дастурига яқинлашади. Болалар натурани таҳлил қилишга, бутун умумий шаклни қоғозга хомаки тушириб олишга, расмни натурага солиштиришга, хато ва камчиликларни тўғрилашга, натурага ўхшатишга уринадилар.

Тасвирий фаолият машғулотларида болалар геометрик шаклларни топа олишга ёки кўра олишга, уларни терминлар билан аташга, кенглиги, катталиги, узунлиги, баландлигини, қисмларнинг бир-бирига нисбатан фазавий жойлашиши билан танишадилар. Бу эса уларнинг мактабнинг 1-синфида элементар математик тушунчаларни пухта эгаллашларига ёрдам беради.

Қуриш-ясаш машғулотларида болаларда кўз билан чамалаш малакаси шакллантирилади ва болаларнинг мактабдаги техник дарсларни ўзлаштиришга омил бўлади.

Yoshlarning intellektual salohivatini yuksaltirishda ilmiy-madaniy merosdan foydalanishning ahamiyati

D. Jo`rayeva-Samarqand tayanch tibbiyot kolleji o`qituvchisi

A. G`ulomov-Yakkabog` tumani, 66-maktab o`qituvchisi.:

Har bir xalq o`z o`tmishi, o`z tarixiga ega. Asrlar davomida kishilarning tinimsiz izlanishlari, fan taraqqiyotiga qo`shgan beqiyos hissalarini tufayli hozirgi rivojlangan jamiyatda yashayapmiz. Dunyo fani rivojlanishiga katta hissa qo`shgan, dunyohamjamiyatida tan olingan buyuk allomalar qatorida bizning avlodlarimizning nomlari ham ko`p takrorlanadi. Bu bejiz emas, albatta. Al-Xorazmiy, Abu Rayhon Beruniy, Forobiy, Ahmad Farg`oniy, Abu Ali ibn Sino, Mahmud Zamaxshariy, Qoziizoda Rumi, Ahmad Yassaviy, Alisher Navoiy, Mirzo Ulug`bek, Zahiriddin Muhammad Bobur kabi o`nlab avlodlarimizning dunyo fani, madaniyati taraqqiotiga qo`shgan bebaho hissasi, bizga qoldirgan ma`naviy merosi biz uchun har doim dasturilamal bo`lmog`i lozim.

Ta`bir joizki, Xoja Bahovuddin Naqshband, Ahmad Yugnakiy, Imom al-Buxoriy, Yusuf Xos Hojib va boshqalarning asarlarida ham dunyoviy bilimlar bilan birga mehnat tarbiyasiga, kasb-hunar o`rganishga oid fikrlar keng yoritilgan. Masalan, buyuk alloma Alisher Navoiy "Mahbub-ul-qulub" asarida muallim o`z shogirdlarini ham, o`zi ta`lim berayotgan fanini ham sevishi zarurligini uqtiradi. Navoiy o`qituvchini jamiyatning eng obro`li va hurmatga loyiq a`zosi sifatida qadrlaydi, shogirdlar o`z muallimini hurmat qilishini va e`zozlashini uqtiradi.

Mustabid tuzum davrida o`zbek xalqining asrlar davomida yaratib kelgan milliy - ma`naviy qadriyatlari toptab kelinishi oqibatida o`zbek xalqi o`tmish avlodlari uchun muqaddas bo`lgan va ularning mehnati bilan yaratilgan ma`naviy boyliklardan bahramand bo`lish imkoniyatlaridan mahrum bo`lib keldi. O`tmishda yaratilgan ilmiy va badiiy asarlar, san`at namunalari, milliy an`analar, urf-odatlar

kamsitilishi bilan birga, ularni asrab-abaylash va kelajak avlodga etkazish turli yo`llar bilan bo`g`ib kelindi.

Jamiyatda yashaydigan har bir fuqaroning ongu tafakkuri sog`lom bo`lar ekan, bunday yurtda yashayotgan kishilarning milliy ma`naviy qadriyatlarga, adabiyotga, san`atga, mafkuraga bo`lgan qarashlari ham ijobiy tomonga o`zgaradi. Mustaqillikdan so`ng xalqimizning milliy ma`naviy qadriyatlarga e`tibori yanada yuksaldi. Milliy, ma`naviy, umuminsoniy qadriyatlarning yuksalishida, an`analarimizning shakllanishida o`rta maxsus kasb-hunar ta`limi tizimining ham o`ziga xos o`rni bor. Shuning uchun ham jahon fani va madaniyati taraqqiyotiga mislsiz hissa qo`shgan ajdodlarimizning ma`naviy merosini yurtimiz kelajagi bo`lmish o`quvchi yoshlar ongiga singdirish bugungi kunning lolzarb bazifalaridan biridir.

Ma`lumki o`quvchilar egallashi lozim bo`lgan muhim kompetensiyalardan biri-umummadaniy kompetensiyadir. Vatanga sadoqatli, insonlarga mehr-oqibatli hamda umuminsoniy va milliy qadriyatlarga e`tiqodli bo`lish, xalqining tarixiy, ma`naviy va madaniy merosini avaylab asrash, jamiyatda o`rnatilgan odob-axloq qoidalariga rioya qilish, badiiy va san`at asarlarini tushunish, umumbashariy ahamiyatga ega bo`lgan urf-odatlar, marosimlar, milliy-madaniy an`analarni bilish, unga hurmat bilan munosabatda bo`lish kabilar umummadaniy kompetensiyaning ko`rinishlaridir. Bu kompetensiyalarni shakllantirishning asosiy omillari quyidagilar:

-o`qituvchi kasbiy intilishi, ta`sirchanligi, intellectual faolligi, maqsad sari intiluvchanligi, mehnatsevarligi, kamtarligi, oratorlik sifatiga, va pedagogik madaniyatga ega bo`lishi kerak;

-qadimiy an`analarimiz, tarixiy merosimizni asrab-avaylash va rivojlantirish, shu bilan birga, o`quvchilarimiz ongida demokratik qadriyatlarni shakllantirish, vatanparvarlik va umuminsoniy fazilatlarini singdirish, xalqining tarixiy, ma`naviy va madaniy merosini asrab-avaylash hamda o`rganish maqsadida sayohatlar uyushtirish lozim.

O`rta asrlar Sharq tarixi shundan dalolat beradiri, madaniyat va ta`lim-tarbiya, tibbiyot, adabiyot, san`at va arxitektura sohalaridagi beqiyos yuksalish, ilmiy-madaniy markazlarning vujudga kelishi, yangi-yangi iste`dodlarning paydo bo`lishi – bularning barchasi birinchi navbatda iqnisodiyot, qishloq va shahar xo`jaligining ancha jadal o`sishi, hunarmandchilik va savdo sotiqning yuksak darajada rivojlanishi, yo`llar qurilishi, yangi karvon yo`llarining ochilishi va avvalambor, nisbiy barqarorlikning ta`minlanishi bilan bevosita bog`liq bo`lgan. Birinchi Prezidentimiz I. Karimov 2014 yil 15-16 may kunlari Samarqand shahrida o`tkazilgan “O`rta asrlar Sharq allomalari va mutafakkirlarining tarixiy merosi, uning zamonaviy sivilizatsiya rivojidagi ro`li va ahamiyati” mavzusida o`tkazilgan xalqaro konferensiyaning ochilish marosimida so`zlagan nutqida ana shu jihatlarga e`tibor berib shunday degan edi: “Bugungi kohferensiyaning maqsadi- O`rta asrlarda Sharq olamida yashab ijod etgan buyuk alloma va mutafakkirlarning ilmiy merosini chuqur muhokama qilish va anglash, uning zamonaviy sivilizatsiya tarixida tutgan o`rni va roliga baho berishdan iborat”.

Bu ulug` allomalarning ilm-fan sohasiga baxshida etgan hayoti ular erishgan va bugungi kunda butun insoniyatni hayratga solib kelayotgan yutuqlari - bu hech shubhasiz, haqiqiy ma`naviy jasorat namunasidir. O`rta asrlarda yashab ijod

etgan buyuk Sharq alloma va mutafakkirlarining tengsiz asarlari, ilmiy merosi faqat bir millat yoki xalqning emas, butun insoniyatning ma'naviy mulkidar. Ana shunday buyuk allomalarimizning boy ilmiy merosini, uning jahon hamjamiyatidagi ahamiyatini o'quvchilar ongiga singdirish yoshlarda g'urur – iftixor hislarini uyg'otibgina qolmay, ilm-fanga qiziqishlarina ham o'stiradi. Buning uchun quyidagilarga e'tibor berish lozim:

Birinchi, uch ming yillik tarixga ega bo'lgan xalqimizning ilmiy-madaniy merosi dunyo tamadduni taraqqiyotiga muhim ta'sir ko'rstganligini dalillar orqali tushuntirish:

Ikkinchi, birinchi Prezidentimiz I. Karimovning “Qayerda tinchlik bo'lsagina ilm-fan markazlari, akademiyalar, oily o'quv yurtlari paydo bo'ladi. Eng muhimi, ta'lim-tarbiya ravnaq topib, unga qiziqish, e'tibor kuchayadi”, degan so'zlarining ma'nosini ochib berish:

Uchinchi, Buyuk Ipak Yo'li, Ma'mun Akademiyasi, Bag'dod Akademiyasi, Ulug'bekning ilmiy maktabi Sharq xalqlari tarixida muhim o'rin tutganligini ko'rsatib berish:

To'rtinchi, zaminimizdan yetishib chiqqan buyuk allomalar: Al-Xorazmiy, Ahmad Farg'oniy, Beruniy, Ibn Sino, Forobiy, Mahmud Qoshg'ary, Mahmud Zamaxshariy, Mirzo Ulug'bek, Qozizoda Rumiy, Ali Qushchi, Alisher Navoiy, Zahiriddin Muhammad Bobur va boshqa mutafakkirlarning merosi jahon ahamiyatiga molik bebaho boylik ekanini tushuntirib berish:

Beshinchi, buyuk ajdodlarimizning bebaho asarlarini jahon mulkiga aylantirishda katta hissa qo'shgan xorijlik va mahalliy sharqshunos olimlarning xismlari haqida so'zlab berish:

Oltinchi, buyuk ajdodlarimiz yaratgan bebaho tarixiy silsila bundan buyon ham davom etajagi, mamlakatimizda ta'lim sohasidagi islohotlarning berayotgan samarasi haqida o'quvchilarga ma'lumot berish.

Aha shu maqsadlarni amalga oshirish uchun ta'lim muassasalarida o'quvchilar allomalarimiz asarlarini, ularning hayot yollarini o'rganishlari lozim. Chunki, ularning asarlarida mehr-oqibat, axloq-odob, halollik, poklik, do'stlik, ota-ona va farzandlarning haq - huquqlari kabi barcha insoniy tuyg'ular, burch va vazifalar o'z ifodasini topgan.

Yoshlarning g'oyaviy-mafkuraviy salohivatini yuksaltirishda ilmiy-madaniy merosdan foydalanishning ahamiyati

D.Nabiyeva, B. Narzullayev-Samarqand pedagogika kolleji o'qituvchilari

Har bir xalq o'z o'tmishi, o'z tarixiga ega. Asrlar davomida kishilarning tinimsiz izlanishlari, fan taraqqiyotiga qo'shgan beqiyos hissalarini tufayli hozirgi rivojlangan jamiyatda yashayapmiz. Dunyo fani rivojlanishiga katta hissa qo'shgan, dunyohamjamiyatida tan olingan buyuk allomalar qatorida bizning avlodlarimizning nomlari ham ko'p takrorlanadi. Bu bejiz emas, albatta. Al-Xorazmiy, Abu Rayhon Beruniy, Forobiy, Ahmad Farg'oniy, Abu Ali ibn Sino, Mahmud Zamaxshariy, Qozizoda Rumiy, Ahmad Yassaviy, Alisher Navoiy, Mirzo Ulug'bek, Zahiriddin Muhammad Bobur kabi o'nlab avlodlarimizning dunyo fani, madaniyati taraqqiyotiga qo'shgan bebaho hissasi, bizga qoldirgan ma'naviy

merosi biz uchun, kelajak yoshlarimizning g'oyaviy-mafkuraviy savodxonligini oshirish uchun har doim dasturilamal bo'lmog'i lozim.

Ta'bir joizki, Xoja Bahovuddin Naqshband, Ahmad Yugnakiy, Imom al-Buxoriy, Yusuf Xos Hojib va boshqalarning asarlarida ham dunyoviy bilimlar bilan birga mehnat tarbiyasiga, kasb-hunar o'rganishga oid fikrlar keng yoritilgan. Masalan, buyuk alloma Alisher Navoiy "Mahbub-ul-qulub" asarida muallim o'z shogirdlarini ham, o'zi ta'lim berayotgan fanini ham sevishi zarurligini uqtiradi. Navoiy o'qituvchini jamiyatning eng obro'li va hurmatga loyiq a'zosi sifatida qadrlaydi, shogirdlar o'z muallimini hurmat qilishini va e'zozlashini uqtiradi.

Mustabid tuzum davrida o'zbek xalqining asrlar davomida yaratib kelgan milliy - ma'naviy qadriyatlari toptab kelinishi oqibatida o'zbek xalqi o'tmish avlodlari uchun muqaddas bo'lgan va ularning mehnati bilan yaratilgan ma'haviv boyliklardan bahramand bo'lish imkoniyatlaridan mahrum bo'lib keldi. O'tmishda yaratilgan ilmiy va badiiy asarlar, san'at namunalari, milliy an'analar, urf-odatlar kamsitilishi bilan birga, ularni asrab-abaylash va kelajak avlodga etkazish turli yo'llar bilan bo'g'ib kelindi.

Ўқув фаолияти-бу кенг маънода инсон фаолиятининг муайян мақсадлар йўналишида намоён бўлишидир. Бу фаолият фақат инсоният жамиятида амалга оширилиши сабабли, у нафақат ҳар бир инсоннинг, балки бутун жамиятнинг манфаатлари ва мақсадларига хизмат қилади.

Аралаш таълимнинг -бу инсонда муваффақиятли меҳнат фаолиятини амалга ошириш имкониятини таъминлаш мақсадида уни ўқитиш ҳамда тарбиялашга қаратилган мақсадли фаолиятдир. Ушбу жараённинг моҳияти инсон томонидан тўпланган тажриба, билимлар, малака ва кўникмалар шаклида ўзгартириш ҳамда уни ўсиб келаётган авлодга беришдан иборат. Ўқув фаолияти инсоннинг индивидуал ривожланиши билан узвий боғлиқ ва унинг ҳамма фазаларда- болалиқдан бошлаб, то улғайган давригача мавжуд бўлади.

Шунинг учун тарихий ижтимоий ҳодиса ҳисобланмиш ўқув жараёни ўз ривожланиш тарихига эга. Демак, ўқув фаолияти, бошқа инсон фаолияти

турлари сингари, кишилик жамиятига хос бўлган объектив ҳодиса сифатида амал қилади. Жамиятнинг ўзи мураккаб ва зиддиятли ўзгаришларга учраб турар экан, ўқув фаолияти ҳам инсоният тараққиётининг турли ривожланиш босқичларида ҳар хил муайян шаклларга эга бўлади. Масалан, Ўзбекистонда мустақиллик қўлга киритилгандан сўнг таълим соҳасида бир қатор муҳим ҳужжатлар қабул қилинди ва узлуксиз таълим тизими шаклан ва мазмунан янги ривожланиш босқичларига ўтди, яъни ўқитиш жараёни такомиллашиш йўлига ўтди.

Масофали таълим тизимининг анъанавий таълим шаклидан фарқи, унинг эгилувчанлигига боғлиқ равишда юқори ҳаракатчанлиги, тингловчиларнинг мустақил ишлаш имкониятини катталиги, ўқув - методик таъминотнинг ранг-баранг шаклдалигида бўлиб, улар тингловчиларнинг қаердалигидан қатъий назар таълим жараёнини самарадорлигини кўтаришга имкон беради.

Аралаш таълимнинг асосий афзалликлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- ҳар бир таълим оловчи ўзига қулай бўлган форматда ва қулай вақтда зарурий билимларни олиш имконияти;

- педагогларга дарс бериш жараёнини оптимал режалаштиришда максимум имкониятлар.

1. Тармоқли ўқитиш кундузги ўқитишга қўшимча бўладиган, компьютер синфида, лабораторияда, уйдан туриб электрон материаллардан фойдаланиш имконини берадиган модель (**Model 1: face-to-face Driver**);

2. Жадвалга мувофиқ анъанавий ва онлайн-ўқитиш навбатма-навбат алмашинадиган, ўқитувчилар томонидан кузатиб бориладиган модель (**Model 2: Rotation**);

3. Ўқитишнинг катта қисми электрон таълим муҳитида ўтказиладиган, бунда таълим оловчилар керак бўлганда ўқитувчи томонидан бевосита қўллаб-қувватланадиган модель (**Model 3: Flex**);

4. Ўқитиш талабаларга махсус аудиторияда ташкил этилган онлайн-лабораторияда ўтказиладиган, таълим оловчиларни асбоб-ускуналар олдидаги техник ходимлар ва онлайн режимида ўқитувчилар қўллаб-қувватлаб турадиган модель (**Model 4: Online lab**);

5. Талабалар кундузги режимдаги ўқув фанларини ўрганишга қўшимча тарзда онлайн-курсларни танлайдиган модель (**Model 5: Self-blend**);

6. Талабалар электрон муҳитда онлайн режимида масофадан ўқитиладиган, аттестациядан эса кундузги шаклда ўтадиган модель (**Model 6: Online driver**).

Олий таълимда аралаш таълим муаммоларини ўрганиш қуйидаги хулосаларга олиб келади:

1. Аралаш таълим талабаларда АКТ билан боғлиқ кўникмаларни шакллантириши ва ОТМда электрон ўқитишни таълим оловчилар ва педагогик ходимлар ўртасидаги таъсирлашувни таъминлайдиган ахборот технологиялари, техник воситалар, ахборот-телекоммуникация тармоқларини қўллаган ҳолда таълим фаолияти сифатида йўлга қўйиш юзасидан давлат томонидан қўйилган вазифаларни ҳал қилиши мумкин.

2. Аралаш таълим модели ОТМда муайян элементларни ўз ичига оладиган тизим сифатида шаклланади, бу элементлар:

- ОТМнинг электрон таълимни ривожлантириш стратегияси;
- таълим жараёнини АКТ ёрдамида ва ўқитишни қўллаб-қувватлайдиган махсус хизматлар қўмағида таълимни шакллантириш;
- методикалар ва e-learning контентини ёрдамида ўқитувчилар ваталабалар ўртасида ўзаро таъбирлашу ва ҳамкорликни йўлга қўйиш.

Масофали ўқитиш орқали ўрта махсус, касб-хунар муассасалари кадрларини малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизими кам харажатли, анъанавий ўқитиш тизимига қараганда самаралироқ ҳамда келажаги порлоқ шакллardan биридир.

XIV асрнинг иккинчи ярми ва XVI аср бошларида мовароуннахр хунармандчилиги

Ўрақов Мурод – СамДАҚИ т.ф.н., доцент

XIII асрда мўғиллар истилоси туфайли Марказий Осиёнинг кўпгина гуллаган воҳа ва шаҳарлари вайрон этилди, турли хунармандчилик маданиятига жуда катта зарар етказилди. Хунармандчиликдаги бундай тушкунликка фақат Амир Темурнинг даврига келибгина барҳам берилди. Амир Темур ўз давлатини дунёнинг энг машхур мамлакатига айлантириш унинг олий мақсади бўлган ва бунга истисносиз эришган.

Соҳибқирон даврида Мовароуннахр маданияти ниҳоятда гуллаб яшнади: янги шаҳарлар қурилди, эскилари таъмирланди. Масжид-мадрасалар қад-кўтарди, хунармандчилик ривожланди, қишлоқлар обод бўлди. Самарқанд ўрта асрлар тараққиётининг олтин даври бўлган.

XIV асрнинг иккинчи ярмида мамлакатда турли хунарманд усталар тўпланди. Жумладан; турли шойи тўқийдиган, камон учун ўқ ва турли қурол-яроқлар ясайдиган, ойна ва сопол ишлайдиган усталарни келтирган. Бу усталар дунёдаги энг яхши усталардан ҳисобланган. Уларни шунчалик кўп олиб келдики исталган касбдаги уста ва хунармандларни бу шаҳарда топиш мумкин эди. Бундан ташқари, арқон тўқийдиган хунармандларни ҳам олиб келган, улар шу вақтгача бу ерда экилмайдиган канош ва зиғир экишган. Бинобарин, Соҳибқирон Амир Темурнинг ҳаракатлари туфайли, Самарқандда хунармандлар сони кўпайди, улар чиқарган махсулот турлари ортиб борди. Хунармандчилик буюмлари сифати яхшиланди, шунингдек, улардан маълум буюмни ишлаб чиқариш бўйича ихтисослик кучайди.

Тарихчи Ибн Арабшоҳнинг “Ажоиб ул Макдур фи ахбори Темур” (Ўзбекча изоҳини келтирилган) асари маълумотларида ва бошқа тарихий манбаларда Самарқанд хунармандчилигида тўқимачилик, металл ишлаш, бинокорлик ва кулолчилик асосий тармоқлар бўлиб, шаҳар аҳолисининг кўп қисми бу касблар билан шуғулланган.

Тўқимачилик буюмларига, хунармандчиликнинг бошқа соҳаларига қараганда бозорда эҳтиёж катта эди. Шаҳар, яқин қишлоқлар аҳолиси ҳамда даштларда кўчманчи ва ярим кўчманчилар бозор истеъмолчилари эди. Самарқандда тўқилган турли матолар олис мамлакатларга ҳам олиб кети-

ларди. Мовароуннахр шаҳарларида айникса, Самарқанд, Бухоро тўқимачилари маҳаллий бозорлардан ташқари, анча узоқдаги жойлар билан ҳам савдо алоқаларини ўрнатган эди. XV- XVI асрлардаги ёзмахужжатларда ва бошқа манбаларда Самарқандда ип-газлама, шойи ва жун тўқималари тайёрланганлиги таъкидланади. Масалан, Самарқандда турли хил газламалар: олача, парча, духоба ва бошқаларни ишлаб чиқарадиган ҳунармандлар, газламаларга гул солувчи усталар бўлган.

Мовароуннахрда маҳаллий ва хориждан келтирилган хомашёдан турли нав шойи тўқилган. Манбаларда атлас, кимхоб, қаро, мисри, банорас ва бошқа номдаги шойи ва дағал газламалар тўқилгани таъкидланади.

Мамлакат аҳолиси рўзғорида намат ишлатганлиги сабабли уни тайёрлаш, ишлаб чиқариш ҳунармандчилик соҳасида катта ўрин тутган. Ҳатто ҳарбийлар қалқон ва совутлар бўлмаган пайтларда намат билан ҳимоя-ланиб жангга кирганлар.

Ёш келин-куёвлар уйини безовчи палак аслида-фалака нисбатан халқимизнинг муҳаббати ўзгача бўлган. Ўз вақтида Клавихо Амир саройидаги беҳисоб рангли сўзанаю - гиламлар қаторида палак ҳақида ҳам ўз эсдаликларида завқ- шавқ билан ёзиб келтирган эди. Палак онадан қизга, бувидан набирага мерос бўлиб ўтиб келган. Келиннинг энг азиз сепидан бири ҳисобланади. Палакнинг тўрт бурчагидаги тўрт шакл тўрт ҳафтани, яъни бири ойни, палакнинг квадрат шакли осмон саройини ифодалайди. Шарқ шеъриятида бундай шаклларга катта эътибор берилган. Хусусан, бундай квадрат шакл: осмон саройида қаҳатчилик, очлик, азоб-уқибат, ташналик бўлмаслигини ифодалайди.

Амир Темур даврида металл буюмлар яшаш юқори даражага кўтарилган. Бу соҳада муайян буюмни яшашга ихтисослашиш кўзга ташланади. Темир-чилар металл буюм ясовчи гуруҳларни ташкил этиб, баъзилари кетмон, белкурак, теша, эшик занжирлари ва халқлари, бошқалари эса ҳунармандлар учун хилма-хил қуроллар: тошга, ганчга, ёғочга нақш соладиган асбоблар ҳамда аҳолининг уй-рўзғор буюмлари ясар эдилар. Қурол - яроғ усталари алоҳида гуруҳ эди. Самарқанд шаҳрининг олти дарвозасидан бири бўлган Оханин дарвозасига ўйма нақш солиниб, у чўяндан қилинган. Металл буюмларни ясайдиган турли усталар-михчилар, тақачилар, сим чўзувчилар, пичоқчилар бўлган. Металл буюмлар ясайдиган ҳунармандлар довуғи ўзга юртларга ёйилгани маълум.

Профессор Н. Сайидахмедов Темур буйруғига биноан, 1397 йилда Исфа-хонлик уста Иззаддин ибн Тожуддин етти хил металл қотишмаси (хафт-жиш) дан жез қазон ва иккита шамдан яшашганлигини улар ҳозир Аҳмад Яссавий мақбарасининг зиёратхонасида сақланаётганлигини шунингдек Британиядаги Букингем қасрининг Ҳинд хонасида қимматбаҳо тошлар, дурлар ва сирли нақшлар билан безатилган Амир Темурнинг “Ҳирожии олам”и, “Темур лаъли” си сақланаётганлигини бир қанча манбалар асосида таъкидлаб ўтади.

Истиклол шабадаси ила Амир Темур даврида ҳунармандчилик ишлаб чиқариши ва маданиятининг юксак даражада тараққий этганлиги ҳақидаги маълумотларни билиш халқларимиз юрагига янги рух ва ўзгача шукуҳ бағишламоқда.

Миллий кадриятларни таркиб топишида миллий ўзликни англашнинг ўрни

Ўрақов Мурод – доцент СамДАҚИ

Миллий ўзликни англаш миллий маънавиятнинг энг юксак мақсадга йўналтирилган таркибий қисмларини биридир. Миллий ўзликни англаган миллат ўз вазифа ва мақсадларини аниқ нишонга йўналтиради, қайси соҳада бўлмасин ўз замонаси талаблари асосида эркин тафаккур ва амалий салоҳиятга эга бўлади....

Шу билан бирга миллий ўзликни англаш ўз-ўзидан, табиий ҳолда доим тўхтовсиз тараққий этиб турадиган жараён эмас.

Ўзликни миллий англаш миллатдан ўз маънавий бойликларини тинмасдан ривожлантириш, тарихий кадриятларни эҳтиёт қилиш миллий анъаналарга содиқ бўлиш, уларни доим умумбашарий кадриятлар билан бойитиб боришни талаб қилади.

Ҳар бир миллатнинг бу вазифаларни англаган зарурат сифатида бажариши, шу миллат мустақиллигининг гаровидир. Демак, ўзликни миллий англаш фақатгина бугунги кун билан боғлиқ бўлмай, ўтмиш мероси ва тажрибаси билан келажакка йўналтирилган мақсадлар билан ҳам боғлиқдир экан.

Миллий ўзликни англаш қобилиятига эришмаган ёки ана шу қобилиятдан маҳрум бўлган миллат мустақил бўла олмайди. Зеро, мустақиллик тушунчаси ўз тақдирини ўзи белгилаш имконияти ва тарихий анъаналари билан боғлиқдир. Агар ўз тақдирини ўзи белгилаш қобилиятини миллат мустақиллиги имкониятлари деб қарасак, ана шу қобилиятнинг таркибий қисмлари иқтисодий мустақиллик, сиёсий етуклик, миллий ҳамжиҳатлик, мафкуравий бирлик, хуллас калом, миллий бирдамлик миллатнинг тарихий маданияти заминидан келиб чиқади. Хулоса шуки, миллий кадриятлар асосида жипслашган миллат ҳеч қачон ўз мустақиллигини бировга бермайди ва аксинча миллий кадриятлардан ажралган миллат мустақиллигини ҳимоя қила олмайди, ўз тақдирини ўзи белгилай олмайди. Янги ўтмишда Шўролар миллий сиёсатининг ғояларидан бири бўлиб хизмат қилган “шаклан миллий, мазмунан социалистик миллий маданият” тўғрисидаги сафсатанинг асосий мақсади ҳам миллатларни тарихий илдизларидан маҳрум қилиш ва социализм шиори остида олиб борилган мустамлака сиёсатини ниқоблаш эди. Бу ғоя мустамлакачилик сиёсатининг икки мақсадига хизмат қилар эди. Бундан **биринчиси**; мустамлака сиёсат гирдобига тортилган халқларни ўз тарихидан ажратиб, уларни миллий тараққиёт йўлини социализм сафсатаси билан алмаштириш бўлса, иккинчидан, миллатларни ўзликни миллий англаш имкониятидан батамом маҳрум қилиш эди. Қисқаси, миллат тарихини камситиш, уни “яхши”, “ёмон” даврларга “салбий”, “ижобий” намоёндаларга, табақаларга бўлиб ташлаб, “ташқаридан мафкуравий ҳомийлик” қилиш, миллатга, сунъий ғояларни мажбуран сингдириш, мустамлака сиёсатининг мафкуравий қуроли бўлиб хизмат қилиши бугун ҳеч кимга сир эмас.

Бу тўғрида Қозоғистонда чиқадиган “Отечественная история” журналида қуйидаги фикрлар илгари сурилган: Тарих тўғрисидаги нотўғри

тасаввурлардан қутилиш бугунги ижтимоий ҳаётимиз мазмунини тўғри тушуниш зарурати билан бевосита боғлиқдир. Биз шу заруратни амалга ошира олсак, бугунги кун, балки эртанги кун ўтаётган давлатлар учун иқтисодий ва сиёсий вазифалар қаторида тарихий ҳақиқатни тиклаш катта аҳамиятга моликдир. Чунки, тарих миллат ва халқ тўғрисидаги ҳақиқатнинг ажралмас қисми бўлиб, миллий ўзликни англашнинг асосини ташкил қилади.

Тарихий ҳақиқатнинг кучи, уни кимгадир ёқиши ва кимгадир ёқмаслиги билан ўлчанмайди, балки ана шу ҳақиқатдан олинган холис сабоқ билан белгиланади. Чунки, миллий ўзликни англаш миллий тараққиётнинг зарурий шарти сифатида миллий заминдан, тажриба ва сабоқлардан ўсиб чиқади. Бу тўғрида ўзбек халқининг таниқли адиби А.Қодирийнинг “Мозийга қайтиб иш кўришлик хайрлидир” деб айтган иборасининг машҳурлиги ҳам тарихийлик билан мантиқийликнинг мужассамланиб, миллий тафаккур ва маънавиятга ғоявий мос келишидир.

Юртимиз мустақилликка эришгандан сўнг тарихий қадриятларимизни қайта тиклаш масаласига давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида эътибор берилгани миллатимизнинг миллий ўзликни англаш ва мустақилликка бўлган интилишларининг ёрқин ифодасидир.

Тилимизга давлат тили мақомининг берилиши, диний эътиқод эркинлиги виждон эркинлигининг тамойили сифатида таъминланиши, Амир Темур ва бошқа тарихий намоёндаларимиз тўғрисидаги тарихий адолат қайта тикланиши фақат мустақиллик шароитидагина амалга ошгани миллий ўзликни англаш билан мустақиллик бир – бирини қанчалик тақоза қилишининг яққол мисолидир.

Миллий истиқлол миллий ўзликни англаш учун қанчалик зарурий омил бўлса, ўзликни миллий англаш ҳам мустақиллик учун шунчалик зарурдир. Чунки, ўзликни миллий англаш аввалом бор миллатнинг мафкувий етуклиги, ғоявий иммунитетни ва ўз тақдирини ўзи белгилаши даражасидаги қобилиятидир. Бундай қобилият ҳеч қачон сохта мафкурага ғоявий бефарқликка ўрин қолдирмайди. Ҳар қандай шароитда ҳам ўз мустақиллиги, тафаккур эркинлиги учун курашади. “Мустақилликка эришгандан сўнг биз сохта мафкуранинг якка ҳукмронлигидан қутилдик. Маънавиятни, мафкурани зуғумлардан озод қилиб, эркин фикр миллий тафаккурга кенг йўл очдик. Эндиги асосий вазифамиз баркамол авлоднинг мустақил фикрлашга ўрганиши, ўзига ишончининг ортиб боришидир”.

Тафаккур озод бўлиши деганда, икки нарса, ўтмишдан қолган мафкуравий қулликдан ва ғайри илмий мафкураларнинг бугунги салбий таъсирларидан озод бўлиш ва мустақиллик тафаккурига эга бўлиши назарда тутилади.

Ўзбекистоннинг 25 йиллик мустақил тараққиёт йўли ижтимоий ҳаётимизда туб ўзгаришлар билан боғлиқдир. Энг муҳими, “бугун янгича фикрлайдиган, келажагини жамиятда демократик қадриятларни мустаҳкамлаш билан мамлакатимизнинг келажагини жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви билан боғлиқ ҳолда кўрадиган янги авлод вакиллари ҳаётга кириб келмоқда”.

БОЗОР ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

*Жомонқулова Фазилат Эсгирповна, СамИСИ катта ўқитувчи
Уралов Шохрухбек Асқаралиевич, СамИСИ талабаси*

Бутун бир иқтисодиёт сингари инфра тузилмалар ҳам фақат бозор механизмлари таъсир кучи билан ривожлан аолмай, балки унга давлатнинг алоҳида эътибори талаб қилиниши билан шаклланди.

Инфра тузилмалар тизимида амалга ошириладиган ишлаб чиқариш муносабатлари моҳияти мазкур тушунчага турлича таърифларни юзага келтирди. Яъни, инфратузилмалар тизимидаги ишлаб чиқариш – хизмат кўрсатишда моддий ишлаб чиқаришдан фарқли равишда ишлаб чиқариш билан истеъмол муносабатларининг бир пайтда амалга ошади. Шунингдек, тизимда яратилаётган қиймат тўғридан-тўғри товар маҳсулот ёки фойда кўринишида шакланмасдан, билвосита, айна моддий ишлаб чиқариш пировард маҳсулоти таркибида шаклланади. Инфра тузилмаларнинг ижтимоий, маиший, бозор шаклларида эса бу жараён янада мураккаб “масофа”ни боси бўтиб, уларнинг баъзиларида (ижтимоий ва маиший инфратузилмаларда) яратилаётган қиймат ишчи кучи такрор ишлаб чиқариши орқали, баъзиларида (бозор ва маиший инфратузилмаларда) эса ресурслар, ишлаб чиқариш қувватлари ва бозор механизмлари тизимида намоён бўлади.

Шунинг учун ҳам инфра тузилма тушунчасига таъриф берилганда айрим тадқиқотчилар уни товарлар шакли ва ишлаб чиқариш жараёнларига бевосита алоқадор бўлмаган, шунингдек, ишлаб чиқарувчига тўғридан-тўғри фойда (ёкидаромад) келтирмайдиган “жамият сарф харажатлари” сифатида баҳоласалар, айрим тадқиқотчилар ишлаб чиқариш амалга оширилишини ва самарадорлигини таъминлашнинг зарурий характердаги шартлар (йўллар ва коммуникациялар тармоғи, транспорт воситалари ва қатнови, ер қурилиши ва бошқ.) мажмуаси, деяътироф этадилар. Бу гуруҳ тадқиқотчилар фикрича, инфратузилмалар тизимининг самарали ташкил этилиши бозор хўжалиги шароитидаги корхоналар харажатларини қисқартириш, капитал ҳаракати жараёнини енгиллаштириш, жамият миқёсидаги талаб ва бандлик даражасини ошириш, шунингдек, фойда нормасини кўпайтириш имконини беради. Замонавий хорижий, хусусан, АҚШ ва Ғарбий Европа иқтисодий адабиётларида инфратузилмаларни тавсифлашда кўп ярусли ёндошув мавжуд. Жумладан, макроиқтисодиёт даражасида инфратузилмалар – бу фуқаролар ва корхоналар томонидан фойдаланиладиган ва одатда давлат томонидан ташкилландиган капитал иншоотлар, тизимлардир. Бурларга автомагистраллар, кўприклар, шаҳар транспорт тизими, сув тожалаш иншоотлари, муниципал (бошқаритиш тизими) сув таъминоти тизимлари, вокзал ва аэропорт кабилар киради.

Корхоналар ёки микро даражадаги инфратузилмалар эса маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида қатъий зарур ва шарт ҳисобланган, айна пайтда ўз кучи ва имконияти билан барпо этиш жуда ҳам қиммат бўлган, шунинг учун ҳам давлат ва бошқа ихтисослашган корхоналар томонидан ташкил этиладиган хизмат ва иншоотларни ўз ичига олади. Уларга сув таъминоти,

электро-еенергия, ишлаб чиқариш чиқиндиларини ташиб чиқариш, юк қатнови, илмий-тадқиқот ва лойиҳа-конструкция ишлари, банк ва молия хизматлари ва бошқалар киритилади²³.

Бу каби таърифлар инфра тузилмаларнинг унга берилган барча тавсифлар учун умумий бўлган моҳиятан асосий бош объектга хизмат кўрсатувчи ёрдамчи фаолият тури сифатидаги ролига асосланади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, инфра тузилмаларга берилаётган тавсифларнинг хилма-хиллик кўп ҳолларда тадқиқ этилаётган объект ёки фаолият соҳасининг етакчилигини таъминлашга бўлган мойиллик таъсириг аучрайди. Яъни, айрим тадқиқот ишларида моддий ишлаб чиқариш секторини ўрганилиш жараёнида уларда кечадиган муносабатлардаги инфратузилмаларнинг ўрни тадқиқ этилади ва бунда табиийки, инфратузилмалар тармоқости (ёки кўмакчи) соҳа сифатида баҳоланади.

Инфратузилмалар тизимидаги ишлаб чиқариш муносабатлари хизматлар кўрсатиш ва ишлар бажариш кўринишида намоён бўлади. Шунга кўра, юқорида таъкидланганидек, хизмат кўрсатиш иқтисодий фаолиятнинг муҳим кўриниши ҳисобланиб, у маҳсулот ишлаб чиқариш тушунчасидан фарқли ўлароқ, хизмат кўрсатишда сарфланаётган меҳнат ишлаб чиқариш жараёнининг ўзида тўғридан-тўғри сотилади. Бу ўз навбатида тизимда иқтисодий фаолиятни ташкил этишни бир мунча соддалаштиради ҳамда арзонлаштиради. Тизимда катта қийматдаги асосий ва айланма маблағларга эҳтиёж сезилмайди.

Хизмат кўрсатиш тушунчасини иқтисодий нуқтаи-назардан ифодалашда, ушбу фаолиятнинг натижасини товар сифатида тасаввур қиламиз. Хизмат кўрсатиш фаолияти натижасида истеъмолчиларнинг шахсий ва умумий эҳтиёжлари қондирилади. Аввало бу ерда эҳтиёж ни қондириш деганда истеъмолчининг жисмоний, иқтисодий, маънавий ҳолатини ўзгартириш тушунилади, яъни, хизмат кўрсатиш фаолияти давомида ёки унинг натижасида ишлаб чиқарувчи истеъмолчининг жисмоний ва маънавий ҳолатини, кайфиятини ўзгартиради.

Шу билан бирга спорт билан шуғулланиш ҳамда физиологик эҳтиёжларни қондиришга қаратилган фаолият хизмат кўрсатишга кирмайди. Чунки, бу иккала ҳолда асосий меҳнат истеъмолчининг ўзидан талаб қилинади. Бу иккала ҳол учун истеъмолчи ҳеч қандай қиймат сотиб олмайди, балки, ўз меҳнاتини ўзи учун, ўзининг жисмоний баркамоллигини, нормал физиологик ҳолатини таъминлаш учун сарфлайди.

Хизмат кўрсатиш тизими халқаро амалиётда қуйидагича таснифлаш мумкин:

1. Коммунал хизматлар ва қурилиш;
2. Улгуржи ва чакана савдо, овқатланиш, ресторан ва меҳмонхона, туризм;
3. Ташиш, сақлаш, алоқа, молиявий воситачилик;
4. Мудофаа ҳамда мажбурий ижтимоий хизматлар;
5. Таълим, фан, соғлиқни сақлаш, жамоат ишлари ва бошқ.

²³ Макконнел Кэмпбелл Р., Брю Стэнли Л. Экономикс: Принципы, проблемы и политика. В 2 т.: Пер. с англ. 11-го изд. Т.2 – М., Республика, 1992. - 400с.

Шу билан бирга, хизмат кўрсатиш тизимининг ўзига хос мураккаблик томонлари ҳам мавжуд. Шунга кўра инфратузилмалар тизимларининг куйидаги ўзига хос жиҳатларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- кўрсатилган хизмат турларининг ҳақиқий қийматини, баҳосини аниқлашнинг мураккаблиги. Буайниқса, транспорт, омбор, реализация, юклаш-тушириш, ўраш ва бошқа ишлаб чиқаришга ёрдамчи тизимларда яққол кўринади. Уларда кўрсатилган меҳнат қиймати ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг пировард қиймати ёки баҳосида шаклланган бўлади.

- кўрсатилган хизматга мулкӣ эгалик алмашинуви жараёнининг мураккаблиги. Маълумки, ҳарқандай пулга айрибошланадиган Товар ўз мулкӣ эгалигини ҳам алмаштираолади. Ёки бошқача қилиб айтганда, Товар сотилиши жараёнида унинг эгаси ҳам алмашинади. Лекин, хизмат кўрсатиш фаолиятида бу жараённи кузатиш, ажратиш анча қийин кечади. Чунки, кўрсатилган хизмат моддий иқтисодий объект сифатида шаклланмайди. Қолаверса, юқорида таъкидланганидек, кўп ҳолларда сарфланаётган меҳнат шу жараённинг ўзида тўғридан-тўғри истеъмол қилинади. Шунинг учун ҳам, кўрсатилган хизматга мулкӣ эгалик асосий ишлаб чиқариш натижасида шаклланган маҳсулотга эгалик ҳуқуқи остида бир субъектдан иккинчи субъектга ўтади.

- хизмат кўрсатишда стандартлаш жараёнларини қўллаб бўлмаслиги. Хизмат кўрсатишнинг номоддий характерда эканлиги сабаб, ушбу фаолиятни стандартлаш, метрологик жараёнларни қўллаб бўлмайди. Албатта, меҳнатни нормалаштириш мумкин. Лекин, бу асосан меҳнат ва унга ҳақтўлаш мақсадида амалга оширилади ва меҳнат унумдорлигини назарда тутлади.

Хизмат кўрсатиш тизимида таълим соҳасида давлат таълим стандартлари қўлланилади. Бу стандартлаш бевосита таълим бериш, ўқитиш жараёнини эмас, балки, пировардида тайёрланган кадрларнинг билим ва малака даражасини кўзда тутлади.

- сифатнинг доимий ўзгарувчанлиги. Маълумки, хизмат кўрсатиш фаолияти характерида кўп ҳолларда индивидуаллик кА мойиллик мавжуд. Бу эса бир жиҳатдан хизмат кўрсатиш сифатининг доимий ўзгарувчанликка асосланишига олиб келса, иккинчидан, хизмат кўрсатишда саноат каби автоматизация жараёнларини қўллашга имкон бермайди. Буни оддий маиший хизматдан то транспортгачак узатиш мумкин.

- кўрсатилаётган хизматларни сақлашнинг имкони йўқлиги. Бу жиҳат тўғри маънода яққол тушунарли, яъни, кўрсатилган хизматни фақат у кўрсатилаётган пайтдагина ҳисобга олиш мумкин. Қолаверса, масаланинг иккинчи жиҳати, яъни товар захирасининг мавжудлиги (албатта, чегараланган даражада) истеъмол бозорида фаолият кўрсатаётган корхона учун ката аҳамиятга эга. Лекин хизмат кўрсатиш бозорида меҳмонхонада бита номернинг бўш қолиши, бита ортиқча, захира сартарошни ушлаб туриш, захира транспорт воситаси сақлашни ижобий характерга эга деб бўлмайди.

Инфратузилма бўлинмалари ривожланиб боришидан кичик тадбиркорлик субъектлари катта манфаат кўради, негаки бундай бўлинмалар уларни ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган ишлардан озод этиб, куч-ғайратини асосий фаолиятига қаратишга имкон яратади.

Инфра тузилма томонидан яратиладиган шароитларни ўз навбатида қуйидагича туркумлаш мумкин:

- Бевосита ишлаб чиқариш жараёнига хизмат кўрсатувчи – моддий техника таъминоти ва тайёр маҳсулотни сотиш, ахборотни йиғиш ва қайта ишлаш, у бхгалтерия хизмати. Технологик, бошқарув масалалари бўйича маслаҳат хизмати ва боқшалар;

- Ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш шарт-шароитлари – ишчи ва хизматчиларнинг соғлиғини, таълим олиши ва касбий тайёргарлигини, дам олишларини қўллаб-қувватлашдир.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларини тартибга солиб ва қўллаб-қувватловчи бозор инфратузилмаларини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади. Буни юқори даражада ривожланган мамлакатлар тажрибаси ҳам тасдиқлайди.

Применения современных компьютерных технологии в математическом моделировании.

Фатхуллаев Ф., Исакулов Т., СамГАСИ

Обучение студента, основанное на применении компьютерных технологий численных расчетов, больших знаний не дает, и неумение выпускников вузов применять математику в своей деятельности, особенно инженерной, неподобаает для нашего образования. Поэтому появилась новая тенденция образования в вузах, представляемая как система компьютерной математики.

В [1] рассматриваются задачи в сфере строительных материалов и сопротивления материалов, на расчет предела прочности образца для материалов балки в лабораторных испытаниях на изгиб, сжатие, растяжение и получены графические интерпретаций в программе Microsoft Excel. Настоящей статье, рассматривается применение программы Microsoft Excel, в приближенном решение системы уравнений, линейного типа с использованием итерации. Техника итерации применяется также в решении алгебраических уравнений, системы уравнений, нелинейного типа, и дифференциальных уравнений. При итерации необходимо правило или функция $\varphi(x)$ и начальное значение x_0 . Тогда получаем последовательность значений $\{x_k\}$, используя правило $x_{k+1} = \varphi(x_k)$. Для наглядности применения итерации в приближенных вычислениях, рассмотрим систему линейных уравнений

$$\begin{cases} 4x - y + z = 7, \\ 4x - 8y + z = -21, \\ -2x + y + 5z = 15. \end{cases} \quad (1)$$

Уравнение запишем в следующем виде

$$x = \frac{7+y-z}{4}, \quad y = \frac{21+4x+z}{8}, \quad z = \frac{15+2x-y}{5}. \quad (2)$$

Это предлагает следующий итеративный процесс Якоби:

$$x_{k+1} = \frac{7+y_k-z_k}{4}, \quad y_{k+1} = \frac{21+4x_k+z_k}{8}, \quad z_{k+1} = \frac{15+2x_k-y_k}{5}. \quad (3)$$

Покажем, что если начать с точки $Q_0 = (x_0, y_0, z_0) = (1, 2, 2)$, то итерация (3) сходится к решению (2; 4; 3). Подставим $x_0 = 1, y_0 = 2, z_0 = 2$ в правую часть каждого уравнения в (3), чтобы получить новые значения:

$$x_1 = \frac{7+2-2}{4} = 1,75, \quad y_1 = \frac{21+4+2}{8} = 3,375, \quad z_1 = \frac{15+2-2}{5} = 3,00.$$

Таблица 1

	A	B	C	D	E
2	Простая итерация (Итерация Якоби)				
3	система уравнения				
4		x0	y0	z0	
5		1	2	2	
6		4	1	-1	7
7		4	8	1	21
8		2	-1	5	15
9		epsilon=		0,000000001	
10		k	xk	yk	zk
11		0	1	2	2
12		1	1,75	3,375	3
13		2	1,84375	3,875	3,025
14		3	1,9625	3,925	2,9625
15		4	1,990625	3,9765625	3
16		5	1,994140625	3,9953125	3,0009375
17		6	1,99859375	3,9971875	2,99859375
18		7	1,999648438	3,999121094	3
19		8	1,999780273	3,999824219	3,000035156
20		9	1,999947266	3,999894531	2,999947266
21		10	1,999986816	3,999967041	3
22		11	1,99999176	3,999993408	3,000001318
23		12	1,999998022	3,999996045	2,999998022
24		13	1,999999506	3,999998764	3
25		14	1,999999691	3,999999753	3,000000049
26		15	1,999999926	3,999999852	2,999999926
27		16	1,999999981	3,999999954	3
28		17	1,999999988	3,999999991	3,000000002
29		18	1,999999997	3,999999994	2,999999997
30		19	1,999999999	3,999999998	3
31		20	2	4	3

где x_k, y_k, z_k – три производимые последовательности, k – порядок итерации, (1; 2; 2) – нулевое приближение.

Таблица 2

	A	B	C	D	E
2	Простая итерация				
3	система уравнения				
4		x0	y0	z0	
5		1	2	2	
6		2	1	5	-15
7		4	8	1	21
8		-4	1	1	7
9		epsilon=		10000000	
10		k	xk	yk	zk
11		0	1	2	2
12		1	-1,5	3,375	5
13		2	6,6875	2,5	16,375
14		3	34,6875	8,015625	-17,25
15		4	-46,6171875	17,8125	-123,734375
16		5	-307,9296875	-36,15039063	211,28125
17		6	502,6279297	-124,9296875	1202,568359
18		7	2936,456055	404,2600098	-2128,441406
19		8	-5126,473511	1204,797852	-11334,56421
20		9	-27741,5116	-3977,432281	21717,69189
21		10	52298,0136	-11153,41931	106995,6141
22		11	261904,8256	39526,08356	-220338,4737
23		12	-531090,6425	103412,7286	-1008086,219
24		13	-2468516,683	-391553,4736	2227782,298

где x_k, y_k, z_k – три производимые последовательности, k – порядок итерации, (1; 2; 2) – нулевое приближение.

Новая точка $Q_1 = (1,75; 3,375; 3,00)$ ближе к (2; 4; 3), чем Q_0 . Итерация, использующая (3), образует последовательность точек $\{Q_k\}$, которая сходится к решению (2; 4; 3). Процесс, этот, называется простой итерацией (Якоби) и используется для решения определенных типов линейных систем. Начиная с 20-го шага итерация сходится к приближению десятизначным цифрам после запятой (2,000000000; 4,000000000; 3,000000000) (табл.1). Иногда метод простой итерации (Якоби) не работает. Можно провести эксперимент, и увидеть, что перестановка начальной линейной системы приведет к системе итерационных уравнений, которые дадут расходящуюся последовательность точек (табл.2), т.е. для системы

$$\begin{cases} -2x + y + 5z = 15, \\ 4x - 8y + z = -21, \\ 4x - y + z = 7. \end{cases}$$

Принимая во внимание эти примеры, необходимо иметь некоторый критерий, определяющий, будет ли сходиться итерация Якоби. Критерий, это, приводится в следующем определении.

Определение. Матрица A размера $N \times N$ называется строго диагонально доминирующей, если выполняется условие, что

$$|a_{kk}| > \sum_{j=1, j \neq k}^N |a_{kj}| \text{ для } k = 1, 2, \dots, N.$$

Это означает, что в каждой строке матрицы величина элемента на главной диагонали должно превышать сумму величин всех остальных элементов в строке. Матрица коэффициентов A линейной системы из примера 1 строго диагонально доминирующая. А матрица коэффициентов A системы примера 2 не строго диагонально доминирующая. В таблицах 1, 2 для переменных x_k, y_k, z_k имеем:

$$\begin{aligned} &= \text{ЕСЛИ}(\text{ABS}(\text{B14}-\text{I\$7}) <= \text{D\$11}; \text{A14}+1; (\text{E\$7}+\text{C14}-\text{D14})/\text{B\$7}); \\ &= \text{ЕСЛИ}(\text{ABS}(\text{C14}-\text{I\$8}) <= \text{D\$11}; \text{B14}+1; (\text{E\$8}+4*\text{B14}+\text{D14})/\text{C\$8}); \\ &= \text{ЕСЛИ}(\text{ABS}(\text{D14}-\text{I\$9}) <= \text{D\$11}; \text{A14}+1; (\text{E\$9}+2*\text{B14}-\text{C14})/\text{D\$9}). \end{aligned}$$

Вышеприведенный критерий объединим в общий случай для простой итерации (Якоби), и приведем его в виде теоремы.

Теорема. Если A строго диагонально доминирующая матрица. Тогда $AX=B$ имеет единственное решение $X=P$. Итерационная формула

$$x_j^{(k+1)} = \frac{b_j - a_{j1}x_1^{(k)} - \dots - a_{jj-1}x_{j-1}^{(k)} - a_{jj+1}x_{j+1}^{(k)} - \dots - a_{jN}x_N^{(k)}}{a_{jj}} \text{ для } j = 1, 2, \dots, N,$$

образует последовательность векторов $\{P_k\}$, которые сходятся к P для любого выбора начального вектора P_0 .

Литература

1. Фатхуллаев Ф., Аликулов У., Шодиева Г. Замонавий уқитиш жараёнида компьютер технологияларидан фойдаланиш. СамДАКИ, 2014 й.

Фонетика ва фонология ҳақида

Рухсора Ниязова

СамДЧТИ 312-гуруҳи талабаси

Маълумки, анъанавий тилшуносликнинг турли соҳа ва бўлимлари мавжуд. Масалан, фонетика, лексикология, морфология, синтаксис ва бошқалар. Тилшуносликнинг бу каби бўлимларининг ҳар бири ўз ўрганиш объектига эга. Чунончи, фонетика бўлимида нутқдаги **барча товушлар**, фонологияда **фонемалар**, лексикологияда **лексемалар**, фразеологияда **фраземалар**, морфемика бўлимида **морфемалар**, морфологияда **сўз формалари**, синтаксисда эса **синтаксемалар**.

Масалан, фонетика бўлимига назар ташлайлик. Ф.де Соссюр “Товушлар физиологияси кўп ҳолларда фонетика дейилади” деган таърифни қайд этади. Тилшунос олим Р.И. Аванесов ва ўзбек тилшуноси А.Нурмоновларнинг фикрларига асослансак, фонетика азалдан товуш ва товушлар эволюцияси ҳақидаги таълимот бўлиб келган ва у тарихий фандир.

Демак, фонетиканинг бирлиги асосан нутқдаги барча товушлар саналади. Баъзи ҳолларда фонологияни ҳам фонетиканинг ўрганиш объекти сифатида қаралади. Лекин манбаларга таянсак, фонетика тилшуносликда нутқ товушлари ва нутқий ҳодисаларини, ундаги ўзгаришларини таҳлил

этади, замонда ҳаракат қилади. Фонология эса замондан ташқаридир, чунки артикуляция механизми доимо ўзига ўзи ўхшашлигича қолаверади.

Тилшунос Р.И.Аванесовнинг ёзишича, ижтимоий ҳодиса бўлмиш тилнинг товуш томони билан тил структурасининг элементи сифатидадаги нутқ товушларини ўрганадиган фақат битта илмий предмет мувофиқ келади. Нутқ товушларини ўрганадиган икки предмет эмас, балки икки тадқиқот объекти мавжуд. Фонология фонетиканинг юқорироқ босқичи бўлиб тил структурасини ҳам ўрганади. Фонетика ва фонология ўзаро чамбарчас боғланган. Умумий тарзда қаралганда, уларнинг ўрганиш объекти асосан битта. Биринчиси (яъни фонетика) энг кичик нутқ бирликларини, иккинчиси эса шу нутқ бирликларининг фарқли (дифференциал) белгиларини ўрганади.

Демак, улар ўзларининг объекти жиҳатидан эмас, балки бир объектнинг турли ўрганиш аспекти эканлиги билан фарқ қилади. Нутқ товушларининг ҳақиқий функцияси бош вазифаси функционал аспект орқали амалга ошади. Шу боис ҳам нутқ товушларининг функционал аспекти бошқа аспектлардан ажратган ҳолда ўрганиш ва уларни ўрганувчи соҳани алоҳида олиб қараш лозимдек кўринади. Шу тарзда айни бир объектни турли томондан ўрганувчи икки соҳа- фонетика ва фонология юзага келган.

Фонетика ҳақидаги маълумотлар узоқ даврлардан кўпчиликка маълум. **Фонология атамаси** эса тилшуносликда XIX аср охирида фонетик қонунларига жавобан, нутқ товушларининг артикуляцион физиологик – акустик (физик) томонидан фарқлаш эҳтиёжи билан пайдо бўлган эди.

Тилшунослик манбаларида фонемаларни фонологиянинг бирлиги сифатида қаралади. Бошқача тарзда айтганда фонемалар ҳақидаги таълимот фонологиядир. Фонология маълум бир тилдаги фонемалар системасини, уларнинг фарқлаш белгиларини ўрганади. Шу каби фонемага таъриф ҳам берилади. Чунончи, **фонема – сўз ва морфемаларни шакллантирадиган ва уларнинг маъноларини фарқлаш учун хизмат этувчи, бошқа майда бўлакка бўлинмайдиган тилнинг энг кичик товуш бирлиги.** Фонема термини ҳозирги тилшуносликда қатъий ўрин олган бўлса ҳам, аммо унинг мақоми масаласида хилма-хил қарашлар мавжуд.

Ҳинд тилшунослари, туркийшунослар бу тушунчага алоҳида аҳамият берганлар. Хусусан, Маҳмуд Қошғарий (XI аср) ўз даврида илк бор фонема билан ҳарф тушунчаларини фарқлаб, уни фонетик қонун сифатида тарғиб эта олган. Тилшунос У.Санақуловнинг ёзишича, **Маҳмуд Қошғарий фонеманинг сўз маъносини фарқлаш учун хизмат қилувчи нутқ товушлари ва социал қийматга эга бўлган тилнинг энг кичик асосий бирлиги эканлигини тўғри тушунган.** Бу таълимотга Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобурлар ҳам. алоҳида аҳамият беришган. Лекин шарқ тилшунослигида гарчи **фонема** термини билан номланмаган. Аммо маъно фарқлаш учун хизмат қиладиган энг кичик товуш типи ҳақидаги тушунча мавжуд бўлганлигини инкор этиб бўлмайди.

Кейинги даврларда фонема тилнинг энг кичик товуш бирлиги эканлиги ҳақидаги дастлабки маълумот И.А.Бодуэн де Куртнеэга тегишли ишларида қайд этилади. Умуман, **фонема** термини тилшуносликка Эве ва Бодуэн томонидан киритилди. Бодуэн 1870 йилдаги “XIX асргача бўлган қадимги поляк тили ҳақида” номли магистрлик диссертациясида фонема ҳақида фикр

юритади ва уни этимологик – морфологик бирлик сифатида талқин этади. Бодуэн де Куртенэнинг фонема ҳақидаги бу концепцияси Н.В.Крушевский томонидан ривожлантирилди. И.А.Бодуэн де Куртенэнинг фонема ҳақидаги тушунчаси ўзгариб борган. Хусусан, “Славян тиллари қиёсий грамматикасининг айрим бўлимлари” (1981 й.) асарида фонемани, бир томондан, “сўзнинг фонетик бўлинмас қисми” ҳисобласа, иккинчи томондан, морфемалар таркибидаги товуш ўзгариш қонуниятларини ҳисобга олган ҳолда, бошқа майда бўлакка бўлинмайдиган товушларгина эмас, балки морфема ёки сўзнинг таркибида бўлакка ажралмайдиган бир бутун ҳолдаги икки ва ундан ортиқ товушлар ҳам фонема бўлиши мумкинлигини кўрсатади. Масалан, **drink, drank**, сўзларидаги “**i**” ва “**a**” товушлари бир морфема доирасида бир бутун ҳолда алмашинади. Бу билан у фонемага фонетик бирлик сифатида эмас, балки этимологик бирлик сифатида қарашини намойиш этди. Шу каби фонеманинг икки фарқли томони борлигини ҳам кўрсатади. Масалан, антропофоник яъни акустик-артикуляцион хусусиятларнинг оддий умумлашмаси, морфеманинг ҳаракатланувчи компоненти ва маълум морфологик категория белгиси каби. Шундай қилиб, Бодуэн де Куртенэ фонеманинг морфологик аспектдан фарқ қиладиган антропофоник аспекти ҳам борлигини эътироф этган.

Кейинчалик у ўзининг фонема ҳақидаги тушунчасини яна ўзгартирган ва унга психологик нуқтаи назардан ёндашган. Хусусан, “Тилшуносликка кириш” (1917) асарида “инсон психикасидаги товуш ҳақидаги тасаввур”ни фонема ҳисоблаган. Хуллас, тилшуносликда фонология маълум бир тилдаги фонемалар системасини, уларнинг фарқлаш белгиларини ўрганадиган бўлим сифатида шаклланган.

Фуқароликжамияти – юксак манавиятли фуқароларжамоасидемак.

СамДАҚИўқитувчиХўжамов Х.Х, Сайфийев М.О.201-КТ(БваИК)

Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис депутатларига қилган бу даъвати, нафақат парламент аъзоларига, балки Республиканинг барча фуқароларига айтилган даъват-қилинган мурожаатидир. Қолаверса фуқаролик жамиятинингасосий талаби, барча фуқароларнинг бирдамлигидаги фаолиятидир.

Бундай фаолиятни амалга ошириш учун фуқарода албатта давр талаблари асосидаги ҳуқуқий маданият бўлмоқлиги, бевосита шу даврнинг зиёлиларига боғлиқдир. Бу маъсулият маънавият, тарғиботчиларининг зиммасида бўлиб уларнинг ўзлари, юксак маънавиятли,шунинг билан бирга албатта маҳоратли, халқчил нутқ эгасибўлмоқлиги шарт. Зиёлийлар ўз даврнинг илғор ва ташаббускор кишилари бўлиб, ўзларига замондош бўлган фуқароларга йўлбошчи бўлганликлари, аждодларимиз томонидан ёзиб қолдирилганасарлариданҳам билишимиз мумкин. Уларнинг барчасида ҳам фуқароларнинг билимлибўлишлари, замон билан ҳамнафасбўлишлари айтилган.

«Фозиллар шаҳридаги донишмандлар бу нарсаларни исботлаш йўли билан ёкидилсезгилари билан билиб оладилар. Донишмандларга ишониб,

ихлос қўйиб, уларга эргашувчи одамлар ўша нарсаларни (билимларни) донишмандлар билгандай билиб оладилар. Баъзилари эса бу нарсаларни бошқаларнинг тасаввурларича тақлид орқали биладилар.»²

Муаллимисоний ал-Фаробий ўзининг «Фозил одамлар шахри» асарида фуқаролик жамияти кишиларининг билимлари яхши бўлиши кераклиги, уларнинг маънавий мукаммалиги учун асос бўлиб, фуқаролик жамиятининг шартларидан эканлигини, уларга бундай билимлар донишмандлар орқали,

* *Ислом Каримов.* "Тарихий хотирасиз келажак йўқ"
Т.1998. "шарқ" (7-8 бет)

уларнинг халқ билан қилган мулоқатлари, тарғибот ва ташвиқотлари асосида сингдирилиши кераклигини таъкидлаб ўтган.

Бугунги ислохотларнинг негизида бўлган,-халқнинг ичига кириб бориш, уларни тинглаш, фикр мулоҳазаларини эшитиш фуқаролик жамиятининг хусусияти эканлиги, бундай фаолят инсонларнинг ўз ҳаётларидан мамнун бўлишлари учун хизмат қилиши таъкидлаб ўтилган. Барча даврда ўтказилган ислохотлардан мақсад, шу жамиятнинг истиқболи учун амалга оширилар экан, давр ёшларнинг мукамаллиги даражаси ислохот негизида бўлганлиги маълум.

Бугун ҳам ёш авлоднинг илмий салоҳияти, юксак манавийлик даражаси, Ватан истиқболи учун асос ҳамда омил экан, бунга эришиш, уларнинг таълим тарбияси билан шуғулланувчиларнинг маҳорати, ҳамда тажрибаларинечоғлик даврнинг талаби даражасида эканлигига боғлиқ. Зеро тарбия масаласи алломаларимиз айтиб ўтганларидек, ҳаёт-мамот масаласидир. Бумаъсулият юрт тинчлиги ҳамда тараққиёти масъулиятидир. Бу йулда адашмоқлик, хато қилмоқлик, халқига хиёнат қилмоқлик билан тенгдир. Таълим тарбия берувчидаги нуқсон, унинг фаолиятидаги нуқсон, секин-аста жамиятнинг нуқсонига айланиши мумкин. Хужжатул Ислом-Муҳаммад ал Ғаззолий ўзининг «Ихёу улумид-дин»-Илмкитобининг, таълим берувчининг одоби бобида шундай деб ёзади: «Энг ахлоқ ва ақли заиф киши ўз ақлини мукамал деб хурсанд бўлган кишидир»⁴

Бундан маълум бўладики, жамоа қаршисида туриб, ўзини мукамал ҳисоблаб «ваъз» ўқиганда, ўзисезиб-сезмаган ҳолда тингловчининг қалбига озор етказмаслик, унда шубҳа уйғотмаслик зарур деб таъкидлайди. Шу ўринда олимларни уч тоифага бўлади ва улардан бири (бир тоифаси)-ўзини ҳам, бошқаларни ҳам ҳалок этувчи олимлар,- деб атайди. Мингйиллараввал айтилган бу фикрни ҳеч қандай инкор этиб бўлмаслиги фанга маълум. Бунга мисол қилиб, Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг-«Бугун мафкураполигонлари, ядро полигонларидан хавфлироқ»- деган таъкидни келтиришни асосли деб билдим. Чунки иккала хавф ҳам аслида, инсониятнинг истиқболи *²Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисига Мурожаатномасидан. Т.2017.22 .12

*³Абу Наср Фаробий .<<Фозил одамлар шахри>>Т.1993. <<А. Қодирий>>(167-168 бетлар)

учун ўйлаб топилган ва вужудга келган. Иккала омил ҳам, олимлар фаолиятнинг маҳсули, шунинг билан биргаликда бундай хавфларни бартараф

этиш ҳам олимларнинг ҳамда шу замон кишиларининг вазифаси. Бу ишни қайсидаражада уддаламоқлик уларнинг, (Ғаззолий сўзлари билан айтганда) том маънодаги олимликларга боғлиқ.

Биз юқорида аждодларимиз томонидан ёзиб қолдирилган мумтоз асарлардан мисолларни бежис келтирмадик. Чунки эртанги кун истикболининг нечоғлик бўлиши, аждодларимиз қолдириб кетган, бебаҳо ҳисобланган мумтоз асарларни, ёшларимизнинг қайси даражада ўқиб ўрганишларига, тадқиқ этишларига боғлиқ.

“Ҳозирги кунда Ўзбекистонинг китоб фондларида 100 мингдан зиёд қўл ёзма асарлар сақланмоқда. Афсуски, бу нодир китоблар ҳам тўлиқўрганилмаган, улар олимларва ўз ўқувчиларини кутиб турибди. Ушбу ноёб асарларда бугунги давр ўртага қўяётган жуда кўп долзарб муаммоларга жавоб топиш мумкин.

Лекинбиз ана шундай ноёб мерос ворислари, шундай бойлик эгалари бўлла туриб, уларни ҳар тамонлама ўқиш-ўрганиш, халқимиз, аввало, униб-ўсиб келаётган ёшларимизга жаҳон ҳамжамиятига етказиш бўйича, етарли иш қилмаганимизни ҳам очик тан олиш керак⁵.

Ахборотасри, ахборотлар технолоғияси асри деб номланаётган бугунги даврнинг глобал даражадаги муомоларидан бири ҳисобланган «ахборот хуружи» бизнинг мамлакат ёшларини ҳам четлаб ўтмаётганлиги маълум. Афсуски, бундай ғаразли «ахборот хуржи» домига тушиб қолган ва қолаётган ёшларимиз йўқ эмас. Бизнинг вазифамиз, уларни қоралашдан иборат бўлиб қолмаслиги лозим. Аксинча биз уларни ҳар қандай мафкуравий таҳдидларни

Ғаззолий<<Ихёуулумид-дин>> Т. 2003. «Мовароуннаҳр»(118-148 бетлар) енгиб ўтиши даражасига олиб чиқмоғимиз шарт. Бунинг учун аввало уларнинг қалбида Ватанга бўлган меҳр муҳаббат туйғусини уйғотмоғимиз лозим. Бу улўғхамда шарафли вазифани амалга оширмоқ учун бел-боғлаган ҳар бир зиёлийнинг, ота-онанинг, фуқаронинг қалби уйғок, жисму дили поқ, юртига ва юртбошига чуқур меҳру муҳаббатибўлмоғлиги зарур. Зеро таълим тарбия ибодатга тенг ва муқаддасдир.

Мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислон Каримов таъкидлаганларидек,- “Ватанимизнинг келажаги, халқимизнинг эртанги куни, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори авваламбор фарзандларимизнинг униб-ўсиб, улғайиб, қандай инсон бўлиб ҳаётга кириб боришига боғлиқдир. Биз бундай ўтқир ҳақиқатни ҳеч қачон унитмаслигимиз керак.

Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлиб яшашлари учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этаётганэканмиз, бу борада маънавий тарбия масаласи, ҳеч шубҳасиз, беқиёс аҳамиятга эга. Агар бумасалада хушёрлик ва сезгирлигимизни, қатият ва масъулятимизни йуқотсак, бу ўта муҳим ишни ўз ҳолига, ўзи бўлармонликка ташлаб қўядиган бўлсак, муқаддас кадрятларимизга ёғрилган ва улардан озикланган маънавиятимиздан, тарихий хотирамиздан айрилиб, охир-оқибатда ўзимизтанлаган умумбашарий тараққиёт йулидан четга чиқиб қолишимиз мумкин⁶

**Об одной задаче поиска функции Ляпунова
для системы уравнений.**

Фатхуллаев Ф., Синдаров Ж., СамГАСИ

Данной статье рассматриваются методы поиска функции Ляпунова для системы дифференциальных уравнений. Пусть задана система дифференциальных уравнений

$$\begin{cases} \frac{dx}{dt} = \varphi_1(x) + \psi_1(y), \\ \frac{dy}{dt} = \varphi_2(x) + \psi_2(y) \end{cases} \quad (1)$$

где $\varphi_i(x)$, $\psi_i(y)$, ($i=1,2$) функции непрерывные в области D , а также удовлетворяют условию Липшеца в области $G \subset D$. При выполнении $\varphi_i(0) = 0$, $\psi_i(0) = 0$, точка $O(0,0)$ называется особой точкой или нулевой решением системы уравнения (1). Тогда на основании вышеизложенного, функция Ляпунова ищется в виде $v(x, y) = F_1(x) + F_2(y)$, (2)

где $F_1(x)$, $F_2(y)$ - функции, непрерывные в начале координат $O(0,0)$ и в области D , а функция $v(x, y)$ своими производными также является непрерывными в D . Далее докажем, что нулевое решение $O(0,0)$ системы уравнений (1) является устойчивой особой точкой.

Найдем производную \dot{v}_t как производная от функции $v(x, y)$ системы уравнений по времени, потребуем также чтобы \dot{v}_t имела вид функции $v(x, y)$. Тогда $\dot{v}_t = F_1'(x)[\varphi_1(x) - \psi_1(y)] + F_2'(y)[\varphi_2(x) - \psi_2(y)]$.

Для функции \dot{v}_t налагаются те же свойства, что имеется у функции $v(x, y)$, т.е. $F_1'(x) \cdot \psi_1(y) + F_2'(y) \cdot \varphi_2(x) = 0$. Это уравнение интегрируется методом разделения переменных, сначала преобразовав к виду $\frac{\varphi_2(x)}{F_1'(x)} = -\frac{\psi_1(y)}{F_2'(y)}$, и получаем $F_1(x) = C \cdot \int_0^x \varphi_2(\xi) d\xi$, $F_2(y) = -C \cdot \int_0^y \psi_1(\eta) d\eta$.

При $\int_0^y \psi_1(\eta) d\eta$, функция Ляпунова $v(x, y)$ выражается следующим виде

$$v(x, y) = C \cdot \left[\int_0^x \varphi_2(\xi) d\xi - \int_0^y \psi_1(\eta) d\eta \right].$$

А для функции \dot{v}_t имеем $\dot{v}_t = C \cdot [\varphi_1(x) \cdot \varphi_2(x) - \psi_1(y) \cdot \psi_2(y)]$.

Сравнивая знаки для функции $v(x, y)$ и ее производной \dot{v}_t , можно показать выполнения достаточного условия для устойчивого решения $O(0,0)$ системы (1).

Вышеприведенные рассуждения рассмотрим следующим задаче

$$\begin{cases} \frac{dx}{dt} = ax^{2m+1} + by^{2m-1}, \\ \frac{dy}{dt} = -cx^{2m+1} + ey^{2m-1}, \end{cases} \quad (3)$$

где a, b, c, e – коэффициенты из постоянных чисел таких, что $b \cdot c \neq 0$, $m \geq 1$.

Теорема 1. Если выполняется $b \cdot c < 0$, то нулевое решение $O(0,0)$ (или особая точка) системы (3) неустойчивое.

Доказательство. Теорема доказывается по методу Фромера. Вводится преобразование $y = u \cdot x^{\lambda}$ и при $\lambda=1$, $y = u \cdot x$ (*), тогда система уравнения имеет вид

$$x \frac{dy}{dx} = \frac{-(c+bu^{2m})+x^2(au^{2m+1}-a)}{bu^{2m-1}+ax^2} \quad (4)$$

$$\text{Из системы находим } x = 0, c + bu^{2m} = 0. \quad (5)$$

Для этой особой точки соответствует направление $y = x \cdot \sqrt[2m]{-\frac{c}{b}}$.

Направление относится ко второму типу и найденная особая точка по (5) является типа седла. Как известно, особая точка типа седла является неустойчивый. Это и требовалась доказать.

Значит, задача на устойчивость следует при условии $b \cdot c > 0$, когда при особой точке $x=0, y=0$, особая точка системы уравнений (1) $O(0,0)$ будет точкой центра или фокуса, т.е. имеет устойчивое решение. Для системы (4) $F_1(x), F_2(y)$ примут вид: $F_1(x) = cx^{2m}, F_2(y) = by^{2m}$.

Для функции $v(x,y) = cx^{2m} + by^{2m}$, ее производная от t будет следующая $\dot{v}_t = 2acx^{2m-1} + 2bcy^{2m-1}$ ($c=\text{const}=1/2$). На основании вышеизложенного, запишем следующую теорему.

Теорема 2. Если $a \leq 0, e < 0, b \cdot c > 0$, то нулевое решение системы уравнений (4) является асимптотическим устойчивым.

Пока нет единого стандартного метода поиска функции Ляпунова. Рассмотрим методы построения функции Ляпунова на основании теоремы 1 и 2, в нижеприведенном задаче. Пусть задана система уравнения

$$\begin{cases} \frac{dx}{dt} = ax^3 + by, \\ \frac{dy}{dt} = -cx + dy^3. \end{cases} \quad (6)$$

Ищем функцию Ляпунова для $v(x,y)$ в виде (2), тогда имеем производную от t

$$\frac{dv}{dt} = F_1(x)(ax^3 + by) + F_2(y)(-cx + dy^3).$$

Потребуем также от $\frac{dv}{dt}$, чтобы имела вид как функция $v(x,y)$, тогда нужно брат $F_1'(x) \cdot by - F_2'(y) \cdot cx = 0$.

Замена переменных на основании (*), приводит к равенству $\frac{cx}{F_1'(x)} = \frac{by}{F_2'(y)}$. Полагая, что выражения стоящее в обе стороне равенства

должны быть равными к постоянному числу, например, на $\frac{1}{2}$. Тогда функции

$F_1(x), F_2(y)$ имеют вид $F_1(x) = cx^2, F_2(y) = by^2$, и получаем $v(x,y) = cx^2 + by^2$. Отсюда, для системы уравнений (6) следует, что

производная функции v от t равно $\frac{dv}{dt} = 2acx^4 + 2bdy^4$. Получаем следующие выводы:

1. Если $a < 0$, $d < 0$, $bc > 0$, тогда на основании теоремы 2 нулевое решение будет асимптотическим устойчивым.

2. Если $a = 0$, $b > 0$, $d < 0$, $c > 0$, тогда нулевое решение системы уравнений (6) является устойчивым.

3. Если $bc < 0$, $ad < 0$ или $a > 0$, $b > 0$, $c > 0$, $d > 0$, в этом случае выполняются условия теоремы Четаева и нулевое решение будет неустойчивым.

4. Если $a = 0$, $bc < 0$, $d \neq 0$, нулевое решение также будет неустойчивым.

В этом задаче, рассмотрений метод поиска функции Ляпунова, называется методом разделения переменных Е.А.Барабашина.

Ёшларнинг маънавий баркамоллигида китобхонлик маданиятининг ўрни ва аҳамияти.

СамДАҚИ ўқт. Хўжамов Х.Х.

Орифов О.З.201-КТ (Б ва ИҚ)

Инсоният ўз тарихида қанчалик муваффақиятга, юксакликка эришган бўлса, буларнинг барига билим асосида эришган. Инсоният ўз тарихида қанчалик тубанликка тушган бўлса, билимсизлик туфайли содир бўлган.

“Инсониятнинг кўп минг йиллик тажрибаси шундан далолат берадики, дунёдаги зўравон ва тажовусзор кучлар қайси бир халқ ёки мамлакатни ўзига тобе қилиб, бўйсундирмоқчи, унинг бойликларини эгалламоқчи бўлса, авваломбор, уни қуролсизлантиришга, яъни энг буюк бойлиги бўлмиш миллий кадриятларидан, тарихи ва маънавиятидан жудо қилишга уринади”.¹

Мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислон Каримов таъкидлаган ушбу сўзларнинг тасдиғини, узоқ ва яқин тарихдаги кўп-кўп мисолларда кўриш мумкин.

Эртанги истиқболимизни яратувчилари бўлган ёшларимизнинг онгу тафаккурларини, ўзларининг ғаразли ахборот ва бошқа турдаги таҳдидлардан ҳимоя қилмоқликнинг энг самарали йўли, бу ёшларимизнинг қалбига Ватанга бўлган меҳр-муҳаббат туйғусини сингдирмоқдир. Аждодларимиз бундай туйғуни йиллар давомида эртак, дoston, ривоят ҳикоялар асосида сингдириб келишган ва бу усул энг самарали бўлиб, халқ ўз қахрамонларини шундай тарбиялаб вояга етказибкелган.

- innovatsion tadbirkorlik faoliyatini rag'batlantirish uchun soliq imtiyozlari va soliqqa tortish umumiy darajasini pasaytirish yo'li bilan ularning xo'jalik yuritish sharoitini takomillashtirish, venchurli moliyalashtirish tizimini kengaytirish, yirik kompaniyalar, tijorat banklari, sug'urta tashkilotlarning innovatsion tadbirkorlik subyektlari bilan hamkorlik qilish qiziqishlarini oshirish;
- innovatsion tadbirkorlikni bozorlar "muhit" va "sotish" o'rtasidagi munosabatni kengaytirish, bunda ularning qimmatli qog'ozlar, birinchi navbatda,

korporativ bozorda, mehnat va resurslar bozorlarida, shuningdek, birjalar, sotuvlarda, yarmarkalar va auksionlarda faol qatnashishini ta'minlash;

– davlat va innovatsion tadbirkorlik o'rtasida sheriklik aloqalarining turli shakllarini joriy qilish. Bu davlat va innovatsion tadbirkorlik o'rtasida kooperatsiya aloqalarning turli shakllarini amalga oshirish, kichik texnologik firmalarni rag'batlantirish va moliyalash bo'yicha maxsus dasturlarni ishlab chiqish, shuningdek, ilmiy-texnik mahsulotlar bo'yicha davlat buyurtmalari tizimini kengaytirishni nazarda tutadi;

– innovatsion-faol korxonalar uchun konsalting xizmatlari bozori infratuzilmasini shakllantirish, maslahat xizmatlarini ko'rsatish bo'yicha bozor institutlarini rivojlantirish, professional innovatsion menejment tizimi, innovatsion loyihalarni mustaqil ilmiy ekspertiza qilish standartini yaratishda davlat ishtirokini ta'minlash;

– innovatsion tadbirkorlik vakillaridan tashkil topgan respublika va hududlarda uyushmalar, biznes markazlar, shuningdek, halqaro tadbirkorlar uyushmalarini tashkil qilish;

– innovatsion menejment bo'yicha maxsus kurslarni tashkil qilish va ushbu yo'nalish bo'yicha mutaxassislar malakasini doimiy oshirib borish, shuningdek o'quv, ilmiy, uslubiy, ma'lumot adabiyotlarini kengaytirish va innovatsion faoliyatni boshqarish masalalari bo'yicha dasturlar yaratish.

Shunday qilib, innovatsion tadbirkorlikni institutsional qo'llab-quvvatlash davlat tomonidan tartibga solish vositalari va barcha bozor mexanizmlaridan foydalanishga asoslangan chora-tadbirlar majmuasini o'zida aks ettirishi lozim.

Xususan, innovatsion tadbirkorlik subyektlarini rag'batlantirishga yondashuv innovatsion tadbirkorlikning erishgan natijalari, ular faoliyatining tashqi yoki ichki bozorga yo'naltirilganligi, uning qaysi tarmoqqa mansubligi, miqdori va muddatlari bo'yicha tabaqalashgan bo'lishi zarur.

Ikkinchidan, kichik sanoat korxonalarini innovatsion klasterlar bilan hamkorligini rag'batlantirish. Ushbu yo'nalish innovatsion tadbirkorlikni ilmiy-tadqiqot tashkilotlari, yirik sanoat korxonalari, moliyaviy tuzilmalar va hukumat organlari bilan klaster bo'g'inlari doirasida kooperatsiya aloqalarini o'rnatishi hisoblanadi. Bu jarayonda ishtirok etayotgan subyektlar uchun o'zaro barqaror manfaatli aloqalarni shakllantirish, tashqi va ichki bozorlarda raqobat ustunliklarga erishish uchun asos bo'ladi.

O'zbekistonda innovatsion klasterlarni shakllantirish va ularga innovatsion tadbirkorlikni kirishi uchun shart-sharoit yaratish davlatning iqtisodiy siyosatining ustuvor yo'nalishi hisoblanadi va u alohida kichik innovatsion korxonalarini qo'llab-quvvatlashga yo'naltirilishigina emas, balki turli hajmdagi va turdagi faoliyatni birlashtiruvchi "yuqori texnologiyalar" tizimini rivojlantirishni rag'batlantirishga asoslanmog'i lozim.

Mamlakatda innovatsion tadbirkorlik subyektlari faoliyatini kengaytirish maqsadida quyidagi chora-tadbirlarni ko'rish zarur:

- innovatsion klasterlarni rivojlantirish bo'yicha davlat maqsadli dasturlarini ishlab chiqish va amalga oshirish;

- respublika va hududiy kichik biznesni rivojlantirish dasturlarini klaster loyihalarini amalga oshirish chora-tadbirlari bilan uyg'unlashtirish;

- innovatsion tadbirkorlikni qo'llab-quvvatlash institutlari faoliyatini barcha darajada tarmoqlararo va ijrochi organlar bilan kelishilgan holda amalga oshirishni ta'minlash.

Klasterlar doirasida innovatsion tadbirkorlikni moliyaviy qo'llab-quvvatlash davlat va xususiy tarmoq sherikligi sharoitida amalga oshirish maqsadga muvofiq va bu jarayonlarga davlat va mahalliy budjet mablag'larinigina emas, balki venchur fondlar, yirik kompaniyalar va tijorat banklar kreditlarini jalb qilish zarur. Shu bilan bir qatorda, innovatsion loyihalarni amalga oshirish uchun moliyaviy resurslarni samarali taqsimlash va jalb qilishga mas'ul bo'lgan franchayzing kompaniyalarni shakllantirish lozim.

Shuningdek, innovatsion klaster subyektlari tomonidan olingan kreditlarni kafolatlash tizimini joriy qilish, kredit kooperatsiyasi va sug'urtasini rivojlantirish maqsadga muvofiq.

Uchinchidan, innovatsion tadbirkorlik tashqi iqtisodiy faoliyati samaradorligini ta'minlash. Shu jumladan, raqobat barqarorligini ta'minlash, tashqi iqtisodiy faoliyat tizimida kichik korxonalar manfaatlarini himoya qilish va qo'llab-quvvatlash, ularning eksport salohiyatini oshirish va mamlakat eksport hajmida innovatsion mahsulotlar ulushini oshirish maqsadida, fikrimizcha, kichik korxonalar eksportni davlat tomonidan qo'llab-quvvatlash bo'yicha kompleks chora-tadbirlar ishlab chiqish lozim. Unda quyidagilarga asosiy e'tibor qaratish maqsadga muvofiq:

- tashqi bozorlarga chiqish uchun tadbirkorlarni tayyorlash dasturini ishlab chiqish va amalga oshirish;

- kichik innovatsion korxonalar uchun ular tomonidan ishlab chiqarilgan

- mahsulotlarni halqaro standartlar bo'yicha litsenziyalash, berilgan qarzlarni davlat tomonidan kafolatlash sharti bilan eksport faoliyatini kreditlash, tashqi iqtisodiy faoliyat bilan bog'liq siyosiy, tijorat, moliyaviy va boshqa xatarlarni sug'urta qilishni ta'minlash, eksporterlarga axborot-maslahat ko'magini tashkil qilishda maxsus imtiyozlar tizimini taqdim etish;

- innovatsion mahsulotlar yarmarkasi va ko'rgazmalarini o'tkazish, reklamani tashkil qilish va xorijiy davlatlarda sheriklarni topishda ko'maklashish;

- innovatsion-texnologik infratuzilmalarni takomillashtirish;

- xalqaro bozorlarda milliy mahsulotlar raqobatbardoshligini oshirish bo'yicha shart-sharoitlar yaratish.

Innovatsion tadbirkorlikni davlat tomonidan qo'llab-quvvatlashning ushbu yo'nalishi xo'jalik yuritish subyektlari eksport salohiyatini oshirish va ularning tashqi iqtisodiy faoliyati samaradorligini ta'minlash imkonini beradi.

Shunday qilib, davlat va bozor iqtisodiyotning innovatsion tarmog'i faoliyatini kengaytirishga ko'maklashishi, samarali milliy sanoat siyosatini olib borish, kichik ishlab chiqarish korxonalar innovatsion faolligini rag'batlantirish, bu birinchi navbatda jamiyatdagi innovatsion taraqqiyotga turtki bo'lmog'i lozim.

Kriptovalyutalar

Ergashev Ma'rufjon Mamurjon o'g'li (TATU talaba)

Kirish Bugungi kunda dunyo valyutaning yangi avlodi-internetda keng tarqalib ulgurgan va narxi tezlik bilan oshib borayotgan “Kriptovalyutalar” haqida gapirmoqda. Avvallari kriptovalyutalar haqida faqatgina tarmoq foydalanuvchilari eshitgan bo'lsa, xozirgi kunda u jamiyatga keng tarqalib, katta shov-shuvlarga sabab bo'lmoqda. Yurtimizda ham bu borada keng ko'lamda ishlar olib borilmoqda. Xususan prezidentimiz Sh.M.Mirziyoyev tominidan tasdiqlangan “O'zbekiston Respublikasi Axborot texnologiyalari va kommunikatsiyalarini rivojlantirish vazirligi faoliyatini tashkil etish to'g'risida” gi qarorga muvofiq O'zbekistonda AKTni rivojlantirish bo'yicha 2018-2019 yillariga mo'ljallangan yo'l haritasi ishlab chiqildi va unda “Mirzo Ulugbek Innovation Center” Inovatsiya markazi tomonidan blokcheyn texnologiyalari joriy etish bo'yicha bir qator vazifalar belgilangan.

Asosiy qism

“Kriptovalyuta” atamasi ingliz tilidagi “cryptocurrency” so'zini bevosita tarjimai xisoblanib, kriptografiya bilan himoyalangan virtual pullarni anglatadi. Kriptovalyutalarni qaysidir ma'noda olamning “kommunizmi” deyish mumkin. Bu kabi tizimning egasi va hatto tashqi yoki ichki boshqaruvchisi ham yo'q. Tashqi tarafdin tizimning ichida sodir bo'layotgan o'tkazmalarga hech qanaqasiga ta'sir o'tkazib bo'lmaydi. O'tkazmalar uchun servisning egalariga hech qanday komissiya to'lovi mavjud emas, chunki uning egasi yo'q. faqatgina maynerlarning xizmatiga to'lanadi(ular yangi pul birliklarini toppish bilan hamda o'z kompyuterlari yordamida o'tkazmalarining mo'tadilligini saqlab turish bilan shug'ullanadi), biroq u ham majburiy emas va faqatgina tranzaksiyalarning o'tishi tezlashtirish uchun kerak. Internet rivojlangan sayin odamlar “uzoqdan turib” pul to'lashga to'g'ri kela boshladi. Pulni qo'ldan qo'lga berishni esa umuman iloji yo'q. Shuning uchun “o'rtakash”larga, ya'ni elektron to'lov tizimlari, bank yoki kurerga murojaat etish kerak bo'ldi. Har qanday “o'rtakash” bajarayotgan iamaliyoti uchun haqa olib qoladi, chunki tekinga ishlashni hech kim hohlamaydi “Bitcoin”- bu hech qanday moddiy ekvivalenti yo'q va shunchaki ma'lumotlar bazasiga qaydlar jamlanmasidan iborat virtual pul. “Bitcoin” hamyon hisobidan pul ketgan yoki unga kelganini aniqlash uchun, mutahassislar barchaga ochiq holda, bir hamyondan yoki boshqa manzildan qancha bitkoinlar ketgani va kelganini ko'rsaishni taklif etdi. Ya'ni siz kriptovalyuta tarmog'iga ulanganingizda, barcha “Bitcoin” lar oldi-sotdisini ko'rishingiz mumkin bo'ladi. Shuningdek, barcha hamyonlar anonimdir (egasi kim ekanligi aytilmaydi), shuning uchun sizga kimdir qaysidir hamyon uniki ekanini aytmagan bo'lsa, hech qachon bu haqida bila olmaysiz. Baza ham, u o'rnatilgan texnologiya ham juda ishonchli bo'lganligi sabab, u insoniyat uchun muhim ahamiyatga ega bo'lishi mumkin.

Kriptovalyutalar “BlockChain” nomini olgan (“Blokklar zanjiri”) baza asosida yaratilgan. Uning ishlash tartibini tushuntirib o'taman.

- G'oyaning asosi markazlashmagan ma'lumotlar bazasini yaratish (bittorent kabi asosiy serverga ega bo'lmagan) va ma'lumotlarning nusxalarini shifrlangan holda tizimning barcha ishtirokchilarini serverida saqlash. Bitkoinida bu-

kriptoalyuta birliklarida amalga oshiriluvchi barcha amaliyotining tranzaksiyalari bazasi hisoblanadi. Barcha ro'yhatga olingan va bu ma'lumotlar barcha ishtirokchilar uchun mavjud.

- Bazadagi barcha yangi ma'lumotlar ishtirokchilarda mavjud nusxalarga mos keladi. Sinxronizatsiya va consensus yaratish algoritmlari ishlaydi. Uni o'g'irlash uchun esa kamida ishtirokchilarning yarmidagi ma'lumotlarni o'zgartirish kerak, millionlab tarmoqlar ichida buni amalga oshirish deyarli imkonsiz.

- Qalbaki to'lov tizimidan foydalanish uchun bloklar zanjirida saqlanuvchi taqsimlangan bazalarni ham almashtirish kerak (minglab kompyuterlardagi), buning uchun esa barcha kompyuterlarga kira olish lozim bo'ladi.

Ammo texnologiya bu texnologiya, pul esa-pul. Moddiy jihatdan mavjud "Bitcoin" nomli kriptoalyutani yaratishda ma'lum bir qonun-qoidalar qabul qilingan.

- "Bitcoin" kuchli inflatsiyaga uchramasligi uchun, dastlab ushbu virtual pullarning miqdorini cheklash maqsad qilingan. Shu sababli virtual oltin ekvivalenti degan tushuncha kiritilgan, uni sotib yoki qazib qo'lga kiritish mumkin. "Bitcoin"larni qo'lga kiritish usuli mayning deyiladi ("virtual shaxtachilar", ammo ular kirkalar yordamida emas o'zining kompyuterlari va maxsus yaratilgan tizimlar asosida ishlaydi).

- "Bitcoin" oltinga yanada o'xshashroq bo'lishi uchun uni qo'lga kiritish oltinni qazib olishdek mushkul ishga aylantirilgan. Aks holda kriptoalyutaning mavjud grafigida yangi birliklar ko'payib ketadi. Buning uchun esa barcha maynerlar ("virtual shaxtachilar") o'z kompyuterlari yoki maxsus tizimi orqalijuda murakkab hisob-kitoblarni amalga oshiradi-xesh funksiyasi deb ataladigan maxsus formuladan foydalanib hisoblangan raqamlarni berilgan shablona tashlaydi. Shablon esa shunday hisob-kitob bilan aniqlanadiki, maynerlarning har qanday raqamida "Bitcoin" ning yangi birligi 10 daqiqada bir marta paydo bo'ladi. Tizim ikki haftada bir marta kriptoalyutaning navbatdagi birliklarini "qazib olish ishlarini" murakablashtirish maqsadida to'g'irlash kiritiladi, bu esa kerakli shablonning ko'tarilishiga yoki pastga tushishiga yordam beradi.

- Kriptoalyutaning yangi birligini qo'shgan odamga ketkazgan xarajatlari to'lab beriladi. Vaqt o'tkan sari ushbu mablag' kamaymoqda, biroq kriptoalyuta kursining o'sayotganligi buni bema'lol qoplaydi.

- O'z kompyuterlarini mayning uchun bergan odamlar bir vaqtning o'zida ushbu tizimga tranzaksiyalar (to'lovlar)ni amalga oshirishda yordam beradi, shuningdek, tizimning barcha ishtirokchilari o'rtasida ma'lumotlar bazasini sinxronlashtiradi.

- Tizimning har bi foydalanuvchisiga maxsus manzil (oddiy kalit asosida yaratilgan kriptografik hisob) va maxfiy kalit beriladi. Bu orqali u o'tkazmalarni tizimning bir manzilidan boshqasiga ko'chira olishi mumkin. Bu huddi odatdagi hamyonga o'xshaydi, faqat o'tkazmalar shaffof tarzda amalga oshiriladi va barcha kim kimga qancha o'tkazganini ko'ra oladi.

“Kriptovalyutalar” ning afzallik va kamchiliklari

Hozirgi vaqtda “Bitcoin” valyutasi kursi juda baland ekanligi tufayli, hisob-kitoblar uning kichik bir ulushida olib boriladi. Oldi-berdilarida ko’pincha “satoshi” ishlatiladi. Uning qiymati 0.00000001 satoshi = 1 Bitcoin.

- **Mustaqil.** Tizim mutlaq avtonom va hech kimning yordamiga muhtoj emas. Siz bir hamyondan boshqasiga mablag’ o’tayotganini ko’rib turasiz, ammo uni taqiqlay ham, bloklay ham olmaysiz.

- **Chegaralangan.** Kriptovalyuta yaratilgan algoritmgacha asosan, ja’mi 21 000 000 gacha “Bitcoin” toppish mumkin, bundan so’ng esa yetishtirish to’xtatiladi. Buni oqibatida nima bo’lishini hech kim bilmaydi, agarda moliyaviy portlash bo’lmasa, kriptovalyuta muomalada qoladi va har zamon kursini o’zgartirib turadi.

- **To’liq mahfiylik.** “Bitcoin” hamyonni raqamlari orqali uning egasi kim ekanligini bilib bo’lmaydi, buning oqibatida noqonuniy pul aylantirish va firbgarlikka yo’l ochiladi.

- **“Ortakash”larning yo’qligi.** “Bitcoin”larni o’tkazish uchinchisi tomonsiz (banksiz) amalga oshiriladi. Bu esa bitimning tezda “imzolanishi” ga hizmat qiladi. Ammo bu uning hafvsizligiga putur yetkazadi va o’tkazilgan mablag’ni qaytarib olib bo’lmaydi.

- **Ta’minlanmagan.** Kriptovalyuta, real pullarga o’xshab, doimiy rezerv bilan ta’minlanmagan va boshqa sabablatga ko’ra “bitcoin” kursi kutilmaganda to’liq nolga tushib ketishi hech gap emas.

- **Rasmiy ishlamaydi.** “Bitcoin” moliya tizimiga yomon ta’sir etishi mumkin, shu sababli ko’ davlatlar kriptovalyutaga ishonchsizlik bilan qaraydi. Rossiyada “Bitcoin” yetishtirish bilan shug’ullanganlarni javobgarlikka tortish bo’yicha qonun tayyorlashgan, lekin hali to’liq kuchga kirmagan. Ammo yaqindagina Venesuela prezidenti Nikolas Maduro mamlakatning rasmiy kriptovalyutasini – “El Petro” ning dastlabki emissiyasini tasdiqladi.

Hozirgi kunda kriptovalyutalarning deyarli yangi turlari har kuni paydo bo’lmoqda. Dunyoda kriptovalyutalarning umumiy soni 1300 dan oshadi va bu ko’rsatkich kun sayin o’sib bormoqda Bitkoindan tashqari boshqa ko’plab kriptovalyutalar yaratilgan bo’lib, ularning ham alohida birjalari tashkil etilgan.

Kriptohamyon

Kriptovalyuta yig’sih yoki saqlash uchun mahsus mo’ljallangan kriptovalyuta hamyonlari mavjud. Hamyon shaxsiy kalitni o’z ichiga olgan bo’ladi. Bu kalit esa blokcheyn tizimidagi kriptovalyutalarni sarf qilish imkonini beradi. Xar bir hamyon o’zi qo’llab quvvatlaydigan barcha aktiv balanslarni ko’rsatib turadi va muayyan odamga ma’lum bir miqdordagi summani o’tkazish imkonini beradi.

Kriptovalyuta hamyonlarining turlari quyidagilar:

- a) Uskuna ko’rinishidagi hamyonlar;
-mahsus aparat kriptovalyuta hamyonlari;
-kompyuter hamyonlar;
-mobil hamyonlar;
- b) onlayn kriptovalyuta hamyonlari;
- c) qog’oz (QR code) ko’rinishidagi hamyonlar.

Agar siz dasturli hamyon ishlatadigan bo'lsangiz shaxsiy kalitingiz sizning kompyuteringizda bo'ladi yoki Internet hamyon ishlatgudek bo'lsangiz, u holda shaxsiy kalitingiz masofadagi serverda joylashgan bo'ladi.

Xulosa

Alohida qayd etish joizki, kriptovalyutalardan anonim operatsiyalarni amalga oshirishda keng foydalanilayotganligi oqibatida noqonuniy pul aylantirish va firibgarlikka keng yo'l ochilib, ba'zi mamlakatlarda xufiyona iqtisodiyotni yanada kengaytirishiga xizmat qiladi. Ayniqsa, rasman to'lov vositasi sifatida tan olinishi natijasida kriptovalyutalarning internet tarmoqlarida markazlashmagan holda virtual emissiyani va muomalada bo'lishi davlar markaziy banklarining pul muomalasini nazorat qilish va erkin monitor siyosat imkoniyatini chegaralaydi.

Buxgalteriyani o'qitish jarayonida axborot texnologiyalaridan foydalanish

I.Isoqov, J.D.Saidov, L.I.Berdiqulov-GulDU

O'zbekistonda axborot-kommunikatsiya texnologiya (AKT) larini yanada rivojlantirish, har bir sohaga tatbiq qilish, mutaxassislarning kompyuter savodxonligini oshirish kabi masalalar davr talabiga muvofiq yechilmoqda.

Ta'lim jarayonida axborot kommunikatsiyasi texnologiyalari rivojlanishining asosiy omillari kompyuter texnologiyalarining turli sohalarda tobora keng qo'llanib borayotganligidadir. Kompyuter texnologiyalari qo'llanish sohasining kengayishi jamiyat hayotining barcha sohalarida ya'ni ishlab chiqarishda, fanda, ta'limda, tibbiyotda va boshqa jabhalardagi rivojlanish ya'ni tezkor axborot almashinuviga, qisqa vaqtda axborotlarni qayta ishlash, o'z vaqtida manbaga uzatishga olib kelmoqda. Oliy ta'lim tizimida buxgalteriya masalalarini o'qitish va bu sohani kompyuterlashtirish jarayonida jiddiy masala turadi – bu bir necha predmetlarni o'rganish bo'lib, ular kompyuter texnikasi, buxgalterlik hisoboti va dasturli ta'minlashni buxgalterlik ishida amaliy qo'llash, hamda aniq bir dasturni tanlay bilish kabilardan iboratdir.

Kompyuter va zamonaviy axborot texnologiyalari yordamida iqtisodiyot va buxgalteriya masalalarini o'qitish. O'quv jarayonini kompyuter texnikasi yordamida dasturiy vositalar bilan birgalikda olib borish oliy talim tizimida talabalarning bilimlarini yanada boyitish, ularda amaliy ko'nikmalar hosil qilishda aloxida o'ringa ega.

Zamonaviy o'qituvchining jamiyatni axborotlashtirish sharoitida ishlashga tayyorligini belgilab beradigan quyidagi axborot-kommunikativ salohiyatlar muhim hisoblanadi:

- kasbiy vazifalarni informatikaning zamonaviy vositalari va metodlarini axborot-kommunikativ texnologiyalardan foydalangan holda bajara olish malakasi;
- kasbiy faoliyatda axborot-kommunikativ texnologiyalardan foydalanish borasida tayyorgarlik darajasini real aks ettiruvchi, shakllanib ulgurgan shaxsiy sifatleri;
- vaziyatni to'g'ri baholash va pedagogik faoliyatda axborot-kommunikativ texnologiyalardan foydalangan holda samarali qarorlar qabul qila oladigan predmet-maxsus bilimlarni tashkil etish imkoniyatiga ega bo'lish.

Buxgalterlik dasturlari bozorida hozirgi kunda taqdim etilganlaridan talablarga eng to'la javob beradigan o'zimizdagi buxgalterlik dasturli mahsulotlarni ishlab chiqaruvchilar tomonidan mahalliy sharoitlarga

moslashtirilgan emas, balki «BiSoft multimedia» («BiSoft multimedia») firmasi tomonidan yaratilgan “Buxgalterskaya integratsionnaya sistema — BIS” dasturi hisoblanadi.

Bu dasturning o'qitish nuqtai nazaridan qulayligiga uning oddiyliigi, soddaligi muhim dalil bo'la oladi. Bu dastur buxgalteriya ishini tajribasi umuman bo'lmagan odamga unda ishlashni boshlashga imkon beradi va buxgalterlik hisoboti turli yo'nalishlarini va sohalarida avtomatlashtirishning chinakamiga cheklanmagan imkoniyatiga ega, ular kerakli tayyorgarlik bo'lgani holatida buxgalter mehnati yuqori samaradorligi bilan birga mohirlik va professionalizm ko'rsatish imkoniyatini beradi.

Buxgalterlik hisobotini o'rganuvchilar oldida bu dasturdan foydalanadigan odamni yoki keyinchalik amalda aynan undan foydalanmoqchi bo'ladimi, bundan qat'iy nazar xo'jalik faoliyatining butun ko'rinishi namoyon bo'ladi. Bo'limlar hisobotini tashkil etuvchi jarayonni avtomatlashtirish boshlang'ich hujjatlar va yakuniy hisobot dialektik o'zaro bog'lanishini va bog'liqligini buzmaydi, ularni tushunish uchun ham va tekshirish uchun ham bu aloqani ochiq – oydin ko'rsatadi. Buxgalterlik hisoboti hamma hisoblarini foydalanuvchi ochiq holatda ko'rishi mumkin. Balans va hisobotini shakllantirish uchun ortiqcha bo'lgan hech narsa yo'q.

O'qitish texnologiyasida amaliy foydalanish bilan birga masofadan va multimediali o'qitish kabi yo'nalishlarni alohida ko'rsatish mumkin.

Approaches of innovative development of the sphere of tourism

Ergashov a Ra'no To'rayevna

Qarshi davlat universiteti

The diverse approaches analyzed in this article illustrate that ‘innovation’ is far from being a uniform process or a panacea for development problems. In fact, it may be far more appropriate to talk about different ‘innovations’. There are clearly different models for innovative development, different concepts of innovation, different innovative experiences, different levels of visibility of innovative spaces and spectacles, and innovation may be integrated with or separated from other policy areas. We pay particular attention to those approaches of innovation that are pertinent to the development of tourism, but in doing so we also cover many themes that are relevant for innovative development in general. Looking at the different approaches to innovation and tourism adopted here, we can identify a spectrum of innovations, ranging from hardware based to software-based approaches. The hardware-based approaches tend to depend heavily on the development of innovative spaces and infrastructure, whereas the software-based approaches depend far more on the development of experiences. Mediating these two extremes are the ‘orgware’ approaches, which provide the policy, strategy and management frameworks necessary to link the innovative software and hardware. It is clear, therefore, that a holistic approach is essential for effective innovative development, and that innovation also needs to be place and context specific.

The correlation between the growth of tourism and the degree of innovation is an evident. Still, tourism innovation has been limited of political consideration and is has not played decisive part. Hence, when innovations take plays in the field of

tourism economic driving forces have often been the reason for looking beyond ordinary procedures and turning to new innovative thinking. However, it is not as common a phenomenon as in the manufacturing industry. It has been argued that innovations are non-existent in tourism. Although it would probably be a lot closer to the truth to say that they are less frequently occurring and sometimes taking on different features making them harder to detect.

One way of generally defining the term innovation follows:

“Innovation is the search for, and the discovery, development, improvement, adoption and commercialization of new processes, new products, and new organizational structures and procedures”²⁸.

A broad definition, like the one above, is useful when applied to the sphere of tourism. Hjalager describes an appropriate sub-division of innovations into 5 categories – product, process, management, logistics, and institutional innovations, described in the following section²⁹:

-production innovations

This category consists of changed or new products or services, developed to the stage of commercialization. Their novelty should be evident to producers, suppliers, consumers, or competitors. Loyalty programs, events, based on local traditions and environmentally sustainable accommodation facilities are examples of production innovations in recent years.


-process innovations

These innovations involve a way of raising the performance of existing operations with new or improved technology or redesigns of the entire production line. These kind of innovations can be combined with or result in product innovations. Robots for cleaning and maintenance, self-service devices, and computerized management and monitoring systems make up good examples.

-management innovations

New job profiles, collaborative structures and authority systems among others belong to this category, often in combination with the introduction of new products, services and production technologies. these can for instance lead to staff empowerment through job enrichment, training and decentralization.

Now, I am going to enlighten the approaches of innovative development of the sphere of tourism by Abernathy and Clarck:



²⁸ “Regulatory reforms and innovations”, OECD Report, p. 17

²⁹ Hjalager, A.M. “Repairing innovation defectiveness in tourism”, Tourism Management, 23, 2002, p. 465

Source: Abernathy, W.J. and Clarck, K.B. mapping the winds of creative destruction. Research Policy, Vol.14, Issue 1, 1985.

Generally, many new ideas and concepts cannot be protected leads to a large degree of free-riding on investments and ideas of others, as competitors are quick to follow successful paths. Hence, competitive advantages may quickly be eroded and new, constant innovations are needed. This shows that innovations certainly exist, they may just not be as easy to count or as common as in the manufacturing industry.

O'zbekistonda turizm: yutuqlar va muammolar.

Xasanboyeva Malikaxon Valijon Qizi

Begimova Dilshoda Komiljonovna

Toshkent moliya instituti

Turizm hozirgi kunda rivojlanib kelayotgan yangi sohalardan biridir. Har yili millionlab odamlar dunyo bo'ylab turli maqsadlarda sayohat qiladilar. Turizm deganda jismoniy shaxsning doimiy istiqomat joyidan sog'lomlashtirish, ma'rifiy, kasbiy-amaliy yoki boshqa maqsadlarda borilgan joyda (mamlakatda) haq to'lanadigan faoliyat bilan shug'ullanmagan holda uzog'i bilan bir yil muddatga jo'nab ketishi (sayohat qilishi) tushuniladi.


Sayyohlikning keng qamrovli taraqqiyoti ko'plab mamlakatlar uchun katta daromad manbaiga aylanib bormoqda. Birlashgan Millatlar Tashkilotining Jahon sayyohlik tashkiloti ma'lumotida 2016 yilda dunyo bo'yicha 1 milliard 235 million sayyoh qayd etilgan bo'lsa, 2017 yil yakuni bo'yicha bu ko'rsatkich 1 milliard 322 millionga yetdi va yillik o'sish ko'rsatkichi 7 foizga teng bo'ldi.

O'z bag'riga UNESCO ro'yhatidan o'tgan tarixiy yodgorliklarni olgan va hozirgi me'morchiligi tarixiy va zamonaviy arxitekturani o'zida mujassamlashtirgan O'zbekiston ham yiliga millionlab turistlar tashrif buyuradigan manzillardan biridir. 2016 yilda O'zbekiston Respublikasiga 2,3 million nafar chet el fuqarolari tashrif buyurgan, bu 2000 yilga nisbatan 7 barobarga ko'p demakdir.

Ma'lumotlarga ko'ra O'zbekistonga tashrif buyiruvchilarning sabablari turlicha: o'qish yuzasidan, ish xizmatlari bo'yicha, davolanish, qarindoshlarni ko'rish va boshqalar (1-rasm). Ma'lumotlardan ko'rinib turibdiki, 2016 yilda O'zbekiston Respublikasiga kirib kelgan shaxslarning 2,0 foizi (150,6 ming nafar) xizmat yuzasidan, 0,1 foizi (6,3 ming nafar) o'qish maqsadida, 0,7 foizi (53,1 ming nafar) ishlash maqsadida, 22,6 foizi (1661,6 ming nafar) qarindoshlarini yo'qlash uchun, 0,4 foizi (27,3 ming nafar) davolanish maqsadida, 71,5 foizi (5255,3 ming nafar) doimiy yashash joyiga, 0,2 foizi (17,2 ming nafar) tijorat maqsadida kelgan. Tashrif buyurganlarning 2,4 foizini (175,7 ming nafar) sayyohlar tashkil qilgan.

1-rasm

2016 yilda O'zbekiston Respublikasiga kelgan shaxslarning safar maqsadlari bo'yicha taqsimoti, ming kishi



Manba: O'zbekiston Respublikasi Bojxona qo'mitasi ma'lumotlari.

Yurtimizga kelayotgan sayyohlar sonining ko'pligi O'zbekistonda turizm sanoati rivojlanayotganidan dalolatdir. Bunga sabab O'zbekistonning yuqori turizm salohiyatidir. O'zbekistonda katta tarixiy-madaniy meros – 7300 dan ortiq qadimiy-me'moriy va arxeologik obidalar joylashgan. Ularning ko'pchiligi Samarqand, Buxoro, Xiva, Shahrisabz, Termiz, Qo'qon va Toshkent shaharlarida qad ko'targan. Yurtimizdagi 200 dan ziyod tarixiy yodgorlik va obidalar YUNESKOning madaniy merosi ro'yxatiga kiritilgan. Bundan tashqari o'zbek xalqining mehmondo'stligi hamda urf-odatlarimizning boshqa hech yerda qaytarilmas jozibadorligi turistlarni o'ziga jalb qiladi. O'zbekistonga tashrif buyurgan turistlar orasida o'tkazilgan so'rovdan shu ma'lum bo'ldiki, respondentlarning 39 foizi O'zbekiston me'morchiligiga qiziqish tufayli, 24 foizi o'zbek xalqi urf-odatlarini va madaniyatini o'rganishga bo'lgan ishtiyoq tufayli tashrif buyurgan ekan.³⁰

Yurtimiz jahon sayyohlik bozorida o'z o'rniga ega bo'lishiga qaramasdan, turistlarga qulay sharoit yaratish, servis xizmatini yaxshilash, sayyohlik obidalarining jozibadorligini oshirish va reklamani kuchaytirish darajasi juda past. Afsuski, O'zbekiston bu sohada hali ancha orqada ekanligini ko'rish mumkin. Xususan, Butunjahon turizm va sayohatlar bo'yicha kengashi (BTSK) tomonidan berilgan bahoga ko'ra, O'zbekiston sayyohlar tashrifi bo'yicha dunyo mamlakatlari orasida 150-o'rinni egallaydi.


Turistlarga ko'rsatilayotgan servisning pastligi mehmonxonalarning soni kamligi bilan ham bog'liq. 2016 yilda mehmonxona va shunga o'xshash joylashtirish vositalari soni 750 tani tashkil qildi va 2012 yilga nisbatan 44,0 foizga (229 ta) ko'paydi. Mehmonxonalar soni ko'pyanligini inkor eta olmaymiz, lekin bu ko'rsatkich turizm sohasi bo'yicha yetakchilik qilayotkan mamlakatlardan ancha past. Yiliga 80 millionlab sayyohlarni qabul qiluvchi Fransiyada Parij va uning atrofidagi hududlardagi mehmonxonalar soni 4.260 tani tashkil yetar ekan. Bizda esa bu ko'rsatkich respublika miqyosida 4 yarim barobarga past,

³⁰ M.slavomirhorak.net: Central Asia: Problems and opinions.

mehmonxonalarning bori ham Yevropa mamlakatlarining mehmonxonolari narxi bilan deyarli teng va har yili narx sezilarli darajada o'sib bormoqda.

2-rasm

O'zbekiston Respublikasi sayyohlik sohasining statistik ma'lumotlari



Manba: Davlat statistika qo'mitasi va BMT Jahon sayyohlik tashkiloti metodologiyasi bo'yicha

Nahotki shuncha tarixiy va boy madaniy meroslarimiz bo'la turib, ularni dunyoga tanita olmasak? Buning uchun bizda arzigulik va maqtagulik boy tarixiy merosimiz yetarli. Ular haqida boshqalarga ma'lumot berish, ya'ni reklama tizimini takomillashtirish, O'zbekistonni har tomonlama ko'rsatib bera oladigan qisqa metrajli video lavhalar tayyorlash, ko'rsatiladigan servis xizmatlar sifatini oshirish, mehmonxonalar sonini ko'paytirish turizm sohasidagi muammolar yechimi bo'lar edi. Prezidentimiz SH.M.Mirziyoyev ta'biri bilan aytganda: "Turist –bu investitsiya". Iqtisodiyotimiz rivoji uchun ham biz mamlakatimizga keluvchi turistlar sonini ko'paytirishimiz dardkor.

Сурхондарёда экотуризмни ташкил этиш масалалари

Худайберганава Санавар Куклановна-ТерДУ

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, бозор иқтисодиётига асосланган жамият қуришни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Бу мақсадни амалга оширишда туризм соҳаси ҳам етакчи тармоқлардан бири сифатида муҳим ўринни эгаллайди. Туризм нафақат ўтмишни ўрганиш, балки ўзга халқлар ва элатлар билан танишиш, уларнинг маданий ёдгорликларидан баҳраманд бўлиш, шунингдек у катта бизнес ҳамдир.

Ҳурматли Президентимизнинг олий мажлисга мурожаатномасида: "Ҳозирги кунда миллий иқтисодиётга юқори даромад келтирадиган истикболли тармоқлардан бири бу-туризмдир. Ўзбекистон туризм соҳасида улкан салоҳиятга эга бўлган давлат ҳисобланади. Юртимизда 7 минг 300 дан

ортиқ маданий мерос объектлари мавжуд ва уларнинг аксарияти ЮНЕСКО рўйхатига киритилган.”- деган фикрларни келтириб ўтганлар.

Сурхондарёнинг Бойсун тумани ҳам шу рўйхатдан ўрин олган объектлардан бири ҳисобланади. Бойсун маданий муҳити илк бор жаҳон ҳамжамиятлари маданий объектларининг 19 номинантлари орасида ЮНЕСКО томонидан “Инсониятнинг оғзаки ва номоддий маданий мероси” сифатида эътироф этилган, 2008 йили эса ЮНЕСКОнинг “Инсониятнинг номоддий маданий мероси” Репрезентатив рўйхатига киритилди. Бу ўз навбатида Бойсун халқ маданиятини ва унинг бадиий анъаналарини сақлаш ва ёзиб олишда ҳамда кенг кўламда илмий тадқиқ этиш жараёнига сабаб бўлди.

Сурхондарё, жумладан Бойсун сервикор тоғлари, ўзига хос ўсимликлару ҳайвонот олами, мўжизаларга бой жойлари, шифобахш сувлари, гўзал ва бетакрор табиати билан ҳам барчани лол қолдиради. Шунинг учун ҳам Бойсун экотуризмни ривожлантириш учун энг мақбул жойлардан биридир. Шу ўринда ҳурматли Президентимизнинг олий мажлисга мурожаатномасиданқуйидаги фикрларини келтирмоқчиман: “Шу билан бирга, мамлакатимизнинг бетакрор табиати, гўзал дам олиш зоналари имкониятларидан фойдаланиб, янги туристик йўналишлар очиш мумкин. Бу соҳага жаҳон брендларини фаол жалб этган ҳолда, биз зиёрат туризми, экологик, маърифий, этнографик, гастрономик туризм ва бу соҳанинг бошқа тармоқларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим. Бу борада давлат-хусусий шериклик мукносабатларини қўллаш соҳани тараққий эттиришда кенг имкониятлар очишини ҳисобга олишимиз лозим.”

Бугунги кунда экологик туризмга ҳар қочонгидан ҳам талаб катта. Будунёнинг барча давлатларига тегишли бўлиб, фаол дам олишнинг бир тури, унга кўра инсон ўз соғлигини сақлабгина қолмай балким, бир қанча эстетик ҳиссиётлар олади. Ҳозирги кунда экологик туризм энг ривожланган дам олиш тури бўлиб, бу спорт тури ҳам ҳисобланиб, туризмнинг энг ривожланган соҳасига айланмоқда.

Мамлакатимизда туризм фаолияти мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ иқтисодий тараққиётнинг устувор йўналиши сифатида талкин қилиниб, унга эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Соҳа ривожини учун зарурий ташкилий –ҳуқуқий механизмлар вужудга келтирилиб, ҳукумат томонидан тегишли меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди ва бу борадаги ишлар ҳозир ҳам давом этмоқда.

Бюджетный дефицит как фактор воздействия на финансовые и экономические риски страны

Азизов Азизбек Сабитханович

Наманганский государственный университет

Финансово-экономические риски, помимо прочих факторов, сильно зависят от бюджетной политики государства. Государственная политика в данной сфере предопределяет степень воздействия рисков на всю экономику.

Степень задолженности страны (частного и государственного секторов) прямо влияет на среднюю процентную ставку предоставляемого капитала как

в виде кредитов, так и в виде долевого участия. В случае госдолга мы имеем дело с ежегодными процентными выплатами, которые включаются в расходную часть бюджета каждой страны (в случае частных компаний выплаты по процентам проявляются в виде снижения ЕВТ). Чем больше долговая нагрузка и чем выше процентная ставка по долговым обязательствам, тем больше сумма выплат по процентам. Следовательно, при прочих равных условиях, государство вынуждено сокращать расходы на прочие статьи и увеличивать сумму выплат процентных платежей по долгам.

Разные страны по разному ведут политику расходования средств государственного бюджета. Если в некоторых странах бюджет стоит под жестким контролем исполнительной и законодательной властей, то в других странах используются более гибкие (и даже негласные) способы расходования и пополнения бюджета государства (в основном это страны Азии и Ближнего Востока).

Необходимо отметить, что наднациональные структуры в мире предписывают странам строгие конкретные меры по контролю за расходами средств государства. Например, в странах ЕС (еврозоны) имеется жесткое предписание по контролю над бюджетными расходами, и дефицит бюджета не может превышать 3% ВВП страны.

Переменные и коэффициенты для оценки финансово-экономических рисков страны³¹

<u>Переменные для оценки финансового риска</u>	
Основные переменные и коэффициенты иностранного кредитования:	
– иностранное кредитование частного сектора (гарантированное и негарантированное государством, долгосрочное)	– иностранное заимствование государства (гарантированное и долгосрочное)
– кредитование от МВФ	– иностранное заимствование муниципалитетов (долгосрочное)
– краткосрочное кредитование	– валовая сумма процентных платежей (исходя из суммы долговых обязательств)
– валовая сумма кредитования (основная часть долговых обязательств)	
– Валовое иностранное кредитование/валовый экспорт	– Валовое иностранное кредитование/ВВП
– Долгосрочное гарантированное государственное и частное кредитование/валовый экспорт	– Долгосрочное гарантированное государственное и частное кредитование/ВВП
– Общая задолженность/валовый экспорт	– Валовая плата по долговым обязательствам/ВВП
– Плата по процентам/валовый экспорт	– Плата по процентам/ВВП
– Официальные золотовалютные резервы / Долгосрочное гарантированное государственное и частное кредитование	– Официальные золотовалютные резервы/валовый импорт
– Официальные золотовалютные резервы/валовый внешний долг	

³¹ Создано самим автором

Одни страны выполняют данные требования (Нидерланды, ФРГ, Франция), другие – нет (Греция, Испания, Португалия).

Необходимо проводить точное разграничение между государственными и негосударственными финансовыми обязательствами. А именно, если государственные облигации зависят в целом от бюджетной политики, золотовалютных резервов и прочих факторов, то финансовые обязательства частных компаний (помимо указанных выше факторов) также зависят и от собственных рисков компаний-кредиторов. То есть, риски по финансовым обязательствам государства распространяются на компании с внешним заимствованием, что нельзя сказать про обратное.

Дефицит бюджета государства важен не в абсолютной величине, а в качестве процентного отношения общей долговой нагрузки с золотовалютными резервами и ВВП (или ВНП) страны. Так как экономики стран различаются существенно, то даже незначительные внешние заимствования страны с малой экономикой может привести к дефолту или существенному возрастанию рисков. Ещё один немаловажный аспект государственного дефицита – долгосрочное воздействие на всеобщее экономическое благосостояние населения. Обильное расходование бюджетных средств за счёт заимствований – внешних и внутренних – в краткосрочной перспективе не будет заметно, но в долгосрочной перспективе несомненно повлияет на экономический рост и всеобщее благосостояние страны.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишда назарий қарашлар

И.Э.Кенжаев

Наманган давлат университети

Бугунги кунда жаҳон иқтисодиётида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар (ТТХИ)ни минтақа иқтисодиётига жалб қилишни асословчи бешта назарий қарашлар мавжуд. Уларга қуйидагилар киради:

1. Маҳсулотнинг ҳаётийлик цикли назарияси;
2. «Учаётган ғозлар» назарияси;
3. Рақобат устунлиги назарияси;
4. Эклектик парадигма назарияси;
5. Инвестицион ривожланиш йўли назарияси.

Маҳсулотнинг ҳаётийлик цикли назарияси француз олими Р.Вернон томонидан 1966 йилда ишлаб чиқилган[1]. У ТТХИ жалб этиш билан маҳсулотнинг ҳаётийлик цикли ўртасидаги боғлиқликни аниқлади. Р.Вернон Шимолий Америка корпорацияларининг Ғарбий Европа мамлакатларига Иккинчи Жаҳон урушидан кейинги даврда товар ва капитал экспорт қилиш орқали бозорларни эгаллаб олиши ҳолатини таҳлил этиш натижасида “маҳсулотнинг ҳаётийлик цикли” назариясини яратди. Р. Вернон тадқиқотларига кўра корпорациялар товарнинг бозордаги ҳаётийлик цикли босқичига қараб ўз ривожланиш стратегиясини ўзгартиради ва улар қўйидаги йўналишларга асосланади:

- ўз уйида товар ишлаб чиқариш;

- товарни экспорт қилиш;
- ишлаб чиқаришни чет эл бозорларига кўчириш.

Япон олими К. Акамацу XX аср бошида Япония тўқимачилик саноатининг 40-50 йиллик ривожланишини эмпирик тадқиқ этиш асосида ишлаб чиққан иқтисодий ривожланиш назариясига кўра тармоқнинг иқтисодий ўсишини уч босқичдан иборат бўлишини таъкидлаб ўтади. Биринчи босқичда тармоқ товарга бўлган миллий талабни қондира олмайди. Талабнинг бир қисми импорт ҳисобидан қопланади. Иккинчи босқичда тармоқ ТТХИ жалб этиш ҳисобига ишлаб чиқаришни ривожлантириб, янги корхона ва иш ўринларини ташкил этиб, катта салоҳиятга эга бўлди. Учинчи босқичда тармоқ маҳсулотларни сотиш бозорларини кенгайтиради ва кўпроқ капитал жамғариш имкониятини яратади.

Рақобат устунлиги назарияси. Бизга маълумки, иқтисодий назария фани А. Смит давридан бошлаб рақобат муҳити шароитида фирмаларнинг бозорда рақобат устунлигини таъминлаши учун қатор позициялар бўйича ўз ҳукмронлигини ўрнатиб, уни эгаллаб олиши зарурлигини исботлади. Бугунги шароит фирмалар учун бундай ҳукмронлик ўрнатиш учун янги имкониятлар ва йўналишларни қидиришга мажбур этмоқда. Бу муаммони 1990 йилда М.Портер «Миллатнинг рақобат устунлиги» асарида[2] ёритиб берди. У саноати ривожланган ва экспорт фаолиятида катта натижаларга эришган 10 та мамлакатдаги 100га яқин тармоқлар бўйича ўтказилган кенг кўламли тадқиқот натижаларини баён қилди. М. Портер тадқиқотлар асосида рақобат устунлигини таъминловчи омиллар тизимини аниқлай бошлади.

М. Портер ТМК ва хорижий инвестицияни қабул қилувчи мамлакатлар стратегиялари мавжуд рақобат устунлигидан фойда кўришга асосланганлигини исботлади ва рақобат устунлигининг тўрт йўналишда бўлишини аниқлади:

1. Корпоратив бошқарув устунликлари;
2. Ишлаб чиқариш омиллари устунлиги;
3. Мамлакатдаги талаб (бозор) ҳажми;
4. Кўмакчи вақўшимчатармоқларга боғлиқ устунлик.

Инвестицион ривожланиш йўли назарияси (1994 й.) Ж.Даннинг ва Голландиялик олим Нарулаларга тегишлидир. Ушбу назарияга кўра мамлакатнинг ТТХИ экспорт ёки импорт қилиши, тўғридан-тўғри унинг иқтисодиётининг ривожланиш даражасига боғлиқ. Мазкур ривожланиш йўли беш босқичдан иборат ва ТТХИнинг мамлакат иқтисодий ривожланиш даражасига боғлиқлигини тавсифлаб беради. Меҳнат сиғими юқори, паст технологияли ишлаб чиқаришга эга ва қазиб чиқариш саноати устун бўлган мамлакатлар, одатда, ТТХИни импорт қилувчи мамлакатлар ҳисобланишади (биринчи босқич). Ушбу мамлакатлар капитал сиғими юқори ишлаб чиқариш ва илмий-техника тараққиётини ривожлантиришга ҳаракат қилишлари ТТХИ импортининг ўсишига олиб келади (иккинчи босқич). Агар хорижий капитал импорти рағбатлантирувчи ва экспортга йўналтирилган сиёсат билан қўллаб-қувватланса, мамлакатнинг ўзи ТТХИни экспорт қила бошлайди (учинчи ва қисман иккинчи босқичлар). Тўртинчи босқич ривожланган мамлакатларга хос бўлиб, ТТХИ экспорти уларнинг импортдан юқори бўлади. Бешинчи босқичда ТТХИ экспорти ва импорти бир-бирини мувозанатлаб туради ва

юқори ривожланган мамлакатларга хосдир. Ушбу мамлакатлар барча афзалликларга (O, I, L) эга бўлиб, жаҳонда технологик ва капитал сиғими юқори бўлган тармоқларда етакчилик қилишади.

ТТХИ тўғрисидаги барча назарияларни тизимли таҳлил этиш шуни кўрсатадики, уларнинг бирортаси ҳам ТТХИ жалб этиш бўйича мутлоқ ҳақиқатни ифода этмайди. Чунки барча назариялар алоҳида олганда ТТХИ шаклидаги халқаро капитал ҳаракатининг тор доирадаги жиҳатларини ифода этади холос. Бизнинг хулосаларимизга кўра Ж. Даннинг “Эклектиклик назарияси” ва Р. Наруланинг “Инвестицион ривожланиш йўли” назариялари нисбатан кенгроқ ва тўлароқ даражада халқаро капитал ҳаракатидаги иқтисодий муносабатларни ифода этади. Бундан ташқари ушбу назариялар, бизнингча, халқаро капитал ҳаракати билан миллий иқтисодиётнинг шаклланиши жараёни ўртасидаги алоқадорликни мукамал ва аниқроқ ёритади.

Макроиқтисодий о'сishни та'minlashda kichik biznes va xususiy tadbirkorlikning o'rni **Ismatov Sh. A – TerDU**

Jahon amaliyoti tajribalaridan malumki, mamlakatning iqtisodiy o'sishini ta'minlash ko'p jihatdan kichik biznes va xususiy tadbirkorlikning rivojlanganlik darajasiga bog'liq bo'lib, barcha davlatlar ushbu sohani qo'llab-quvvatlashga harakat qiladi. Kichik biznes va xususiy tadbirkorlik o'ziga xos afzallik tomonlari bor bo'lib, ular quyidagilardir: bozor kon'yukturasi o'zgarishlariga tez moslashuvchanligi, kam mablag' talab etishi, yangiliklarni tez joriy etish, yangi turdagi tovar va xizmatlarni qisqa muddatda joriy etish, tashkil etish va boshqarishning qulayligi, yaratuvchanlik va yangiliklarga intiluvchanligi kabilardir. Mamlakatimizda olib borilayotgan islohotlar natijasida va iqtisodiyotni modernizatsiyalash sharoitida kichik biznes va xususiy tadbirkorlikka keng imkoniyatlar ochib berilmoqda va buning natijasida keyingi yillarda yalpi ichki mahsulotni yaratilishida ushbu soha vakillarining ulushi tobora ortib bormoqda.

Davlatimiz rahbarining kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni qo'llab-quvvatlashga qaratilgan tashabbuslari natijasida bugungi kunga kelib makroiqtisodiy muvozanatni ta'minlash va iqtisodiy o'sishga erishishda 2000 yilda yalpi ichki mahsulotning qariyb 31 foizi iqtisodiyotning faol rivojlanib borayotgan kichik biznes va xususiy tadbirkorlar ulushiga tug'ri kelgan bo'lsa, 2016 yilda mazkur ko'rsatkich 56,9 foizni tashkil etib 25,9 foiz birlikka ortdi. Taqqoslash uchun bir qator chet el davlatlarida kichik biznesning YAIMdagi ulushini olib qaraydigan bo'lsak, Fransiyada bu ko'rsatkich 62 foizni, Italiyada - 60 foizni, Yaponiyada - 55 foizni, Germaniyada - 54 foizni, Buyuk Britaniyada - 53 foizni, AQShda - 52 foizni, Qozog'istonda - 25,6 foizni, Rossiyada – 20,0 foizni tashkil etadi. 2016 yilda kichik biznes va xususiy tadbirkorlik sub'ektlari tomonidan 50654,5 mlrd.so'mlik sanoat mahsulotlari ishlab chiqarilgan (jami sanoat mahsulotlarining 45,3 foizi) yoki 2015 yilga nisbatan 16,4 foizga o'sgan. Kichik biznes va xususiy tadbirkorlik sohasida band bo'lganlarning iqtisodiyotda band bo'lganlar umumiy sonidagi ulushi, 2010 yilda 74,3 foizni, 2016 yilda bu ko'rsatkich 78,2 foizni tashkil etgan. Shundan 61,9 foizini yakka tartibdagi

tadbirkorlikda band bo'lganlar tashkil etsa, 16,3 foizini kichik korxonalar va mikrofirmalarda band bo'lganlar tashkil etadi.

Ana shu raqamlardan ko'rinib turibdiki, kichik biznes shakli kichik bo'lishiga qaramasdan, iqtisodiyotimizni barqaror rivojlantirish, aholini ish bilan ta'minlash muammosini hal etish va xalqimiz farovonligini yuksaltirishda tobora katta rol o'ynamoqda. Kichik biznes va xususiy tadbirkorlik sub'ektlarini har tomonlama qo'llab quvvatlash va ularga qulay shart-sharoitlar yaratib berish bo'yicha amalga oshirilayotgan chora-tadbirlar natijasida ularning soni yil sayin oshib bormoqda. 2017 yil 1 yanvar holatiga respublikamizda faoliyat ko'rsatayotgan kichik biznes sub'ektlari soni (dehqon va fermer xo'jaliklaridan tashqari) 218170 tani tashkil etib, 2000 yilga nisbatan 118731 taga yoki 2,2 barobar ko'paygan.

Iqtisodiyotimiz tarkibidagi chuqur o'zgarishlar mamlakatimiz eksport salohiyatini mustahkamlash, eksport hajmini barqaror oshirish va uning tarkibida ijobiy o'zgarishlarga erishishda eng muhim omilga aylandi.

Bozor islohotlarini chuqurlashtirish, ishbilarmonlik muhitini yaxshilash, raqobatni rivojlantirish va xususiy mulkni himoya qilishga qaratilgan kompleks tizimli chora-tadbirlarni amalga oshirish natijasida so'nggi yillarda turli sohalarda kichik biznes sub'ektlari soni ko'paymoqda. Eksportga yo'naltirilgan kichik biznes va xususiy tadbirkorlik sub'ektlarini davlat tomonidan qo'llab-quvvatlanishi ularni eksport hajmini o'sishiga qo'shgan hissasini oshishiga yordam berdi. 2016 yilda kichik biznes va xususiy tadbirkorlik sub'ektlari tomonidan 3223,2 million AQSh dollari miqdorida tovarlar (ishlar, xizmatlar) eksport qilindi (umumiy eksport hajmining 26,5 foizi), bu 2010 yilga nisbatan 80,8 foizga ko'p va 2000 yilga qaraganda deyarli 10 baravar ko'p.³²

Korxonalarining aksariyat qismi xizmat ko'rsatishga ixtisoslashganiga qaramasdan, eksport qilishda kichik biznes qariyb 45 foizni tashkil etsada, ularning faoliyati ko'plab ishlab chiqarish segmentlarini qamrab oladi.

Asosiy eksport qilinadigan mahsulotlar sirasiga ho'l va qayta ishlangan mevasabzavot mahsulotlari, shuningdek, tayyor to'qimacilik va charm mahsulotlari, zamonaviy qurilish va pardozlash buyumlari, mexanik asboblardan, elektrotexnika va maishiy buyumlar kiradi.

2016 yilda 3000 ortiq kichik biznes subyektlari tomonidan 154 mamlakatga eksport amalga oshirildi.

Toshkent shahri tashqi savdo bilan shug'ullanuvchi korxonalar soni jihatidan va eksport faoliyatidan olingan tushumlar bo'yicha peshqadam hisoblanadi. 2016 yilda 1150 dan ziyod tadbirkorlar eksportning 15 foizini ta'minladi, bu shaharning jami eksportining 18,3 foizini tashkil etadi.

Eksportga bo'lgan talabning oshishi mamlakatni rivojlantirish uchun muhim manbadir. Doimiy tashqi iqtisodiy faoliyat olib boradigan tadbirkorlik sub'ektlari mavjudligiga qaramasdan, korxonalarining eksport imkoniyati to'liq amalga oshirilmayapti. Buning sabablari haqida gapirganda, tashqi bozorlarning imkoniyatlari va talablari bo'yicha ma'lumotlarning yetarli emasligi, chet elda raqobatning yuqoriligi, shuningdek chet ellik sheriklar bilan muloqotni tashkil etishning murakkabligini aytib o'tish lozim.

³² <https://stat.uz>

Iqtisodiy o'rishning omili sifatida kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni yanada rivojlantirish axolini tovar va xizmatlar bilan ta'minlashni tezlashtirada, aholi bandligi va daromadlarni oshiradi, ishsizlik va inflyatsion jarayonlarni pasaytiradi, yirik ishlab chiqarish bilan mehnat kooperatsiyasini kuchaytiradi.

Инвестициялар – иқтисодиётимиз истиқболи (2007-2016 йиллар мисолида)

Дарҳонова Навбаҳор Қўчқарвой қизи-НамДУ

Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, корхоналарнинг инвестиция фаолиятини жадаллаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта қуроллантириш дастурларини амалга оширишда хорижий инвестициялар, аввало, тўғридан-тўғри инвестицияларнинг ўрни беқиёсдир.

Бунда илғор технологияларни татбиқ этиш, янги иш ўринлари яратиш ва шу асосда мамлакат иқтисодиётининг барқарор ва бир маромда ривожланишини таъминлаш имконияти яратилади. Ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, чет эл инвестицияси жалб қилиниши мазкур давлатларнинг юксак даражада тараққий этишида ҳал қилувчи омиллардан бири бўлган.

2014-йилда иқтисодиётимизга жалб қилинган инвестициялар ҳажми 10,9 фоизга ўсди ва АҚШ доллари ҳисобида 14 миллиард 600 миллион долларни ташкил этди. Бунда жами капитал қўйилмаларнинг 21,2 фоиздан ортиғи ёки 3 миллиард доллардан зиёдини хорижий инвестиция ва кредитлар ташкил қилди. Уларнинг тўртдан уч қисми тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир³³.

2015-йилда барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан 15 миллиард 800 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестициялар жалб этилди ва ўзлаштирилди. Бу 2014-йилга нисбатан 9,5 фоиз кўп демакдир. Жами инвестицияларнинг 3 миллиард 300 миллион доллардан зиёди ёки 21 фоиздан ортиғи хорижий инвестициялар бўлиб, шунинг 73 фоизи тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларидир³⁴.

Одна из особенностей туризма в том, что практика опережает науку. Конечно же, экотуризм не является исключением. Например, начиная с 1990 года, экотуризму дан официальный статус индустрии туризма, дано право проведения международного симпозиума «Annual World Congress on Adventure Travel & Ecotourism» и учреждения негосударственных, некоммерческих организаций. В мире за последние 20 лет созданы сотни экотуристических организаций и более чем в 120 государствах, особенно в развивающихся странах третьего мира, ускоренными темпами совершенствуется в качестве одного из основных источников существования. Почти в каждом государстве в направлении охраны природы наряду с экологией созданы государственные, общественные, межобщественные предприятия. В законодательных парламентах соответствующие комитеты, фракции, движения осуществляют свою деятельность.

В Республике Узбекистан с 1993 года осуществляет свою деятельность государственный комитет по охране окружающей среды, напрямую подчиняющийся парламенту. Десятки туристических организаций, сотни частных хозяйств ведут свою деятельность. Но экология, в том числе экотуристическая наука и образование до сих пор не отвечает современным требованиям.

В настоящее время, экология превратилась не только в область независимой науки, но и в систему наук. «Экотуризм» также из этой системы находится в преддверии обретения своего места в качестве нового научного направления. В Российской Федерации за последние 15–20 лет экотуристическая наука и образование интенсивно внедряется в жизнь. В Российской Международной Академии туризма открылась кафедра экологического туризма и готовятся специалисты. Осуществляется научно-исследовательская деятельность в Международном союзе по охране природы, а также в экоцентрах заповедников. В оставшихся государствах, из научных школ экотуризма можно выделить четыре - Америка, Австралия, Германия, Мексика.

В Узбекистане исследования, касающиеся экотуризма, не отвечают современным требованиям. Его экономические особенности можно встретить непосредственно в научных работах Тухлиева Н. (2001 г.), Таксанова А. (2005 г.), и Абдуллаева Т. (2006 г.). В последние годы также уделяется внимание его географическим особенностям (Нигматов А., Шамуратова Н. 2005 – 2017 г.г.). Но до сих пор в научных публикациях не сформирована единая точка зрения, относящаяся к экотуризму.

Выполнение вышеизложенных задач считается одним из встречных путей обеспечения экологических прав людей.

Объект экотуризма - это объективная реальность, где не проживают сами туристы, она не связана с их сознанием, но возможен туризм: объекты и памятники природы; природные территории, подлежащие защите, а также созданные природные территории, подлежащие особой защите; природные комплексы и окультуренные природные объекты. Эти природные объекты представлены в двух видах:

Экотуристические объекты, нетронутые человечеством, неизменные, то есть не потерявшие свои естественные особенности и свойства;

Объекты, измененные в результате человеческой (антропогенной) деятельности или появившиеся в результате природных процессов и происшествий (бедствий).

Предмет экотуризма - путешествия в экологическом характере. Это направление – защита и сохранение окружающей природы, восстановление разрушенных комплексов или природных систем, успешное и разумное использование природных элементов со стороны субъектов туризма.

Развитие экотуризма несет в себе комплексную поддержку системы охраны окружающей среды, сохранения биоразнообразия и уникальных природных территорий, поддержание доходов местного населения и является перспективным рынком для инвестиционных проектов.

Уже на современном этапе Узбекистан занимает одно из лидирующих мест среди стран Центральной Азии по популярным направлениям экотуризма.

Если говорить о сфере развития туризма в Узбекистане, в стране достигнуты значимые результаты. Только за 2015 год нашу республику посетило более 2 миллионов туристов. На сегодняшний день в Узбекистане действуют более 900 туристических предприятий.

Наилучшее географическое расположение Узбекистана, и на пересечении Великого шелкового пути, природно-климатические особенности страны, уникальная сеть охраняемых природных территорий (ООПТ) и богатое многообразие ландшафтов открывают широкие возможности для популяризации экотуристических маршрутов.


В настоящее время, в систему ООПТ входят 8 заповедников, комплексный (ландшафтный) заказник “Сайгачий”, 2 природных национальных и один национальный парк, 1 биосферный резерват, 12 заказников и центр по разведению редких видов животных “Экоцентр Джейран”, 10 памятников природы.

Одним словом, в настоящее время в экотуризме Узбекистана создается материальная основа для развития и формирования научного направления, учебного курса, экономической сети.

Oilaning yashash minimumi byudjeti va uning tarkibi

Mirzayev A.Q., Quvonchiyeva M.TerDu

Turmush sifatining shakllanishiga ta`sir ko`rsatuvchi omillar



Oilaning yashash minimumi byudjeti uning tarkibi va katta-kichikligiga qarab aniqlanishi mumkin. Ta'kidlash lozimki, yashash minimumi ancha tor tuzilgan, unda faqat fiziologik minimumni ta'minlovchi me'yordan foydalanilgan va tamaki mahsulotlari, delikateslar, madaniy ehtiyojlar hisobga kiritilmagan, nooziq-ovqat tovarlari, xizmatlar, soliqlar esa yetarli darajada hisobga olinmagan. Yashash minimumidan farqli o'laroq, minimal iste'mol byudjeti ana shu xarajatlarni to'la hisobga oladi. Ba'zi hisob-kitoblarga ko'ra, minimal iste'mol byudjeti yashash minimumi byudjetidan 3-4 baravar ortiq. Minimal iste'mol byudjeti va yashash minimumi byudjeti bilan birga ratsional iste'mol byudjeti ham hisoblanadi, uning yordamida ilmiy asoslangan ratsional me'yorlarga muvofiq ehtiyojlarni qondirish uchun zarur bo'lgan daromadning tarkibi va miqdori aniqlanadi. Ratsional byudjet va iste'molning ratsional me'yori insonning oqilona ehtiyojlarini to'la qondirish tamoyili asosiga quriladi. Iste'molni real me'yoriga muvofiq bo'lgan aholi jon boshiga to'g'ri keladigan iste'mol darajasiga yetish mamlakat miqyosida o'rta tabaqani shakllantirish vazifasini hal etishga yordam beradi.

Ammo ratsional iste'mol byudjetining mohiyatini mutlaqlashtirib bo'lmaydi. U faqat prognozlashning dastlabki punktini tashkil etadi. Ratsional iste'mol va ta'minot me'yorlari shunday vositaki, ular yordamida xalq farovonligini oshirishning ustivor yo'nalishlarini miqdor va sifat jihatdan ifodalash; ijtimoiy muammolarni yechish, turmush darajasi (sifati) kontseptsiyasini ishlab chiqish mumkin.

Iste'mol byudjetlari turli tovarlar va xizmatlarning ma'lum to'plami asosida tuziladi. Iste'mol to'plamlari turli iste'mol byudjeti uchun belgilangan bo'lib, unga kiruvchi tovarlar va xizmatlar tarkibi bilan ham, ularning hajmi bilan ham farqlanadi. Minimal iste'mol byudjetini hisoblashda bir qator tovarlar (xizmatlar) hisobga olinadi va minimal iste'mol me'yorlari yashash minimumiga nisbatan ancha yuqori (masalan, go'sht mahsulotlari bo'yicha - ikki baravar ortiq).

Iste'mol savati - insonning salomatligini saqlash va uning hayot-faoliyatini ta'minlash uchun zarur bo'lgan oziq-ovqat mahsulotlari, nooziq-ovqat tovarlari va xizmatlarning minimal to'plamidir. Aslida, iste'mol savati uchta savatga iborat: oziq-ovqat, nooziq-ovqat, xizmat savatchalari. Iste'mol savati kamida 5 yilda bir marta uslubiy tavsiyalar asosida aniqlashtiriladi. Iste'mol savatida oziq-ovqat savati muhim o'rin tutadi.

O'zbekistonda aholining daromadlari bo'yicha tabaqalanishini baholash usullarini takomillashtirish.

Mirzayev A.Q. , Bobomurodov I.TerDu.

O'zbekiston Respublikasida bugungi kunda turmush darajasi va sifatini baholash, shu jumladan aholining daromadlari bo'yicha tabaqalanishi darajasini o'rganish bo'yicha doimiy monitoringi olib borilmoqda. Biroq, statistika organlari tomonidan amalga oshirilayotgan turli darajadagi tadqiqot va kuzatuvlarning amaldagi metodikasi qanday natijalarni berayotganligi, ijtimoiy guruhlar daromadlari bo'yicha farqlar to'g'risidagi ma'lumotlar reallikka mosligini ta'minlash birinchi darajali vazifa bo'lib qolmoqda.

Keltirib o'tilgan tahliliy ma'lumotlarni inobatga olib aytish mumkinki, darhaqiqat, bugungi kundagi Davlat statistika organlari tomonidan aholining turmush darajasini baholash bo'yicha amaldagi tartibi, uning metodikasi yetarlicha

takomillashmagan. Ko'rib o'tilganidek, uy xo'jaliklari byudjetini o'rganishdagi mavjud bir qator kamchiliklar, pirovard natijada ijtimoiy siyosat ishlab chiqish, joriy vaziyatga ob'ektiv baho berishda ayrim muammolarni keltirib chiqarishi mumkin.

Hozirgi kunda Hukumat tomonidan, mavjud muammolarni hal etishda jahon tajriba va xalqaro standartlarga tayangan holda va mamlakatning o'ziga xos xususiyatlarini inobatga olib ustuvor vazifalarni amalga oshirmoqda.

Mazkur Institut bugungi kunda muhim vazifalarini quyidagi yo'nalishlarda olib bormoqda:

- respublika aholisining turmush darajasini baholash bo'yicha ishlab chiqilgan ob'ektiv mezonlar asosida mamlakat va mintaqalar doirasida aholi turmush darajasi va sifatini oshirish, aholi farovonligi o'zgarishlarining sur'atlari ustidan tizimli monitoring olib borish va tahlil etish;

- aholi turmush darajasining turli ko'rsatkichlari, shu jumladan, uning daromad miqdorlari va manbalarini tizimli ravishda ijtimoiy tadqiq qilish metodologiyasini ishlab chiqish;

- ◆ aholi turmush darajasining holati va uni rivojlantirish istiqbollari, mamlakatdagi ijtimoiy-iqtisodiy vaziyat masalalari bo'yicha davlat hokimiyati va boshqaruv organlarini tezkor axborot-tahliliy ma'lumotlar bilan ta'minlash.

Mazkur yo'nalishlardan kelib chiqib, aholining daromadlari tarkibining o'sish sur'ati, ijtimoiy tabaqalanish jarayonlarini ob'ektiv baholashning yagona metodologiyasi ishlab chiqilmoqda. SHu jumladan, ushbu vazifalarni amalga oshirishda bugunda quyidagi to'rtta yirik loyihalarda ish olib borilmoqda:

- ◆ Jamiyatning ijtimoiy tabaqalanish jarayonlari va sur'atini chuqur o'rganish hamda monitoring qilish;

- ◆ Aholi turmush darajasi va sifatini turli tarkibini sotsiologik tadqiqot qilish;

- ◆ Iste'molsavatining tarkibini belgilash hamda uning o'zgarish sur'atini monitoring qilish;

- ◆ Aholi turmush darajasini sifatini baholash mezonlarini ishlab chiqish.

Хизмат кўрсатиш фаолияти натижаларига аутсорсингнинг таъсири

Эшматов Санжар Азимкулович,

Алимов Файрат Абдурахмон ўғли

Тошкент давлат иқтисодийт университети

Функционал жиҳатларига нисбатан аутсорсинг иқтисодий ўсиш стратегиясининг ташқи омиллари ҳисобидан амалга оширилишини аниқлатади. Албатта, ташқаридан бошқарувни амалга ошириш, иқтисодий субъектларнинг, шу жумладан хизмат соҳасидаги фаол тадбиркорларнинг, рақобатдошлигини ва иқтисодий кўрсаткичларини яхшилашни кўзда тутаяди. Шу билан бирга, хизматларнинг рақобат бардошлик даражасини кўллаб-қувватлаш учун уларнинг барқарорлиги ҳамда келажакда рақобатдошлик салоҳиятини сақлаш ва уни юксалтириш имкониятлари муҳим ўрин тутаяди. Рақобатдош салоҳият хизмат кўрсатиш соҳасидаги корхона ёки тадбиркорларга бозор сегментидаги улушини ошириш имконияти ва мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш шароитини яратаяди. Рақобат устуворлиги рақобатдошлик даражаси ва рақобат салоҳиятини умумий

баҳоланиши билан ўлчанади, шу билан бирга аутсорсинг ҳисобидан хизматларнинг рақобатдошлигини оширишга хизмат қилади.

Бошқача қилиб ифодалаганда, аутсорсинг бошқарув тизимининг таркибига кириб, маҳаллий ёки хизмат кўрсатишнинг социал-иқтисодий тармоқнинг олдига қўйилган мақсадларга эришишга таъсир кўрсатади.

Иқтисодий адабиётлар ва амалиётда бир хилги муаллифлар томонидан аутсорсингни корхона ёки тадбиркорлик фаолиятининг асосий ўзаги тариқасида қарашга қарши чиқмоқдалар [1]. Албатта, хўжалик субъектларнинг фаолиятларининг самарадорлиги асосида билим савияси, кўникмалар, менежментини даражаси асосий вазифасини бажарган ҳолда аутсорсинг менежмент тизимига кўшимча сифат қўшмаслиги мумкин. Аммо, маълум ўзига хос бўлмаган вазифаларни бажаришни ташқи ташкилий-ҳукуқий тузулмаларга топширилганда мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бизнинг фикримизча, ташқи мутахассисларнинг махсус билим, кўникма, тажрибалари кунлик муаммоларни ҳал этувчи бошқарув ходимларидан юқори бўлиши мумкин.

Хизмат кўрсатиш жараёнида иқтисодий натижадорлик ва ресурслардан фойдаланишнинг самарадорлиги хизматларнинг сифати ва маданияти билан белгиланади. Ундан ташқари истеъмолчиларга кўрсатилаётган хизматлар хажми, юқори илмий-тадқиқот салоҳият, янгилик яратиш, яъни инновационлик даражаси, маркетинг омилларидан унумли фойдаланиш имконияти хизмат кўрсатишнинг рақобатдошлигини таъминлайди. Аммо, амалиёт кўрсатиши бўйича, масалан, “Маркетинг” кафедрасининг ишлаб чиқариш ҳамкорлари “Ўзбековқатсаноатхолдинг” ХК, “Файз” ХК лари фаолиятининг тахлилида маълум функцияларни амалга оширишга ёки салоҳият, ёки вақт етишмаслиги туфайли ҳаётда муаммолар ечилмай қолмоқда. Шу сабабдан, бизнинг фикримизча, маълум ташкилий-бошқарув функцияларни аутсорсингга ўтказилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди. Қуйида аутсорсингнинг иқтисодий кўрсатуичларга таъсир кўрсатиш имкониятларини келтирганмиз:

- агар хизмат кўрсатиш субъектининг ахборотий инновацион, иқтисодий натижага бошқарувнинг таъсири етарли бўлмаган ҳолда аутсорсингдан фойдаланиш маҳсулот ёки хизматнинг рақобатдошлигини оширишга, рақобат салоҳиятини юксалишига, рақобат устуворлигини кегайтириш имкониятини яратади;

- агар хўжалик субъектлари иқтисодий ўсишга таъсир кўрсатиш имконияти бўлган ҳолда ҳам, тармоқда етакчи бўлиш, хизмат бозоридаги ўрнини белгилаш ёки сегментини кенгайтириш учун етарли бўлмаслиги мумкин. Бундай ҳолатда аутсорсингдан фойдаланиш перспектив ва стратегик режалаштириш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш, тизмли таъминотни таъминлаш имкониятини яратиш, тармоқда етакчи ўринларга олиб чиқишни таъминлайди;

- бўлажак даврларда иқтисодий натижаларга ички таъсир кўрсатувчи омиллар моддий ва молиявий ресурслар билан таъминланишини талаб қилган ҳолда аутсорсингдан фойдаланиш иқтисодий ўсиш ва ресурслардан самарали фойдаланишга ёрдам беради.

Демак, аутсорсинг ташқи бошқариш функциялари ва фаолият тури тарикасида корхона ёки фаол тадбиркор фаолиятининг иқтисодий самарадорлигини оширишга хизмат қилади ва унинг рақобатдошлигини таъминлайди. Бизнинг фикримизча, аутсорсинг имкониятидан ташқи бошқарув тизимида фойдаланиши менежерлардан маълум ҳолдаги тайёргарликни талаб қилади. Бундай ҳолат олий ўқув юртларида, айниқса, менежмент, иқтисодиёт, маркетинг йўналишларида аутсорсинг фанини киритилишини, унинг техника ва олиб бориш технологиясини мукамал ўрганишни тақазо қилади.

Аутсорсинг механизмидан унумли фойдаланиш қўйидаги натижаларни кўлга киритишга асос бўлади:

- хизмат кўрсатиш ёки маҳсулот чиқариш харажатлар хажмини қисқаришга;
- кам миқдордаги истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш сифати ва маданиятини оширишда ташқи ресурслардан фойдаланиш имкониятини яратади;
- прогрессив-инновацион технологик, техник ва ахборот янгиликларидан фойдаланиш имконияти пайдо бўлади;
- бозордаги сегментни кенгайтириш учун молиявий, меҳнат, моддий-техника ресурсларни қўшимча йўналтириш шароити шакилланади;
- жорий ва перспектив стратегик мақсадларга эришиш учун малакали мутахассисларининг тажрибаси ва кўникмасидан ҳамда илғор технологияларни қўллаш имконияти яратилади;
- аутсорсингга берилган фаолият турларида зарурий натижаларга эришиш борасидаги рискларни тақсимланади.

Аутсорсинг қўлланилиши иккиламчи бўлган функциялар ва ривожланиш йўналишларига инвестиция қилишни бир тизимга олиб келишга ёрдам беради. Шу билан бирга аутсорсингга бошқарув муаммолари, янги техника ва технологияни жорий этиш, молиявий қийинчиликларни бартараф этишнинг асосий усули тарикасида қараш нотўғри бўлади.

Амалиётда ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, аутсорсингдан фойдаланиш, айниқса фаол тадбиркорлик субъектларига кўпроқ самара берар экан. Чунки, унинг асосий натижалари қўйидаги кўрсаткичларда намоён бўлмоқда:

- фойда хажмининг ошиши;
- юқори малакали мутахассислар ёрдамида жорий фаолият кўрсатиш ва социал-иқтисодий ўсиш муаммоларини хал этилиши;
- ахборотий хизматлар сифатини ошиши;
- хўжалик раҳбарларининг эътибори асосий муаммоларни хал этишга қаратилиши;
- бажарилаётган ишлар, кўрсатилаётган хизматлар ва пировард натижаларга эришиш назорати яхшиланиши;
- кўрсатилаётган хизматлар жараёнини бошқарилишини юксалиши;
- ходимларнинг малакаси ва касбий маҳоратини ошиши ва кўрсаткичлардир.

Республикамизда қабул қилинган Ҳаракатлар стратегиясида 2017-2021 йилларда асосан инновацион ривожланиш механизмини жорий этиш мўлжалланган. Шу сабабдан инновацион аутсорсингни қўлланилиши хизмат кўрсатиш соҳасида банд бўлган фаол тадбиркорларнинг нафақат моддий, балки кўпроқ интеллектуал капиталга эътибор қаратилишини тақозо этади [2]. Бундай ҳолат таълим, илм, ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) тизимидаги интеграцион жараёнларини такомиллаштиришга олиб келади. “Маркетинг” кафедрасида ўрнатилган интеграцион тизим, корхоналар муаммоларини биргаликда ечимини топишдан ташқари, кафедра профессор-ўқитувчилари ва тадқиқотчи ҳамда талабаларга амалий кўникмалар олишга, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш технологияларини ўзлаштиришга олиб келишга шароит яратмоқда. Ушбу ҳамкорлик таъсири ташқи яъни олий ўқув юртининг ёрдамиди, бизнинг ҳолатимизда, аутсорсинг ўтказишни самарали олиб боришга имкон яратади.

Инновация ва модернизациянинг жамият маънавий ҳаётига таъсири

Эшонқулов Лазиз – СамДУ

Орипов Хасан – СамДУ

Инновация ва модернизация жараёни инсоният тарихий тараққиётининг қонуний натижаси бўлиб, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари ва йўналишларини қамраб олиши билан характерланади. Инсоният сивилизасияси тарихий тараққиёти жараёнида инсон, унинг эрки, ҳуқуқи, фаровонлиги, унга муносиб турмуш шароитини яратиш, баркамол инсонни тарбиялаш ва адолатли жамият барпо этиш масаласи доимо ўз долзарблигини сақлаб келган. Ривожланишнинг ҳозирги босқичида фуқаролик жамияти қурилиши, глобаллашув, модернизация, инновация, демократик тамойиллар устуворлиги, жамият ҳаётининг инсонпарварлашуви, постиндустриал, ахборотлашган жамиятга ўтиш жараёнида бу масала янада муҳим аҳамият касб этиб келмоқда. Моҳиятан инновация ҳозиргача мавжуд бўлган барча ижтимоий системаларни, шу жумладан, цивилизацияларнинг вужудга келиши ва тараққиётини таъминлаб берадиган ижтимоий-маданий ва ижодий жараённи билдиради.

Мустақилликнинг қўлга киритилиши Ўзбекистон халқи ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларини туб демократик асосларда ўзгартириш, инсон манфаатлари устуворлигини таъминлайдиган рақобатбардош иқтисодиёт, фан, таълимга, илғор технологияларга асосланадиган замонавий, очиқ жамият барпо этишдек тарихий имкониятларга эга бўлди. Зеро, биринчи Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганларидек, “Жаҳон тарихи барчамизга бир ҳақиқатни доимо эслатиб келади – ҳаётимиз тараққиёти ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмайди, худди шу каби жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатни модернизация қилиш ва янгилаш бир муддатлик иш эмас, балки мунтазам давом этадиган узлуксиз жараёндир”³⁸. Чунки, мамлакатимизни инновацион ривожлантириш билан боғлиқ

³⁸ Каримов И.А. Мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация йўлига қаратилган тараққиёт йўлимизни таъминлаш билан давом эттириш – бош мақсадимиздир. Халқ сўзи. 2014 йил 5 декабр

мақсадларимизга уйғун ва ҳамоҳанг равишда ҳаётнинг ўзи олдимизга янги-янги вазифаларни қўймоқда. Юртимиз тараққиёт пиллапоясидан янги-янги чўққилар сари қадам қўяр экан, биз яшаётган замон суръатлари шиддат билан тезлашиб, олдимизда яна қанча муаммо ва машаққатлар пайдо бўлар экан, табиийки, маънавий ҳаётимиз ҳам ана шу синовларда тобланиб, юксалиб, жамиятимиз, миллатимизнинг ёруғ ва соғлом келажагини ҳар қандай таҳдид ва тўфонлардан безавол сақлаш ва асраб қолишга қодир бўлиши даркор.

Айни вақтда, жамиятни замонавийлаштиришда қўлга киритилган ютуқлар муаммоларнинг тўлалигича ҳал этилганлигини билдирмайди ҳам, албатта. Шу боис, бугунги кунда ўзбек миллий давлатчилик асосларини мустаҳкамлаш ва рақобатбардош мамлакатни шакллантириш борасида муҳим илмий-назарий масалалар мавжудлигини эътибордан четда қолдириб бўлмайди.

Шу жиҳатдан, бугунги кунда, ижтимоий-гуманитар, хусусан, фалсафий фанлар олдидаги долзарб вазифалардан бири – бу мамлакатимизда туб ўзгаришлар даврида инновациянинг жамият маънавий ҳаётига, қолаберса бошқа соҳаларга таъсирини кенгроқ таҳлил этишдир. Бошқача айтганда, тараққиётдан инсоний мақсадларни кўзлаётган ҳар қандай жамият учун *анъанавийликдан замонавийликка* ўтиш обективдир. Жаҳон амалиёти ҳам, анъанавий жамиятларнинг замонавий жамиятларга ўтиши жараёнлари ислоҳотлар сиёсати билан анъанавий ижтимоий турмуш тарзи, эски анъана ва удумлар билан замон талабларига мос янги анъана ва қадриятлар тизими ўртасидаги ўзаро уйғунлашуви каби мураккаб муаммоларни намоён қилмоқда. Шунинг билан бирга маънавий ҳаётнинг ҳар жабҳасини қамраб оладиган ўзгаришлар стратегияси, аввало, назарий-интеллектуал даражада ишлаб чиқилади, белгиланади ва амалга оширилади.

Инновациянинг ўзлаштирилиши ва татбиқ қилиниши унинг ижтимоийлаштирилишини билдириб, икки хил жараённи юзага келтиради: биринчидан, мавжуд тузилмалар, қадриятлар, анъаналар янгиланади; иккинчидан, инновация ижтимоий-маънавий структураларда намоён бўлиб боришида анъанавийлашади, шу тариқа янги анъаналар шаклланади. Ижтимоий тараққиёт аслида янгиланиш ва анъана диалектикасини билдириб, уларнинг нисбатида қайси томонининг устувор бўлишини ҳисобга олиб, «инновацион» ва «анъанавий» маданият типларини фарқлайдилар.

Кейинги йилларда мамлакатимиз маънавий ҳаётида анъанавийлик муаммоларига диққат-эътибор кучайиб бориши билан бир қаторда, ижтимоий-сиёсий муносабатлар глобаллашуви шароитида, янги типдаги “очиқ маънавий жамият”нинг архитектураси шаклланмоқда. Унинг назарий масалалари таҳлил қилинган адабиётларда “анъанавий жамиятни либерал-центриқ, ёки модернистик шаклларга ажратиш кузатилмоқда”³⁹. Анъанавий жамиятда социал ўзгаришлар султ кечади, фаолият турлари, воситалар ва мақсадлар, айрим ҳолларда, юз йиллаб ўзгармайди. Аксинча, “техноген

³⁹ Аксюмов Б.В. «Столкновение цивилизаций» как конфликт между традиционностью и современностью. // Идентичность и диалог культур в эпоху глобализации. Материалы Международной научно-практической конференции. Бишкек, 2007. – С. 8.

жамиятда ижтимоий тараққиёт инновациялар таъсирида кескин тезлашади, экстенсив ривожланиш интенсив билан алмашади”⁴⁰. Чунки ҳозирги даврнинг воқелиги анъанавий жамиятлар ҳам хилма хил даражаларда ривожланганлигини, ҳатто техноген ривожланган давлатларга (айниқса маънавият, ахлоқ масаласида) катта таъсир кўрсатиши мумкинлигини кўрсатмоқда.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация қилишга қаратилган тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириш – бош мақсадимиздир. Халқ сўзи. 2014 йил 5 декабр

2. Аксюмов Б.В. «Столкновение цивилизаций» как конфликт между традиционностью и современностью. // Идентичность и диалог культур в эпоху глобализации. Материалы Международной научно-практической конференции. Бишкек, 2007.

Мехмонхонада сервис хизматларини ривожлантиришнинг аҳамияти ва йўллари

Юлдашев Ф.Т. ТерДУ

Ўзбекистонда устуқликка еришгач, бозор иқтисодиётига асосланган жамият қуришни ўзининг асосий мақсади қилиб белгилаб олди. Бу ишдатуризмсоҳасиҳа метақтармоқлардан бири ҳисобланади.

Туризмнафақат ўтмишни ўрганиш, ўзгачалар ва елатлар билан танишиш, уларнинг маданият ёдгорликларидан баҳраманд бўлиш, шунингдек, у катта бизнес ҳамдир. Вилоятдаги бой тарихга эга қадамжолар, муқаддас зиёратгоҳлар ҳудудда зиёрат туризмини жорий этиб, нафақат маҳаллий балки, хорижлик сайёҳлар оқимини кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этади. Бироқ, ҳозиргача вилоятнинг бу борадаги салоҳиятидан самарали фойдаланишга эътиборсизлик билан ёндашиб келинаётган эди.

Бой тарихга эга бу юртда Сўфи Оллоёр, Алоуддин Аттор, Муҳаммад Зоҳид сингари улўф зотлар мангу қўним топган. Мазкур дастур асосида Бойсун, Термиз, Жарқўрғон, Олтинсой, Денов, Узун, Шеробод туманларидаги муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳлар реконструкция қилиниб, ободонлаштирилади, йўллар таъмирланади. Савдо-хўнарамандчилик дўконлари қурилади. Янги йўналишларда зиёрат туризмини ривожлантириш бўйича «Йўл харитаси»да азиз-авлиёлар муқаддас хоки қўйилган бу масканларни ободонлаштириб, зиёратчи сайёҳларнинг таҳорат қилиши, намоз ўқиши учун замонавий қулайликлар яратиш, «ҳалол» стандартини жорий этиш белгилаб берилган.

Зиёрат туризмини ривожлантириш борасида амалга ошириладиган кенг қамровли бунёдкорлик ишлари доирасида Термиз туманидаги Кокилдор ота, Қирқ қиз, Султон Саодат ёдгорликлари, Чорғумбаз масжиди, Бойсун туманидаги Ҳазрати Эшонбобо зиёратгоҳи ва шифобахш суви, Ҳазрати Султон Валий, Жарқўрғон туманидаги Хўжа Самандар Термизий

⁴⁰ Конен В. Значение внеевропейских культур для музыки XX века. // Музыкальный современник. Вып. 1. М., 1973. - С. 16.

зиёратгоҳлари, Олтинсой туманидаги Хўжаипок зиёратгоҳи ва шифобахш суви, Узун туманидаги Оқ остона бобо мақбараси каби тарихий обидалар сўлим гўшага айлантирилади.

Субъектларнинг санитария қоидалари, меъёрлари ва гигиена нормативларига мувофиқ келадиган санитария-гигиена тармоқларини (фаррошлар иш ҳақи, гигиена, тозалаш ва ювиш воситаларини сотиб олиш, коммунал харажатларни тўлаш)⁴¹, туризм инфратузилмаси объектларини тарихий ва меъморий ёдгорликлар, музейлар, театрлар, маданият уйлари, умумий овқатланиш пунктлари, хизмат кўрсатиш объектлари, автомобилларга ёқилғи қўйиш шохобчалари, автомобиллар учун вақтинча тўхташ жойлари, йўлбўйи инфратузилмасининг сервис хизматлар кўрсатиладиган ҳудудлари, бозорлар, расталар, дўконлар ва одамлар гавжум бўладиган бошқа хизмат кўрсатишни ташкил етиш.

Туризм объектлари (меъморий ёдгорликлар ва бошқалар) ҳамда инфратузилмаси (меҳмонхоналар ва бошқа жойлаштириш воситалари, туристик йўналишлар ва бошқалар) жойлашган жойларнинг белги-ишоралари ва кўрсаткичларини ўз ичига олган тематик туристик хариталар кўпайтириш ва уларни тарқатишга картография ишларини амалга ошириш учун лицензия (рухсатнома) олиниши талаб этилмайди. Самарали меҳнат учун зарур шароитлар, муносиб иш ҳақи, замонавий уй-жойлар, сифатли таълим ва тиббий ёрдам, дам олиш ва ҳордиқ чиқариш учун кенг имкониятлар яратиш буларнинг барчаси иқтисодий соҳадаги ислохотларимиз моҳияти ва мазмунини белгилаб берадиган муҳим омиллардир. Вилоятда туризм индустриясини янада ривожлантириш, хизмат кўрсатиш сифати ва самарадорлигини ошириш, юртимизга келаётган хорижлик сайёҳлар оқимини кўпайтириш, туризмни изчил ривожлантириш истиқболлари, сайёҳлик объектларидан самарали фойдаланиш, кўрсатилаётган хизмат турлари сифатини юксалтиришга эътибор берадиган муҳим омиллардир.

Туризм ривожланишда меҳмонхона хўжалигини ўрни

Юлдашев Ф.Т. ТерДУ

Ватанимизга келаётган сайёҳлар оқимини кўпайтириш, улар учун муносиб шарт-шароит яратиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар мамлакатимиз иқтисодини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини таъминлашнинг муҳим омили саналади.

Унда ҳудудлардаги мавжуд туризм масканларининг бугунги ҳолати, сайёҳларни жалб қилиш салоҳиятини ошириш борасида амалга оширилаётган ишлар, туризмнинг янги йўналишларини очиш, соҳада фаолият юритаётган тадбиркорларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, жойларда туризмни ривожлантиришнинг истиқболдаги режалари билан боғлиқ муаммо ва масалалар муҳокама қилинмоқда. Мамлакатимизда сайёҳларга кўрсатилаётган хизматлар сифатини жаҳон стандартларига мослаштириш учун энг аввало шу соҳада фаолият кўрсатаётган кадрлар ҳар жиҳатдан салоҳиятли бўлиши лозим. Бўлажак мутахассислар юртимизда

⁴¹ Президентнинг 7.02.2018 йилдаги [ПҚ-3514](#)-сон «Ички туризмни жадал ривожлантиришнинг таъминлаш чора-тадбирларини ўтғисидан» гикарорига булклиниди.

туризмни ривожлантириш бўйича қабул қилинган фармон ва қарорларнинг аҳамияти ҳақида кенг тушунчага эга ёш мутахассисларга тавсия ва маслаҳатлар берилмоқда. Бу туризм соҳасида фаолият юритмоқчи бўлган ўқувчилар учун ҳар жихатдан фойдалидир. Миллий телерадиокомпания ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги зиммасига Ўзбекистоннинг туризм салоҳиятини кеча-кундуз тарғиб қилувчи, саёҳатга оид турли қизиқарли кўрсатувлар намойиш этиб борувчи халқаро телеканал ташкил этиш вазифаси юкланди. Хориж давлатларидаги элчилар мамлакатимиз, миллий қадриятларимизнинг тарғиботчилари бўлиши, бунга чет элдаги ватандошларимиз ҳам ҳисса қўшиши зарурлиги таъкидланди. Туризм ривожи учун зарур шароитлар яратишга доир устувор йўналишлар белгилаб берилди.

Президент Шавкат Мирзиёев жорий йил 19—20 январь кунлари Сурхондарё вилоятига ташрифи чоғида воҳанинг туризм салоҳиятидан самарали фойдаланиб, янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли даромадларини оширишга алоҳида эътибор қаратган эди⁴². Шунга мувофиқ вилоятда 2018—2019-йилларда Сурхондарё вилоятининг туризм салоҳиятини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари дастури қабул қилинмоқда.

Сурхондарё вилоятидан олтита, жумладан «Силк Роад», «Шарқ», «Меридиан», «Улуғбек» каби меҳмонхоналари, вилоятида тўққиз юздан ортиқ тарихий ёдгорликлар жойлашган. Ҳар йили бизнинг воҳамизга ташриф буюраётган туристлар оқими ошиб бормоқда. Унда ҳудуднинг янгиланган, замонавий қиёфасини яратиш, транспорт инфратузилмасини такомиллаштириш, хориждан ташриф буюраётган сайёҳларга сифатли хизматлар кўрсатиш каби муҳим масалаларга алоҳида аҳамият берилгани зиёрат туризми имкониятларидан унумли фойдаланишга қулай муҳит яратади. Туризм тоифасига оид меҳмонхоналар ва меҳмонхона уйлариининг намунавий лойиҳаларини, шу жумладан хорижий лойиҳа ташкилотларидан бюджетдан ташқари туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш вазифалар давлат бошқаруви тизимини бугунги ва эртанги кун талабларидан келиб чиқиб, янада такомиллаштиришни тақозо этади. Меҳмон қабул қилиш индустриясини гуруҳли ва якка жойлаштиришнинг турли хилдаги отеллар, меҳмонхоналар, мотеллар, ёшларнинг хостел ва ётоқхоналари, апартаментлар, туристик қишлоқлар, туристларни жойлаштиришда иштирок етувчи хусусий сектор воситалари ташкил этади. Меҳмонларни рўйхатга олиш, уларнинг келиши ва кетишини бошқариш, меҳмонларга турли-туман хизматлар кўрсатиш меҳмонхонанинг маъмурий қисмида амалга оширилади. Субъектларнинг санитария қоидалари, меъёрлари ва гигиена нормативларига мувофиқ келадиган санитария-гигиена тармоқларини (фаррошлар иш ҳақи, гигиена, тозалаш ва ювиш воситаларини сотиб олиш, коммунал харажатларни тўлаш)⁴³, туризм инфратузилмаси объектларини

⁴²Сурхондарё вилоятининг туризм салоҳиятини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари дастури
⁴³Президентнинг 7.02.2018 йилдаги [ПК-3514](#)-сон «Ички туризмни жадал ривожлантириш нитаъминлаш чора-тадбирларитўғрисида»ги қарорига қабул қилинди.

тарихий ва меъморий ёдгорликлар, музейлар, театрлар, маданият уйлари, умумий овқатланиш пунктлари, хизмат кўрсатиш объектлари, автомобилларга ёқилғи қўйиш шохобчалари, автомобиллар учун вақтинча тўхташ жойлари, йўлбўйи инфратузилмасининг сервис хизматлар кўрсатиладиган ҳудудлари, бозорлар, расталар, дўконлар ва одамлар гавжум бўладиган бошқа хизмат кўрсатишни ташкил этиш. Ёшларни туризм соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш туристлар оқимининг мавсумийлиги ҳамда ҳудудларнинг туризм инфратузилмаси тўлиқ жалб этилишини инобатга олиб, шу жумладан туризм фаолияти субъектларини жалб этган ҳолда миждозларга хизмат кўрсатишни ташкил этиш. Туризм объектлари (меъморий ёдгорликлар ва бошқалар) ҳамда инфратузилмаси (меҳмонхоналар ва бошқа жойлаштириш воситалари, туристик йўналишлар ва бошқалар) жойлашган жойларнинг белги-ишоралари ва кўрсаткичларини ўз ичига олган тематик туристик хариталар кўпайтириш ва уларни тарқатишга картография ишларини амалга ошириш учун лицензия (рухсатнома) олиниши талаб этилмайди. Туристларга хизмат кўрсатувчи ташкилотлар (давлат музейлари, галереялар, маданий мерос объектлари ва кўрикланадиган табиий ҳудудлар маъмуриятлари ва бошқалар) ўз фаолиятидан тушадиган тушумларнинг камида 5%ини реклама-тарқатиш материалларини тайёрлаш. Унда ўз фаолияти ҳамда шунингдек ўзбек, рус ва инглиз тилларида тақдим этаётган туризм хизматлари баён этилган. Бунда ушбу мақсадларга йўналтирилган харажатлар суммаси бу ташкилотларнинг солиққа тортиладиган базасидан чиқариб ташланади. Самарали меҳнат учун зарур шароитлар, муносиб иш ҳақи, замонавий уй-жойлар, сифатли таълим ва тиббий ёрдам, дам олиш ва ҳордиқ чиқариш учун кенг имкониятлар - яратиш — буларнинг барчаси иқтисодий соҳадаги ислохотларимиз моҳияти ва мазмунини белгилаб берадиган муҳим омиллардир. Бу борадаги кенг қамровли ишлар сайёҳларга хизмат кўрсатиш даражасини оширади. Янги иш ўринлари яратилишига олиб келади. Хорижликларнинг бой маънавий-маданий меросимиздан баҳраманд бўлишларига имконият яратади.

Бионика соҳасида илмий-тадқиқот лабораторияларини ташкил

этишнинг аҳамияти

С.С. Мирзахалилов, М.З. рафиков

ТАТУ

Ахборот-коммуникация технологиялари ҳаётимизга шунчалик сингиб кетдики, бугунги кунда нафақат кундалик фаолиятимиз, балки ижтимоий-иқтисодий соҳалар ривожини ҳам уларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Зотан, бундай технологиялар ахборотлашган жамият негизини ташкил этиб, одамларнинг узоғини яқин, оғирини энгил қилмоқда.

Ахборот-коммуникация технологиялари шиддат билан тараққий этиб бораётган бугунги глобаллашув шароитида ўзининг илғор ютуқларини барча тармоқ ва жабҳаларга кенг қамраб олмоқда. Компютер ва инсон ўртасидаги мулоқотнинг тобора ортиб бориши инноватсион технологияларга бўлган талабларнинг ҳам ортишига олиб келмоқда. Шу боис ҳам жамиятининг турли соҳаларида АКТ нинг қўлланилиши тобора жадаллашиб бормоқда. Бунга

мисол тариқасида компьютер тизимларининг тиббиётда қўлланилишини, яъни бионика соҳасини айтсак бўлади.

Бионика ўзи бу юнонча «бион» сўзидан олинган бўлиб, у «хаёт бирлиги» ёки «унсури» сифатида таърифланади. Тирик организмларнинг фаолият юритиш тизимларини ўрганувчи ва аниқланган иш принципларини техника воситаларида қўллайдиган фан эса “Бионика” номини олди. Бионика биология ҳамда техникани уйғунлаштирадиган фан бўлиб, бунда муҳандислик масалаларига организмлар структураси ва ҳаётий фаолиятининг таҳлили асосида ечим изланади. Бионика, шунингдек, физика, кимё, кибернетика ва муҳандислик фанлари, яъни электроника, навигация, алоқа, денгиз илми билан ҳам чамбарчас боғлиқ[1].

Тирик организмларнинг хашоратлар синфи ҳам бионика мутахассисларини анчадан буён қизиқтириб келмоқда. Аниқланишича, хашоратлар фасет, яъни бир қанча содда кўзлар йиғиндисидан иборат шаклдаги кўриш органига эга. Ҳар битта кўзча орқали «олинган» маълумотлар эса мияда бир бутун манзарани ҳосил қилади. Пашшанинг фасет кўзларини ўрганиш у ўзига нисбатан анча жадал ҳаракатланаётган объектларнинг тезлигини ҳам ўта аниқлик билан пайқаш қобилиятига эгаллигини кўрсатди. Чунки бунда предметнинг тасвири бирин-кетин ҳар бир фасет кўзчалардан «йиғиб» олинади ва мазкур маълумотлар махсус ретсепторларга узатилади. Оқибатда, алоҳида-алоҳида тасвирлар туркуми ҳосил бўлади. Муҳандислар пашша кўзларининг бундай ишлаш принципи асосида парвоздаги самолётларнинг тезлигини қисқа муддатда аниқлайдиган детектор асбобини яратдилар. Бу ускуна техника оламида «пашша кўзи» номини олган[1].

Бугунга келиб бионикада бу каби ютуқлар эътирофга арзигулик равишда кўп миқдорда. Маълумки, биониканинг энг содиқ тарафдорлари - бу робот яратувчи муҳандислар. Ҳозирда улар орасида келажакда роботлар имкон қадар инсонларга ўхшаш бўлсагина, юқори даражада самара бериши мумкин, деган қарашга эга. Бундай фикрга келишнинг бир сабаби бор: лойиҳачи биониклар яратилажак «темир одам» лар инсонлар муҳитидаги зина, эшик ва шу каби маълум тўсиқларда ҳаракатлана олиши талабидан келиб чиқишмоқда[2].

Чикаго тиббий тадқиқотлар институти олимлари бионик қўл, аниқроғи, ясама тана қисми (протез)ни яратишга муваффақ бўлишди. Эътиборлиси, бундай қўлни инсон мия орқали бошқариш билан бирга унинг ёрдамида баъзи сезгиларни ҳис эта олиши ҳам мумкин. Бироқ олимлар ўз изланишларидан тўхтаб қолмай, ясама қўл ёрдамида бирон-бир нарсани сезишга эришишни навбатдаги мақсад сифатида белгиладилар. Улар ҳалокатдан сўнг фаолияти тўхтаб қолган асаб томирларини жароҳатланган елка қисмидан кўкрак қисмидаги мушакларга кўчиришди. Шундан сўнг тананинг бу қисмига бионик қўлдан сигналлар кела бошлади. Энди протез қўл соҳиблари қайноқ чой ёки музга сунъий қўлини теккизганда иссиқлик ва совуқликни ҳис қила бошлашди.

Бионика кенг маънода тирик организмларнинг хусусиятларига ва уларнинг қисмларига эга сунъий тизимларни яратиш илмидир. Бугун илм-фан ва техника дунёсида юз бераётган жараёнларни кузатиб, тадқиқотчилар

тобора кўпроқ самарали ва муҳими, салмоқли натижаларга эришаётганига гувоҳ бўлмоқдамиз. Бионика ҳам бундан мустасно эмас. Аста-секинлик билан олимлар табиий равишда шаклланган механизмларни «нусхалаш» борасида илдамлаётганлиги кузатиляпти. Шу билан биргаликда инсон аъзоларини текшириш ва реабилитация амалиётларини ўтказишда компьютер тизимларидан кенг фойдаланишмоқда. Бунда инсонларнинг турли ҳолатларда ўз тана аъзолари иш фаолиятини тиклашда муҳум аҳамият касб этмоқда. Бундай тажрибалар ўтказишда илғор бионика лабораторияларини ташкил этиш ҳамда шу лабораторияларда илмий-татқиқод ишларини олиб бориш бир қанча жаҳон университетларида амалга оширилмоқда. Мисол тариқасида Флорида университетида (University of Central Florida), Бостон университетида (University of Boston), Мичиган университетида (Michigan State University) ва Италиянинг Саннио университетида (University of Sannio) ташкил этилган лабораторияларни айтиб ўтиш мумкин.

Ўзбекистон Республикасида ҳам тиббиёт соҳасига Президентимиз томонидан катта эътибор қаратилмоқда. Ушбу соҳага замонавий техникаларни жалб қилиш ҳамда энг замонавий лабораторияларни ташкил этиш билан бирга даволанишдан кейинги реабилитация амалиётини олиб бориш учун етарли ускуналар билан жихозланган тиббиёт хоналарини ташкил этишни таълаб қилмоқда. Ушбу масалаларни ечишда мутахасис кадрларни таёрлаш ҳам энг долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Ушбу бионика соҳасига малакали кадрларни таёрлаш мақсадида Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Италиянинг Саннио университети (University of Sannio) билан ҳамкорликда Эразмус (Erasmus) Европа давлатлари ўртасидаги лойиха асосида “Компьютер тизимлари” кафедрасида 2018-2019 ўқув йилидан бошлаб “Тиббиётда компьютер тизимлари” магистратура мутахасислигини ва Бионика илмий-татқиқод лабораторияси очиш ишлари олиб борилмоқда (1-расм).



1-расм. Бионика лабораторияси модели

Айни дамда Италиянинг Саннио университети (University of Sannio) билан ҳамкорликда лаборатория учун 4 та ифроқизил нурлар билан ишловчи камера, электромигрофик сигналлар билан ишловчи чиплар, тўлиқ сенсорлар билан таъминланган рақамли модул қурилмаси ва бошқа ёрдамчи техник қурилмалар олиб келиниб аудиторияга жойлаштирилди. Бу қурилмалар ёрдамида инсон мушакларига тушаётган зўриқишларни, уларда бўлаётган ўзгаришларни электромигрофик сигналларни қайта ишлаш орқали кузатиш мумкин. Ушбу натижалар орқали нафақат беморларга балки спортчилар ҳолатини текшириш ва назорат қилишга ёрдам беради.

Адабиётлар

1. Агнес Гийо, Жан-Аркади Мейе «Бионика. Когда наука имитирует природу» "Техносфера" 2013.
2. Макарова Т.Л. Бионика. Практикум. – М.: МФПА, 2010.
3. www.btsbioengineering.com

Биткоин криптовалютасининг афзалликлари ва камчиликлари

Худойқулов З. Т., Алланов О., Ёсинов С., Содиқова Д. Ж.

ТАТУ КИХИ, ТАТУ ассистенти, ТАТУ талабаси, ТАТУ талабаси

Биткоин ([ингл.](#), *bit* - «бит-ахборотнинг энг кичик бирлиги» ва *coin* - «танга») – пеерингли тўлов тизими бўлиб, савдо амалиётлари учун бир хил электрон пул бирлиги ва унда бир хил маълумот алмашилиш протоколларидан фойдаланилади [1].

Биткоин 2009 йилда аноним шахс томонидан яратилган. У ўзини *Сатоши Накамото* деб атади. Шунинг учун ҳам энг кичкина биткоин танга бирлиги *satoshi* деб аталади ва у 10^{-8} биткоинга тенг. Кичик нархли савдолар *satoshi* орқали амалга оширилади.

Биткоинлар SHA-256 ҳешлаш алгоритмлари орқали ҳисоблаб топилган 32 белгидан иборат сатр кўринишида бўлади. Масалан мана бундай: 1AndaMRzGuKLaF6kjL4BoYX4p3GnoV7Fbo [2].

Биткоинлар махсус дастур ёрдамида гинерация қилиш орқали яратилади. Уларни ишлаб чиқариш *майнинг*(қазиб олиш) дейилади. Биткоинларни майнинг қилиш ягона компьютер орқали амалга оширилмайди, сабаби бунга битта компьютернинг имконияти етмайди. Шунинг учун мутахассислар компьютерларни параллел ишлатиш асосида бу муаммони ҳал қилган.

Ҳозирги кунда фойдаланувчилар ўртасида Интернет орқали шахсий компьютерлари ресурсларини майнинг қилишга тақдим қилган ҳолда пул ишлаш оммалашмоқда. Бундан ташқари халқаро биржалар орқали ҳам биткоинларни сотиб олиш мумкин. Биткоин сотиб олиш учун фойдаланувчининг ҳеч қандай шахсий маълумоти керак бўлмайди. Шунинг учун биткоиннинг кимга тегишли эканлигини унинг эгаси орқали ошқор бўлмагунча аниқлаб бўлмайди. Биткоинлар фойдаланувчиларининг махсус химояланган электрон ҳамёнларида сақланади. Бир биткоин ҳамён ҳисобидан пул кетганини ёки унга пул келиб тушганини аниқлаш учун мутахассислар барчага очиқ ҳолда кўрсатишни ишлаб чиқишди. Яъни сиз криптовалюта тармоғига уланганингизда барча биткоинлар олди-сотдисини кўришингиз

мумкин. Бугунги кунда гинерация қилиниш мумкин бўлган биткоинларнинг умумий сони 21 миллионгани ташкил қилади. Бу кўрсаткич бутун иқтисодийётни бошқариш учун етарли эмас. Лекин криптовалюта электрон шаклда эканлигини уни хажмини ошириш мумкинлигини ҳисобга олсак дунё иқтисодийётини тўлиқ рақамли кўринишга ўтказиш имкониятини беради [3].

Биткоиннинг афзалликлари

1. Анонимлик

Биткоин фойдаланувчиларнинг анонимлиги сабабли уни сотиб олиш, сотиш ва бошқа операцияларни башқаришда фойдаланувчининг ҳеч қандай шахсий маълумотлари қайд қилинмайди.

2. Муқобил пул бирлиги

Биткоин муқобил ва қулай тўлов воситаси. Хозирги кунда улардан Интернет орқали тўловларни амалга оширишда ва реал ҳаётда пул муомала воситаси сифатида фойдаланишмоқда.

3. Солиқларнинг йўқлиги

Биткоин қонуний пул бирлиги бўлмаганлиги учун у орқали тўловлар амалга оширилганда ҳеч қандай солиқлар олинмайди. Бу эса у орқали сотиб олиш мумкин бўлган маҳсулотларнинг арзон нархда бўлишини таъминлайди.

4. Ҳалқаро валюта

Биткоин ҳақиқатан ҳам ҳалқаро валютага айланиб бормоқда. Агар уни дунёнинг исталган минтақасида ишлатиш мумкин бўлса мижозларга ўз пулларини бир валюта бирлигидан бошқа валюта бирлигига алмаштириш зарурияти туғилмайди. Бундан ташқари бир ҳалқаро валюта бирлиги дунёнинг исталган мамлакатада муомалада бўлса бу мижозларга жуда катта имкониятлар яратади.

5. Назоратнинг йўқлиги

Биткоин ҳеч ким тамонидан назорат қилинмайди. У ҳеч кимга тегишли бўлмай умумий фойдаланиш учун мўлжалланган ва ҳеч қандай сиёсий қаршилиқга эга эмас.

6. Устаманинг йўқлиги

Транзакциялар амалга оширилганда ҳеч қандай қўшимча устама олинмайди, аммо тўловни дарҳол амалга ошириш зарур бўлса устама тўланади. Буни фойдаланувчининг ўзи ҳал қилади.

7. Ишончли

Биткоинни қалбакилаштириб бўлмайди, модомики бу жуда кийин ва бир томонлама қайтарилмас функция ёрдамида амалда оширилган. Бундан кўра янгисини ишлаб чиқариш осонроқ ҳисобланади.

8. Марказлаштирилмаган

Ҳеч қайерда биткоиннинг маркази мавжуд эмас. У марказлаштирилмаган. Ишлаш принципига кўра торрент технологиясига ўхшайди. Яъни бирорта компьютерда *blockchain* (биткоин транзаксияларини ёзиб бориш тизими) ишлаб турган булса биткоин тизимидан фойдаланиш мумкин.

9. Танқислиги

Юқорида айтиб ўтганимиздек ҳозирги кунда яратилаётган биткоин криптовалюталарининг сони чекланган. Бу эса унга нисбатан

фойдаланувчиларнинг қизиқишининг ортиши ва биткоин нархининг кескин ошишига сабаб бўлмоқда.

10. Тезкорлиги ва қимматлилиги

Бугунги кунда фаолият олиб бораётган 130 дан ортиқ криптовалюталар ичида энг катта умумий капитал(13971803188 АҚШ долл.)га ва майнинг ($2874 \cdot 10^9$)нинг қийинчилик даражаси бўйича етакчилик қилмоқда [4].

Биткоиннинг камчиликлари

1. Катта таваккалчилик

Бу янги виртуал валюта ҳеч нарса билан кафолатланмаган. Агар унга талаб йуқолса, унинг нархи бир зумда нол қийматга тушиши мумкин. Яъни биткоин фойдаланувчисининг электрон криптовалюталари қиймати бир сонияда нолга тенг бўлиб қолиши мумкин.

2. Қонундан ташқари

Бу криптовалюта ҳеч бир давлатда қонуний асосга эга эмас. Бу эса ундан фойдаланувчиларни ташвишга солади ва камайтиради.

3. Хавфсизликнинг яхши эмаслиги

Йўқотилиши, ўғирланиши ва бошқа хавфлардан ҳимояланмаган. Мадомики ҳозирча барчаси ноқоний экан транзакция пайтида бир қанча фирибгарлик хавфлари мавжуд. Шунингдек махсус вируслар ёрдамида электрон ҳамёнларни ўғирлашга қаратилган таҳдидлар мавжуд. Бу электрон пулларнинг фойдаланувчига қайтарилиши ҳақиқатдан йироқ ва ҳеч қандай қонуний асосга эга эмас.

4. Яширин

Назоратнинг йўқлиги ва тўловларнинг анонимлиги, террористлар ва нарқобизнес вакилларига қўл келади. Бу эса катта муаммоларни келтириб чиқаради ва токи бу муаммоларни ечмагунча биткоинни қонунийлаштириб бўлмайди.

5. Нархнинг кескин ўзгариб туриши

Биткоин нархининг кескин ўзгариб туриши ундан фойдаланувчиларни доим хавотирга солиб туради. Масалан бугун унинг нархи 10, 000 USD бўлса эртага бу нархдан юкори ёки паст булишига ҳеч ким кафолат бермайди. Фақат унинг биржадаги жорий нархини махсус сайтлар орқали билиб туриш мумкин [4].

6. Виртуаллиги

Пулнинг виртуаллиги уни албатта компьютер технологияларига боғлаб қўяди. Яъни кайерда Интернет бўлса у ерда биткоиндан фойдаланиш мумкин, акс ҳолда фойдаланиб булмайди. Аслида пулдан ихтиёрий жойда фойдаланиш имкони мавжуд бўлиши керак.

7. Оммалашмаган

Дунёда кўпчилик инсонлар биткоин ҳақида гапиргани билан ундан кам кишиларгина фойдаланади. Бу эса бу криптовалютанинг кам оммалашганлигини билдиради.

8. Йўқотилганларини тиклаб бўлмаслиги

Барча биткоинларни йўқотилгандан сўнг қайта тиклаб бўлмайди. Шунинг учун уларни камида учта нусхада (компьютерда, флешкада ва бошқ.) сақлаш мақсадга муофиқ бўлади[5].


Биткоин ҳақидаги юқоридаги афзалликлар ва камчиликларни ҳисобга олиб хулоса қиладиган бўлсак, бу турдаги ноқонуний криптовалюталардан фойдаланиш катта таваккалчиликдир. Биткоин нархи асосан чайқовчилик асосида ошиб бормоқда. Яъни уни сотиб олувчилар фақат уни янада қимматроққа сотишни ўйлашади. Биткоинлар сонининг чекланганлиги унга бўлган қизиқиш ва талабнинг ортиб боришига, мос ҳолда унинг нархининг ошиб боришига сабаб бўлмоқда. Лекин бикоин қонундан ташқарида деб эълон қилинса ва уни ишлатиш, сотиш учун жиддий жазолар жорий этилса унинг нархи кескин пасаяди. Бундан ташқари тўлақонли давлатларда бюджетдаги пуллар миқдори асосан олтин захиралари билан кафолатланади. Биткоинлар эса ҳеч қерда ҳеч нарса билан кафолатланмаган.

Development information technology for virtualizing network links and nodes of network structure

A.Z. Boboqulov (TUIT, master)


Network virtualization is an important tool for addressing the Internet ossification. It can be utilized in experimental research facilities as well as in provision of customized end-to-end services over a shared infrastructure. A number of virtual networks (VNs) can be deployed on top of the physical network (or substrate), depending on the capability of the substrate and the demands of VNs.

The virtual network embedding (VNE) problem is NP-hard where several constraints need to be satisfied. In order to map a VN onto the substrate, requirements of both its vertices as well as edges should be fulfilled. Also, VNs can arrive at different times, in any order and can be based on any standard network topology (star, bus, ring or mesh). The substrate network also has a limited amount of resources. The focus in the development of ALEVIN(AN) is on modularity and efficient handling of arbitrary parameters for resources and demands, and the support of integration of new and existing virtual network embedding algorithms and evaluation metrics. The next figure depicts the architecture of AN and highlights the modular interaction of parameters for substrate as well as virtual networks, algorithms, and evaluation.




AN provides the ability to illustrate the deployment of resources in the substrate network and demands in an arbitrary number of virtual networks as well as the mapping of demands on resources calculated by a VNE algorithm. Moreover, AN can be used to create VNE scenarios as well as import and export them using an XML-based exchange format. AN is completely modular regarding the addition of new parameters to the VNE model. To increase AN's modularity and to make it a flexible and extensible platform to compare existing and upcoming algorithms, the implementation of algorithms is kept independent of the resource/demand implementation. To that end, a simple interface is provided defining the rough structure of an algorithm and connecting its output to the GUI as illustrated in the previous picture.

Virtual Node Mapping Algorithms. To understand the objective of this approach. Figure 2 defines the term stress.




The numbers above the links and nodes are the respective stresses. The objective of this approach is to minimize the balanced stress (weighted sum of node and link stresses) in the network. This virtual node mapping approach is very similar to the GS. The available resources concept given in Figure 3.



The virtual node mapping GAS is a greedy algorithm. Nodes with greater demand are assigned with greater available resources.

Mixed Integer Programming Solution. Substrate Network Graph is augmented creating Meta-nodes (representing the virtual nodes) and meta-edges (joining meta-nodes with the candidate nodes to be mapped in the SN), they are added to the SN graph as indicated in Figure 4.




In figure 4, a will be mapped to either A or C. (A and C are the candidates nodes to map a). After the following steps, the map is decided.

1. The problem is solved using linear programming (LP) → The relaxed BIP formulation is solved.

2. The LP solution contains rational value for each of the meta-edges (joining the meta-nodes with nodes in the substrate network). A randomized or deterministic rounding is performed, among the meta-edges of each meta-node, to choose one of them; the SN connected to the chosen meta-edge is then chosen as the mapped node in the SN.

Virtual Link Mapping Algorithms. It is very important to state that the virtual link mapping stage starts after virtual node mapping.

Multi-Path Algorithm (MP). This algorithm solves a LP formulation of the virtual link mapping stage (the same formulation as the relaxed BIP). This formulation is equivalent to the multi-commodity flow problem and is solved using the traditional LP methods (SIMPLEX, IPM, etc.). Figure 5



We have investigated an approach to virtual network embedding where we attempt to assign virtual networks into a substrate in a way that avoids exhausting node resources completely. The idea is that with this approach, some resources are left for the benefit of future embedding requests, which could improve the overall embedding capability.


References

1. A. Razzaq and M. S. Rathore, "An Approach towards Resource Efficient Virtual Network Embedding," internet, pp. 68-73, 2010 2nd International Conference on Evolving Internet, 2010.
2. (2016, Jan.) GLPK–GNU Linear Programming Kit.[Online]. Available:<http://www.gnu.org/software/glpk/>.
3. N. M. K. Chowdhury and R. Boutaba, "A survey of network virtualization," Computer Networks, vol. 54, no. 5, pp. 862–876, 2010.
4. Virtual Network Embedding Simulator.
<http://www.cs.princeton.edu/~minlanyu/embed.tar.gz>.

Ekologik muammolar va atrof –muhit barqarorligi

Boboyorova Nilufar Sa'dullayevna
Samarqand qishloq xo'jaligi instituti

Respublikamizdagi eng muhim ekologik muammolarni va ularni oldini olish chora-tadbirlarini Sayyoramiz kelajagi, insoniyatning taqdiri hozirgi davrda ko'p jihatdan ekologik muammolar yechimiga bog'liq bo'lib qoldi. Ekologik muammo keyingi o'n yilliklar davomida yana keskinlashib ketdi. Havoning ifloslanishi, ichimlik suvning o'ta taqchilligi, Ona zaminning zaharlanishi, ekish va hosil olish mumkin bo'lgan unumdor yerlarning, yer osti va yer usti boyliklarining, o'simliklarning va hayvonlar nodir turlarining kamayib borayotganligi hamda atmosfera haroratining sezilarli darajada oshib borayotganligidan insoniyat behad azob chekmoqda. XX asr tugab XXI asrning dastlabki kunlarida, asrlar tutash kelgan pallada butun insoniyat, mamlakatimiz aholisi juda katta ekologik xavfga duch keldi. Hozir sayyoramizda quyidagi global ekologik muammolar o'z yechimini kutmoqda:



Ekologik muammoni hal etish barcha xalqlarning manfaatlariga mosdir. Sivilizatsiyaning hozirgi kuni va kelajagi ko'p jihatdan ekologik muammoning hal qilinishiga bog'liqdir.

O'zbekiston Respublikasi dunyodagi barcha mamlakatlar, jumladan Markaziy Osiyo mintaqasidagi davlatlar bilan hamkorlik va hamjihatlikda tabiatni, atrof muhitni himoya qilish, tabiiy zahiralardan oqilona foydalanish masalalariga katta e'tibor va ahamiyat berib kelinmoqda. Buning natijasi o'laroq, atrof-muhitni muhofaza qilishni ta'minlashga qaratilgan qonun hujjatlari Respublikamizda ko'plab qabul qilingan.

O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining 50-moddasida belgilab qo'yilganidek ***"Fuqarolar atrof, tabiiy muhitga ehtiyotkorona munosabatda bo'lishga majburlar"***.

Insoniyatning kelajakdagi taqdiri hozirgi davrda mavjud ekologik muammolarni qanday hal qilishga, ekologik muammolardan aholini, tabiatni qanday muhofaza qilishga bog'liq bo'lib qoldi. Bunday deyilishida juda katta ma'no, tarixiy zaruriyat, ob'yektiv ehtiyoj bor. Chunki ekologik muammo zamirida alohida xalqlar millatlar va mintaqalarnigina emas balki butun insoniyatning kelajak taqdiri yotibdi.

Uzoq yillar davomida eski ma'muriy buyruqbozlik tizimi sharoitida Markaziy Osiyi mintaqasidagi ekologik muammolarga e'tibor berilmadi. Tabiatni muhofaza qilish tadbirlariga arziyas darajada kam mablag' ajratilardi. Bu mablag' tabiatga yetkazilgan zararni also qoplamasdi. Sobiq ittifoq zamonida atrof-muhit va atmosfera havosining ifloslanishi, toza ichimlik suvi yetishmasligi tashvishli hol ekani haqida bilib, bilmaslikga olindi. Qonunlar rasmiyat uchun qabul qilinadi-yu, ammo ular hayotga joriy etilmadi. Sho'ro tuzumi davrida inson tabiatni o'z irodasiga bo'ysundirishi lozim degan soxta aqida uzoq yillar ustuvorlik qildi. Natijada barcha hududlarda ekologik muvozanat qo'pol ravishda buzildi. Mintaqamizda, shuningdek, O'zbekiston Respublikasida ham tashvishlanarli ekologik vaziyatlar yuzaga keldi.

Hududimizda yuz bera boshlagan ekologik inqiroz nihoyatda keskinlashib ketib, ijtimoiy tus ola boshladi. Ekologik tanazzuldan esa keng jamoatchilik tashvishga tushishi tabiiy holalbatta. Odamlar qanday xavf qarshisida turganliklarini, atrof-muhitga yetkazilayotgan zarar qanday ko'rgiliklarga olib kelganligini yaqqol his etdilar. Tabiatga qo'pol va takabburlarcha munosabatda bo'lish odamlarning qirilib, genofondning yo'q bo'lib ketishiga muqarrar ravishda olib kelishini tushunib yetgan kishilar, olimlar, shoir va yozuvchilar, mutaxassislar, deputatlar bong ura boshladilar. Dunyoning hamma mamlakatlarida, boshqa mintaqalarda sodir bo'lganidek Markaziy Osiyoda, O'zbekistonda ham ekologik muammolar dolzarb bo'lib qoldi. O'zbekistonda eng xavfli ekologik muammolar toza havo, ichimlik suv, tuproq tarkibining buzilishi va Orol dengizi muammolari hisoblanadi.

"Yashil kimyo" qattiq sharoit (yuqori temperatura va bosim) talab qilinmaydigan, reaksiya natijasida zaharli moddalar hosil bo'lmaydigan va atrof-muhitga zararli moddalar ajralib chiqmaydigan kimyoviy jarayonlarni ifodalaydi. Boshqacha aytganda, "yashil" kimyogarlar amalga oshirayotgan reaksiya sikllari o'simliklar va hayvonlar organizmlaridagi sikllarga yaqin bo'lishlari kerak. Bunga oddiy misol sifatida azotobakteriyalarning dukkakkilar tomirida azotni oddiy sharoitda to'plashini keltirish mumkin.

O'zbekistondagi ekologik vaziyat va uni optimallashtirish yo'llari

*Boboyorova Nilufar Sa'dullayevna
Samarqand qishloq xo'jaligi institute*

Respublika hududida ishlab chiqarishning keng miqyosda taraqqiy etishi tabiat bilan inson o'rtasidagi munosabatlarni keskinlashtirmoqda. Bu keskinlashuv odatda atrof-muhitning ifloslanishi, tuproq va o'simlik qoplamlarining buzilishi, kambag'allashuvi va boshqa ko'rinishlarda ifodalanadi. Har bir tabiiy kompleks bu jihatdan ma'lum ekologik ahvolga ega bo'lib, ular bir-birlaridan ushbu ahvolning og'ir-yengilligi, murakkabligi, majmualigi bilan farq qiladi. Ekologik ahvol

umumiy tushuncha va hudud uchun nisbatan barqaror xususiyatlarga ega. Shuning uchun ham uzoq muddat davomida deyarli o'zgarishsizligi, ya'ni birdek davom etishi mumkin. Lekin ekologik ahvol ba'zan og'irlashuvi, ba'zan yengillashuvi ham mumkin, bu hol ishlab chiqarish maromiga bog'liq, uni atrof-muhitga ta'siri tezlashsa ahvol og'irlashadi, va aksincha.

Ekologik ahvolni turli darajada sodir bo'lishi hududda har xil vaziyatlarni shakllantiradi. Ekologik vaziyat ekologik ahvolni ma'lum bir vaqt mobaynidagi holati, binobarin, u beqaror bo'lib makonda vaqt mobaynida bir vaziyatdan ikkinchi vaziyatga tez orada o'zgarishi mumkin. Demak, ekologik vaziyat makonda ma'lum bir vaqt mobaynida sodir bo'ladi hamda ahvolni aniq va ravshan aks ettiradi.

O'zbekistonda ekologik vaziyatlar joylarda tabiiy resurslardan foydalanish darajasi, ishlab chiqarishni rivojlantirish, atrof-muhit ifloslanishining oldini olish tadbirlari qo'llanilishi ko'lamiga qarab turli miqyoslarda shakllanmoqda. Tadqiqotlar natijasiga ko'ra ekovaziyat majmuali, ayrim guruhli va ma'lum bir omil (yoki tabiiy komponent) bilan bog'liq holda tarkib topishi mumkin. Majmuali ekovaziyat deyarli barcha tabiiy komponentlarning o'zgarishi oqibatida tarkib topadi. Masalan, Orolbo'yidagi vaziyatni haqiqatan ham majmuali deb hisoblash joiz, chunki, u hududda barcha tabiiy komponentlar cho'llashish jarayonida tubdan o'zgarishga uchrab, avvalgi gidromorf vaziyat endilikda kseromorf, gidrogalomorf va avtomorf vaziyat bilan butunlay almashmoqda.

Xulosa o'rnida shuni keltirish mumkinki, hozirgi kunda O'zbekistonda tabiatni muhofaza qilish respublika jamiyati, 12 ta viloyat va Qoraqalpog'iston jamiyati, O'zbekiston geografiya jamiyati, EKOSAN, bir qancha ilmiy ommabop va ilmiy jurnallar, radio va televideniye, vaqtli matbuot tabiatni muhofaza qilish haqidagi bilimlarni targ'ib qilmoqda. Aholi o'rtasida tabiat, undan oqilona foydalanish va muhofaza qilish haqidagi bilimlarni targ'ib qilish, aholining geografik, ekologik madaniyatini ko'zga tashlash katta ahamiyatga ega.

Oliy ta'lim muassasalari talabalarining ekologik madaniyatini shakllantirish masalalari

Boboyorova N.S.

Samarqand qishloq xo'jaligi instituti

Ekologik tarbiyani, madaniyatini shakllantirish - tabiiy resurslardan foydalanish, atrof-muhitni muhofaza qilish, ekologik tizim barqarorligini rivojlantirish, tabiiy boyliklar sifat va miqdorini oshirish, aholi hayoti va salomatligini saqlash, iqlimning o'zgarishi, suv resurslarining kamayib ketishi, atmosferaning ifloslanishi, tuproq degradatsiyasi, cho'llashuv jarayonlari, bioxilma-xillik va o'rmonzorlarning qisharishi, resurslarni tejaydigan texnologiyalarni joriy etish, tabiatni muhofaza qilish, ekologik va kasbiy xavfsizlik, kasbiy faoliyatda ekologik dunyoqarashga ega bo'lish, tabiiy resurslardan tejamkorlik bilan foydalanish, tabiatning rivojlanish qonuniyatlarini anglab etgan holda o'z mustaqil kasbiy faoliyatini tashkil etish, inson faoliyati ta'sirining yaqin va uzoq kelajakdagi oqibatlarini inobatga olish, texnik vositalardan oqilona va ratsional foydalanish, ekologik siyosat, tabiiy olam komponentlari, tabiiy va antropogen ob'ektlar, tabiiy kompleks, tabiiy ekologik

tizim, ishlab chiqarish sistemasi, tahdidli ishlab chiqarish, ekologik xavfsizlikka turli tahdidlar va ular mohiyati, tahdidlar oldigi olish metodlari va yo'llari, atrof-muhit va insonga ko'rsatilgan ekologik zararni belgilash va hisoblash, ekologik audit, ekologik sug'urta, ekologik xavfsizlik monitoringi, ekologik xavfsizlik tizimini boshqarish, ekologik xavfsizlikni ta'minlovchi innovatsion asbob-uskunalar va texnika, davlat va jamiyatni ekologik xavfsizligini ta'minlash tizimi kabi o'nlab yo'nalishlar bo'yicha bilim, ko'nikma, malaka, axloq va tafakkurga ega bo'lishlari taqozo etiladi. Buning uchun esa ekologik ta'limning mukammal tizimini ishlab chiqish va ta'lim tizimiga joriy etish darkor.

Ekologiyaning hamma bo'limlari, umumiy vazifalari, yo'nalishlari birlari bilan birlashgan bo'lib, lekin "O'simlik" yoki "Sanoat ekologiyasi" va "Insonlar ekologiyasi" kabi yo'nalishlarning har birining o'ziga xos tadqiqot uslublari bordir. Masalan; O'simlik ekologiyasi- abiotik omillarning ayrim o'simlik turlariga yoki tur vakillariga ta'sirini aniqlaydi. Hayvonlar ekologiyasi – tashqi muhit omillarining ayrim individumlarga va ularning populyatsiyalariga ta'sirini o'rganadi. Shuning uchun ham populyatsiya ekologiyasi hayvonlar misolida yaxshi ishlab chiqilgan. Shunga qaramasdan hayvonlar ekologiyasini o'rganuvchi ekologlar hayvonlarning hayoti o'simliklarga bog'liq ekanligini inobatga olgan holda, biotsenozning ichidagi o'simliklar olamining vakillari hosil qilayotgan uyushmalarni o'rganishga katta ahamiyat beradilar. O'simlik va hayvonlar haqidagi ma'lumotlar shuni ko'rsatadiki, tirik organizmlarning birlari va muhit bilan aloqalari murakkab, har xil, o'ziga xosligi ekologiyaning o'simliklar ekologiyasi va hayvonlar ekologiyasiga bo'linishiga sabab bo'ladi, ya'ni tabiatning har obyekt mustaqil fanlar tomonidan o'rganilsa-da, ular o'rtasidagi aloqa juda kuchlidir. Ayrim hollarda ekologiyaning bu ikki mustaqil bo'lishini birlashtirmoqchi ham bo'lganlar. V.N.Sukachev tomonidan ishlab chiqarilgan biogeotsenoz, keyinchalik beogeotsenologiya ta'limoti bo'yicha o'simlik hayvonlar birgaliklarini majmua holda o'rganish nazariyasi katta ahamiyatga ega bo'ladi. Yuqoridagi tushunchalar shuni ko'rsatadiki, ekologiya bu biologik xarakterga ega bo'lgan mustaqil fan. Mikroorganizmlar ekologiyasi, hayvonlar ekologiyasi, odam ekologiyasi va boshqa umumiy ekologiyaning bo'limlari, qismlaridir. Yu. Odum ekologiyani turlar ekologiyasi, populyatsiya ekologiyasi, senozlar ekologiyasi, ekosistema ekologiyasi kabi qismlarga bo'ladi. N.P. Naumov esa ekologiyani tur vakillari ekologiyasi, populyatsiya ekologiyasi, senozlar ekologiyasi yoki biotsenologiyaga (Gamkes, 1918) bo'ladi.

Hozirgi vaqtda ekologiya quyidagi bo'limlarga bo'linadi:

- 1) *Autekologiya (Schrotes, 1896)- tur vakillarining ekologiyasi;*
- 2) *Demekologiya (yoki demokologiya, Schwertinger, 1963) – populyatsiyalar ekologiyasi;*
- 3) *Eydekologiya (eidos- tur)- turlar ekologiyasi;*
- 4) *Sinekologiya (Schrotes, 1902)- tirik organizmlar jamoasi, uyushmasi, birligining ekologiyasi.*

Xulosa o'rnida shuni aytish lozimki, bugungu kunda, ekologik noxushliklar ko'pincha ekologik qonunlarni bilmaslik hamda ularga rioya etmaslik oqibatida kelib chiqadi. Shu sababdan, sog'lom tabiiy atrof-muhitni saqlash ko'p jihatdan talaba yoshlarning ekologiya qonunchiligi to'g'risida qay darajada xabardorligi va unga amalda rioya etishligiga bog'liq bo'ladi.

Comparison analysis of types and tools of realizing of ddos attack's

BOZOROV SUHROBJON MUMIN O`G`LI

TUIT named after Muhammad Al-Khwarizmi, Tashkent.

KARIMOV MAJID MALIKOVICH

Director of the State Testing Center of Republic of Uzbekistan, Tashkent.

USMANBAYEV DONIYORBЕК SHUXRATOVICH

TUIT named after Muhammad Al-Khwarizmi, Tashkent.

Abstract

Distributed denial-of-service (DDoS) is a rapidly growing problem. Hackers compromises the vulnerable systems for launching DDoS attacks in order to degrade or sometimes completely disrupt such services. Hackers are also continuously upgrading their skills to launch diversified attacks and are developing new sophisticated attack tools and traffic generators to circumvent these countermeasures. The purpose of this article is to characterize and compare existing types and tools of realizing of DDOS attack's on computer networks.

Key words: DDOS, botnet, Agent-Handler model, Internet Relay Chat (IRC-Based) model.

Introduction

As the technology of today's development develops, the threats and attacks against them are increasing. Information on Attacks and Threats Attempt to disassociate:

- Confidentiality;
- Integrity;
- Availability.

The bulk of attacks and threats are through DoS and DDoS attacks.

Today, one of the biggest attacks on computer networks and endangers all organizations is the DDoS (Distributed Denial of Service) attack. This attack is capable of delivering up to 300 gigabytes of packet flow through hundreds of computers using modern technology. If the methods of predicting such an attack have not been investigated, the servers will not be able to serve for months or years.

Therefore, it is possible to detect such attacks in advance allows to prevent and manage risks that may arise in networks and servers of enterprises and organizations.

DISTRIBUTED DENIAL OF SERVICE ATTACK (DDOS ATTACK)

Denial of Service Attack (DoS Attack) and Distributed Denial of Service Attack (DDoS Attack) - attack designed to cause an interruption or suspension of services of a specific host/server by flooding it with large quantities of useless traffic or external communication requests. Distributed Denial of Service Attack (DDoS) occurs where multiple compromised or infected systems (botnet) flood a particular host with traffic simultaneously.

A distributed denial-of-service (DDoS) attack is a malicious attempt to disrupt normal traffic of a targeted server, service or network by overwhelming the target or its surrounding infrastructure with a flood of Internet traffic. DDoS attacks achieve effectiveness by utilizing multiple compromised computer systems as sources of attack traffic. Exploited machines can include computers and other

networked resources such as IoT devices (internet of things devices). From a high level, a DDoS attack is like a traffic jam clogging up with highway, preventing regular traffic from arriving at its desired destination.




Fig. 1. DDoS Attack Traffic Metaphor

A DDoS attack requires an attacker to gain control of a network of online machines in order to carry out an attack. Computers and other machines (such as IoT devices) are infected with malware, turning each one into a bot (or zombie). The attacker then has remote control over the group of bots, which is called a botnet.

Once a botnet has been established, the attacker is able to direct the machines by sending updated instructions to each bot via a method of remote control.




Fig. 2. Architecture of DDoS attack

When the IP address of a victim is targeted by the botnet, each bot will respond by sending requests to the target, potentially causing the targeted server or network to overflow capacity, resulting in a denial-of-service to normal traffic. Because each bot is a legitimate Internet device, separating the attack traffic from normal traffic can be difficult.

Common types of ddos attacks

Different DDoS attack vectors target varying components of a network connection. An attacker may make use one or multiple different attack vectors, or cycle attack vectors potentially based on counter measures taken by the target.

- HTTP Flood
- Ping of Death

- Smurf Attack
- Fraggle Attack
- Slowloris
- Application Level Attacks
- NTP Amplification
- Advanced Persistent DoS (APDoS)
- Zero-day DDoS Attacks
- Nuke
- Unintentional DDoS
- Multi-Vector Attacks

Tools and their taxonomy of DDOS attack on networks

This section introduces the taxonomy of the DDoS attack tools based on the identified attributes i.e. type of interface, attack rate dynamics, target operating system, attack model, protocols used, DDoS attack category and target area. These attributes along with the explanation of DDoS attack tools as shown in Table. 1

DDoS Attack Tools						
Based on Interface	Based on Attack rate dynamics	Based on Operating System	Based on Attack Model	Based on protocol	DDoS Attack category	Based on target
Command Line, Interface, Graphical User Interface	Continuous Variable (Increasing, Fluctuating)	Mac OS, Linux, Unix, Windows	Agent Handler, IRC based (With Encryption (Private Channel), Without Encryption (Public Channel))	UDP Flood, ICMP Flood, HTTP Flood, TCP Flood (TCP ACK, TCP SYN, RST Flood)	Resource Depletion, Bandwidth Depletion, Both	Link, End Point

Table 1. Taxonomy of DDOS Attack tools

The popular DDoS tools that are available in the internet are Trinoo, Tribe flood network, TFN2K, Stacheldraht, Mstream, Shaft, Trinity, Knight, Low orbit canon, High orbit canon and Slowloris. The categorizes of DDoS attack tools along with specific protocols and operational layer is shown in Table 2.

DDoS Tools	Protocol	Layer
Trinoo	UDP	Transport
Tribe Flood Network, Tribe Flood Network 2000, Stacheldraht, Shaft	UDP, ICMP, SMURF and TCP SYN	Network and Transport
Mstream	TCP ACK	Transport

Trinity	TCP random flag, TCP RST, TCP established and TCP fragment	Transport
Knight	UDP, SYN and urgent pointer flood	Transport
LowOrbitIonCannon	TCP, UDP, HTTP	ApplicationandTransport
High Orbit Ion Cannon, Slowloris	HTTP	Application

Conclusion

DDoS is the severe, long lasting problem that makes the service unavailable to the legitimate users and cause high revenue and financial loss to the numerous applications including communication, banking, medicine and research.

Based on the analysis of DDoS attacks and types discussed above, it can be said that such attacks could cause problems for enterprises and organizations. These attacks are realized easily and quickly due to the fact that the computer network errors and problems are not corrected, permanent monitoring are not regulated and negligence of system administrators. These attacks are the result of a variety of motives and they cause of the great damage. Therefore, it is possible to detect such attacks in advance allows to prevent and manage risks that may arise in networks and servers of enterprises and organizations.

Zamonaviy axborot texnologiyalarining dasturiy vositalarini issiqlik o'tkazuvchilik masalalarini yechishda qo'llashning ahamiyati va afzalliklari

*Bustanov Xudaykul Abriyevich,
Mardonov Dilmurod Raxmonovich,
Nurmamatov Mexriddin Qahramonovich
SamDU*

Hozirgi davrda axborot texnologiyalarining juda tez sur'atlar bilan rivojlanishi natijasida ta'lim sohasidagi kadrlarni sifatli tayyorlash va ularni qayta tayyorlashlarda zamonaviy axborot texnologiyalarini qo'llash juda katta ahamiyatga egadir. Bularni ta'lim sohalarining barcha jabhalarida, jumladan oliygohlarning arxitektura-qurilish sohalarini ham sifatli tayyorlashdagi muammolarni yechishda innavasion ta'lim texnologiyalari va zamonaviy axborot texnologiyalarining dasturiy vositalaridan foydalanish ko'plab masalalarni yechishda katta yordam beradi. Buni biz texnik va qurilish sohasida uchraydigan issiqlik tarqalish(o'tkazish) masalalarini yechishda zamonaviy axborot texnologiyalarining dasturiy vositalaridan foydalanishni misol tariqasida namoyish etamiz. Bu albatta ta'lim sohasida o'z aksini topadi. Shu sababli materiallarni temperaturasining o'zgarishiga chidamliligi, issiqlik o'tkazish xususiyatlarini hisoblashlar dolzarb masalalardan biri hisoblanadi.

Zamonaviy axborot texnologiyalarini texnikalarini va dasturiy vositalarini ta'lim sohasida qo'llashning yo'nalishlaridan biri bo'lib, amaliy dasturlar paketlaridan foydalanishlar hisoblanadi. Bugunda juda qiyin hisoblashlarni tezda va osongina amaliy dasturlar orqali amalga oshirish mimkin. Bu o'z navbatida ayrim fanlarning qiyin sohalarini oson o'rganishda yordam beradi.

Amaliy dasturlar paketini ta'lim sohalarida qo'llashdan maqsad, matematika, fizika, mexanika, kimyo va bosqa fanlarni o'qitishda quyidagi talab va sabablar bo'lishi mumkin:

1. Zamonaviy o'qituvchi matematika fanini o'qitishda har xil hisoblarni amalga oshirishda zamonaviy dasturiy vositalardan foydalanishni bilishi zarur.

2. Bu sistemalardan foydalanilganda yechilayotgan masalalarni yechishni yengillashtiradi. Jumladan darslarda yechilayotgan masalalar uchun, kurs ishlarini yechish uchun, bitiruv ishlarini bajarish uchun va boshqa hollarda.

3. Ushbu amaliy dasturlarni qo'llashda talabalarga mustaqil ishlash uchun imkoniyatlar yaratadi.

4. Bu tizim o'quv jarayonidagi tadqiqot masalalarini yechishda juda katta ahamiyatga ega bo'ladi.

Kompyuterlarda qo'llaniladigan Maple tizimi matematikada qo'llaniladigan tizimlarning eng ilg'ori bo'lib hisoblanadi. Asosan u universitetlar va yirik oliygohlarda ishlatiladi, jumladan qurilish muxandislik oliygohlarida ham. Tizimning eng asosiy tomoni matematik hisoblashlarni juda tushunarli qilib ko'rsatadi va ularni bajaradi. Masalan matematik analiz, differensial tenglamalar, nazariy mexanika, qurilish maxanikasi va boshqa kurslarda juda qiyin algoritimli metodik yo'nalish mavjud. Demak ko'pchilik masalalarni yechish uchun Mapleda maxsus dasturlar mavjud. Shuning uchun algoritimli matematik analiz, differensial tenglamalar, nazariy mexanika, qurilish maxanikasi va boshqa kurslarda quyidagicha bo'lishi mumkin: tushunchani aniqlash, uni qo'llashni algoritmini tuzish, masalani yechishda Mapledan foydalanish, keyinchalik esa tadqiqot ishlarini bajarishlar amalga oshiriladi. Bunda talabalardan asosiy fundamental bilim va ko'nikmalarga ega bo'lishlarini talab qiladi. Ushbularni inobatga olib, quyidagi masalani yechishni maqsadma muvofiq deb hisoblaymiz.

Issiqlik tarqalish (o'tkazuvchanlik) masalasining xususiy differensial tenglamalarini sonli yechishni Grin funksiya (manba funksiyasi) usuli bilan vaqt va koordinatalar bo'yicha yechish taklif qilingan. Issiqlik o'tkazuvchanlikning bir jinssiz tenglamasini, bir jinsli boshlang'ich va chegaraviy shartlarida qaraymiz[1-3]. Issiqlik o'tkazuvchanlikning bir jinssiz tenglamasi quyidagi ko'rinishga ega:

$$\frac{\partial}{\partial t} u(t, x) = a^2 \left(\frac{\partial^2}{\partial x^2} u(t, x) \right) + w(t, x)$$

Uning bir jinsli boshlang'ich shartlari esa quyidagicha beriladi:

$$u(0, x) = 0$$

va bir jinsli chegaraviy shartlari ham quyidagich beriladi:

$$u(t, 0) = 0 \quad u(t, L) = 0$$

Issiqlik o'tkazuvchanlikning bir jinssiz tenglamasini biz Maple-7 matematik paketi yordamida yechishni va olingan yechim uchun gragiklarini chizishlarni keltiramiz[1-3]. Maple-7 dasturida quyidagi ketma-ketliklarda masalaning yechimini olishni va uning grafiklarini qurishni keltiramiz:

>restart; Issiqlik o'tkazuvchanlikning bir jinssiz tenglamasini kiritamiz:

>PDE:=diff(u(t,x),t)=a^2*diff(u(t,x),x,x)+w(t,x);

$$PDE := \frac{\partial}{\partial t} u(t, x) = a^2 \left(\frac{\partial^2}{\partial x^2} u(t, x) \right) + w(t, x)$$

Bir jinssizlik ifodasini kiritamiz:

> w(tau, xi) := mu * (x - L/2) * sin(x/7) * t * exp(-alpha * t);

$$w(\tau, \xi) := \mu \left(x - \frac{1}{2} L \right) \sin\left(\frac{1}{7} x\right) t e^{(-\alpha t)}$$

Bir jinssizlik tenglamasi uchun Grin funksiyasi (manba fuksiyasi) kiritamiz:

> G(x, xi, t, tau) := sum(2/L * exp(-a^2 * Pi^2 * n^2 / L^2 * (t - tau)) * sin(Pi * n * xi / L) * sin(Pi * n * x / L), n = 1 .. infinity);

$$G(x, \xi, t, \tau) := \sum_{n=1}^{\infty} \left(2 \frac{e^{\left(-\frac{a^2 \pi^2 n^2 (t-\tau)}{L^2} \right)} \sin\left(\frac{\pi n \xi}{L}\right) \sin\left(\frac{\pi n x}{L}\right)}{L} \right)$$

Tenglamaning yechimini kiritamiz:

> u(t, x) := simplify(sum(int(2/L * exp(-a^2 * Pi^2 * n^2 / L^2 * (t - tau)) * int(mu * (x - L/2) * sin(x/7) * t * exp(-alpha * t) * sin(Pi * n * xi / L), xi = 0 .. L), tau = 0 .. t) * sin(Pi * n * x / L), n = 1 .. infinity)) assuming n::integer;

$$u(t, x) := \sum_{n=1}^{\infty} \mu \sin\left(\frac{1}{7} x\right) t L^2 (2 x (-1)^{(n+1)} + 2 x + L (-1)^n - L) \left(e^{(-\alpha t)} - e^{\left(-\frac{t(\alpha L^2 + a^2 \pi^2 n^2)}{L^2} \right)} \right) \sin\left(\frac{\pi n x}{L}\right) / (\pi^3 n^3 a^2)$$

Tanlangan qiymatlatga mos tenglamaning yechimini bir jinssizlikda olamiz:

> a:=0.1; L:=100; mu:=1; alpha:=0.25; u(t, x) := sum(-mu * sin(1/7 * x) * t * L^2 * (-2 * x + 2 * x * (-1)^n + L - L * (-1)^n) * (-1 + exp(a^2 * Pi^2 * n^2 / L^2 * t)) / a^2 / Pi^3 / n^3 * exp(-t * (a^2 * Pi^2 * n^2 + alpha * L^2) / L^2) * sin(Pi * n * x / L), n = 1 .. 300);

w(t, x) := mu * (x - L/2) * sin(x/7) * t * exp(-alpha * t);

$$a := .1$$

$$L := 100$$


$$\mu := 1$$

$$\alpha := .25$$


$$w(t, x) := (x - 50) \sin\left(\frac{1}{7} x\right) t e^{(-.25 t)}$$

Issiqlik tarqalish masalasining tenglamalarini yechimlarini grafisini ikki xil ko'rinishlarda (Rasm-1 va Rasm-2) tasvirlaymiz:

> with(plots): plot3d(w(t, x), x=0..L, t=0..40, thickness=3, color=blue);
plot3d(u(t, x), x=0..L, t=0..40, thickness=3);



Rasm-1



Rasm-2

Development of information and communication technologies and innovative development of the industry.

Student of bachelor's degree: Juraeva D.B.

Scientific adviser: Sultankhadjaeva G.Sh.

Tashkent city, the Tashkent institute of railway engineers.

Today a large-scale activity is carried out on consistent introduction of information and communication technologies into the system of public administration, the economy, social sphere and everyday life of people in our country.

Over the past year, digital TV coverage has been increased from 88 to 100 percent. The number of mobile users increased by 7 percent and reached 22,8 million. In 2017, services in the sphere of information technologies were provided for 7,7 trillion sums or 26 percent more than in 2016. 260 million dollars have been spent within the framework of the Investment Program. On January 9, 2018 at the meeting dedicated to effectiveness of measures taken on further development of information and communication technologies and ensuring information security The President of Uzbekistan Sh.M.Mirziyoyev noted that much remains to be done in the sphere of information technologies, the achieved results are noticeably lagging behind the indicators of other countries. Thus, the share of information technology in the gross domestic product in South Korea is 9 percent, in Japan – 5,5 percent, in China and India – 4,7 percent, and in Uzbekistan – only 2,2 percent. Uzbekistan occupies the 95th place among 176 countries in the index of information and communication development. Also at that meeting it was noted that the average speed of Internet connection in the CIS countries is 10 times faster than in our country. Telecommunications operators do not invest in expanding telecommunications network in remote areas, on territories adjacent to roads and railways.

Responsible persons were instructed to take measures on sharply lowering prices for access to the Internet, increasing the speed of connection at least 4 times, bringing it to the level of the CIS countries by 2020. Concept of the project was developed in accordance with the program of creating a single complex “Safe city”. It provides for installation of more than 16 thousand video cameras, organization of a Data Processing Center and situational centers in Tashkent. At the same time, it is planned to implement the systems of “Safe tourism”, “Safe territory”, “112”, video surveillance over the entrance examinations to higher education institutions and fixing violations of traffic rules. More than 140 enterprises, where more than thousand programmers are working today, received the status of a resident in MirzoUlugbek Innovation Center, established in

accordance with the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan of June 30, 2017. The most modern technologies and methods of teaching are being widely introduced at Tashkent University of Information Technologies named after Muhammad al-Khorazmiy.

Relevant instructions were given on development this year of the Strategy for further development of the “Electronic government” system in 2018-2021, taking into account international experience and development trends of modern ICT, increasing the volume of works and services produced by residents of MirzoUlugbek Innovation Center not less than 2 times, as well as 1,8 times the volume of their exports, assisting residents in cooperation with foreign companies and access to new markets.

The Head of our state set specific tasks for responsible officials on improvement of activities of the national operator and programmers so that they would be able to compete with major technology corporations of the world[1].

There is a decree, where are shown some main vectors of innovative development in Uzbekistan, which has been signed by the President ShavkatMirziyoyev:

1. Creation of a strategic planning system that will allow to create future models of innovative development of key areas and sectors based on long-term scenarios of enhancing the country's intellectual and technological potential;

2. Introduction of innovative forms of public administration that ensure optimization and simplification of public services;

3. Creation of modern infrastructure for development of science and innovation that can provide necessary conditions for sustainable growth of social and economic potential of the territories, as well as raising the living standards and well-being of the population;

4. Drawing investments in the field of development and introduction of innovative ideas and technologies;

5. Comprehensive support and stimulation of R&D, creation of favorable conditions for the talented youth;

6. Creation of effective mechanisms for promotion and realization of promising local research and innovational achievements;

7. Introduction of ecofriendly, resource and energy-saving technologies, including using alternative energies, modern means of water purification and desalination, and its rational use;

8. Introduction of advanced technologies in the field of public healthcare, for early detection and prevention of diseases;

9. Promotion of innovative ideas, developments and technologies in the agrarian sector, including new crop varieties;

10. Swift introduction of modern information, communication, industrial and other innovative technologies that ensure the comprehensive development of the real sector of the economy[2].

The decree provides for the creation of a Fund to Support innovative Development and Innovations. And it instructed to prepare drafts of Innovation Bill and Science Bill, which define, among other things, the principles of state regulation and the forms of promoting scientific and innovative activities, as well

as the expansion of the possibilities of using innovations, developments and technologies.

Umumta'lim maktablarida axborot texnologiyalarining roli
Tashtemirova N.N., Guliston davlat universiteti huzuridagi XTXQTMOHM

Insonni har tomonlama tarbiyalash va ta'lim berish insoniyatning azaliy orzusi bo'lib, ajdodlarimiz ma'rifat va madaniyatini qanday qilib yosh avlodlarga o'rgatish, ularni komillikka yetaklash yo'llari, qonun-qoidalarini izlaganlar.

Noan'anaviy ta'lim-o'quvchilarni kasbga qiziqtiruvchi bilim doiralarini kengaytiruvchi, ularda hozirjavoblik xususiyatlarini tarbiyalovchi, faollashtiruvchi va ularning mustaqil fikrlash qobiliyatini rivojlantiruvchi kabi didaktik funksiyalarni bajaradi.

Tajribalarda ta'kidlaganidek, agar mashg'ulot odatdagi tinglab o'tirishga asoslangan usulda o'tkazilganda talabalar axborotning ko'pi bilan 20 % ni o'zlashtirgan bo'lsa, ilg'or pedagogik usullardan foydalanilganda esa, bu ko'rsatkich 80-90% gacha oshganligi tasdiqlangan.

Shuningdek, umumta'lim maktab o'qituvchilarida zamon, pedagogik texnologiya yordamida milliy-ma'naviy qadriyatlarni shakllantirish ahamiyat kasb etadi. Chunki, zamonaviy pedagogik texnologiyadan yangi axborot texnologiyalari bir qancha afzalliklarga ega ekanligi bilan ajralib turadi.

Bular xususan:

- o'quvchilarni faollashtiradi;
- ijodiy yondashtiradi;
- vaqtni tejaydi;
- sezishni orttiradi;
- mustaqil fikrlashga undaydi;
- idrok qilish ko'lamini oshirib, kengaytirib boradi.

Aynan shunday zamonaviy axborot texnologiyalardan unumli foydalanish orqali o'quvchilarda ma'naviy qadriyatlarga bo'lgan qiziqish hamda ularni e'zozlash xususiyatlari rivoj topadi. AKT bilan ishlash jarayonida ma'naviyatimizga yot "ommaviy madaniyat"ga xos bo'lgan axborotlarga qarshi kurashish uchun yoshlarda ma'naviy imunitetni shakllantirishga alohida e'tibor qaratish lozim. Buning uchun umumta'lim maktab o'qituvchilari:

- o'quvchilarda AKT imkoniyatlaridan foydalangan holda milliy qadriyatlarga sodiqlik fazilatlarini shakllantirishi;
- milliy-ma'naviy qadriyatlarni targ'ib etuvchi sayt materiallaridan ta'lim jarayonida unumli foydalana olishlari;
- AKT dan foydalangan holda dars ishlanmalarini va dars taqdimotlarini tayyorlashlarini bilishlari;
- milliy-ma'naviy qadriyatlarni targ'ib etishda yangi AKT loyihalarini tayyorlash.

Bu, o'z navbatida, ta'lim samaradorligining oshishiga olib keladi. Ta'lim-tarbiya jarayoniga axborot texnologiyalari imkoniyatlarini tatbiq etish ijobiy natija beradi. Zamonaviy axborot texnologiyalaridan foydalanib, milliy-ma'naviy qadriyatlarni o'rgatish o'quvchilarning har tomonlama erkin fikrlashiga, ijodiy yondashuviga, dars jarayonining faol ishtirokchisiga aylanishiga sharoit yaratadi.

Mustaqil ta'limni tashkil etishda axborot texnologiyalaridan samarali foydalanish

J.D.Saidov GulDUo`qituvchisi, Z.Baymanova, F.SH.Irsaliev GulDUmagistri

Yurtimizda ta'lim tizimida olib borilayotga islohatlar ta'limning barcha shakllarida bo'lgani kabi mustaqil ta'limni tashkil qilishda ham zamon talablaridan kelib chiqishni taqazo qiladi. Kadrlar tayyorlash milliy dasturida chuqur nazariy va amaliy bilimlar bilan bir qatorda tanlagan sohasi bo'yicha mustaqil faoliyat ko'rsata oladigan, o'z bilimi va malakasini mustaqil ravishda oshirib boradigan, masalaga ijodiy yondashgan holda muammoli vaziyatlarni tug'ri aniqlab, tahlil qilib, sharoitga tez moslasha oladigan mutaxassislarni tayyorlash asosiy vazifalardan biri sifatida belgilangan.

Ma'lumki, axborot va bilimlar doirasi tez sur'atlar bilan kengayib borayotgan hozirgi sharoitda barcha ma'lumotlarni faqat dars mashg'ulotlari paytida talabalarga yetkazish kiyin.

Olib borilgan tajribalar shuni ko'rsatadiki, talaba mustaqil ravishda shug'ullansa va o'z ustida tinimsiz ishlasagina bilimlarni chuqur o'zlashtirishi mumkin. Talabalarning asosiy bilim, ko'nikma va malakalari mustaqil ta'lim jarayonidagina shakllanadi, mustaqil faoliyat ko'rsatish qobiliyati rivojlanadi va ularda ijodiy ishlashga qiziqish paydo bo'ladi. Shu sababli talabalarning mustaqil ta'lim olishlarini rejalashtirish, tashkil qilish va buning uchun barcha zaruriy shart-sharoitlarni yaratish, dars mashg'ulotlarida talabalarni o'qitish bilan bir qatorda ularni ko'proq o'qishga o'rgatish, bilim olish yo'llarini ko'rsatish, mustaqil ta'lim olish uchun yo'llanma berish oliy ta'lim muassasasining asosiy vazifalaridan biri hisoblanadi. Mustaqil ishlarning shakli va hajmini belgilashda quyidagi jihatlar e'tiborga olinishilozim:

- o'qishbosqichi;
- muayyan fanning o'zigaxosxususiyativalao'zlashtirishdagi qiyinchilik darajasi;
- talabaning qobiliyati hamda nazariy va amaliy tayyorgarlik darajasi (tayanch bilimi);
- fanning axborot manbalari bilan ta'minlanganlik darajasi;
- talabaning axborot manbalari bilan ishlayolish darajasi.

Kriptografik algoritmlarining bardoshliligini baholash orqali takomillashtirilgan kalit generatsiyalash algoritmlarini ishlab chiqish

Olimov Iskandar Salimboyevich (TATU, o'qituvchi)

Mirzamahmudov azamatjon baxtiyor o'g'li (TATU, talaba)

Hozirda dunyo bo'ylab aylanayotgan axborot miqdorining oshib borayotgani, axborot xavfsizligini ta'minlash chora-tadbirlarini e'tibordan chetda qoldirmaslikni talab etadi. Ma'lumki, har bir kriptotizimning kriptobardoshliligini aniqlashda kalit parametri muhim ahamiyat kasb etadi. Kriptotizim bardoshliligi kalitning qanchalik tasodifiyligiga bog'liq bo'lib, tasodifiy va psevdotasodifiy sonlar ketma-ketligidan bardoshli kalit hosil qilish dolzarb vazifa ekanligini anglatadi.

Xesh funksiyalar tahlili jadvali

Xesh funksiyalar	GOST R 34.11 94	MD 5	SHA-1	SHA-256	SHA-384	SHA-512	O'z DSt 1106 : 2009
Xeshlanadigan matn uzunligi	Ixtiyoriy	Ixtiyoriy	$<2^{64}$	$<2^{64}$	$<2^{128}$	$<2^{128}$	Ixtiyoriy
Kirish blokining uzunligi	256	512	512	512	1024	1024	128, 256
Xesh qiymat uzunligi	256	128	160	256	384	512	128, 256
Har bir blokni xeshlash qadamlari soni	19	80	80	64	80	80	16b+74, 16b+46, Bu yerda b-bloklar soni

Chiziqli kongruent generatorlar umumiy holatda $x_{i+1}=(ax+c) \bmod N$ formula bilan aniqlanuvchi rekurent hisoblashga asoslangan. Dastlabki berilgan kirish parametrlari asosida ketma-ketliklar hosil qilinadi.

Kirish parametrlari:

N - chekli maydon xarakteristikasini ifodalovchi son, a va c - o'zgarmas musbat butun sonlar, x_0 - boshlang'ich butun qiymatli son;

Ketma-ketlikni tashkil etuvchi chiqish qiymatlari:

$$X_{i+1} = (a x_i + c) \bmod N, i=0, 1, 2, 3, \dots;$$

Chiziqli kongruent generatorning kirish parametri $c=0$ bo'lsa, ya'ni

$$x_{i+1} = (a x_i) \bmod N, i=0, 1, 2, 3, \dots;$$

bo'lsa, bu generator chiziqli multiplikativ generator deyiladi.

1-tasdiq. Ushbu $x_{i+1} = (a x_i + c) \bmod N, i = 0, 1, 2, 3, \dots$; rekurent formula bilan aniqlangan psevdotasodifiy ketma-ketlik maksimal N davrga ega bo'lishi uchun quyidagi:

1) c va N - o'zaro tub sonlar, ya'ni $\text{EKUB}(c, N)=1$;

2) p soni N sonining bo'luvchisi va $a-1$ soni p soniga karrali;


3) N soni 4 karrali bo'lsa, $a-1$ soni ham 4 ga karrali shartlarning bajarilishi zarur va yetarli.

Quyida algoritmnining o'zgartirishlar kiritilgan qismlari va algoritmi keltirilgan.

Unga ko'ra

- kiruvchi parametrlarni hosil qilishda tasodifiy parametrlardan foydalanilgan;
- dastlabki kalitni hosil qilish qismida o'zgartirishlar kiritilgan.

Quyida kalitni generatsiya qilish keltirilgan:



1-rasm.

Generatsiya qilish jarayoni

Bundan ko'rinib turibdiki yangi kiritilgan k parametr orqali uni xesh qiymati olinadi va yangi ikkilamchi kalit hosil qilinadi. Natijada ikkilamchi kalit orqali yangi kalit hosil qilinadi[2,3,5,6].


RC4 uzluksiz shifrlash algoritmi uchun kalit ishlab chiqaruvchi generator bilan tanishildi va undagi mavjud amallarning bajarishini o'rgangan holda yangi generatsiya algoritmi keltirildi. Quyida algoritmning o'zgartirishlar kiritilgan qismlari va algoritmi keltirilgan[7].

Unga ko'ra

- kiruvchi parametrlarni hosil qilishda tasodifiy parametrlardan foydalanilgan;
- kalitni hosil qilish qismida o'zgartirishlar kiritilgan.

Quyida kalitni generatsiya qilish keltirilgan:

Bundan ko'rinib turibdiki yangi kiritilgan K parametr orqali uni xesh qiymati olinadi va yangi ikkilamchi kalit hosil qilinadi. Natijada ochiq ma'lumot qiymatlari bilan ikkining moduli bo'yicha jamlanadi va ma'lumot shifrlanadi.



2-rasm.

Shifrlash jarayoni

Xulosa o'rnida takomillashtirilgan kalit generatsiyalash algoritmlarini ishlab chiqishga bag'ishlangan bo'lib, quyidagi natijalar olindi:

1. Axborotni maxfiylikini va yaxlitligini ta'minlash usullari o'rganildi, ulardan **foydalanish tartibi haqida ma'lumot berildi** va bir qator xususiyatlari bo'yicha tahlil qilindi.
2. **Tahlillar natijasida MD 5 va GOST R 34.11-94 xeshlash standartlari boshqa algoritmlarga qaraganda bardoshligi va ma'lumotni yaxlitligini ta'minlashda foydalanish mumkinligi isbotlandi.**
3. Mavjud kalit generatorlari asosida yangi takomillashtirilgan kalit generatsiya algoritmi ishlab chiqildi.
4. RC4 oqimli shifrlash algoritmining kalit generatsiyalash jarayoniga bir tomonlama funksiya tadbiiq etildi va uni foydalanishga taklif etildi

Axborot xavfsizligi monitoringi tizimining modelini ishlab chiqish


Rashidov Muhammadali Alisher O'g'li

Muhammad al-Xorazmiy nomidagi Toshkent axborot texnologiyalari universiteti,

Jadallik bilan o'zgarib borayotgan zamonaviy olamda axborot xavfsizligi muammasi har qanday tashkilotning asosiy masalalaridan biri hisoblanadi. Axborot tizimi qanchalik murakkab hamda ko'p tarmoqli bo'lgani sayin, ushbu muammolarning yechimi ham shunchalik qiyinlashib boraveradi.

Turfa xil himoya vositalarining katta miqdorini sotib olgan tashkilotlar keyinchalik bir qator muammolarga to'qnash kelishi holatlari ham tez-tez uchrab turadi. Gap shundaki, ular majmuaviy hamda anchayin murakkab bo'lgan masalaning yechimini topishga majbur bo'lishadi: soni tinimsiz oshayotgan

tahdidlardan himoyalaniş, shu bilan bir vaqtda, sotib olingan xavfsizlikni ta'minlovchi vositalarni o'rnatish hamda ularni boshqarish va h.k.



1-rasm. Monitoring o'tkazish blok-sxemasi

Monitoring tizimi modeli.

Axborot xavfsizligi auditi negizida profilga asoslangan anomalialarni aniqlash uslubi yotadi. Profil axborot-kommunikatsion tarmoq (AKT) holatini monitoring qilish jarayonidan olingan natijalar asosida yuzaga keladi. Formal jihatdan P_{ICS} quyidagi kortej bilan tasniflanadi:

$$P_{ICS} = \{W_i, S, S_S, N_E\}$$

buyerda:

W_i – foydalanuvchi ish stansiyalarining xavfsizlik jurnalini tahlil qilishda olingan ma'lumotlar ko'rib chiqiladigan ko'plab axborot birliklari;

S – serverlarning log-fayllarini hamda computer tarmoqlarining mavjud servislari (Web-server, proxy-server, pochta serveri) ni tahlil qilish jarayonida olingan ma'lumotlar sifatida ko'riladigan ko'plab axborot birliklari;

S_S – xavfsizlik xizmatlarining faoliyat jarayoni haqidagi ko'plab axborot

birliklari;

N_E – marshrutizatorlar, kommutatorlar, konsentratorlar, aloqa liniyalari kabi tarmoq jihozlari, ya'ni korporativ tarmoq faoliyatini ta'minlaydigan jihozlarni tasniflovchi ko'plab axborot birliklari;

Xavfsizlik monitoring algoritmi. Kompyuter tarmoqlarida xavfsizlik monitoring hamda auditi moduli asosida etalon profil hamda aynidamdagi profilni tuzish yotadi. Monitoring o'tkazish blok-sxemasini 1-rasmda keltirilgan.

Ushbu algoritmdagi harakatlar ketma-ketligi:

1. Algoritm bajarilishining boshlanishi.
2. Etalon profil bor-yo'ligini tekshirish.
3. Profilni yuklash.
4. Profil mavjud bo'lsa monitoring parametrlarini olish amalga oshiriladi.
5. Olingan parametrlar asosida P_{ICS_e} profili yuzaga keladi.
6. Ma'lumotlarni qayta ishlash jarayoni boshlanadi.
7. Monitoring parametrlarini olish amalga oshiriladi.
8. Olingan parametrlar asosida ayni damdagi P_{ICS_t} profili yuzaga keladi.
9. Ayni damdagi profil etalon profil bilan taqqoslanadi.
10. Taqqoslash mavjud bo'lsa, monitoring tizimining yechimi bo'lib anomaliyalar va buzilishlarning yo'qligi xizmat qiladi.
11. Taqqoslash mavjud bo'lmasa, xavfsizlik administratoriga xavfsizlik buzilishi mavjudligi haqida xabar beriladi.
12. Algoritm bajarilishining tugashi.

Ko'p holatlarda monitoring va nazorat vaqtida aniqlangan anomaliyalar texnik mutaxassislarning shoshilinch reaksiyasini talab qiladi.

Biologiya darslarida axborot kommunikatsion texnologiyalardan foydalanish masalalari va uning ahamiyati

Ravshanova Muhabbat Xamrokulovna

Navoiy shahri, Navoiy davlat pedagogika instituti

Keyingi vaqtlarda o'quvchilarda tabiiy fanlarni o'qishga bo'lgan qiziqish so'nib bormoqda. Bu albatta achinarli holat bo'lib, buni dars jarayonida odatdagidek an'anaviy usullarga tayangan holda eski ko'rgazmali vositalarning qo'llanilishi hamda hozirgi o'quvchilarning qiziqishlari texnika bilan bo'lganib qolayotganligi bilan izohlash mumkin.

Zamonaviy axborot texnologiyalarni, kompyuter vositalarini qo'llab dars o'tish o'quvchilarning tabiiy fanlarni o'rganishga bo'lgan qiziqishlarini oshirishda, biologiya fani yuzasidan bilimlarini chuqurlashtirishda samarali usullardan biri sanaladi. Sababi axborot texnologiyalari ta'lim ta'rbiya jarayonini mazmunli tashkil etishda juda qulay sharoitni yuzaga keltiradi.

Axborot kommunikatsion texnologiyalarning o'ziga xos qimmatini shundan iboratki, ular o'qituvchi va o'quvchilar ixtiyorida o'zaro yorqin interaktiv o'qish muhitini yaratadi.

Darslarda axborot texnologiyalaridan foydalanish usullarining quyidagi tiplari ajratiladi:

Namoyish etish uchun kompyuterdan foydalaniladigan darslar: bunda o'qituvchi stolida bitta kompyuter va namoyish ekrani bo'ladi.

Nazariy fikrlovchi o'quvchilar ko'p hollarda ro'y beradigan jarayon va hodisalarni o'z fikrlashlaridan kelib chiqib tushunadilar. Ular uchun kompyuterda harakatlanuvchi sxema, grafiklar, videosujetli materiallar, boshqarish imkoni bo'lgan jarayonlar tasviriy fikrlashiga ijobiy ta'sir ko'rsatadi.

Biologiyani o'rganishda har ikkala fikrlash turi zarur hisoblanadi.

Fanga tegishli darslik, sinf doskasi va o'qituvchidan iborat darsni zamonaviy dars deb bo'lmaydi. An'anaviy usuldagi dars hozirgi axborot asrida ko'payib borayotgan ma'lumotni axborot texnologiyalariga asoslangan darschalik bera olmaydi.

Har bir o'quvchining yoqtirgan fani bor. Yoqtirgan va yoqtirmagan fan o'rtasidagi farq kompyuterda yaxshi ishlashi bilan yo'qolib boradi. Kompyuterda ishlashga qiziqqan va ishlay oladigan o'quvchilar uchun AKT asosida o'tiladigan barcha fanlari sevimli hisoblanadi.

O'quvchilar uchun darsning qiziqarli bo'lishi, ma'lumotlarni qay darajada va qanday usullarni qo'llagan holda yetkazishga bo'g'liq. Bundan tashqari axborot texnologiyalariga asoslangan darsning to'g'ri tashkillashtirilganiga ham muhim rol uynaydi.

Biologiya fanidan dars beruvchi o'qituvchilar va o'quvchilar uchun bir qancha dasturlar ishlab chiqilgan. Bularga o'rgatuvchi, mashq qildiruvchi, nazorat qiluvchi, elektron adabiyotlar, amaliy va laboratoriya mashg'ulotlari uchun virtual laboratoriya va boshqalari misol bo'ladi. Barchasidan darslarda mavzu mazmuniga binoan maqsadli foydalanish biologiya darslarining samaradorligini oshiradi.

Shunday, axborot texnologiyalaridan biologiya darslarida foydalanish:

- biologik sistemadagi mikro va makroolamda ro'y beradigan voqea hodisalarni kompyuter garafigi va modellari yordamida o'rganadilar;
- tabiatda juda sekin yoki tez sodir bo'ladigan fizikaviy, kimyoviy va biologik jarayonlarni istalgan vaqtda o'rganish imkoniyatiga ega bo'ladilar;
- o'quvchilarni o'z ustida mustaqil ishlashga, bilim olishga bo'lgan qiziqishlarini oshirishda va fanga oid qo'shimcha adabiyotlarni o'qishga undaydi.
- biologik jarayonlarni kompyuter dasturlari asosida atroflich o'rganish imkoniyatiga ega bo'ladilar;
- biologiya faniga oid olgan nazariy bilimlarini virtual laboratoriya orqali mustahkamlab boradilar;
- o'quvchilarning axborot texnologiyalarini (informatika fanini) o'rganishga bo'lgan qiziqishlari ham ortib boradi;
- o'quvchilarda o'z-o'zini nazorat qilish ko'nikmalari shakllanib boradi;

Тадбиркорлар учун интерактив давлат хизматлари ва улардан фойдаланиш самарадорлиги

*Yakubov Maqsadxon Sultanniyazovich,
Sadritdinov Nizomiddin Xomiddin o'g'li TATU*

Мамлакатимизда мухтарам Юртбошимиз бошчилигида тадбиркорликни ривожлантириш, мулкдорлар сафини кенгайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Интерактив давлат хизматлари турларининг кенгайтирилиши тадбиркорларнинг ахборот билан таъминланиш даражасини

ошириш, энг асосийси, уларга ўз бизнес фаолиятини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2016 йил 2 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати органлари томонидан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда электрон давлат хизматлари кўрсатишни тартибга солиш тўғрисида”ги 40-сонли буйруғи билан “Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати органлари томонидан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда электрон давлат хизматларини кўрсатиш тўғрисида»ги Низом, Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати органлари томонидан кўрсатиладиган давлат хизматлари реестри ва масъул тузилмалар таркиби; Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати органлари томонидан кўрсатиладиган электрон давлат хизматлари рўйхати ва масъул тузилмалар таркиби тасдиқланди.

“Электрон солиқ хизматлари”портали (www.my.soliq.uz)- бу солиқ мажбуриятларини бажаришнинг замонавий, ишончли ва қулай усули ҳисобланади.

Зарур хизматларни қидириб топиш ва фойдаланишда максимал қулайликлар яратиш мақсадида мазкур портал интерфейси енгил, содда ва тушунарли қилиб ишлаб чиқилган.

Порталда солиқ солишга оид саволларга жавобларни топиш, СТИРни аниқлаш, солиқ органларида ҳисобга олинганлиги тўғрисида гувоҳномани шакллантириш, солиқ қарзи йўқлиги тўғрисида маълумотномани олиш ва бошқа солиқ маъмурчилиги билан боғлиқ амалларни солиқ органларига ташриф буюрмасдан бажариш мумкин.

Фойдаланувчиларнинг тоифалари, яъни жисмоний шахслар, юридик шахслар, якка тартибдаги тадбиркорларга тегишли хизматлар ва шахсий кабинетга кириш жойлари махсус бўлимларга жойлаштирилган, бу эса керакли хизматларни излаш учун жуда қулай.

Шахсий кабинет орқали ариза ва бошқа мурожаатларни, ҳисоботларни электрон кўринишида юбориш ҳамда бюджет билан ўзаро ҳисоб-китоблар маълумотини олиши ва солиқларни электрон шаклда тўлаш мумкин.

Хизматлардан фойдаланиш йўриқномалари, электрон рақамли имзони олиш ва унда фойдаланиш тартиб қоидалари тўғрисида батафсил тушунтиришларни кўриш мумкин. Портал орқали кўрсатилаётган интерактив давлат ва электрон хизматлари солиқ тўловчиларнинг вақтлари ва харажатларни сезиларли даражада камайтириши билан бир қаторда тадбиркорлик фаолиятинини тўғри ташкил қилиш, ортиқча оворагарчиликларни олдини олиш учун кенг имкониятларни яратади. Йил бошидан 01.05.2018 гача солиқ тўловчилар интерактив давлат хизматларидан фойдаланиб, ўз шахсий кабинетлари орқали электрон кўринишда 800 501,938 млн. сўм тўлаганлар.

Портал орқали солиқ тўловчи якка тартибдаги тадбиркорларга кўрсатилаётган электрон солиқ ҳисоботларини жўнатиш билан боғлиқ интерактив хизматларга оид статистик маълумотларини таҳлил қиладиган бўлсак, 2018 йилнинг март, апрель ойларида ушбу хизматлар орқали Республика бўйича мос равишда 1587 та ва 9791 та электрон солиқ ҳисоботлари жўнатилган. Шу жумладан энг кўп фойдаланганлар Тошкент

шаҳри (1045, 6291), Тошкент вилояти (98, 2154), Наманган вилояти (137, 231) тадбиркорларидир. Энг кам фойдаланган тадбиркорлар Сирдарё (1, 8), Қорақалпоғистон Республикаси (33, 2), Сурхондарё (24, 25), Навоий (0, 35), Бухоро (22, 75) вилоятларидандир.

Портал Ўзбекистон электрон ҳукумат тизимининг ташкил этувчиси сифатида унинг ривожланишига салмоқли ҳисса кўшиб келмоқда. WWW.UZ сайти маълумотларига кўра, портал деярли ҳар ой яқунларига кўра ахборот ва интерактив давлат хизматлари борасида фойдаланувчилар томонидан энг кўп ташриф буюрилган биринчи ўнта давлат органлари сайтлари рўйхатидан жой олиши анъанага айланиб қолган.

Глобал ахборотлашган жамият бўйича Окинава хартияси асосий принципларини жорий этиш мақсадида электрон ҳукуматларнинг (Э-ҳукумат) ривожланиш жараёнлари таҳлили Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг (БМТнинг) Иқтисодий ва ижтимоий масалалар департаменти томонидан ҳар икки йилда тайёрланади. Бу БМТга аъзо барча 193 давлат Э-ҳукуматларининг ривожланиш ҳолатини баҳоловчи жаҳондаги ягона ҳисобот ҳисобланади. Статистик модел асосида Э-ҳукумат ривожланиши индекси аниқланади. Мазкур индекс уч субиндекслардан таркиб топади: электрон ҳукуматга ўтиш бўйича тайёрлиги даражаси, яъни онлайн хизматлар индекси, телекоммуникацион инфратузилмалар индекси ва инсон капитали индекси.

Глобал рейтингда 2016 йил натижаларига кўра Буюк Британия етакчи бўлди, Австралия 2-ўрин, 2012 йилги етакчи Жанубий Корея 3-ўринни эгаллади²²⁹. АҚШ - 12-ўрин, Қозоғистон – 33-ўрин, Россия - 35-ўрин, Хитой – 63-ўрин, Ўзбекистон ва Қирғизистон мос равишда 80- ва 97-ўринни эгалладилар.

Шунингдек, Ўзбекистон Электрон иштирок индекси (E-Government Development Index, EGDI) 0.6780 га тенг бўлиб, ўз ўрнини 24 пунктга яхшилади ва 71- ўриндан 47-ўринга қадар кўтарилди. Ушбу кўрсаткич билан Ўзбекистон Марказий Осиёда биринчи ўринга чиқди. Жаҳон етакчиси ҳисобланган Буюк Британияда Э-иштирок индекси 1.000, минтақавий етакчи саналган Японияда — 0.9830 ни ташкил этган.

Электрон иштирок бўйича Ўзбекистон рейтингининг кўтарилишига «Электрон маслаҳатлар» кўрсаткичининг 18 дан 58 фоизга ошиши ва аҳоли, тадбиркорлар учун тақдим этилган интерактив Давлат хизматлари кўламининг ошганлиги айниқса ижобий самара берди.

Умуман олганда эса, мазкур рейтингни шакллантиришда БМТ томонидан, муайян давлатдаги электрон ҳукумат тизимининг ривожланганлик даражаси қуйидаги 3 асосий мезон бўйича баҳоланади:

- давлат томонидан ўз фуқароларига кўрсатилаётган он-лайн интерактив хизматларнинг миқёси ва сифати;
- ахборот коммуникация технологиялари инфраструктурасининг ривожланиш даражаси;
- инсон капитали.

Давлат томонидан ўз фуқароларига кўрсатилаётган он-лайн интерактив хизматларнинг миқёси ва сифати, контент, интерактив хизматларнинг фойдаланиш имконияти даражаси ва сифатига кўра, давлат ҳукуматининг

асосий портали, давлат хизматлари кўрсатиладиган асосий портал, ва турли вазирлик ҳамда идораларнинг сайтларини баҳолаш орқали аниқланади.

Ахборот коммуникация технологиялари инфратузилмасининг ривожланиш даражаси эса, 100 нафар аҳоли сонига нисбатан симли Интернет тизимининг доимий абонент-фойдаланувчилари миқдори; 100 нафар аҳоли сонига нисбатан стационар ва мобил алоқа воситалари фойдаланувчилари миқдори; шунингдек, 100 нафар аҳоли сонига нисбатан, кенг полосали Интернетга уланиш қурилмалари сонига қараб белгиланади.

Инсон капиталиборасида эса, аҳолининг саводхонлик даражаси, ҳамда, турли ўқув муассасаларида таълим олаётган фуқароларнинг умумий аҳоли сонига нисбатан % миқдоридаги улуши инобатга олинади.

Демак, Ўзбекистонда яқка тартибдаги тадбиркорлар учун интерактив давлат хизматларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

– давлат томонидан тадбиркорларга кўрсатилаётган он-лайн интерактив хизматларнинг миқёсини кенгайтириш, уларнинг сифатини ошириш, контент, интерактив хизматларнинг фойдаланиш имкониятларини ошириш;

– ахборот коммуникация технологиялари инфратузилмасини ривожлантириш, айниқса олис ва чекка ҳудудларда алоқа сифатини яхшилаш, кенг полосали Интернет тармоғига уланиш имкониятларини ошириш;

– тадбиркорларнинг интерактив давлат хизматларидан самарали фойдаланишлари учун интерактив давлат хизматларидан фойдаланиш борасидаги саводхонлик даражасини ошириш, турли хилдаги ўқув-семинар курслари, тренингларни ташкил этиш.

Axborot texnologiyalarining ta'limga tadbiri

Maxarov T.A. Maxarov Q.T.

O'zbekiston Milliy universiteti

Rivojlanish va jamiyatni qayta qurish bilan birga o'quv-tarbiya jarayonini doimiy mukammallashtirish O'zbekistonda ta'lim olishning xarakterli xususiyati hisoblanadi. Davlatimizda amalga oshirilayotgan ta'limdagi reformalar ta'lim mazmunini zamonaviy ilmiy bilim darajasiga olib kelishga, barcha o'quv-tarbiyaviy ishning samaradorligini oshirish va yangi axborot jamiyatiga o'tish sharoitlaridagi faoliyatga tayyorlashga qaratilgan. Shu sababli, axborot texnologiyalari o'quv mazmunining ajralmas komponenti, o'quv jarayoni samaradorligini oshirish va optimallashtirish vositasi bo'lib bormoqda.

Bugungi kunga kelib ta'lim jarajonida axborot texnologiyalarini qo'llash jamiyat rivojlanishning navbatdagi bosqichi bo'lgan axborot jamiyatiga o'tishining zaruriy sharti hisoblanadi.

Zamonaviy texnologiyalar va kommunikatsiyalar o'quv-tarbiya jarayonini tasgillashtirishni o'zgartirish imkonini beradi: ta'lim oluvchini axborot muhiti bilan to'la band qilish, ta'lim sifatini oshirish, axborotni qabul qilish jarayoni va bilimlarni o'zlashtirishni motivatsiyalash. Yangi axborot texnologiyalari turli faoliyat sohalarida, shu bilan birga ta'lim tizimida ham, boshqaruv va

tashkillashtirishda kompyuterli va telekommunikatsion muhitni yaratadi. Axborot texnologiyalarining ta'lim dasturlariga integratsiyasi barcha darajalarda: maktab, oliy ta'lim va oliy ta'limdan keyingi ta'limda amalga oshirilmoqda.

Zamonaviy jamiyat ta'limga, asosiy faktor bilimlar innovatsiyasi bo'lgan, yanada yuqori talablarni qo'yadi. Hozirgi bosqichda o'quv jarayonida mutaxassislarni tayyorlashning asosiy yo'nalishi axborotlashtirish va kompyuterlashtirish hisoblanadi.

O'quv jarayonida axborot texnologiyalarini qo'llashning asosiy yo'nalishlari quyidagilar hisoblanadi:

- uslubiy va didaktik materiallarni ishlab chiqish;
- turli sohalarga yo'naltirilgan pedagogik dasturiy vositalarni ishlab chiqish;
- ta'limga yo'naltirilgan web-saytlarni ishlab chiqish;
- real obyektlarni (o'quv botlari) boshqarishni amalga oshirish;
- virtual modellar bilan kompyuter sinovlarini tashkillashtirish va o'tkazish;
- lokal va global tarmoqda maqsadga yo'naltirilgan turli shakldagi axborotlarni qidirish, yig'ish, saqlash, ishlov berish va uzatish;
- tajriba natijalariga ishlov berish va boshqalar.

Bugungi kunda multimedia vositalaridan foydalangan holda intrgrallashgan darslardan foydalanilmoqda. O'rgatuvchi taqdimotlar ta'limning ajralmas qismi bo'lib bormoqda, ammo bu axborot texnologiyalarini qo'llashga sodda misol holos. So'nggi yillarda o'qituvchilar mualliflik pedagogik dasturiy vositalarini yaratmoqdalar va tadbiiq qilmoqdalar.

OTMning o'quv jarayonida informatsion texnologiyalarni o'rganish bir necha daraja masalalarini yechishni nazarda tutadi:

- axborot texnologiyalaridan ta'lim vositasi sifatida foydalaish («Informatika» kursida amalga oshiriladi);
- «Axborot texnologiyalari» fani kasbiy faoliyatda axborot texnologiyalarini qo'llashga qaratilgan (bunda nazariya, metodika, komponentlar qaraladi);
- Aniq kasbiy faoliyatni boshqarish va tashkillashtirish uchun tayinlangan mutaxassislikka yo'naltirilgan amaliy axborot texnologiyalarini o'qitish (mutaxassislik fanlarida o'tiladi).

Masalan, «Iqtisodiyatda axborot texnologiyalari» va unga turdash bo'lgan «Boshqaruvda axborot texnologiyalari» fani iqtisodiy yo'nalishgagi mutaxassisliklar o'quv dasturiga kiradi. Zamonaviy iqtisodchi axborot oqimi asosida ananaviy iqtisodiy bilimlardan tashqari, asoslangan yechimlarni qabul qilishni bilishi, berilganlarga ishlov berish jarayoni bilan tanish bo'lishi va axborot tizimlarini qurish ko'nikmalarini egallagan bo'lishi lozim.

Axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan darsning barcha bosqichlarida foydalanilishi mumkin:

a) Yangi materialni bayon qilishda:

- taqdimotlar;
- internet axborot saytlari;
- diskda axborot manbalari.

b) Bilim va ko'nikmalarga ishlov berish va mustahkamlashda:

- kompyuterli o'rgatuvchi dasturlar;
- kompyuter trenajorlari;

- rebuslar;
- kompyuter o‘yinlari;
- tarqatma materiallar (sxemalar, jadvallar);
- chop qilingan illyustrativ materiallar.

c) *Bilimni nazorat qilish bosqichida:*

- kompyuterli testlar (ochiq, yopiq);
- krossvardlar (natijaga avtomatik ishlov beruvchi).

d) *Ta’lim oluvchining mustaqil ishlashi bosqichida:*

- raqamli ensiklopediyalar;
- slovarlar;
- ma’lumotnomalar;
- jadvallar;
- shablonlar;
- elektron darsliklar;
- integrallashgan (berlashgan) topshiriqlar.

e) *Ta’lim oluvchining izlanuvchanlik faoliyati uchun:*

- raqamli tabiiy-ilmiy laboratoriyalar;
- Internet.

Ta’lim har qanday davlatning eng muhim masalalaridan biri hisoblanadi. Aynan o‘zlashtirilgan bilimgina keyingi rivojlanishlarda yutuqlarga erishishni ta’minlaydi.

Ta’lim jarayonida axborot-kommunikatsiya texnologiyalari – bu zamonaviy o‘qituvchi va o‘quvchining hayot normasi (me’yori).

Axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini ta’lim jarayonida qo‘llash albatta ijobiy natijalarga olib keladi, aynan: bilimlar tizimlilik sifatini oladi; ko‘nikmalar umumlashadi va bilimlarni kompleks tadbiq qilishga olib keladi; dunyoqarashi kuchayadi; har tomonlama rivojlangan shaxs bo‘lib yetishadi.

Zamonaviy o‘qituvchi pedagogik faoliyati samaradorligini oshirish uchun bugungi kundagi kompyuter texnologiyalari taqdim etayotga imkoniyatlardan to‘laligicha foydalanishi lozim. Yangi axborot texnologiyalaridan foydalanish o‘qituvchi faoliyatini sezilarli darajada yengillashtiradi:

1. turli hujjatlarni yuritish (rejalashtirish, dars konspektlari, hisobotlar ba boshqalar);

2. kompyuterdan foydalangan holda turli didaktik materiallarni tayyorlash;

3. multimediali proyektorlar, interaktiv doskalar, elektron jurnallardan foydalanish imkoniyati yuzaga keladi;

4. turli dasturiy ta’minotlardan (Delphi, Java Script, Turbo Pascal, C++, C#) foydalangan holda nazorat qiluvchi dastirlar, testlar ishlab chiqish;

5. HTML-gipermatnli bedlgilash tili yoki Java Script-ssenariylar tili yordamida saytlar yaratish texnologiyasi va Web-dizayn asoslarini o‘rganib olishi mumkin;

6. Internetdan foydalanish pedagog oldida katta imkoniyatlarni ochadi: masofaviy ta’lim; on-line testlash; masofaviy konferensiyalar va olimpiadalarda ishtirok etish; virtual sayohat qilish; turli zaruriy axborotlarni qidirish va boshqa ko‘plab imkoniyatlar.

Kompyter – bu faqat vosita, va undan foydalanish pedagogni yoki darslikni almashtirmasligi aksincha, darsda qo‘yilgan maqsad va masalalarga erishishga ko‘maklashishi lozim. Boshqacha aytadigan bo‘lsak, pedagogik faoliyatning tavsifini o‘zgartirishi lozim. Bundan kelib chiqadiki, o‘qitishning bosh metodik muammosi: «materialni qanday yaxshi bayon qilish lozim»dan «uni qanday yaxshi ko‘rsatish lozim» ko‘rinishiga o‘tiladi.

Hokimiyat organlari tizimida elektron hukumatning tadbiqu

Yakubov Maqsadxon Sultanniyazovich

Sodiqov Sarvar Sami o‘g‘li-TATU

Elektron hukumat (ingl. e-Government) – bu fuqarolar, biznes, davlat hokimiyati boshqa tarmoqlari va davlat amaldorlariga axborot taqdim etish hamda avvaldan shakllangan davlat xizmatlarini ko‘rsatish bo‘lib, bunda davlat va fuqaro o‘rtasidagi shaxsiy aloqa minimallashtirilgan bo‘ladi va axborot texnologiyalaridan maksimal darajada foydalaniladi. Dunyoning taraqqiy topgan mamlakatlarida «Elektron hukumat» milliy tizimini faol tatbiq qilinmoqda. Bu tizim davlat tuzilmalarini boshqarishni, davlat va tadbirkorlar o‘rtasidagi aloqani mustahkamlash orqali biznes-jarayonlarni samarali rivojlantirishni ta‘minlabgina qolmay, fuqarolarga davlat xizmatlarini internet orqali hammabop interaktiv shaklda taqdim etish imkonini ham yaratadi.

Mamlakatimizda ham bir necha yillardan buyon, maqsadli ravishda interaktiv davlat xizmatlarini aholi va yuridik shaxslarga davlat organlari veb-saytlari va O‘zbekiston Respublikasi Hukumat portali orqali taqdim etish uchun axborot-kommunikatsiya texnologiyalari joriy etilmoqda. 2007 yildayoq, 49 ta Bazaviy interaktiv davlat xizmatlari reestri (BIDXR) tasdiqlangandi. 2009 yilda u 94 taga kengaytirilgan bo‘lib, hozirda esa BIDXR 500 dan ziyod ko‘rinishni qamrab oladi.

Mamlakatning 2017 yildagi ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishi yakunlari va 2018 yilgi iqtisodiy dasturning eng muhim ustuvor yo‘nalishlariga bag‘ishlangan 2018 yil yanvar oyidagi Hukumat majlisida Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev mamlakatda Axborot_kommunikatsiya tizimini shakllantirish Konsepsiyasi va kompleks dasturi doirasida soha faoliyatini rivojlantirish bo‘yicha tegishli topshiriqlarni berilgan edi.

Davlat organlari rahbarlari va mutaxassislaridan tuzilgan maxsus ishchi guruhi tomonidan mazkur yo‘nalishda dunyo yetakchisi bo‘lmish Korea Respublikasi va boshqa xorijiy mamlakatlarning «elektron hukumat» borasidagi ilg‘or tajribalarini inobatga olinib, «Elektron hukumat» tizimini shakllantirish bo‘yicha Konsepsiya va Kompleks dasturni, shuningdek, 2016-2021 yillarda O‘zbekiston Respublikasida Milliy axborot-kommunikatsiya tizimini rivojlantirish Kompleks dasturini ishlab chiqish amalga oshirilmoqda.

Loyihalarni ishlab chiqishda korealik va boshqa xorijiy ekspertlar faol qatnashmoqdalar, ushbu yo‘nalish bo‘yicha O‘zbekistonning turli vazirliklari va idoralari mutaxassislari bilan davra suhbatlari, uchrashuvlar, seminarlar va yig‘ilishlar o‘tkazilapti.

Ishlab chiqilayotgan O‘zbekiston Respublikasida 2016-2021 yillarda «Elektron hukumat» tizimini shakllantirish bo‘yicha Konsepsiya va Kompleks

dastur davlat organlarining o‘zaro va aholi hamda tadbirkorlik subyektlari bilan munosabatlarining bugungi holati va yo‘nalishlarini inobatga olgan holda, «Elektron hukumat» tizimini shakllantirish va rivojlantirish bo‘yicha asosiy vazifalarni belgilaydi. «Elektron hukumat» tizimini joriy etish bo‘yicha taklif etilayotgan chora-tadbirlarning samaradorligini baholash uchun davlat organlari interaktiv xizmatlarining turli sohalari va yo‘nalishlari bo‘yicha maqsadli ko‘rsatkichlar va indikatorlar ishlab chiqilgan.

«Elektron hukumat» tizimi joriy etilishi natijasida to‘liq tranzaksiyalangan xizmatlarga o‘tilishi kutilmoqda, bu esa, aholi va biznes vakillarining davlat xizmatidan foydalanishda turli instansiyalarga qatnashni va davlat xizmatchilari bilan bevosita muloqotda bo‘lishni istisno etadi. Bu, o‘z navbatida, aholiga qo‘shimcha qulayliklar yaratishga va biznes yuritish sharoitlarini yaxshilashga xizmat qiladi.

Bugungi kunda, «Elektron hukumat»ning samarali unsurlari sifatida, 20dan oshiq loyihalar amalga oshirildi. Ular sirasida:

Gov.uz O‘zbekiston Respublikasi Hukumat portali, u tashkilotlar, shuningdek, yuridik shaxslar va jismoniy shaxslar o‘rtasidagi elektron-axborot munosabatlari infratuzilmasining tizim tashkil etuvchi unsuri sanaladi. Har qanday fuqaro yoki korxonalar, tashkilot, muassasa vakili bu yerdan O‘zbekiston davlat hokimiyatining barcha unsurlari haqida to‘liq ma‘lumot olishi, shuningdek, bevosita gov.uz portali orqali u yoki bu hokimiyat organiga elektron shaklda rasmiy so‘rov yuborishi mumkin. Bu portalda, shuningdek, Bazaviy interaktiv davlat xizmatlari to‘liq reestri chop etilgan.

«E-kommunal.uz» portali – kommunal xo‘jalik sohasidagi umumiy axborot infratuzilmasi bo‘lib, aholi, nazorat organlari va uy-joy mulkdorlari shirkatlari, shuningdek, kommunal xizmatlar o‘rtasida axborot almashinuvini soddalashtiradi. Ushbu portalda qulay shaklda O‘zbekiston uy-joy va kommunal xo‘jalikka oid barcha masalalar bo‘yicha ma‘lumotlar joylashtirilgan. Har bir xohlovchi portalda kommunal xo‘jalik borasidagi u yoki bu muammo haqida axborot, fotosurat joylashtirish mumkin, bu muammolar davlat hokimiyatining tegishli organlari tomonidan o‘rganib chiqiladi.

Statistika, soliq va boshqa moliyaviy hisobotlarni tadbirkorlik subyektlaridan elektron ko‘rinishda yig‘ish va qayta ishlash tizimi (stat.uz, soliq.uz). Davlat soliq qo‘mitasi saytida istalgan soliq to‘lovchi, ham yuridik, ham jismoniy shaxs maslahat olish, elektron ko‘rinishda soliq hisoboti yoki daromadlar haqida deklaratsiya topshirish yoki o‘z STIRini tasdiqlash kabi qator xizmatlardan foydalanishi mumkin. Davlat statistika qo‘mitasi sayti orqali har bir tadbirkorlik subyekti statistik hisobotni elektron ko‘rinishda topshirishi mumkin.

Chet el fuqarolarining O‘zbekistonga viza rasmiylashtirishlari uchun onlayn-so‘rovnoma (mfa.uz). Tizim O‘zbekiston tashqi ishlar vazirligi veb-saytining bir qismi bo‘lib, hozirda o‘zbek, ingliz va rus tillarida ishlamoqda.

Faoliyatning litsenziyalanadigan turlari va ruxsat berish taomillari ro‘yxati, litsenziya, ruxsatnoma va boshqalarni olish uchun talab qilinadigan hujjatlar haqida axborot olish imkonini beruvchi umumiy litsenziyat portali (license.uz). O‘zbekistonda litsenziyalanadigan faoliyat turlari ro‘yxati muntazam qisqarmoqda va ularni olish taomili soddalashtirilmog‘da. Ushbu loyiha barcha axborotni olish va zarur litsenziyalarni olishdagi qog‘ozbozlik darajasini qamaytirish imkonini beradi.

Threats and protection ways of mobile networks

Usmanbayev Doniyorbek Shuxratovich

Yusupov Bahodir Karamatovich-TATU

The sanctity of mobile operators' networks and brands will depend greatly on their ability to deliver QoS (quality of services) guarantees to roaming and interconnect partners, while simultaneously protecting increasingly multimedia-savvy and socially connected subscribers. The challenge is that the all-IP architecture making mobile networks innovative and monetizable as digital lifestyle-enabling systems are also making them more vulnerable to a multitude of security threats including: Denial of Service (DoS) attacks, IP address, malware, man-in-the-middle (MITM) attacks, botnets, identity theft, TCP sweeps and service thefts. There are several ways protecting from above shown threats.

Mobile network threats are related to mobile network standards, such as, 1G, 2G, 3G, 4G (LTE).

There are quite a few attack types and vectors, and they are unfortunately evolving and multiplying all the time, in this paper we focus on common threats that mobile network operators should be aware of regarding the Gi/SGi interface of the network.

TCP Sweeps. In a TCP sweep-based attack, an attacker can send TCP SYN packets to one or more target mobile devices - possibly a large range of publicly addressable mobile devices on the network. If the devices support to those packets, the attacker learns that a port in the target devices is open, which makes the port vulnerable to attack. The attacker's motivation is to target the weakest link in the mobile chain, such as radio bandwidth or other vulnerable network elements in the mobile operator's cloud, as well as the devices' batteries. By keeping the radio resources in continuous use by waking up some unsuspecting mobile devices, the attacker effectively clogs up the precious radio spectrum resulting in denial of service (DoS) for legitimate mobile initiated transactions and ends up significantly draining the devices' batteries.

In this way, attackers can keep hundreds of subscribers from being able to use their mobile devices. While the point to such attacks might not be immediately obvious, Juniper and its MNO customers have witnessed them firsthand and they seem to originate with notoriety-seeking hackers as well as those with a financial motive for negatively impacting subscriber productivity.

Direct Attacks on Mobile Infrastructure. The mobile infrastructure is subject to certain threats including attacks on the Gi/SGi firewall, IPS or both and bandwidth saturation.

Attack on Firewall and IPS Devices. Firewall and IPS devices are stateful inline devices, by virtue of which they are innately vulnerable to DDoS threats that can overwhelm the state capacity of these systems. Therefore, as devices sitting at the Gi/SGi interface of a mobile network, subject to massive mobile traffic, they must be protected.

Gi/SGi Bandwidth Saturation. Gi/SGi bandwidth is one of the weakest links in the mobile packet edge. By entering through the Internet over the Gi/SGi interface, an attacker can flood the mobile network with excessive network traffic, thereby prohibiting legitimate traffic to pass. This can cause all of the subscribers

who are trying to access the Internet on mobile devices to lose network access for some time. In addition, this can completely disable the firewall.

Botnet Attacks. Botnet attacks, which traditionally targeted PCs, are increasingly targeting mobile devices as the latter are becoming more popular and more connected, and the complexity and the number of vulnerabilities in these platforms is increasing. An attacker might launch a mobile device botnet by taking over full control of multiple devices' data connections. The attacker could do so by fingerprinting each of the devices and injecting exploit code customized to these devices by exploiting a known vulnerability in the mobile network operator's network.

A botnet could either be fed a list of phone numbers or just randomly try to send messages to every possible phone number in an area code. In the absence of a firewall or spam-blocking software for SMS messages, mobile device SMS spam botnets could be potentially very profitable to spammers. SMS spam messages could also be used to further spread the botnet through Web links or as part of an attack on the mobile network itself. Furthermore, a botnet could send a lot of bogus content to mobile base station towers in a specific region and subsequently degrade the level of service to these towers.

IPv6 DDoS Attacks. The increasing sophistication of mobile devices and the applications that run on them is driving mobile network operators toward public addressing solutions, including IPv6 deployment, to improve scalability and to minimize operating expenses. With the inevitable shift from IPv4 to IPv6, which intermittently requires mobile networks to support both address schemes, large amounts of undesirable state are inserted into the mobile network in the form of 6to4 gateways and carrier-grade NAT (CGN) devices. The large amounts of state present in these devices make them highly vulnerable to both deliberate and inadvertent DDoS attacks.

For protecting from TCP sweeps are used integrated stateful inspection firewall and IPS engine. Protection from mobile infrastructure attacks are designed in such a way as to allow administrators to harden the control plane from any potential attacks and to ensure availability through configuration of filters and rate limiting of the traffic that reaches the route engine. Special SRX Series Services Gateways protect against botnet attacks through AppDoS. The AppDoS service employs multi-stage detection methods used to identify and mitigate targeted attacks from disrupting critical applications and services, and to identify attacking botnet traffic against legitimate client traffic to prevent DDoS attacks that target applications. Also, IPv6 DDoS Attacks are protected by AppDDoS, a solution that is integrated into the IPS engine to profile the servers that AppDDoS is protecting.

Thus, the firewall, DoS attack prevention, IPS, application protection and QoS integrated components for uninterrupted connectivity—and implement threat detection, alerting and monitoring as a single holistic solution for protecting the Gi/SGi interface—the operators can reduce risk to their networks and provide a positive customer experience.

Yuzlarni tanib olishda 2d va 3d o'qchamli tasvirlarni taqqoslash

Tojiakbarova Umida Usmonjonovna

Muhammad Al-Xorazmiy nomidagi

Toshkent axborot texnologiyalari universiteti "Kriptologiya va diskret matematika" kafedrasida magistranti

Ushbu maqolada Axborot texnologiyalari rivojlangani sari ularning xavfsizligini ta'minlash muammosi xam dolzarb bo'lib bormoqda. Tizimga ulanishni nazorat qiluvchi autentifikatsiya mexanizmlarida ko'p hollarda parollardan foydalaniladi. Uni buzish(brute force) va soxtalashtirish oson. Shuning uchun biometrik tizimlardan foydalanilmoqda. Ushbu vositalar aynan insonning o'ziga bog'liq bo'lib uni soxtalashtirishning imkoni yo'q. Ulardan insonning yuzini ko'radigan bo'lsak, u ko'plab xususiyatlarga egadir. Ushbu xususiyatlar miqdori taxminan 80 tani tashkil etib, dasturiy vositalar orqali ushbu xususiyatlarning ba'zilaridan foydalanib yuzni tanib olish algoritmlari yaratilganligi haqida to'htalib o'tilgan.

Ushbu yuz xususiyatlarini hisoblash orqali ularning kattaliklari ma'lumotlar bazasida saqlanadi.

Yuz orqali tanib olish jarayoni odatda 4 qism jarayondan iborat[1]:

- Yuzni aniqlash (Face detection): ushbu jarayonda rasmdan yoki videoqimdan yuz qismini topib boshqalaridan ajratib olish vazifasi amalga oshiriladi. Ushbu usulda yuzga keladigan muammolar tashqi muhitdagi ranglarning turli xilligi va yuz holatining o'zgarishidir.

- Moslashtirish (Normalization): birinchi jarayon orqali yuz aniqlab olingach, ushbu topilgan qism (rasm) ma'lumotlar bazasi bilan solishtirish uchun ixchamlashtirilishi kerak.

- Xususiyatlarni ochish va yuzni tanib olish (Feature extraction and recognition). Yuzlarni tanib olish algoritmlariga mos ravishda biometrik shablonlar (template) hosil qilinadi va tanib olish amalga oshiriladi. Shuningdek ushbu jarayon tanib olish (identification) yoki tekshirish (verification) uchun foydalanilishi mumkin. Tanib olishda kamera orqali olingan qiymatlar ma'lumotlar bazasi bilan taqqoslanadi.

Yuz orqali tanib olish ikki usulga bo'linadi:


2D: biometrik xususiyatlarning uncha effektiv bo'lmagan usuli hisoblanadi. Ushbu usul asosan kriminalistikada keng foydalanilgan, ularni shaxsning rasmi orqali ham tizimga ulanishni amalga oshirish mumkin. Ushbu usul kompyuter orqali amalga oshirganda qimmat bo'lmagan qurilmalar talab etiladi va sifat darajasi ham pastdir. Ushbu usul yoritilganlik darajasiga juda ham bog'liq. Shuningdek yuz qismida ko'zoynak, soqol va h.k. lar bo'lsa, ushbu usulda muammo paydo bo'ladi. Ushbu usulda inson kameraga to'g'ri qarab turish va yuzni neytral (boshqa xususiyatlardan, ko'zoynak, soqol va h.k lardan xoli) bo'lishi talab etiladi(1-rasm).

2D o'qchamli tasvirlarni tanib olishda asosan ranglar uyg'unligi(RGB), yoritilganlik darajasi va yuzdagi boshqa o'zgarishlar juda ko'p halaqit beradi.

3D: ushbu texnologiyada asoslangan usullar ko'p bo'lib, ularni birini ikkinchisi bilan solishtirish imkoniyati mavjud emas, chunki har bir usulda turli xildagi skanerlar va ma'lumotlar bazasida foydalaniladi. Ushbu usulda

foydalanalgandagi afzallik: ko'zoynak, soqol va h.k.larni tasir etmasligi. Shuningdek ushbu usulni ishonchlilik darajasini hattoki barmoq izi orqali tanib olish usuli bilan taqqoslasa ham bo'ladi. Ammo, ushbu usulda foydalanilgan qurilmalar juda qimmat va yuz ifodasini o'zgarishi katta ta'sir qiladi(2-rasm).

Uch o'lchamli tasvirlar bilan ishlashda katta ma'lumotlar bazasini(M: AR yuz MB, CVL MB, PIE MB, UMIST yuz MB, Human Scan MB) boshqaruvchi tizimlar talab etiladi. Yuzning xar bir holati bo'yicha kattaliklari va parametrlari saqlanadi[2].



1-rasm. 2-D texnologiyasi



2-rasm. 3-D texnologiyasi

2,5D (yoki 2D va 3D o'rtasi): ushbu usul yuqoridagi ikki usul xususiyatlarini o'zida jam etgan. 2D texnologiyaga qaraganda ancha yuqori ishonchlilik darajasiga ega, hamda faqat kamera talab etiladi. Ushbu usulda kamera dastlab to'g'riga qaragan holdagi rasmni keyin esa, holatni o'zgartirgan holatdagi rasmlarni oladi va ularni bir-biri bilan bog'laydi. Unda uch o'lchamli tizimlardagi x, y va z nuqtalarning hech bo'lmaganda ikkitasi orasida masofa orqali aniqlaydi. Masalan: x va y, y va z, x va z va h.k. 2,5D o'lchamli usulda ikkita ko'rinarli nuqtalar mavjud bo'lib, ularni birini oq ikkinchisini qora deb belgilaymiz. Bazada esa qora nuqtalarni ketma-ket kiritib boramiz. Bu usulning kamchiligi sifatida bazadagi kattaliklar va serverdagi rasmlar sonining ko'payib ketishini keltirishimiz mumkin.

Tasvirlar tanib olish tizimlarida quyidagi xatoliklar mavjud:

Yolg'on ma'lumotni qabul qilinish darajasi va yolg'onni mos kelish darajasi: ushbu kattalik, kiritilgan ma'lumot bilan ma'lumotlar bazasidagi ma'lumotlar mos kelmagan holda tizimni muvofiqiyatli tekshiruvni amalga oshirish darajasini ko'rsatadi. Boshqacha so'z bilan aytganda, noto'g'ri urinishlar foizini ko'rsatadi. Ushbu xatolik miqdori katta bo'lgan tizimlarda odatda, ruxsat etilmagan foydalanuvchilarni tizimdan foydalanishiga yo'l qo'yilmaydi.

To'g'ri ma'lumotni inkor etilish darajasi yoki yolg'onning mos kelmaslik darajasi: ushbu kattalik to'g'ri kiritilgan ma'lumotni tizim yolg'on ma'lumot deb qabul qilishi va buning natijasida muvofiqiyatsiz tekshuruvni amalga oshirilishi. Boshqa so'z bilan aytganda, ushbu kattalik to'g'ri ma'lumotlarni rad etilish darajasini ko'rsatadi[3].


Ro'yxatda olishda xatolik miqdori: kiruvchi ma'lumot haqiqiy emas deb topilishva tizim tomonidan qabul qilinmaslik darajasini ko'rsatadi. Ushbu xatolik

tizim sifati past yoki haqiqiy boʻlmagan ma'lumotni qabul qilishi paytida yuzaga keladi.

Tutishda xatolik miqdori: avtomatlashtirilgan tizimlarda, tizimni biometrik xususiyatlarni aniqlash davrida yuzaga keladigan xatolik darajasini koʻrsatadi.

Kenglik shabloni: tizimda qabul qilingan ma'lumotning maksimal sonini ifodalaydi.

Ushbu xatoliklarni bartaraf etish uchun bir necha usullar va metodlar taklif etilmoqda. Ularning ichida Verilok firmasining taklif va tavsiyalari, 3D ma'lumotlar bazalaridan samarali foydalanish va algoritmlarni kompleks qoʻllash maqsadga muvofiq boʻladi.



3-rasm. 2D va 3D ma'lumotlardan foydalanilgan KCCA algoritmi

Xulosa qilib aytadigan boʻlsak, ushbu algoritmda 2D va 3D ma'lumotlardan foydalangan holda Karnel sohalari yaratiladi va ushbu sohalar matritsalariga ajratiladi. Bunda yuzning ayrim sohalari (koz, burun, lab va h.k.), rangi va kalit qismlar orqali matritsalar jadval asosida yigʻiladi. Eng samarali algoritmlardan hisoblangan PCA algoritmi yordamida ushbu jadavallar bir biri bilan taqqoslanadi, natijada KCCA algoritmi yordamida hosil qilingan ma'lumotlar bazasi hosil boʻladi. Buning afzalliklaridan yana biri 2D oʻlchamli tasvirning kamchiliklarini 3D bartaraf etadi.

Организация электронной платежной системы на основе технологии blockchain, преимущества и перспективы

АБДУЛ-АЗАЛОВА М.Я., ШАРИПОВА Н.М.

ТУИТ им. Ал-Хоразми, Ташкент

На данный момент есть огромный опыт работы в сфере создания и эксплуатации платежных сервисов, есть опыт работы с криптовалютой bitcoin (организация api приема оплаты за услуги в bitcoin, работа с кошельками bitcoin на базе различных программных api), есть понимание технологии blockchain и есть прогнозы на основе которых можно сделать вывод, что

технология blockchain - это перспективное направление для электронных платежных систем.

Реализация платежной системы на базе технологии blockchain наиболее перспективна в секторе P2P, B2P. Клиентами данной системы могут быть как физические, так и юридические лица. Физическим лицам предоставляется сервис организации электронных кошельков для расчетов друг с другом, для оплаты товаров и услуг, юридическим лицам - сервис приема платежей за свои товары и услуги.

В настоящее время к технологии блокчейн проявляют интерес представители самых различных сфер. При этом степень заинтересованности компаний в разных секторах экономики значительно варьируется. Финансовый сектор активно готовится к повсеместному внедрению блокчейна, тогда как производственные предприятия оставляют эту технологию без внимания.

На данный момент есть огромный опыт работы в сфере создания и эксплуатации платежных сервисов, есть опыт работы с криптовалютой bitcoin (организация API приема оплаты за услуги в bitcoin, работа с кошельками bitcoin на базе различных программных API), есть понимание технологии blockchain и есть вера в то, что технология blockchain - это наше будущее, дело только времени.

Крупнейшая платежная система на базе технологии blockchain - это система bitcoin. Объем рынка на данный момент достигает 9 358 180 896 USD. Система bitcoin - абсолютно независимая и саморегулирующаяся система, не зависящая ни от какого конкретного лица или группы лиц, что в свою очередь затрудняет ее использование в конкретных коммерческих задачах, в конкретных юрисдикциях и правовых полях. Данная система предполагает использование решения, доказавшие свою перспективность и жизнеспособность на протяжении нескольких лет, в традиционных правовых и коммерческих областях. Размер именно этого рынка пока нулевой, но не за горами то время когда все передовые компании и банки будут использовать технологию blockchain.

Главное преимущество сейчас перед конкурентами - это время. В том числе можно отметить следующие преимущества :

- несколько эталонных процессинговых серверов (минимум 2-3) для решающих подтверждений транзакций, в целом база данных может быть распределена среди клиентов в открытом доступе, в зависимости от конечного решения можно будет делегировать часть функций по созданию, подтверждению блоков и транзакций клиентам, т.е. использовать вычислительные мощности клиентов в процессинговой обработке транзакций;

- клиентские решения p2p (кошельки для Android, iOS, web);
- API для подключения поставщиков товаров и услуг (интернет-магазины, различные биллинги и т.д.), клиентский сервис мониторинга и управления на базе web;
- API для подключения платежных агентов и агрегаторов.

На данный момент, реально работающего платежного сервиса в коммерческих интересах создателей нет. Есть информация, что Сбербанк,

Киви планируют внедрять технологию blockchain в ближайшее время. На технологии блокчейн основаны криптовалюты, в частности, bitcoin и litecoin, база данных DNS-серверов Namescoin.

Конечно, в настоящее время существует большое количество платежных сервисов, кошельков и прочих агрегаторов, не удивительно, тема расчетов всегда была и будет актуальной в мире, однако, в данном случае предлагается создать совершенно новый вид процессинга - процессинга будущего. Технология blockchain сама в себе содержит стандарты, обеспечивающие высочайший уровень безопасности транзакций, их целостности и правомерности. Применение в республике узбекистан данной технологии для развития электронных платежных систем даст возможность дальнейшего развития и внедрения, а также выхода на более высокий технологический и пользовательский уровень.

В дистанционном обучении практические и лабораторные работы

Абдуллажонова Нурзода Нурмахамадовна

ТУИТ Ферганский филиал

Настоящее время практические занятия и лабораторные работы предназначены для углубленного изучения дисциплины. На практических и лабораторных занятиях идет осмысление теоретического материала, формируется умение убедительно формулировать собственную точку зрения, приобретаются навыки профессиональной деятельности. Разнообразные формы проведения практических занятий: занятия по изучению иностранного языка, решение задач по физикоматематическим и естественнонаучным дисциплинам, семинары, лабораторные практикумы, - могут быть использованы и при дистанционном обучении.

В таком случае они приобретают некоторую специфику, связанную с использованием информационных технологий. В ряду адаптированных к дистанционному обучению форм организации практических занятий выделим следующие.

- **Практические занятия по решению задач.** Для успешного овладения приемами решения конкретных задач можно выделить три этапа.

Первый этап. Здесь необходимо предварительное ознакомление обучающихся с методикой решения задач с помощью печатных изданий, видеолекций, компьютерных тренажеров. На этом этапе учащемуся предлагаются типовые задачи, решение которых позволяет отработать стереотипные приемы, использующиеся при решении задач, осознать связь между полученными теоретическими знаниями и конкретными проблемами, на решение которых они могут быть направлены. Для самоконтроля на этом этапе разумно использовать тесты, которые не просто констатируют правильность ответа, но и дают подробные разъяснения, если выбран неверный ответ; в этом случае тесты выполняют не только контролирующую, но и обучающую функцию. Для ответа на возникающие вопросы проводятся консультации учителя.

Второй этап. На этом этапе рассматриваются задачи творческого характера. В этом случае возрастает роль учителя-предметника. Общение

учителя с учениками в основном ведется с использованием on-line технологий. Такие занятия не только формируют творческое мышление, но и вырабатывают навыки делового обсуждения проблемы, дают возможность освоить язык профессионального общения.

Третий этап. Здесь выполняются контрольные работы, позволяющие проверить навыки решения конкретных задач. Выполнение таких контрольных заданий может проводиться как в off-line, так и on-line режимах в зависимости от содержания, объема и степени значимости контрольного задания. После каждого контрольного задания целесообразно провести консультацию с использованием сетевых средств по анализу наиболее типичных ошибок и выработке совместных рекомендаций по методике решения задач.

• **Лабораторные работы** позволяют объединить теоретико-методологические знания и практические навыки учащихся в процессе научно-исследовательской деятельности. В любом случае учитель составляет инструкцию, а ученики записывают результаты работы в виде отчетов, числовых показателей, графиков, схем, таблиц, используя программу MultiLab.

Лабораторная работа может быть частью урока, занимать целый урок и более. Лабораторные работы все же при дистанционном обучении разумнее проводить во время выездов учителя-предметника на дом к учащемуся. Лабораторные занятия, как правило, проводятся в несколько этапов.

– **Первый этап** представляет собой введение в лабораторный практикум и предполагает знакомство с измерительными приборами (датчиками, цифровым микроскопом и др.) методами измерения различных величин, методикой статистической обработки результата, графическими или какими-либо иными методами представления полученных результатов. Особое внимание при этом уделяется пониманию обучающимися таких фундаментальных понятий лабораторных работ как "цель работы", "задачи эксперимента", "выводы" из полученных результатов, рекомендации по их использованию. На этом этапе обучающиеся работают с литературой (цифровой лабораторией «Архимед» по физике, химии, биологии) и компьютерными тренажерами. Контроль работы ведется с помощью тестирующих программ, а основной задачей учителя становится консультационная поддержка.

– **На втором этапе** проводится работа с тренажерами, имитирующими реальную установку, объекты исследования, условия проведения эксперимента. Такие тренажеры виртуально обеспечивают условия и измерительные приборы, необходимые для реального эксперимента, и позволяют подобрать оптимальные параметры эксперимента. Работа с тренажерами позволяет получить навыки в составлении эскизов, схем организации установки, объекты исследования, условия проведения эксперимента. Такие тренажеры виртуально обеспечивают условия и измерительные приборы, необходимые для реального эксперимента, и позволяют подобрать оптимальные параметры эксперимента. Работа с тренажерами позволяет получить навыки в составлении эскизов, схем организации лабораторного эксперимента,

позволяет избежать пустых затрат времени при работе с реальными экспериментальными установками и объектами. Функции учителя на этом этапе сводятся к консультированию учеников.

– **Третий этап** представляет собой выполнение эксперимента в реальных условиях. Для этого может быть использован режим удаленного доступа к экспериментальной установке. На этом этапе основная педагогическая нагрузка ложится на учителя, который организует лабораторный практикум и оказывает помощь учащимся. Отчет по выполненным работам представляется для проверки учителю. Таким образом, лабораторные и практические работы как формы учебной деятельности при дистанционном обучении предполагает усиление роли учителя по консультационному и контролирующему сопровождению учебно-познавательной деятельности учащихся, а также увеличение самостоятельной работы учащихся с учебно-методическими материалами.

**Ёшларда ахборот коммуникацион технологияларни
ривожлантириш ва ундан фойдаланиш кўникмаларини тўғри
шакллантиришда психологик хизматнинг аҳамияти.**

*Қарши ДУ Ҳузуридаги ХТХҚТМО Ҳудудий маркази
Педагогика-психология ва таълим менежменти кафедраси катта
ўқитувчиси Г.А.Абдуқаҳҳорова*

Глобаллашув жараёнининг тобора чуқурлашиб, ахборотлар кўламининг эса ниҳоят даражада кенгайиб бораётганлиги инсоният учун катта имконият эшикларини очиши билан бир қаторда ўзининг муаммоли кирраларини ҳам намоён қилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев⁴⁴ томонидан айни пайтда қабул қилинган “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорда (2017 йил 21 апрел) “Олий таълим муассасалари илмий салоҳиятини мустаҳкамлаш, олий таълимда илм-фанни янада ривожлантириш, унинг академик илм-фан билан интеграциялашувини кучайтириш, профессор-ўқитувчиларнинг илмий-тадқиқот фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини ошириш, олий таълимнинг маънавий-ахлоқий мазмунини ошириш, талаба-ёшларга мустақиллик ғояларига, юксак маънавият ва инсонийликнинг миллий анъаналарига содиқлик руҳини чуқур сингдириш бўйича кенг кўламли маърифий ва тарбиявий ишларни олиб бориш” долзарб вазифалардан бўлиб қолаётганлиги алоҳида кўрсатиб ўтилди. Жамият ижтимоий-иқтисодий, ахборот ва технология жиҳатдан қанчалик тараққий этмасин, ҳар бир тарихий давр инсон маънавий-маърифий камолоти, ёшлар тарбияси борасидаги янгидан-янги, мураккаб масалаларни кўндаланг кўяверади. Инсоният пайдо бўлибдики, бу муаммо барча даврларда олим-у

⁴⁴ *Мирзиёев.Ш.М. “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор. (2017 йил 21 апрел)*

фузало, файласуф ва сиёсатшунос, тарбиячи ва мураббийлар диққат марказида бўлиб келмоқда. Глобаллашув жараёни таъсирида мазкур масала янада кескин тус олмақда. Ҳозирги фан техника тараққиёти ва иктисодий глобаллашув жараёнида ҳар бир ўқувчининг етук кадр бўлиб етишиши долзарб масалалардан ҳисобланади.

Бугунги ахборотлаштириш даври одамларнинг турмуш тарзини тубдан ўзгартириб юборди. Чунки инсон жадал ривожланиб бораётган бугунги глобаллашув жараёнида замонавий ахборот воситалари ва технологияларисиз ўз ҳаётини тасаввур қила олмайди. Ахборотлаштиришнинг зарурати ахборотнинг роли ва қийматининг кескин ўсиши билан изоҳланади. Ахборий жамият ахборотларни яратиш, қайта ишлаш, сақлаш, узатиш ва жамлашда инсон фаолиятини ўз ичига олган юқори даражадаги ахборот муҳитидир. Ахборотлаштириш жараёни хусусиятлари ёшларда ахборот олиш ва ундан фойдаланиш кўникмаларини тўғри шакллантиришни тақозо этади. Оддий тил билан айтганда, ахборот радио ва телевидение хабарлари, китоб, газета, кутубхона маълумотлари, инсонлар билан мулоқот қилиш орқали олинган билимлардир. Ахборот оғзаки, ёзма, электрон сигнал ва радиотўлқин кўринишида бўлиши мумкин. Улар турли воситалар ёрдамида узатилади, хусусан, сезги органлари, фото ва видеокамералар, электрон датчиклар ва бошқалар. Инсоният тараққиётининг янги босқичида саноатлашган жамиятдан ахборий жамиятга ўта бошлади. Бундай давр ахборот асри, ахборотлаштириш даври, компьютер технологиялари асри каби номлар билан аталгани бежиз эмас. Бу ўз-ўзидан, одамларнинг ахборотларсиз, янгиликларсиз, маълумотларсиз фаолият юрита олмаслигини кўрсатади. 21 аср тарихга ахборот даври, ахборот технологиялари асри, сифатида кирди. Кенг қамровли ва жадал суръатларда тарқалаётган ахборотлар инсоннинг истакларини, қарашларини ўзгартириш кучига эга. Дарҳақиқат, ахборотлар таъсирида ҳар бир давлат ўз фуқоролари ишончини оқлаш, уларни ягона мақсад йўлида бирлаштиришга ҳаракат қилади. Шу боисдан ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини ривожлантириш борасидаги давлат сиёсати муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунда одамлар, ёшларимиз нафақат жамиятда, ўқув даргоҳларида, балки радио-телевидение, матбуот, интернет каби воситалар орқали ҳам ранг-баранг ахборот ва маълумотларни олмақда. Жаҳон ахборот майдони тобора кенгайиб бораётган бир шароитда ёшларга уни ўқима, буни кўрма, деб бирёклама насихат қилиш, уларни чеклаб қўйишдан кўра, уларда ахборот олиш ва ундан фойдаланиш кўникмаларини тўғри шакллантирсакгина, тарбия борасида кўзлаган мақсадимизга эриша оламиз. Ҳозир дунёда ахборот хавфсизлиги – индивиднинг, жамиятнинг ва давлатнинг манфаатларини таъминлай олишнинг шартларидан бири бўлиб бормоқда. Замонавий ахборот-коммуникация технологиялари мисли кўрилмаган даражада кучайиб бораётган ҳозирги пайтда жуда кўп муаммолар пайдо бўлмоқда ва бу жаҳон афкор оммасини ташвишга солмоқда. Ахборот оқимининг одамларга таъсири муаммоси муҳим аҳамият касб этмоқда ва бу борада ахборотнинг авлодлар ёш босқичларига кўрсатадиган ижобий ёки салбий таъсирини чуқур ўрганиш масаласи тобора долзарб бўлиб бормоқда. Ахборот хуружи авж олган глобаллашув шароитида ҳар бир маъсул ходим, тарғиботчи, тарбиячидан ўз иш услубини ўзгартириш,

ёш авлодга замонавий техника ва технологиялардан ўз ўрнида фойдаланишни тушунтириш, бунинг учун эса, уларнинг ўзи шу билимларни пухта ўзлаштиришини талаб этади. Бу эса, замонавий психологик хизмат жихатдан таъсир кўрсатиш самарадорлигини ошириш билан бирга, ёшларда мустақил, эркин тафаккурнинг ривожланиши учун замин яратади.

Ма'lumotlarni uzatishda qo'llaniladigan tarmoqlararo ekran tahlili

Eshonqulov Navro'zbek Dilshodo'g'li


Muhammad al-Xorazmiynomidagi Toshkent

Axborot Texnologiyalari Universiteti, Toshkent

Tarmoqlararo ekran (TE) – *brandmauer* yoki *firewall* sistemasi deb ham ataluvchi tarmoqlararo ximoyaning ixtisoslashtirilgan kompleksidir. Tarmoqlararo ekran umumiy tarmoqniki yoki undan ko'p qismlarga ajratish va ma'lumot paketlarini chegara orqali umumiy tarmoqning bir qismidan ikkinchisiga o'tish shartlarini belgilovchi qoidalar to'plamini amalga oshirish imkonini beradi. Odatda, bu chegara korxonaning korporativ (lokal) tarmog'I va Internet global tarmoqorasida o'tkaziladi. Tarmoqlararo ekranlarga korxonada local tarmog'iga ulangan korporativ tarmog'idan qilinuvchi xujumlardan ximoyalashda ishlatilishlari mumkin bo'lsada, odatda ular korxonada ichki tarmog'ini Internet global tarmoqdan suqilib kirishdan ximoyalaydi. Aksariyat tijorat tashkilotlari uchun tarmoqlararo ekranlarning o'rnatilishi ichki tarmoq xavfsizligini ta'minlashning zaruriy sharti hisoblanadi.

Ichki tarmoqning ko'pgina uzellarini bir vaqtning o'zidan himoyalovchi tarmoqlararo ekran quyidagi ikkita vazifani bajarishi kerak:

- Tashqi (ximoyalalanuvchi tarmoqqa nisbatan) foydalanuvchilarning korporativ tarmoqning ichki resurslaridan foydalanishini chegaralash. Bunday foydalanuvchilar qatoriga tarmoqlararo ekran ximoyalovchi ma'lumotlar bazasining serveridan foydalanishga urinuvchilar, masofada gifoydalanuvchilar, xakerlar, xatto kompaniyaning xodimlari kiritilishi mumkin. Hozirda ishlab chiqarilayotgan tarmoqlararo ekranlarning tavsiflariga asoslangan xolda, ularni quyidagi asosiy alomatlar bo'yicha turkumlash mumkin:




1-rasm. Tarmoq monitoringini amalga oshirish

Система поддержки принятия решений оценки и восстановления достоверности результатов измерений и вторичной информации

Юсупбеков А.Н. зав. каф. АПП., д.т.н. проф.,

Абдукадыров А.А. д.т.н., Темербекова Б.М. Дусмуродов Ж.И.
(Ташкентский государственный технический университет, г. Ташкент, Узбекистан)

Для реализации разработанного в главах метода оценки и восстановления достоверности первичной и обеспечения достоверности вторичной информации в автоматизированной системе управления технологическим процессом необходимо разработать соответствующее, алгоритмическое и информационное обеспечение системы поддержки принятия решений оценки и восстановления достоверности первичной информации и обеспечения достоверности вторичной информации в автоматизированной системе управления технологическим процессом. Программное обеспечение системы поддержки принятия решений оценки и восстановления достоверности первичной информации Supervisory Control And Data Acquisition систем на примере Trace Mode. Общей тенденцией разработки автоматизированной системы управления технологическим процессом является использование Supervisory Control And Data Acquisition систем. Такой подход значительно снижает трудоемкость разработки за счет применения типовых программных решений сторонних разработчиков, исключая необходимость написания собственного кода которыми обладают современные supervisory control and data acquisition пакеты, не позволяющие реализовать взаимодействие системы поддержки принятия решений с информационной подсистемой автоматизированной системы управления технологическим процессом. По этому самый простой выход-сочетание библиотек стандартных компонентов Supervisory Control And Data Acquisition системы и внешнего приложения, реализующего алгоритм повышения достоверности первичный источник информации в режиме реального времени. Организация взаимодействия между приложениями предлагается осуществлять с помощью стандарта OPC (OLE for Process Control), разработанного корпорацией Microsoft.



*Взаимодействие внешнего приложения со
SupervisoryControlAndDataAcquisitionсистемой TraceMode*

Гибридная модель проверки достоверности и первичной информации реализуются на языке высокого уровня C++. Полученное приложение-клиент с помощью интерфейса OPC через OLE связывается с OPC-сервером, в качестве которого выступает MPB TraceMode, под управлением которого функционирует разработанный проект оценки восстановления достоверности. По числу внедрений в Узбекистане TraceMode значительно.

TraceMode—динамично развивающаяся система, в которую постоянно добавляются модули, использующие новейшие технологии для создания пользователям системы дополнительных возможностей. Последние новинки—исполнительные модули TraceMode, которые позволяют создавать автоматизированные системы управления технологическим процессом.

Система TraceMode позволяет создавать резервированную многоуровневую автоматизированную систему управления технологическим процессом масштаба предприятия на базе ведущих сетевых ОС. Сетевые комплексы допускают структурирование с выделением уровней контроллеров, диспетчерского и административного.

Литература

1. Т.Ф. Бекмуратов, *Избранные работы по вычислительной технике, моделированию, принятию решений и управлению.* - Т. 2015. - 234 с.

2. Анищенко, В.А. *Повышение достоверности используемой в АСУТП информации путем коррекции измерений* / В.А. Анищенко, В.И. Щербич, Т.Н. Казанская, В.И. Крамаренко // *Теплоэнергетика.* - 1982. - №7.

3. Савельев, А.Н. *Анализ недостоверности первичной информации в технологическом процессе производства серы* / А.Н. Савельев // *XVII*

Международная научная конференция «Математические методы в технике и

Информатика дарсларини ташкил қилишда самарадорликни ошириш йўллари

*Ж.Д. Саидов ГулДУ "Ахборот технологиялари" кафедраси
стажёр-ўқитувчиси*

Биз бугун ахборот лашган жамиятлар дунёсида, тобора ривожланаётган глобаллашув жараёнлари, ахборот-коммуникация ва интернет технологиялари ҳамда интеллектуал тарраққиёт ҳал қилувчи рол ўйнаётган жамиятда яшамокдамиз. Республикамизда давлат миқёсида ушбу соҳаларга алоҳида аҳамият берид келинмоқда. [1.2]

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг беш устувор йўналиши бўйича барча соҳаларда бўлгани каби таълим соҳасини ривожлантириш бўйича ҳам кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. 2018 йилнинг Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили деб номланиши ҳам соҳани ривожлантиришда алоҳида ўрин эгаллайди.

Таълим жараёнининг моҳиятини ўзаро боғланган учта-ўқитиш, тарбиялаш ва ривожлантириш каби омиллар ташкил этади. Шу ўринда ушбу жараённинг педагогик “айёрликлари”ни истисно қилган ҳолда, олинган билимларни мустахкамлашнинг психологик табиати алоҳида ўрин тутишини

таъкидлаш мумкин. Ушбу жараён англандан, синалган ҳамда кўникма ва малака даражасига етказилган бўлсагина муайян билим инсон томонидан эгалланган бўлади. Англаш, синаш ва олинган билимларни кўп маротаба такрорлаш жараёни, одатда, машғулотларнинг фаол шаклларида амалга оширилади. Бу шакллар турлича ва бир-бирларидан нафақат услубий ҳамда дидактик таъминланганлиги билан, балки ўқитувчининг таъсири йўналтирилган объект, аниқроғи, шахснинг когнитив, самарали ва мотивли-эркли томонлари билан фарқланади. [1.3]


Дарсларни ташкил қилишда, мавзу юзасидан келиб чиққан холда мавзунинг мохияти ва мазмунини тўла очиб бера оладиган ва талабаларга етказиб бера олишда юқори самара кўрсата оладиган методлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Маъруза, амалиёт, семинар ва лаборатория дарсларини ташкил қилиш хар бир дарс шаклидан келиб чиқиб кўйилган таълаблар асосида амалга оширилади. Дарсларни ташкил қилишда анъанавий ва замонавий методлардан тўғри фойдаланиш таълаби кўйилади. Анъанавий: тушунтириш, суҳбат, савол-жавоб, кузатиш, ёзма ишларни бажариш ва бошқалар. Замонавий-Интерфаол: музёра, кейс, дебат, занжир, бхбхб ва бошқаларни мисол келтириш мумкин. [1.4]

Анъанавий ва замонавий-интерфаол методлардан фойдаланиб информатика ва ахборот-технологиялари фанларини ташкил қилиш.

Машғулотларда қўлланилаётган «*Case-Study*», «*Ақлий ҳужум*», «*Тажирба ўтказиш*» каби методлар олий таълимда кенг қўлланиладиган анчагина машҳур методлар. Бу усуллар катта миқдордаги ғояларни йиғиш, талаба шахсини айна бир хил фикрлаш инерциясидан ҳоли қилиш, ижодий вазифаларни ечиш жараёнида дастлаб пайдо бўлган фикрларни енгишдир.

Кейс методи олий таълим муассасаларида ўқитилаётган фанлар бўйича талабаларнинг билимини синашга ундан режалаштирилган имтиҳон ва синовларда ҳам фойдаланиш мумкин.

Кейс ўқитувчига ўқитишнинг ихтиёрий босқичида ва турли мақсад (предметни ўқитишда, имтиҳон ва синов ўтказишда, мустақил ишларни ташкил этишда ва бошқалар)да фойдаланиш имкониятини беради.



Кейсдан фойдаланиб, ўқитиш чизмаси.

«*Case-Study*» методида бахс мунозара марказий ўринни эгаллайди. Ундан, одатда, талабалар етарли даражада билим олган ва мустақил фикрлашга эришган, ўзларини фикрларини асослайдиган, исботлай оладиган пайтларида фойдаланиш мақсадга мувофиқ. [1.3]

Ақлий ҳужум, баъзан мийяга ҳужум ҳам дэб аталади. Бунда кўпроқ ғояларни яратиш ва генерация қилишдан иборат тезкор вазифа бажарилиб,

микрогуруҳ аъзолари шахсий ғяларини илгари суриш орқали (генерация қилиш орқали) қийин муаммо ечими топилади.[1.4]

Информатика фанидан маъруза амалиёт ва семинар машғулотларини ташкил этишда юқорида кўрсатилган методлар кўплаб тажриба синовлари орқали юқори самара кўрсатиб келмоқда.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини ислоҳ қилиш бўйича меъёрий ҳужжатлар. 1-қисм.- Тошкент, 1998.
2. Абдукаримов Ҳ., Суванов О. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. – Тошкент, 2010.

Юзларни аниқлаш самарадорлигини ошириш усуллари

Исломов Ш.З., Ёсинов С.Д., Халилов О.П.

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети

Юзни аниқлаш объектларни аниқлашнинг асосий қисмаларидан биридир. Юзни аниқлаш – расм, видео ёки онлайн тасвирдан маълум ва номаълум юзларни топиш тушинилади. Мазкур масаланинг ечими тасвирларни сегментациялаш, қисмларни ажратиш ва уларни таққослаш, шунингдек, орқа расмдан юз хусусиятларини қайта ишлаш орқали амалга оширилади. Шунингдек, ҳозирги кунда жуда кўплаб тасвирларни қайта ишлаш соҳалари мавжуд бўлиб, улардан қуйидагиларни келтириш мумкин: видеони кодлаш, контентга асосланган тасвирни ажратиб олиш, видео конференция, одамларни кузатиш, объектларни аниқлаш ва одам-компьютер алоқасини таъминлаш. Юз видеодаги бошқа тасвирлар каби ўзгарувчан ҳисобланади, у вақт ўтиши билан ўз пикселини биридан бошқасига ўзгартиради. Шунинг учун видео тасвирдан ва онлайн кузатув камераларидан юзларни аниқлаш жуда мураккаб бўлиб, кўп вақт, ҳамда мураккаб ҳисоблашларни талаб этади. Видеонинг бир секунди камида 24 та фрем (тасвир)дан ташкил топган бўлиб, юзни аниқлашда унинг барчасини ўрганиш талаб этилмайди.


Юзни аниқлашнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборатдир:

- тасвирда юз мавжудлигини аниқлаш;
- мазкур юзлар қайерда жойлашганлигини топиш. Юзни аниқлашдаги ушбу икки вазифани бажариш натижасида кирувчи тасвирдан ажратиб олинган юз расмлари пайдо бўлади.

Ҳаар хусусиятлари. Виола ва Жонс томонидан таклиф этилган каскадлар орқали юзни аниқлашда Ҳаар хусусиятлари ва Адабуст алгоритмларини қўллаш реал вақт ҳолатида юқори самара беради.

Юз хусусиятларини аниқлашда уч хил хусусият қўлланилади. Иккита тўртбурчакли хусусиятда тўртбурчакларнинг атрофидан пикселлар қийматининг бир биридан фарқи ҳисобланади. Чэгаралар бир хил ўлчам, шакл ва вертикал, горизантал қисмлардан ташкил топган бўлиши лозим (1-расм.). Учта тўртбурчакли хусусиятда иккита четки қисмда жойлашган тўртбурчак қиймати билан ўртада жойлашган тўртбурчакнинг пикселлари қийматлари фарқи ҳисобланади. Охирги, тўртта тўртбурчакли хусусиятда

диоганалда жойлашган тўртбурчакларнинг пиксел қийматларининг фарқи ҳисобланади. Барча ҳусусиятлар кулрангда бўлиши лозим, шунингдек, тўртбурчакларнинг ранги турли бўлади.



1-расм. Тўртбурчак ҳусусиятлар (икки, уч ва тўртта тўртбурчакли)

Дастлабки тасвирда юз ҳусусиятлари мавжудлигига текшириш учун 12-тармоқ, 24-тармоқ ва 48-тармоқ асосида 12x12, 24x24 ва 48x48 ойналарга ажратиб ўрганамиз. Тўртбурчак ҳусусиятлар интеграл тасвир деб номланган қайта акслантириш ёрдамида жуда тез ҳисобланади. Интеграл тасвирлар x ва y координатада жойлашган пикселнинг йиғиндисидан ташкил топади. Тасвирни ойналарга бўлиб, тармоқлар асосида ўрганиш юқори-чап томондаги ойнадан бошланади.

$$ii(x, y) = \sum_{x' \leq x, y' \leq y} i(x', y'),$$

Бу ерда, $ii(x, y)$ – интеграл тасвир, $i(x, y)$ – дастлабки тасвир. Қуйидаги қайта акслантиришдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:


$$s(x, y) = s(x, y - 1 + i(x, y)),$$

$$ii(x, y) = ii(x - 1, y) + s(x, y).$$

Бу ерда, $s(x, y)$ қаторнинг жами қиймати.

Ушбу Ҳаар ҳусусиятлар ўзгармас вақт онидан айна манзилда ва ўлчамда ҳисобланиши мумкин. Ҳаар ҳусусиятларидан юзларни аниқлашда фойдаланиш 1%дан камроқ ёлғондан рад этиш ва 40% гача ёлғондан қабул қилиш натижаларини кўрсатади. Агар аниқлашни тезлаштириш усуллари қўлланса, ҳар бир янги ҳисобланган эҳтимоли кичик ҳусусият, қайта кўриб чиқиш учун ва натижавий қарорни қабул қилиш учун такроран ўрганилади. Чунки юзларни аниқлаш алгоритмларининг асосий вазифаси ёлғондан рад этиш даражасини камайтириш ёки нол қийматга айлантириш.

НОГ алгоритми. НОГ алгоритмини қўллаш орқали юқори аниқлик ва тезликка эга тизимни куриш мумкин. Юзни қидириш учун биринчи навбатда тасвирни кулранг кўринишга ўтказамиз, чунки тадқиқотларда рангли тасвирлар кам ҳолатларда қўлланилади. НОГда ҳар бир пикселнинг қиймати ўрганилади. Шунини таъкидлаш лозимки, мазкур пикселнинг қиймати вақт ўтиши билан ўзгариб туради. Бизнинг мақсад белгиланган пикселнинг ранги бошқаларга нисбатан қоралиги қанчалигини аниқлаш лозим. Бошқача айтганда, қора рангли пикселдан оқ рангли пикселга ўтиш йўллари белгилаб олинади ва ҳар бир пиксел шу йўл асосида ўрин алмашади. Ушбу алмаштириш белгилаб қўйилади. Мазкур белги оқ рангли пикселдан қора ранг ва аксинча қора рангдан оқ рангга ўтиш йўналиши кўрсатади ва улар градиентлар деб номланади (2-расм).



Кулрангда
кўз



Оқ-қора
йўналиш



НОГдаги
кўз

2-расм. НОГ ёрдамида кўзни аниқлаш


Градиентларнинг тасодифий конун-қоидалар асосида ўрин алмашаётганга ўхшайди. Агар пикселларни ўрин алмашини таҳлил қиладиган бўлсак, битта одамнинг тасвирида тўқ ва оч пикселлар мавжуд бўлади ва бу пикселларнинг ранги доим ўзгариб туради. Аммо, ёруғликнинг ўзгариш йўналиши, тўқ ва оч рангли пикселларнинг тасвирланишига таъсир этмаслиги лозим.

Адабуст. Градиентлар асосида юзларни аниқлаш тезлигини ошириш учун ҳам, АдаБоостдан фойдаланилади. АдаБоост кучли хусусиятлардан кучсизларини ажратиб олади ва улар устида амаллар бажаради, чунки кучли хусусиятлар осон сараланади аммо, кучсизлари ёлғондан рад этишга мойил бўлади. Кучсиз хусусиятларни аниқлашда Ҳинтон томонидан ишлаб чиқилган капсулани нейрон тармоғини қўллаш мумкин. Ушбу усул ёрдамида кам кўринишга эга тасвирларни ҳам аниқлаш имконияти мавжуд.

АдаБоост Виола Жонес юзни аниқлаш усули тезлигини ошириш мақсадида ишлаб чиқилган бўлиб, аниқлаш даражасига катта эътибор қаратмайди. Асосий мақсади номига алоқадор тарзда аниқлаш тезлигини оширишдан иборатдир.

Оддий нейрон тармоқлар (ОНТ). Кучли ва самарали юзни аниқлаш тизимини куриш учун Ли ва бошқалар томонидан каскадли оддий нейрон тармоқлардан (ОНТ) фойдаланиш таклиф этилган. Каскадли ОНТ асосида юзни аниқлаш қўшимча харажатли йўналтирилган қутини ўз ичига олади ва юз хусусиятларининг ўзаро алоқаси эътиборга олмайди. Натижада 4.б-расмдаги ҳолат юзага келади. Яъни йолғондан қабул қилиш даражаси ортиб кетади.

Юзни аниқлаш жараёнида таҳлил қилинаётган тасвирда бир эмас бир нечта юз бўлиши мумкин. Тасвирни текшириш мобайнида кучли ва кучсиз хусусиятларга дуч келишимиз мумкин. Кўп вазифали каскад юзни аниқлашда 3-расмда келтирилганидек 14 та ҳолатдан фойдаланилади. Унинг камчилиги сифатида аниқлаш вақти ва ресурсларнинг кўплиги ва ёлғондан қабул қилиш даражасининг юқорилигини келтириш мумкин.



3-расм. Турли юз хусусиятлари

Зҳангнинг усули кўп вазифали ўрганиш асосида каскадли ОНТни қўллаб ушбу вазифаларни амалга оширувчи янги фреймвокни таклиф этмоқда. Ушбу усул учта босқичдан ташкил топган: биринчи босқичда ОНТ ёрдамида тезгина номзод ойналарни ишлаб чиқади. Кейин, тартибли ОНТ асосида катта сондаги юз бўлмаган тасвирларни ажратиб олади. Яъни, у натижаларни такомиллаштириш учун қайтаради ва бешта юз соҳа белгиларини чиқаради.

Нативавий векторлар нейрон тармоқларнинг чиқишида қўлланиладиган асосларга жўнатилади. Асос нейронлар барча қийматларни ўрганади ва қарор қабул қилиш векторига юборади ва нативавий қиймат олинади.

Юзларни қалбакилаштиришдан ҳимоялаш

Исломов Ш.З., Эшонқулов Н.Д., Эргашев Ж.А.

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети, Тошкент

Юзни таниб олиш юзни аниқлаш ва таниб олиш босқичларидан ташкил топган, шунингдек, юзни аниқлаш дастлабки ва энг асосий жараён ҳисобланади. Аниқланган юз таниб олиш босқичига юборилади ва базадаги юзлар билан таққосланади.

Юзни аниқлаш жараёнида юзни қалбакилаштириш хужумидан фойдаланилган бўлиши мумкин. Одатда тасвирлар орқали юзни қалбакилаштириш икки хил кўринишда амалга оширилади:

Тасвирлар тўплами орқали. Бу хужум – интернет тармоғига уланган юзни аниқлаш тизимларида фойдаланилади. Бир нечта одамларнинг (одатда 25-30 та) 5 ёки 6 тадан турли ёруғлик ва турли кўринишдаги юз тасвирлари тўпланади ва улар асосида хужум амалга оширилади. Ҳозирги кунда ушбу хужумларни амалга ошириш учун интернет тармоғидан бир нечта юз базаларини текин кўчириб олиш мумкин. Улардан қайта юклаш, CASIA ва MSU юзларни қалбакилаштириш маълумотлар базаларини келтириш мумкин.

Шахс тасвири орқали. Камерага айнан шахснинг расми намоиш этилади ва тизим ушбу тасвирдаги юзни аниқлайди. Тасвирлар шахснинг ихтиёрий жойда олинган расмлар тўплами бўлиши мумкин.

Ушбу икки хужум тури айнан юз тасвирларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади, аммо юз кўриниши формаси асосида ниқоб ясаб, ҳақиқий шахснинг ўрнидан амаллар бажариши, тизимга кириши мумкин. Ушбу ҳолатда тизим юзни ҳақиқийсидан ажрата олмайди. Бундай ҳолатларда фақатгина кўриқчилар махсус суҳбат ёки бошқа факторлар (овоз, бармоқ изи) орқали ажрата олиши мумкин. Бунга мисол сифатида Австралияда фаолият юритаётган сунъий аъзолар ва тери ишлаб чиқарувчи марказини келтиришимиз мумкин. Квинсленд технология университети Метро Норт Госпитал шифохонаси мутахассислари билан ҳамкорликда «Биофабрикация институти» деб номланувчи марказ беморларга зарур бўлган материални сканерлаб, моделлаштиришади ҳамда махсус 3D-принтерларда ишлаб чиқишади.



1-расм. Қулоқ ва буруннинг 3D намунаси

Биз ишлаб чиқаётган дастурий восита локал тармоқда амалга оширилади. Шунинг учун иккинчи хужум тури, яъни шахснинг тасвиридан

фойдаланган ҳолда юзни аниқлаш хужумига қарши чораларни ишлаб чиқамиз.

Хужумчи юзни қалбакилаштиришда дастлаб қуйидаги маълумотларни йиғишга ҳаракат қилади:

– мавжуд шахснинг тизимда идентификацияланиш даражаси ва кўрсаткичи ўрганилади;

– мавжуд шахснинг юз тасвирлар тўпламининг юзни аниқлаш ва таниб олишда қайси ҳолати кўпроқ аҳамият касб этади;

– турли шахсларнинг бир хил кўринишдаги тасвирларини аниқлаш даражаси ўрганилади. Бунда уларнинг юзни қалбакилаштиришга мойиллиги ҳам таҳлил қилинади.

Юз тасвирини қалбакилаштиришдан ҳимоялашда амалга оширилаётган тадқиқотлар:

Шовқин қўшиши. Юз тасвирига шовқин қўшиш орқали қалбаки юздан ҳақиқий юзни ажратиш ва сохталаштиришни олдини олиш мумкин. Расмдан камера ёрдамида яна суръатга олинса, ҳосил бўлган тасвирда шовқинлар кўпайиб кетади. Онлайн ҳолатда олинган тасвирларда эса, бу кўрсаткич кам бўлади. Буни амалга ошириш учун, камера ёрдамида олинган тасвирга шовқин қўшилади ва Вавелтга асосланган усуллардан фойдаланган ҳолда шовқиндан ажратилади. Қалбаки тасвирда олдинги камера ва айни шароитда олинган шовқинлар қолиб кетади. Аммо шундай камералар борки улардан олинган тасвирларда шовқин қолмаслиги мумкин.

Ҳаракатлар орқали аниқлаш. Одам ҳаракатланиши давомида олинган тасвирлар билан қалбаки юз тасвирининг ҳаракатлари ўрганилади. Қисқа вақт ичида бир нечта хусусиятлар ажратиб олинади. томонидан ишлаб чиқилган усул уч босқичда амалга оширилади:

– векторлар тармоғини ўрганиш;

– велторлар тармоғини баҳолаш;

– олинган натижалар асосида тестлаш.

Ҳақиқий ва қалбаки тасвирларнинг ҳаракатлари ёзиб олинади. Ушбу маълумотлар бир неча марта қайтарилади ва аниқ маълумотларга эга бўлинади. Ушбу усул нейрон тармоқлар ва машина билими асосида амалга оширилади. Иккита тасвир ўртасидаги шовқин оқимини баҳолашда бир – биридан ўта фарқ қилувчи ҳолатларга дуч келиш мумкин. Чунки, ҳақиқий тасвир ҳаракатланган, биринчидан орқа фон ўзгаришсиз ва тасвирнинг ўзида шовқинлар деярли мавжуд бўлмайди. Қалбаки тасвир еса, одатда орқа фон билан бирга ҳаракат қилади ва унда шовқин сезиларли мавжуд бўлади.

Чегаралар асосида аниқлаш. Одатда юз чегараси (одамнинг ташқи кўриниш шакли) ва ташқи тасвир ўртасида фарқ мавжуд. Оддий кўз билан қараганда, ушбу фарқни осон кўриш мумкин, аммо техника буни аниқлаши учун аниқ кўрсатма ишлаб чиқиш лозим. Қалбаки юз тасвирлари еса, орқа тасвир билан биргаликда амалга оширилади. Юз ҳаракатланиши билан орқа тасвир ҳам ҳаракатланади. Ёруғлик ўзгариши ҳисобга олмаган ҳолда юз чегараси ва орқа тасвир пикселлари таққосланиши лозим.

Одамнинг бош қисми ҳаракатланмасада, унинг лаб ҳаракатларидан ҳам ҳақиқийликка текширишни амалга ошириш мумкин.

Такрорланиш хусусиятлари асосида аниқлаш. Камера томонидан айнан одамнинг ҳақиқий тасвири унинг расми орқали олинган тасвирга нисбатан кўп такрорланувчи хусусиятларга эга. Барча ранглар аниқ ва шовқинсиз бўлади. Расмда эса, бир ҳиллик кам ва хажми кичик бўлади. Чунки унда кам сонли ранглар политраси мавжуд бўлади. Бу усул кам аниқликка эга тасвирлар учун қулай ҳисобланади. Агар тасвир юқори сифат ва аниқликда олинган бўлса, унда ушбу усул самара бермайди.

Киприкнинг қимирлаши асосида аниқлаш. Юз тасвирини ҳақиқийлигини аниқлашда кўзнинг очилиб ёпилишини текшириш орқали аниқлаш ҳам энг самарали усуллардан ҳисобланади. Аммо кўпчилик одамлар кўзларини очик деб аниқлаш даражасида очмайдилар, бу эса муаммодир.

Юз қон томирлари асосида аниқлаш. Ультрабинафша нурлар ёрдамида юздаги қон томирларининг изларини аниқлаш мумкин. Мазкур усул одамнинг расми ва видео маълумотлардан ҳақиқий тасвирни аниқлашда ёрдам беради. Бунинг учун ультрабинафша нурлар тарқатувчи камералардан фойдаланиш лозим. Ушбу камералардан фойдаланишда юқори даражали хавфсизлик таъминланади, аммо у жуда қиммат ҳисобланади.

Бундан ташқари юзни қалбакилаштиришни олдини олиш учун уч ўлчамли тасвирларни олувчи камералардан, текстура ёки ташқи кўринишга асосланган бошқа усуллардан фойдаланиш ҳам мумкин.

Инфокоммуникация тармоғи ресурсларини сервисга йўналтирилган архитектура усули негизда тақдим этиш асослари

*Н.М. Абдулхаев., Ш.А.Бегматов., М.М.Араббоев
Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари
университети, Тошкент*

Мақолада инфокоммуникация тармоқлари (ИКТ) нинг дислокацияланган хизмат ва ресурсларини сервисга йўналтирилган архитектура (СҲА) усули асосида тақдим этиш таклиф этилади.

Инфокоммуникация тармоқларининг дислокацияланган хизмат ва ресурсларини СҲА асосида тақдим этишни қуйидагича ташкил этиш таклиф этилади.

Инфокоммуникация тармоғининг бошқарув сатҳи қурилмасида (яъни, бошқарув маркази вазифасини бажарувчи сервер компютерида) тармоқ операторлари томонидан тақдим этилган сервисларнинг (хизмат ва ресурсларнинг) реестри яратилади, яъни тармоқ доирасида ҳар хил нуқталарда дислокация қилинган тармоқ ресурслари тўғрисидаги ахборотларнинг маълумотлар базаси яратилади.

Маълумотлар базасидаги ахборотлар ресурсининг имконияти, қандай ифодаланганлиги, ресурсни тақдим этишда қўлланиладиган иловалар ёки Web-сервислар (махсус дастурлар) ва ресурсдан фойдаланиш шарти тўғрисидаги аннотациявий маълумотлардан таркиб топади. Улар UDDI (Universal Description, Discovery and Integration) стандартлари асосида шакллантирилади.

Бундай реестр инфокоммуникация тармоғи ресурсларини яратадиган ва тақдим этадиган операторларнинг ахборот муҳити учун ишлаб чиқиладиган сервисга йўналтирилган архитектуранинг интеграллашган таркибий қисми ҳисобланади.

Шу билан бирга, ушбу серверда хавфсизликни таъминлаш нуқтаи назардан фойдаланувчини, ресурсни ҳамда ресурс тўғрисидаги ахборотларни тақдим этадиган тармоқ операторларини аутентификациялаш воситалари ўрнатилади.

Фойдаланувчи сўровига мувофиқ тақдим этиладиган ҳар бир ресурсни амалга ошириш учун керак бўладиган ҳамма воситалар (протокол, интерфейс, иловалар ва бошқа Web-сервислар) танланади ва уларнинг интеграцияси амалга оширилади. Бошқа сўз билан, тармоқ ресурслари тақдим этилишини амалга ошириш учун керак бўладиган воситалар, яъни махсус сервислар танланиб, улар асосида «композит» сервислар шакллантирилади.

ИКТ функцияларини СҲА негизида ташкил этиш унинг сервисларини типларга ажратишни тақозо этади. Сервисларни типларга ажратиш сатҳлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

- юқори сатҳ сервислари - ИКТнинг хизматлар сатҳида тақдим этиладиган ресурслар, иловалар;

- транспорт сатҳ сервислари - маршрутизация, протоколлар боғланиши, ҳар хил типдаги маълумотлар тақсимотини бошқариш, яъни маълумотларни транспортировка қилиш воситалари;

- кириш сатҳ сервислари - ҳар хил типдаги маълумотларни ИКТ транспорт тизимида боғлаш – тармоқга кириш интерфейслари ва протоколлари.

Композит сервислар тўплами фойдаланувчи томонидан талаб этилган сўровга боғлиқ ҳолда тузилади ва фақат шу сўров учун ишлатилади.

СҲА моделига асосан ИКТ сервисларини икки гурпуага бўлиш мумкин: биринчиси – ресурс ва хизматларларни тақдим этиш сатҳи сервислари ва иккинчиси - маълумотларни транспортировка қилиш сервислари.

СҲА негизидаги ИКТ ресурслари тақдим этилишида иштирок этадиган сервислар сўров бажарилиши давомида бошқарилади.

Шу билан бирга, ҳамма сатҳ жараёнларида ахборот хавфсизлигига алоҳида эътибор бериш керак бўлади.

ИКТ ресурсларини СҲА услублари негизида тақдим этилишида иштирок этадиган сервислар (реал вақтда ишлайдиган махсус дастурий таъминот ёки иловалар) қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

1) ИКТ ресурсларининг турлари $\{S_i^p\}$ ва уларни тақдим этишда қўлланиладиган сервислар ёки композит сервислар тўплами $\{S_i^c\}$ аниқ бўлиши керак, яъни:

$$S^p = \{S_i^p\} \longrightarrow S^c = \{S_i^c\}.$$

2) СҲА негизидаги инфокоммуникация тармоғи фаолият даврининг ҳар бир вақт оралиғида маълум бир ресурсга сўров келганида, улар ўртасида боғланишни таъминлайдиган композит сервис бўлиши керак;

3) СҖА негиздаги инфокоммуникация тармоғида маълум бир композит сервис асосида бажарилаётган сўровлар бошқарилиши керак;

4) ҳар бир тақдим этилаётган ресурс тури маълум бир даражадаги сифат кўрсаткичига эга бўлиши керак ва б.

Бир хил мазмундаги ресурслар ҳар хил оператор ва провайдерлар томонидан ҳар хил дастурий таъминотлар («композит сервис»лар) ва ҳар хил мезон кўрсаткичи асосида тақдим этилади.

Мақолада мезон кўрсаткичи сифатида «сўровни бажариш вақти» параметрини қўллаш тавсия этилади.

Сўровни бажариш вақти умуман олганда тасодиф қийматга эга, чунки фойдаланувчининг сўровини бажаришда ИКТ нинг деярли ҳамма компоненталари иштирок этади ва сўровни қайта ишлаш учун кетадиган вақт уларнинг ҳолатига боғлиқ.

Интернет тармоғи асосидаги ресурс (яъни, Web-сервис) OSI модели амалий сатҳининг НТТР протоколи ҳамда транспорт сатҳи ТСР протоколи негизда тақдим этилади. Ушбу ресурсга сўров амалга оширилишида қуйидаги босқичлар бажарилади:

1) ресурс сақланаётган Web-сервер компьютерининг IP манзилени кидириш. Бу босқичда юзага келадиган кечикиш вақти тармоқда маълумот узатиш тезлигига ва адреслар номи сақланадиган домен сервер (DNS – сервер) ининг ишлаш тезлигига боғлиқ бўлади;

2) сервер билан боғланиш. Бу жараёнда ТСР протоколдан фойдаланилади, дастлаб ресурс сақланаётган сервер билан алоқа ўрнатилади. Кечикиш вақти фойдаланувчи ва сервер оралиғидаги тармоқ характеристикаларига боғлиқ бўлади. Боғланиш жараёнида қуйидаги босқичлар бажарилади - фойдаланувчи томонидан боғланиш пакети жўнатилади, сервердан боғланишга розилик пакети қабул қилинади ва қабул қилинганлик тўғрисидаги пакет фойдаланувчи томонидан яна серверга жўнатилади;

3) сўровни жўнатиш. Босқични амалга ошириш учун кетадиган вақт фойдаланувчи томонидан сўровни шакллантириш ва уни жўнатиш учун сарфланадиган вақт билан ўлчанади;

4) жавобни кутиш. Босқич давомида фойдаланувчи сўрови сервер компютери томонидан қайта ишланади ва жавоб тармоқ орқали узатилади. Кечикиш вақти тармоқдаги кечикиш ва ресурсни қуввати билан ўлчанади;

5) жавобни олиш. Босқичда сўралган ресурс пакет технологияси асосида қабул қилинади. Босқичга кетадиган вақт тармоқ томонидан киритиладиган кечикиш ва ресурснинг ҳажмига боғлиқ бўлади;

6) ТСР боғланишнинг ёпилиши - жуда кам вақт талаб этади. НТТР сўрови амалга оширилишида қуйидаги кечикишлар юзага келиши мумкин:

- ҳар хил маълумот узатиш муҳитлари томонидан юзага келадиган кечикишлар - сўров фойдаланувчи компютеридан, то ресурс сақланадиган сервер компютерига симсиз, кабел ва оптик толали муҳит орқали узатилиши мумкин;

- фойдаланувчи компютери ва ресурс сақланадиган сервер компютери ҳамда оралиқ коммуникацион марказлар (алоқа тугунлари) орасидаги масофага боғлиқ кечикишлар. Вақт ўтиши билан тармоқ топологияси ўзга-

риши натижасида пайдо бўладиган қўшимча факторлар кечикишларнинг ўзгаришига сабаб бўлади.

- тармоқ аппарат-дастур воситалари томонидан юзага келадиган кечикишлар. Сўров сигналини фойдаланувчидан, то ресурс сақланадиган сервер компьютерига узатиш йўлида, у бир неча роутер, коммутатор ва бошқа тармоқ қурилмаларидан ўтиши мумкин. Уларнинг ҳар бири тармоқдаги кечикиш вариациясига ўзининг ҳиссасини қўшади, чунки уларда юкламанинг ҳажми ҳар хил бўлиши ва уларда ҳар хил ёрдамчи қурилмалар ишлатилган бўлиши мумкин.

Бошқа мезон кўрсаткичларини ҳам шундай тасодиф функциялар орқали ифодалаш мумкин.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш жоизки, фойдаланувчи сўрови «композит сервислар» асосида бажарилади, сўровни ҳар хил сифат даражасида амалга ошириш учун ҳар хил турдаги «композит сервислар»ни шакллантириш керак бўлади. Бунда уларнинг сифат кўрсаткичлари танланган мезон кўрсаткичининг қиймати орқали аниқланади.

**Иформатика ва ахборот технологиялари фанларини ўқитишда
замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиш**
Ж. Саидов ГулДУ “Ахборот технологиялари” кафедраси ўқитувчиси

Ҳозирги кунда олий таълим тизимида информатика ва ахборот технологиялари фанларини ўқитиш жараёнида замонавий педагогик ва ахборот технологияларининг қўлланилиши билан ўқув методик материаллари ҳам икки турга бўлинади. Булар анъанавий ва янги авлод ўқув-методик материаллар мажмуасидир.

Анъанавий ўқув-методик материалларига таълим тизимида қўлланиб келинаётган дарсликлар, ўқув қўлланмалари, методик кўрсатмалар, дидактик тарқатма ва кўрғазмали материаллар киради.

Янги ўқув методик материалларга анъанавий материаллардан ташқари электрон нашрлар, электрон дарсликлар, электрон плакатлар, электрон луғатлар замонавий ахборот ва педагогик технологияга асосланган методика, интерфаол усуллар ёрдамида яратилган ўқув материаллари, мультимедиа воситалари, интернет олинган маълумотлари ва бошқа тасвирий-визуал воситаларни киритиш мумкин. Айни пайтда анъанавий ўқув-методик материаллари мажмуасининг ахамияти камаймаган ҳолда, янги авлод ўқув материаллар мажмуасига эҳтиёж ошиб бормоқда.

Кўп йиллар ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, анъанавий дарс ўтиш таълимнинг асосий моделлардан бири бўлиб қолмоқда. Анъанавий дарс муайян муддатга мўлжалланган, таълим жараёни кўпроқ ўқитувчи шахсига қаратилган, мавзуга кириш, ёритиш, мустаҳкамлаш ва яқунлаш босқичларидан иборат таълим моделидир.

Биз ўқитувчилардан давр билан бирга қадам ташлайдиган, ҳар томонлама етук шахсларни тарбиялаш талаб этилаётган бир пайтда замон талабини тўғри англаб етадиган жамиятнинг фаол аъзоларини тарбиялаб етиштирмоғимиз лозим. Олиб борилган тадқиқотлардан маълум бўлишича анъанавий дарс шаклини сақлаб қолган ҳолда, унга турли-туман ўқувчилар

интилишини фаоллаштирадиган (интерфаол) усуллар билан бойитиш, замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан ўз ўрнида фойдаланиш натижасида ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражаси ошганлиги аниқланди. Бунинг учун дарс жараёнини оқилона ташкил этилиши ўқитувчи томонидан ўқувчиларнинг қизиқишини орттириб, уларнинг таълим жараёнида фаоллиги муттасил рағбатлантирилиб турилишини таъминлайди.

Шунингдек ўқув материални кичик-кичик бўлақларга бўлиб, уларнинг мазмунини очишда баҳс-мунозара, ақлий ҳужум, кичик гуруҳларда ишлаш, тадқиқот ролли ўйинлари, ўқувчиларни амалий машғулотларни мустақил бажарилишига ундаш, чархпалак, блиц сўров, резюме, фсму ва бошқа технологиялардан, шунингдек, ранг-баранг баҳолаш усулларидан фойдаланиш, таълим воситаларидан жойида ва вақтида фойдаланиш талаб этилади.

Ҳозирги вақтда олий ўқув ёртларида ўқитишнинг замонавий шакллари ва методлари кенг қўлланилмоқда. Анъанавий ўқитиш жараёнида ўқитувчи асосан, авторитарлик билан дарс олиб борса (субъект-объект), интерфаол усуллар ёрдамида ўқитиш жараёнида эса ўқувчи шахсига эркинлик бериш, муносабатларни демократлаштириш (субъект-субъект) асосида дарс жараёни ташкил этишни назарда тутди.

Информатика ва ахборот технологиялари фанларини ўқитиш ўзига хос хусусиятларига эга. Фаннинг ўқув машғулотларининг самарали ташкил этишда асосан, таълим олувчиларнинг фаоллаштириш ва жадаллаштиришга асосланган педагогик технология, ўқитиш жараёнини самарали ташкил этиш ва бошқаришга асосланган педагогик технологиялардан кўпроқ фойдаланилади. Мисол сифатида, ўйинли технология, «Чархпалак», «Бумеранг», «3x3», «Резюме», «ФСМУ» каби технологияларни келтиришимиз мумкин. Бу технологиялардан кўпинча дарсни мустаҳкамлаш ва баҳолаш жараёнида фойдаланилади.[1.105]

Информатика ва ахборот технологиялари фанларидан олиб бориладиган дарсларнинг интерфаол усулларда ўтилиши, оддий дарслардан қуйидаги хусусиятлари билан фарқ қилади:

1. Қўйилган мақсадга аниқ эришиш.
2. Янги билимларни беришда янги усуллардан фойдаланиш.
3. Вақтнинг тақсимланиши.
4. Дарс босқичларидаги ўрин алмашилишлар.
5. Дастур материали асосида қисман четга чиқиш.
6. Таълимнинг техник ва дастурий воситалардан фойдаланиш.[2.36]

Ўқитишнинг интерфаол усулларидан қайси вақтда фойдаланиш, қайси мавзуларда қандай интерфаол усулларни қўллаш, қандай қилиб ташкил этиш, қайси интерфаол усуллар иқтисодиёт дарсларида кўпроқ ижобий натижа беришини ўқитувчи билиши керак.

Инновационная направленность предпринимательства как фактор повышения конкурентоспособности экономики страны

Маъмуров Бахтиёр Холматжанович

Мухаммадиева Гузалия Ахмад Кизи

Ташкентский университет информационных технологий

Совершенствование в Республике Узбекистан национальной инновационной системы является ключевой задачей не только научно-технической сферы, но и повышения роли малого бизнеса в отечественной экономике, а так же углубления интеграции страны в систему мирохозяйственных связей.

В Узбекистане имеются все предпосылки для развития малого инновационного бизнеса. Рынок живет нововведениями, и инновационное ускорение является основой его устойчивого развития. Количество зарегистрированных субъектов малого предпринимательства возрастает из года в год. Основные высокие показатели развития малого предпринимательства в Узбекистане характеризуются следующими тенденциями:

- увеличение доли в валовом внутреннем продукте;
- повышением доли численности занятых в малом и частном предпринимательстве более 75 % от общей доли занятых в экономике;
- изменением отраслевой структуры предпринимательства в сторону увеличения доли малых промышленных предприятий;
- расширением деятельности по производству малого бизнеса в сфере промышленности показывающей, что на долю машиностроения и металлообработки приходится 36,3% произведенных инновационных товаров, легкой промышленности - 38,4% и производства строительных материалов - 16,1%.

Численность занятых в малом бизнесе составляет свыше 7,7 млн. человек (включая занятых индивидуальным трудом), или 72,1% общей численности занятых в экономике.

Общие показатели деятельности субъектов малого предпринимательства по отраслям экономики являются достаточно высокими: доля произведенной фермерскими и дехканскими хозяйствами (юридическим лицами) продукции достигла 97,5% общего ее объема; малыми предприятиями и микрофирмами, действующими в строительстве, выполняется более 55,4% общего объема строительных работ; товарооборот малого предпринимательства достиг 48,2% от общего объема товарооборота; удельный вес в объеме платных услуг составляет более 50%, а в объеме рыночных услуг – 50,1%; удельный вес в объеме промышленного производства вырос до 13%. Современная отраслевая структура малого предпринимательства в значительной мере характеризуется спецификой регионов и особенностями развития экономики страны. В числе наиболее активных регионов выделяется Ферганская область, на долю которой приходится 44,8% количества действующих малых инновационных предприятий, Андижанская - 10,2%, Сурхандарьинская, Республика Каракалпакстан - 8,9%. и г. Ташкент - 7,0%

Все выше сказанное подтверждает, что малый бизнес эффективно осваивает передовые технологии. Предприниматели заинтересованы в развитии таких сегментов национального технологического рынка, как переработка сельскохозяйственной продукции, пищевая, текстильная и легкая промышленность, строительство и др. Но малый бизнес страны остро нуждается в новых технологиях и создании на их основе современных производств.

Переход Республики к инновационной модели экономического роста, ставит ряд вопросов о путях и механизмах развития инновационного сектора экономики Узбекистана, решение которых приведет к усилению потенциала конкурентных преимуществ республики.

Для обеспечения инновационно-ориентированного развития Узбекистана, на наш взгляд необходимо решение следующих задач:

- усиление роли частного сектора, способного увеличить экспорт за счет более эффективной конкуренции;

- улучшение параметров стабильности макроэкономической среды (в частности, снижение уровня инфляции);

- расширение доступа на основные экспортные рынки путем проведения переговоров с основными странами-потребителями по снятию торговых, прежде всего нетарифных барьеров на экспортные товары Узбекистана;

- повышение конкурентоспособности экономики и модернизации производственных фондов использования передовых технологий и методов управления производством в ведущих отраслях;

- обновление научно-технического потенциала, необходимого для дальнейшего расширения производства инвестиционных товаров и диверсификации продукции;

- стимулирование технологического перевооружения производства и внедрение инновационных технологий;

- создание единой системы непрерывной подготовки кадров для малых предприятий, способных быстро приспосабливаться к непрерывно изменяющейся конъюнктуре рынка.

Риски инновационной деятельности могут быть уменьшены путем регулирования масштабов внедрения инноваций в малом и частном предпринимательстве.

Информатика ва ахборот технологиялари фани бўйича ташкил этиладиган дарсларда таянч компетенцияларни шакллантириш

У.Х.Мингбоев

ЖДПИ ҳузуридаги ХТХҚТМОҲМ

Инсон ўз ҳаётида шахсий, ижтимоий, иқтисодий ва касбий муносабатларга киришиши, жамиятда ўз ўрнини эгаллаши, дуч келадиган муаммоларнинг ечимини ҳал этиши, энг муҳими ўз соҳаси, касби бўйича рақобатбардош бўлиши учун зарур бўлган кадриятли-мазмунли; умуммаданий; билиш; ахборот; коммуникатив каби бир қатор таянч компетенцияларга эга бўлиши лозим.

Ушбу жараёнда информатика ва ахборот технологиялари фани ва ўқув предмети сифатида муҳим аҳамият касб этади. Бунда информатика ва ахборот технологиялари дарсларида шаклланиб келаётган компетенция бошқа ўқув предметларини ўрганиш мақсадида ўқувчилар билимининг кенг қамровли ахборот муҳитини яратиш учун хизмат қилади. Шунинг учун ҳам, мактаб информатика фани ўқитувчиси олдида турган асосий масала дунёдаги тезкор ўзгаришларга нисбатан мослашишда ўқувчилар компетенциялари даражаларини оширишдан иборат. Шунинг учун ушбу ишда информатика ва ахборот технологиялари дарсларида ўқувчиларда таянч компетенцияларни шакллантириш борасида тўпланган усуллар ҳақида фикр юритилади.

1. Қадриятли-мазмунли компетенцияларни шакллантиришда дарсларда улар томонидан эгалланаётган билимлар қай даражада ва унинг кейинги ҳаётига тадбиқ этилишининг нечоғлик аҳамиятли эканлигини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам дарсларда янги мавзунини тушунтириш жараёнида ўқувчиларга у ҳақида батафсил маълумотларни тақдим этиш, сўнгра ўз навбатида ўқувчилар мавзуга оид саволларни ишлаб чиқиши яъни, “нима учун”, “нега”, “қандай”, “нима ҳақида” ва ҳақозо саволларга дарс жараёнида жавоб излаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Мазкур усул дидактик жиҳатдан ўқувчилар томонидан ушбу мавзунини нафақат тўлиқ эгалланиши, балки машғулотлар тизимида унинг ўринини англаш имкониятини беради. Шунга ўхшаш масалаларни ечиш нафақат информатика ва ахборот технологияларидан олинган билимларни, балки аниқ бир вазиятда ўзини мослаштириш билан боғлиқ амалий чиниқиш лаёқатларини талаб этади.

2. Умуммаданий компетенциясини шакллантириш кўйидаги йўналишларда амалга оширилади: атамаларни талаффуз қилиш вазифаларини ўз ичига олган оғзаки диктант олиш орқали сўзларнинг мантиқий кетма-кетлигини шакллантириш; оғзаки иш жараёнида ўқувчилар томонидан атамаларнинг тўғри талаффуз қилинишига эътибор бериш, йўл кўйилган хатоларни тўғрилаш ишларини бажаришни ўқувчининг ўзига юклаш, агар ушбу хатоларни тузатишда қийинчиликлар юзага келса амалий жиҳатдан ёрдам кўрсатиш; дарсларга тайёргарлик кўришда тарихий манбалардан фойдаланиш; схемалар бўйича матнли масалаларни ишлаб чиқишни уйга вазифа қилиб бериш. Кўйидаги “ундан фарқли ўлароқ.....”, “айтайлик”, “эҳтимол.....”, “менинг назаримда.....”, “унинг.....га алоқаси бор”, “хулоса қилиб айтишим мумкинки...”, “мен бу фикрга қўшилмайман, чунки...ни афзал кўраман”, “менинг вазифам шундан иборатки” ва бошқалар шу каби иборали сўзларни ишлатиш орқали дарс жараёнида ишлаб чиқилган масалалар таҳлили кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

3. Билиш компетенцияси информатика ва ахборот технологиялари дарсларида ностандарт масалаларни ечиш жараёнида самарали ривожланади. Айниқса, бу жараён янги мавзу баёнини муаммоли усулда ҳамда материални ўрганиш асосида кичик тадқиқотлар билан боғлиқ ҳолда олиб борилса самарали бўлади; муаммоли вазиятларни яратиш ўқувчиларнинг ижодий қобилиятларини шунингдек, уларнинг таълим тизимида фаол ақлий ҳаракатларини ривожлантиради. Ўз навбатида

Ўқувчида ушбу фаоллик аниқ маълумотларни таҳлил қилиш, қиёслаш, умумлаштириш орқали янги маълумотларни эгаллашда намоён бўлади. Ўқувчиларга янги тушунчаларни таништиришда у ҳақидаги билимлар тайёр шаклда берилмайди. Уларни далилларни таққослашга ундаш натижасида уларда изланиш вазиятлари кўникмалари юзага келади.

4. Ахборот компетенциясини шакллантиришда ўқувчиларнинг компьютер ва ахборот техникаси кўникмалари билан чегераланиб қолиши керак эмас. Чунки, бундай чекланиш бу фақат ахборот саводхонлигидир. Бироқ ўқувчида ахборот саводхонлиги бўлгани билан ахборот компетентлиги шаклланмаган бўлади. Шунинг учун ўқувчида ахборот маданияти компетентлигини ҳам шакллантириш зарур. Бу саводхонлик тушунчасидан кенгроқ маънони англатади, яъни замонавий техника ва технологияларни онгли равишда эгаллаш, ахборот таҳлили ва ахборотдан онгли тарзда фойдаланишидир.

Ахборот компетенцияси таркибига қуйидаги кўникмалар киради:

Ахборот блоки бўйича: турли манбаалардан ахборотларни излаш; зарур маълумотларни топишда турли ресурслардан (китоблар, журналлар, электрон қўлланмалар, интернет) фойдаланиш; ахборотларни тузилма тарихида жадваллар, схемалар, диаграммалар шаклида тақдим этиш; замонавий техника имкониятларини ҳисобга олган ҳолда ахборотларни фойдаланувчига етказиш йўллари танилаш.

Компьютер блоки ва ахборот техникаси бўйича: замонавий компьютер тузилмасини тушунириш ва унинг асосий қурилмалари жойлашувини асослаш; компьютер ва ахборот техникаси учун айнан бир хил масалалар ечимини танилаш; ахборотларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва узатишга хизмат кўрсатадиган компьютерларнинг бошқа техника билан чамбарчас боғлиқ усуллари асослаш.

Операцион тизим блоки бўйича: Windows интерфейсидан фойдаланишни сошлаш; файллар билан ишлаш; асосий бошқарувни билиш; Windows стандарт дастурларидан фойдаланиш.

Амалий дастурлар блоки бўйича: MS Word муҳарририда матнлар, расмлар, жадваллар, формулалар, графикларни яратиш ва таҳрир қилиш; MS Excel ёрдамида диаграммалар ва графикларни тузиш; турли қидириш ишлари тизимидан фойдаланган ҳолда интернетдан ахборотларни қидириш; MS Power Point ёрдамида компьютерли тақдимотларни яратиш ва фойдаланиш. Ўқувчиларнинг ижодий салоҳиятини шакллантириш ва ривожлантириш асосида дарсларда турли шакллардаги (ролли ўйинлар, ақлий ҳужум, берилган мавзу бўйича ижодий вазифалар ва ижодий лойиҳаларни яратиш) ижодий ишларга ёндашиш.

Лойиҳалар усули—бу ўқув жараёнини ташкил этишда ўқувчилар ўзларининг интеллектуал ва жисмоний имкониятларини ривожлантиришга йўналтириш орқали иродавий ва ижодий қобилиятларини ўқитувчининг бевосита назорати остида намоёниш этадиган эгилувчан моделдир.

Ўқувчилар лойиҳани нафақат дарс вақтида, балки дарсдан ташқари машғулотларда ҳам бажаришади. Лойиҳаларни бажариш жараёни натижалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

1. Қўйидагиларни (ахборот таҳлилини йиғиш, тизимлаштириш, таснифлаш кўникмалари; оммавий чиқиш кўникмалари; ахборотни тушунарли ва эстетик тарзда тақдим этишни билиши; ўз фикрларини ифода этиш, ғояларини исбот қилишни билиши; жамоа, гуруҳда ишлашни билиши; мустақил ишлаш, танлаш, қарор қабул қилишни билиши) шакллантириш ва ўргатиш.

2. Турли предмет соҳаларидаги билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш.

